

# ҲАМИД ОЛИМЖОН



ИККИНЧИ ТОМ  
*БАЛЛАДАЛАР, ПОЭМАЛАР,  
ПЬЕСАЛАР*



ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ - 1958

**САРВАР АЗИМОВ**  
таҳрири остида

\*

Текстни нашрга тайёрловчи  
**Х. СУЛАЙМОНОВА**





# БАЛЛАДАЛАР





## О Н А

1937

;

Она ўз ўглини севади фақат,  
Фақат севади-ю эртақ айтади.  
Ота юрагида аламлар қат-қат,  
Эрта кетади-ю кечин қайтади.

Ясантирмоқчидир Сосони,<sup>1</sup> лекин,  
Эртага етмайди бугун топгани.  
Она касб этмишдир муҳтожлик мулкин,  
Бугун адо бўлар кеча ёпгани.  
Она бечоранинг ёлғиз меҳри бор,  
Кечалар бахт тилар, тилар узун кун;  
Вояга етсин деб ёнар интизор,  
Дунёни севгига тўлдирса мумкин.  
Тилаклар тилайди, армонлари мўл,  
Лекин дуосини ким қилар қабул?  
Асрлар қайғуси она сасида,  
Не бордир Сосонинг пешонасида  
Асло билолмайди... Хира нигоҳи  
Шунда чўзилади тоғлиқлар сари,  
Гўёки кўкдаги оппоқ, мангу қор  
Ваъда этган бўлади баҳор.

2

Нақадар бахтлидир она бечора!  
Наҳотки шу ўғил, шу жигарпора,  
Шу бир эт парчаси, шу бир қошиқ қон,

---

<sup>1</sup> Сосо — Иосифнинг эркалаб айтилгани. Ешликда И. В. Ста-  
линни революцион ишчилар Сосо деб ҳам атар эдилар.

7

Шу чумчуқдай юрак, шу кичкина жон  
Ўзига жаҳонни сиғдирар бир кун?  
Наҳотки асрлар, йилларча жафо  
Чеккан одамларга у этар вафо?  
Наҳотки дунёни қуршаб олган тун  
Шулар қўлларида топажак якун?!  
Ва маъсум онанинг куни тўлганда,  
Бахтиёр бир кунда у туғулганда  
Сўнгсиз ҳақирликлар, кулфат, азоб, ғам  
Денгизига чўккан у ғариб олам  
Турмадими экан ўрнидан тикка?  
Бахт учун курашган шу буюк одам  
Қандай сиғди экан тор бир бешикка?  
Ҳали яланг оёқ ўйнаб юрганда,  
Кўз очиб дунёни янги кўрганда,  
Уни кутармиди чигал тугунлар?  
Она деб айтишни билмаган кунлар  
Унинг юрагида нелар бор экан?  
Маъсум юрагига нелар ёр экан?  
Юксак тоғлардаги оппоқ, мангу қор  
Сўйлаб берармиди элларнинг зорин,  
Олдида бўронлар дард этиб изҳор  
Титиб кўрсатарми қуллар мазорин.  
Тоғлар, водийларда гўзал Гуржистон,  
Ўқиб берармиди бир ғамли дoston?

### 3

Жафо дийдаларга бўлиб қайғудош,  
Сосо узоқларга олиб кетди бош.

### 4

Она кўз тутади, ютади қайғу,  
Она кўзларига жаҳон қоронғу,  
Сосодан дарак йўқ, қайдадир ўғил,  
Қайси эллардадир, қайлардадир ул?  
Қайга ғойиб бўлди суянган тоғи,  
Қайга ғойиб бўлди ёнган чироғи?  
Муқаддас иштиёқ билан шу муштоқ,  
Тоқати тоқ бўлган шу сочлари оқ,  
Ожиз кўзларига қуюлмасдан тун

### 8



Жигарпорасини кўрарми бир кун?  
Жафо дийдаларга бўлиб қайғудош,  
Сосо узоқларга олиб кетди бош.  
Сосони излайди ҳамма ёқда тун,  
Сосони қувлайди қамоқ ва сургун.  
Она кўзларига тунлар чўкади,  
Она ўртанади, ёшлар тўкади.  
Ҳаммани билади она бечора,  
Ожиз юраклари пора ва пора;  
Фироқ оташида куяди жони,  
Куяди жаҳони ва хонумони,  
Йўлга қарайди-ю... фақат англайди:  
Сососи ҳозирча кела олмайди...

5

Она армонлари кетмади увол,  
Она тилаклари бўлмади поймол.  
Она чеккан озор, она қилган зор  
Ҳақир бир дунёда бошлади баҳор.  
Фақир юракларда барг отди кўклам,  
Аччиқ ёшлардаги газаб ва алам  
Дунёни ботирди ўз тўфонига,  
Зулм аҳли қоришди қора қонига.  
Ватанни улғайтди салмоқли йиллар,  
Бахт олиб юксалди миллатлар, эллар  
Она миясида яшнади чақин,  
Она юрагига кун келди яқин:  
Чуқур бир муҳаббат, меҳр сасида  
Сосо пайдо бўлди остонасида.  
Она ҳеч ўртанма, она бўлма лол,  
Йиғлаб боққанларинг этилди ҳалол.  
Ёшлиқдан фироққа ташлаган ўғил,  
Фироқда бағрингни ёшлаган ўғил  
Ҳақир инсонларга бахт бериб келди,  
Эзилган жонларга бахт бериб келди.  
Бағрига босаркан жаҳондай жонни,  
У тамом унутди бутун жаҳонни.  
Шу жаҳон олдида жон берса агар,  
Она севинарди беҳисоб йиллар.  
Қанча ўйлари бор кекса бошида,  
Буюк тоғ тургандай, лекин қошида,

9

Бир хаё босди-ю, тамом бўлди лол,  
Шундай қизиқ кечди энг бахтли бир ҳол.  
Юраги ўйнайди, титрайди лаби,  
Улуғ бир дарёга тикилган каби,  
Унга боққанида кўзлари тинар,  
Ўзининг ўғлидан сўзга тортинар.  
Она ўзида йўқ, тўнади маъсум,  
Сосонинг юзида юмшоқ табассум,  
Тўхтамай кулади, ғамхўр, меҳрибон,  
Ёниқ кўзларида жувон бир жаҳон.  
Онаси олдида, лекин у бир-бир,  
Сўзлаб ўлтирмади қилганларини,  
Зотап онаси ҳам энди кўпдандир  
Яхши билар эди бунинг бариши.  
Она билардики, энди ҳар наҳор  
Бутун Ватан бўйлаб тўлишар баҳор.  
Сосонинг ишига бир далил бўстон —  
Она кўзларида гўзал Гуржистон.  
Шунинг-чун шод эди, шунинг-чун мағрур,  
Шунинг-чун ёнарди кўзларида нур.  
У силаб онанинг қор сочларини  
Йилларча бахтиёр ҳаёт бахш этди.  
Сўнгра хайрлашди ва ўша куни  
Адо этмоқ учун ўз бурчларини  
Пойтахтга қараб у жўнаб кетди.

1924 ЙИЛНИНГ 22 ЯНВАРИДА  
САМАРҚАНД

1938

*Самарқандда ўлмаган-ку ул?*

Хотиримдан чиқмас ўша кун,  
Хаёлимда жонланар бутун...

Қорда эди бутун бир жаҳон,  
Етар эди лайлак қор ёғиб,  
Бошларида булут ва осмон  
Турар эди минорлар сғиб.  
Ҳоким эди ер ва кўкда қор,  
Қорда эди мадраса, минор,  
Қорда эди новда-ниҳоллар,  
Қорда эди майдонга қараб  
Чопа-чопа келувчи чоллар.  
Қишлоқлардан боғлар оралаб  
Келувчилар усти қор эди.  
Ҳали чиммат ичра мўралаб  
Елувчилар усти қор эди.  
Зўр талваса юртнинг барида,  
Бир қайғу бор ёшу қарида.  
Одам кимни йўқотди экан?  
Кимга экан бу оғир мотам?  
Ким бағрига ўқ отди экан?  
Қайдан келди бунча буюк ғам?  
Одамизод қайғулар кимга?  
Бу азанинг қаҳрамони ким?  
Келганмиди дардларга эмга?  
Вафот бўлган қайси бир ҳақим?  
Одам билан зўр майдон тўла:

Бунда бор-ди фаранг, амиркон,  
Ўзбек, қозоқ, хитой ҳам бунда,  
Бунда эди рус, афғон, юнон,—  
Ҳаммасининг боши эгилган,  
Ҳаммасига зўр мотам келган;  
Ҳаммасида, ҳаммасида ғам,  
Ҳаммасининг юзида мотам.

Зўр таажжуб ичида бир чол.  
Ўз ўғлидан қиларди савол:  
Ким ҳам бўлди бу одам, ўғил?  
Бутун бир юрт кимни кўмамиз?  
Самарқандда ўлмаган-ку ул?  
Кўрмаган-ку бизнинг халқимиз?  
Нега барча дийдасида ғам?  
Кўча-кўйни эл босди тоза,  
Ҳатто Темур ўлганида ҳам  
Бўлмагандир бундай жаноза!

Ленин ўлган. Ундай одамни  
Кекса дунё бир кўрди, холос!  
Тарих билмас бундай бир дамни,  
Бундай мотам бўлмагани рост.  
Кўп эскидир олам ва унда  
Кўп буюклар ўтгандир, бироқ,  
Бироқ Ленин тарих сўнгинда  
Буюклардан чиқди буюкроқ.  
Кўз илғамас қоп-қора тунда  
Ўқиб чиқди олам китобин,  
Ва тинглади қамоқ, сургунда  
Ҳар бир очнинг қилган хитобин.  
Марксдайн зўр бошни топди,  
Ишчилардек йўлдошни топди.  
Бир жанговар элни топди ул.  
Қувладилар сургунга, аммо,  
Чна қўзғаб янги муаммо,  
Русияга қараб чопди ул.  
Минг йилларни қийнаган жумбоқ  
Унинг ақли билан топилди:  
Чирик, қонхўр тузумнинг шу чоқ  
Эшиклари тақ-тақ ёпилди.  
Хароб бўлган хор бир дунёни

Бўронлардан олиб ўтди ул,  
Зулмга қарши қўзғалди қони,  
Бир ўт ёқиб шу он этди кул.  
Йўлга солди ўзи бўлиб бош,  
Ва одамга бахт берди ўша,  
Очларга нон, кийим, усти-бош,  
Ерсизларга ерми ҳамиша.  
Буюк эди... Жаҳонгир Чингиз  
Тирноғига арзимас унинг,  
Уша оқсоқ Темур, шубҳасиз,  
Қаршисида тупроқ билан тенг.  
Улуғ Петр, Наполеонлар  
Денгиздан бир томчидир, холос,  
Буюк фотиҳ бўлган Искандар  
Чавандозга қамчидир, холос.  
Инсонга ўт ўғирлаб берган  
Прометей бўлганда ҳаёт,  
Бутун тани бўлса ҳам кишан,  
Уни кўриб ёзарди қанот.  
Агар худо бўлган тақдирда  
Айтганига қулоқ соларди.  
Орқасидан судралиб ерда  
Ҳар кун минг-минг сабоқ оларди.  
Ана ўша солди бу ғамни,  
Ана шуни олди — бу ўлим.  
Ленин кетди, бутун оламини  
Қайғуларга солди бу ўлим...  
Ҳар қанчалик мотам унга оз,  
Олам-олам ғам ҳам унга оз...

Қайғу бордир эл қарашида,  
Қайғу бордир зўр йўлбошчидан  
Жудо бўлган элнинг бошида.  
Денгиз каби чайқалар майдон,  
Денгиз каби оғир ҳансирар,  
Тўлқинлардай тинимсиздир жон,  
Тўлқин каби юраклар урар.  
Қор қуюлар тинмасдан ҳамон,  
Қуюлар у кўп, бениҳоя,  
Бошлар узра булут ва осмон  
Солмиш эди оғир бир соя.

Оғир эди қалблардаги зор,  
Қуюларди бамисоли қор.

Хаёлимда жонланар бутун,  
Хотиримдан чиқмай ўша кун..

## ЖАНГЧИ ТУРСУН

1942

Дарёнинг ёқасида  
Неча кундир борар жанг.  
Бугун яна не қилар?  
Турсуннинг боши гаранг.

Зўр жангларнинг шиддати  
Қилди уни ганг ва лол,  
Қўрқиб қолди у, ҳатто,  
Қочмоқни қилар хаёл.

Бугун унинг ротаси  
Атакага киради,  
Лекин жангчи Турсунга  
Жон ширин кўринади.

«Улиб кетсам бўлмайди,  
Қочганим яхши тезроқ...»  
Жангчи Турсун қочишга  
Улгуролмайди бироқ.

Почтальон онасидан  
Келтиради унга хат.  
Рота ҳужумга тайёр,  
Буйруқ кутади фақат.

Хатни секин очади,  
Уни титроқ ўрайди.  
Онанинг сўзларидан  
Барг каби қалтирайди.

[«Уғлим, сендан хушхабар  
Келарми, деб кўз тутдим.  
Лекин, кўп жойни ташлаб  
Кетибди, деб эшитдим.

Шунда бутун танимни  
Ёндириб қаҳрим келди.  
«Тўхтагил!» деб ҳайқирдим,  
Тилимга заҳрим келди.

Қаёққа чекинасан?  
Борми кераксиз еринг?  
Не учун одам бўлдинг  
Келмасанг душманга тенг?

Сенинг-чун бутун элни  
Оғир уят тутсинми?  
Сени кўрганда қуёш  
Юзини беркитсинми?]

Кўчадан ўтганингда  
Ерга қарасинми эл?  
Икки кўзингга қараб  
Тупроқ тўзғитсинми ел?

Кўзинг тушганда, Аму  
Илондек тўлғансинми?  
Зарафшон уятингдан  
Янтоқ каби ёнсинми?

Йигит бўлиб дунёда  
Шу учун юрганмидинг?  
Ўз юртидан чекинган  
Ботирни кўрганмидинг?

Халқинг учун тўккали  
Йўқми бир қошиқ қонинг?  
Ватаннинг тупроғидан  
Ширин эканми жонинг?]

Ватандан бошдан-оёқ  
Қочиб ўтмоқчимисан?



Ўз туғилган ерингдан  
Чиқиб кетмоқчимисан?

Сўнг қаёққа борасан,  
Қаердан топасан жой?  
Саргардон қулни ҳатто,  
Топа олмагай худой!

Ёт элларда хор-сарсон  
Гадой бўлмоқчимисан?  
Қабр учун керак ерни  
Қарзга олмоқчимисан?

Ўғлим, бу оғир кунлар  
Бир кун ўтиб кетади,  
Лекин қўрқоқнинг шаъни  
Минг йилларга ўтади.

Шунинг учун жангда мард  
Бўлганинг яхши менга,  
Қочиб тирик қолгандан  
Ўлганинг яхши менга.

Орқангга қарама ҳеч,  
Ёвни бурда-бурда қил!  
Агар ўқ текканда ҳам  
Олдингга қараб йиқил.

Ўртоқларинг устингдан  
Майли сакраб ўтсинлар.  
Ёв агар аждар бўлса  
Ўшани ҳам ютсинлар.

Яна бир дўстингга айт,  
Сенинг ёнингда борсин.  
Қон бўлган кўйлагингни  
Олиб менга юборсин.

Мен уни бутун элга  
Фахр этиб кўрсатаман.  
Шаҳар, қишлоқлар бўйлаб  
Уни кийиб ўтаман.

Ҳамма десин: «Бу ўтган  
Бир ботирнинг онаси.  
Ватан учун ўлибди  
Унинг ёлғиз боласи...»

Рота жангга киради,  
Турсун бошида зўр юк.  
Дунёда ҳеч сўз борми  
Она сўзидан буюк?

Милтиғини кўтариб  
Боради Мажнун каби,  
Она сўзларин айтиб  
Пичирлаб турар лаби.

Бирдан бошланган ҳужум  
Она сўзини дейди.  
Оёғи остида қум  
Она сўзини дейди.

Уқларнинг йиғисидан  
Уچار она фарёди,  
Бомба портлашларидан  
Эшитилади доди.

Лойланиб оққан дарё —  
Онанинг кўз ёшидай.  
Бошин эгиб дарахтлар  
Турар ғамгин бошидай.

Она оғир ва хафа  
Кўринади Турсунга.  
Кўзини очолмайди,  
Боқа олмайди кунга.

У найза санчишади,  
Сапчийди олға томон.  
Ўлим нима билмайди,  
Кўринмас кўзига жон.

Немиснинг ўлигини  
Босиб ўтиб боради.

Найзага қалпоғини  
Осиб ўтиб боради.

Ҳамон чопиб боради,  
Ва лекин кўкраги қон,  
Оғриқни ҳеч сезмайди,  
Сира қилмайди фиғон.

Минг еримдан тешсанг ҳам  
Энди қўрқмайман, дейди.  
Ичган билан қонингга  
Асло тўймайман, дейди.

Ўт ёнган кўзларига  
Тикилган каби ҳамон  
«Тўхтама!— дейди она,—  
Чоп,— дейди,— олға томон!»

Оғайнилар, ўртоқлар  
«Санч!?» деганга ўхшайди.  
«Тўғрингдаги фашистни  
Янч!»— деганга ўхшайди.

Найза санчар маст каби,  
Найзаси қип-қизил қон,  
Қўли қон, милтиғи қон  
Ва кийган кийими қон.

У, ерга йиқилади,  
Ўқдай учиб бораркан.  
Тоғдай оғир қулайди,  
Қуш сингари енгил тан.

Танидан булоқ каби  
Тинмай қон тирқирайди.  
Тирсагига тиралиб  
У атрофга қарайди.

Анча узоқ кетибди,  
Фашист ҳам бўпти тамом.  
Уфқ ҳам қизарибди,  
Қуюла бошлабди шом.

Жангчи дўстлари энди  
Дарёдан ўтмоқдалар.  
Барчаси тўпланишиб  
Кўприкни тутмоқдалар.

У жуда хурсанд бўлиб  
Тупроққа қўяди бош.  
Бошлари қип-қизил қон,  
Гўё ботувчи қуёш.

Улдимн, ухладими?  
Энди барибир унга,  
Уйқусн ўлим каби,  
Улим ўхшар уйқуга.

Эркалиниб ётади  
У Ватан тупроғида,  
Еш бола ётганидай  
Онанинг қучоғида.

## РОКСАНАНИНГ КҮЗ ЕШЛАРИ

1944

Кичкина бир тугунчак  
Роксана қўллариди,  
Айланади қуюндак  
Шаҳрихон йўллариди.

Кезар тинмай дарбадар,  
Ҳеч кимга айтмас аҳвол;  
То шомдан тонгга қадар  
Давом этади бу ҳол.

У тинмасдан қийшиқ, тор  
Кўчаларга киради.  
Топгандек яна озор  
Чўлларга югуради.

Қўлида бир тугунчак,  
Қаттиқ босган бағрига.  
Сўйлагил, эй келинчак,  
Бунча чопасан нега?

Гоҳ сойда, гоҳ кўчада.  
Кезиб нелар қиласан?  
Бу зим-зиё кечада  
Нималар қидирасан?

Лекин ҳеч бир гап кирмас  
Роксана қулоғига.  
Чопади, олмас нафас,  
Боқмас сўлу соғига.

Қўлида бир тугунчак,  
Уни яширмоқчими?  
Ё бир умр қуюндак  
Дарбадар юрмоқчими?

Уни ҳеч ким кўрмайди,  
Ҳамма ундан беҳабар.  
Барибир тополмайди,  
Излаганда ҳам агар.

\* \* \* \*

Қаттиқ уйқуга қониб  
Ётади тун қучоғи,  
Сора сачраб уйғониб  
Кетади саҳар чоғи.

Оғир қисиб нафаси  
Чиқади ташқарига:  
Роксананинг хонаси  
Очиқ ётибди, нега?!

Хонада йўқ ўзи ҳам.  
Сора тамом бўлар лол,  
Ҳамма сир унга мубҳам  
Келтиради зўр малол.

Не воқеа ўтибди?  
Бу нима гап, бу не ҳол?  
Қаёққа ҳам кетибди,  
Бизнинг мусофир меҳмон?

Гангиб қолдими боши?  
Шўрлик қолди қаёқда?  
Йўқ-ку ҳеч қариндоши.  
Юрти ҳам кўп узоқда!

Ва ёки ўртамизда  
Ёмон бир гап ўтдими?  
Ёки айб кўриб бизда,  
Уйни ташлаб кетдими?..

...Ё соғиниб элини  
Бўлдими юраги қон?  
Ажабо, қайга кетди  
Бизнинг мусофир меҳмон?

Сора бутун ҳовлини  
Турғизади оёққа,  
Ҳаммаси Роксанани  
Чиқишар изламоққа.

\* \* \*

Ниманидир излайди,  
Роксана ҳамон тинмай,  
Майин-майин бўзлайди,  
Кўнглида бир ғамгин най

Ариқ, жарлардан ошиб,  
Қарайди деворларга.  
Юра-юра адашиб,  
Суянади толларга.

У билмайди не гаплар  
Ҳовлида ўтганини,  
У билмайди қўшнилар  
Уйғониб кетганини.

Сора кўтариб ғавғо  
Чиққанини ҳам билмас.  
Дунёда ўзни танҳо  
Сезади у шу нафас.

Қўлидаги тугунчак  
Унга энг зўр қадрдон.  
Дунё, хазина, чечак —  
Бари бир пул шу замон.

Суяниб букилади  
Дала оғочларига.  
Тонг нури тўкилади  
Паришон сочларига.

Турар ҳеч нарса сезмай,  
Оғир қарашлари ҳам.  
Тик турар ғам қушидай  
Ингичка қошлари ҳам.

Кипригини ҳўл қилган  
Шабнамми **(ва)** ёки ёш?  
Жувонга нима бўлган?  
Ким экан унга йўлдош?

Не алам босган уни?  
Улфат бўлган қандай ғам?  
Бағрига босганини  
Кўра олмас қуёш ҳам.

\* \* \*

Оҳ, Роксана, бағрингга  
Нимадир ул босганинг?  
Не мушкул иш бошингга  
Яна ёғилди санинг?

Бу ёлғиз — танҳоликни  
Топдинг қайси китобдан?  
Яширасан нимани  
Ҳаттоки офтобдан?

Сенинг учун шу қадар  
Азиз бўлган нима у?  
Нега лабларинг титрар?  
Ҳамроҳинг қайси қайғу?

Наҳот одамизоддан  
Уни шунча яширсанг?  
Кечиб бутун ҳаётдан  
Тунларда якка юрсанг?

Ва сен учун наҳотки,  
Бир сирдош топилмади?  
Сўйлагали дардингни  
Бир йўлдош топилмади?



У, атрофда бир овоз  
Эшитганга ўхшайди.  
Қалб ипларини бир соз  
Хўп чертганга ўхшайди.

Маст каби қарайди жим  
Нотаниш қишлоқларга.  
Кетиб хаёли бир зум  
Анча узоқ ёқларга.

Йўлга тикилар экан  
Кўзи тамом тинади,  
Жондан ҳам ортиқ севган  
Элини соғинади.

У элни эслаганда  
Қисилар нафаслари.  
Торайган бўлиб яна  
Қалбининг қафаслари.

Хонадонига бирдан  
Фашист бўлганда эга,  
Партизанликда қолган  
Эри келар ёдига.

Утади кўз олдидан  
Кўкка чиққан тутунлар.  
Кичкина Вова билан  
Қишлоқдан чиққан тунлар.

Эй онам кўмилган ер,  
Нега бунча йироқсен?  
Кул бўлсанг ҳам барибир  
Мен туғилган тупроқсен.

Эй ўғлим туғилган эл,  
Қандай қилай соғинсам?  
Етармидим мен енгил  
Хаёл қушидай бўлсам?

Лекин мен етолмайман,  
Бошимга тоғ йиқилган...  
Ҳеч нарса деёлмайман  
Бу кеча... Вова..., ўлган...

\* \* \*

Оппоқ тонг туманида  
Қимлардир изғишади.  
Қўп сирлар гумонида  
Баланд-пастга тушади.

Роксанани излашар —  
Улар олдида Сора.  
Жонсарақча сўзлашар  
Қилиб минг хил ишора.

Қаерда ҳам қолди, дер  
Бизнинг мусофир меҳмон?  
Ҳаммаси ҳам афсус ер,  
Тополмасдан бир нишон.

Чарчамай изламоқдан,  
Сора ичади қасам:  
«Таом ўтмас томоқдан  
Роксанани топмасам».

\* \* \*

Роксана кўзларини  
Тикади тугунчакка.  
Ёш ювиб юзларини,  
Доди чиқар фалакка..

«Сени мен қандай қилиб  
Тупроққа топшираман.  
Сўнгра тириклай ўлиб  
Қандай қилиб юраман».

Сойнинг катта тошига  
Бош уриб сувлар куйлар.  
Роксананинг бошига  
Келади минг хил ўйлар.

Уни босар талваса,  
Яна ортади зори:  
«Бу ерда қайда бўлса  
Христиан мозори?»

Мусулмонлар боламни  
Қўярми ўз ерига.  
Ё тақдир, мунча мени  
Улоқтирдинг сен нега?»

Роксананинг лаблари  
Нималардир пичирлар.  
У, мозорга киради,  
Кўнглида қанча сирлар.

\* \* \*

Қаршисига мозордан  
Пешвоз чиқади бир чол,  
Қошлари ҳам оқарган,  
Кўкрагигача соқол.

Қўлида бир тугунчак,  
Роксана турар титраб,  
Тили тутилган андак,  
Айтолмайди бирон гап.

Салом,— дейди,— жон қизим,  
Ерга эгилади чол.  
Бир нарса сезгандай жим  
Ва бермас ҳатто савол.

«Боламни ол, отажон,  
Муқаддас мозорингга,  
Билки, келдим, бегумон,  
Паноҳ тутиб мен сенга».

Чол йиғлайди, милдираб  
Кўзидан келади ёш;  
Киприкларида кўлоб,  
Тугалар сабру бардош.

«Билсанг, менинг ҳам ўғлим  
Қолди сенинг ерингда.  
Бор менинг ҳам бир қабрим  
Сенинг севган элингда.

Бу уруш кўп халқларнинг  
Озорини ҳам қўшди,  
Тақдирини қилди тенг,  
Мозорини ҳам қўшди».

Болани икки қўллаб  
Оҳиста олади чол.  
Гўёки чанқаб, чўллаб  
Хўп ўпади бемалол.

«Бу тупроқ энди сенга  
Она қизим, ёт эмас.  
Украинани ҳам менга  
Ҳеч ким бегона демас».

Кўз ёши булоқ-булоқ,  
Чол нимадир ўқийди.  
«Ё омин энди тезроқ  
Душман йўқ бўлсин»— дейди.

\* \* \*

Бир тўда одам билан  
Бўлиб тоза овора,  
Мозор бошига бирдан  
Етиб келади Сора.

Роксанани бу ҳолда  
Кўриб қолади ҳайрон:  
Зўр изтироб бор чолда,  
Йиғлар мусофир меҳмон.

Сора ўзини билмай  
Роксанага ташлайди.  
Ҳамма ўзин тутолмай,  
Бирдан йиғлай бошлайди.

Йиғи-сиғиларини  
Эшитмайди ёш гўдак.  
Ва юмиб лабларини,  
Ётади гўё чечак.

Чечак эмас у асло,  
Очилмаган бир гунча,  
Уни урибди бало  
Гул бўлиб очилгунча.

Ётади манглайи кенг,  
Жон йўқ киприкларида,  
Қимирлаш йўқ боланинг  
Момик билакларида.

Ётади у беозор,  
Ёзиб қулочларини.  
Фақат шаббода зор-зор  
Тарайди сочларини.

Роксана қарайди-да  
Ҳасратлари ошади,  
Тонг қушлари ҳавода  
Учишиб йиғлашади.

Вовани қўядилар  
Улар қора тупроққа,  
Сўнг яна бошлайдилар  
Увиллаб йиғламоққа.

Уларнинг бошларида  
Учади кўп кабутар,  
Роксана ёшларида  
Акс ётади бехатар.

О, Роксана, эй санам,  
Ютдинг заҳар-заққумлар,  
Осиёда бўлди нам  
Ёшларингдан кўп қумлар.

Ажаб эмас безавол  
Бу қумларда гул унса,

Манзил топса бемалол,  
Ҳаёт қушлари қўнса.

\* \* \*

Қоронғулик йўқолиб,  
Тонг тамом ёйилади.  
Дунё нур ичра қолиб,  
Қуёш билан тўлади.

Одамлар уйларига  
Қайтишадилар шунда;  
Ва гўёки ҳеч нарса  
Утмагандай бу тунда



ПОЭМАЛАР







## КОМСОМОЛ КЕЛАДИ

1929

1

Кун қизиқ,  
Ҳар ённи ўт босган:  
Аланга юзларни ювади,  
Райкомга улашган кўчадан  
Комсомол қўшини келади.

Бир аскар сингари кийинган,  
Маҳкамлаб боғлаган белини,  
Шу куннинг бахти-ла севинган,  
Англаган ва севган йўлини.

Ҳар бири юракли ва дадил,  
Оловдан, тўфондан қайтмайди.  
Ҳар бири баҳордай кулган дил,  
Ваҳмага ўзини отмайди.

2

Зўр қўшин райкомни тингларкан,  
Қайнайди, тўлқиндай тошади.  
Оловли юраклар қўшиғи  
Минорлар бўйидан ошади.

— Тинглангиз, биз темир сафлар-ла,  
Уруш — жанг қўйнига кетамиз.  
Ёш, пўлат кучларни кўрсатиб,  
Шу қизил шаҳардан ўтамиз.

Муסיқа ўйноқи оҳанг-ла  
 Ел каби шаҳарни ўйнатди.  
 Кенг шаҳар денгиздек тебраниб,  
 Тўлқинни бағридан узатди.

Очилди казарма қучоғи,  
 Ут танли ўғиллар, қизлар-ла,  
 Чўғ каби порлаган юзлар-ла  
 Яшнади бу кураш ўчоғи.

Биз бекор туришни севмаймиз,  
 Дарвишдек паришон кезмаймиз.

Биз кучли коллектив, йиғилиб,  
 Уйинни, кулгини бошлаймиз.  
 Ҳарна бор,  
 Даврага ташлаймиз.

## 4

Биз энди казарма қўйнида,  
 Учинчи кечани кутамиз,  
 Эҳтимол, саҳарни яшнатиб  
 Курашга, жабҳага кетамиз.

## 5

Кўнгиллар кечадек тинчланиб,  
 Езилиб, барқ уриб ўхларди.  
 Шуълалар боқарди учланиб,  
 Кенг сарой, мадорсиз, мудрарди.

Штабдан бир сигнал чалинди,  
 Маконни ёвларми  
 босгандек?

Ё тилак эрини  
 осгандек,  
 Шошилиш бир ғавғо ўйнади.

— Тур,  
қўзғал,  
ухлама!  
Бу онанг эмас:  
— Ухла,  
тинч ёт қўзим,  
роҳатлан,  
демас.

6

Биз ҳозир кўчани тўлдириб,  
Самарқанд шаҳридан чиқамиз.  
Уйғотиб, борлиқни кулдириб  
Ленин кўчасидан кечамиз.  
Ердаги олтин соч ва порлоқ  
Юлдузлар нурини ичамиз.

Шаҳар ҳам у юмшоқ еллар-ла,  
Танларни эркалаб қўяди.  
Булутлар бағрида ой, секин...  
Хаёлли...

... ва оғир кезади.

Юлдузлар бир лахча ўт каби  
Ҳар ёнда қизил хат яратиб,  
Ва баъзан учқунлар таратиб,  
Кўкларда балиқдек сузади.

Ўнг томон,  
тоғлар-ла гердайган,  
Узоқдан Зарафшон оқади.  
Мавж уриб, кўпириб, кўриниб,  
Қуёшдай ялтираб боқади.  
Сўл томон:

ям-яшил кийинган,  
Япроқлар титрашиб ётади.  
Уларга шаббодда бир қўниб,  
Сийпалаб,  
аллалаб кетади.

Тоғларга «қизиллар» бекинган,  
Сездирмай эмаклаб шувади.  
Чумали сингари ўрмалаб,  
Тоғ қизи — какликдек йўргалаб,  
Ҳар бири зафарни севади.

— «Душманлар» сўл ёқни ўради.  
Уларга тез олов ташлангиз.  
Уқларни дўл каби ёғдириб,  
Газлардан бўронлар бошлангиз

Сел каби тўсиққа берилмай,  
«Душманлар» босишиб келади.  
Қуюндек довриқ-ла чувалиб.

.....

Қўмондон ҳайқирди шер каби;  
— Олингиз дўппини бошлардан,  
Ҳой, кўкрак кўтаринг тошлардан —  
Тинмасдан ўйнарди лаблари.

7

Қишлоқнинг майдони лиқ тўлган,  
Юраклар курашга тепади.  
Қуёшнинг тиғида терлаган  
Танларни кўйлақлар ўпади.

— Шу тоғлар, тошларга бош қўйиб  
Англадик кўп мубҳам сирларни.  
Тўлқинли дostonлар биз туйиб  
Оқиздик қуёшда терларни.

Шу пўлат кучлар-ла ҳар он биз,  
Еш, қизил Ватанни сақлаймиз.—

У ўтли қўмондон сўзлари  
Қалбларга ўрнашиб қолдилар.  
Курашнинг у олов юзлари  
Дилларда янги соз чолдилар.

ЖАБҲА БҮЙЛАБ<sup>1</sup>...

1931

1

Тарихнинг йўли

Кечди судраб  
этагини  
оғир бир тарих,  
Кечди йиғиб  
қанотини  
машъум бир булут.  
Ўтди ёниб  
тўрт томондан  
тутун сочган ўт.  
Тортди ваҳший  
қулочини  
мудҳиш бўкирган,  
Оғриб оққан,  
ўлиб боққан  
ваҳш бир бургут.  
Чиқди енгиб  
жабҳалардан  
большевик синф.  
Чиқди йиртиб  
чакмонини  
тенгсиз паҳлавон,  
Синфий ёвни  
янчиб,  
йиқиб  
юраги қонган,

---

<sup>1</sup> Поэма қисқартиб босилмоқда — *Ред.*

Чиқди чидаб  
курашлардан кийимсиз,  
нонсиз.

Улим билан  
ҳансираган душман  
омонсиз,

Омонсизча барбод бўлди  
юксак тоғларда,

Омонсизча барбод бўлди  
кенг қучоқларда.

Шундай аччиқ  
ўлим ютиб,  
минглаб ўлдилар,  
Қўрбошилар,  
босмачилар,  
ҳар миллатчилар,  
«Оҳ ватан» деб,  
ёвуз ёвлар  
бир ўтишдилар.

Кўплаб кетди,  
кўп қурбонлар  
кетди курашда,

Кўп шарафли  
қурбонларнинг  
юмилди кўзи,

Сўнди минглаб  
онлалар  
порлоқ юлдузи.

Курашларда  
маҳкам турди  
большевик синф,

Зафар сочиб  
хандақлардан  
ул кўтарди бош,

Ёв ботолмас  
 танларига ўт қўйди қуёш.  
 Фалокатлар  
 босган ердан қўзғалди тикка,  
 Маҳкам туриб,  
 ишчи синф партияси-ла;  
 Чикди қуруқ,  
 қора-қурум, қора тумандан,  
 Қозонида  
 қон қайнаган қаҳратон ондан,  
 Ёвлар унинг  
 масканини қилса-да вайрон,  
 Ҳеч камбағал,  
 увада қолмай ёвлар сурса-да;  
 Ёш номусли  
 қизларнинг сочин кесса-да,  
 Умид билан  
 олдин борди. Қайтмади кетга.  
 Бир қўли-ла  
 ўқлар узиб ҳар душман ўтга,  
 Бир қўли-ла  
 дунё тузди. ботмай сукутга.  
 Пулат синф  
 қўйди ҳар чоқ тишга тишини,  
 Маҳкам турди  
 ҳар камбағал, ҳар бир батрак:

Қувилдилар  
ифлос,  
олчоқ  
Шермат, Анварлар,  
Бас келмади  
Антанта-да,  
йўлланган зарлар,  
Бас келмади  
миллион-миллион  
бомбалар,  
тўплар,  
Бас келмади  
миллионларнинг  
жони-қонига —  
Найза кирган,  
ўқлар тушган.  
Кўкрагини тошга бериб,  
курашда пишган,  
Боғлаган бел,  
Меҳнаткаш эл,  
Кесди, тўймас  
у жаҳонгир инглиз  
қўлин,  
Тўсди йиртқич  
душманларнинг  
эзувчи йўлин.  
Қўйди темир,  
пўлат синф  
тишга тишини,  
Зафар билан  
тамом этди  
ул ўз ишини.  
Кечди судраб  
этагини  
оғир бир тарих,  
Тарқатилди  
юррак сиққан  
қоп-қора туман,  
Олдиндаги курашлардан  
қаттиқ бонг урғай,



Улиб кечди  
оч бўридай,  
оғзи қон  
бир он!.

2

*Ендир ерни!*

Пастликлардан  
кўтарилган  
бир паровоздай,  
Бир олов ўқ  
ёниб ўтди  
қийин онларан,  
Қуёш ютиб,  
чечак отиб,  
кўкламдай,  
ёздай,  
Ҳаволарга  
тўлқин бериб  
азамат создай  
Довруқ солди  
жаҳонларга  
большевик ўлка!  
Турди тикка,  
пўлатлардан  
ишланган тани,  
Тикка турди,  
лочинлардай  
учиб ўтган ер,  
Тикка турди,  
тупроқларни  
ўпиб ўтган ер,—  
Дадил,  
жонли  
қон юргузди  
темир бадани.  
Керак қаттиқ,  
душманларга  
бошламоқ ҳужум,

Керак, ортиқ  
зулукларни  
ердан ҳайдамоқ!  
Керак энди,  
эркин яшаб,  
ҳар дсҳқон,  
Ер бағриши  
тилка-тилка  
батырак,  
Керак энди,  
ҳар меҳнаткаш  
ёриб ташласин,  
оғир йилларнинг  
Лаззатини яшашларда  
туя бошласин.

Маҳкам турди,  
қўл қадоқ,  
ҳар ишчи,  
батырак,  
Маҳкам турди  
большевикча  
қалб..  
Вайрон,  
тарқоқ,  
ҳайрон  
қишлоқ  
Уруш қилди  
қора кунлар  
қонунлари-ла,  
Қуръонларни  
тепиб ўтиб  
тўпланди бирга,  
Қаттиқ туриб  
қишлоқда ҳам  
қилди инқилоб:  
Ғариб,  
тарқоқ,  
эрксиз,  
хароб  
кенг чўлларга

Бонг урароқ  
                                 кирди  
                                 трактор.—  
 Эски йўллар,  
                                 тор бурчаклар,  
                                 дилларни ёндир!  
 Ендир ерни,  
                                 бу кунларга  
                                 қон бериб келдик,  
 Ендир ерни,  
                                 ўлим — қурбон,  
                                 жон бериб келдик!  
 Хашак каби  
                                 ёнсин бу кун  
                                 балчиқ деворлар,  
 Енсин,  
                                 якка юрак боққан  
                                 ҳоллар, даврлар.  
 Ендир ерни,  
                                 курашларга  
                                 кўкрак керганмиз!  
 Ендир ерни,  
                                 инқилобга  
                                 виждон берганмиз!  
 Янги дунё яратамиз,  
                                 бузиб эски дунёни,  
 Бузиб,  
                                 узиб  
                                 қайта бошдан,  
                                 том янгидан  
                                 қурамиз уни.  
 Кенг чўллари,  
                                 саҳролари,  
                                 шаҳарларини  
 Янги йўлга,  
                                 янги куйга  
                                 солсин ҳар куни!..—  
 Деб қичқирди  
                                 ҳар жойда хор,  
                                 ҳар бир ерсиз,  
 Ҳар бир батрак:  
                                 — Инқилоб!

— Ер!..  
 Амр берди  
 большевик ўртоқ,  
 Тарих билмас  
 одимлар-ла  
 юксалди қишлоқ.  
 Қуръонларнинг  
 қонунлари  
 барбод этилди,  
 Ленин йўли  
 кўнгилларга  
 маҳкам битилди:  
 — Ипқилоб!  
 — Ер!..—  
 деб бонг урди  
 большевик ўртоқ.

3

*Очиб кўкрак*

Ажал турмуш  
 кўраётир  
 даҳшатли бир туш,  
 Қўчалар бўш...  
 Қўк — тубанга,  
 ерга ингандай  
 Айлантириб  
 чирмаб олган  
 тупроқ бетини  
 Ер йўқотган  
 борлиқни,  
 тани,  
 этини.  
 Туманларда  
 ўра каби  
 ер ўйилгандай,  
 Тилаги ёт,  
 қора ҳаёт  
 чўзилган шундай,

Фоҳишалар  
                     айнаб,  
                                     судраб  
   кенг этагини  
 Ҳар бурчақда  
                     бир булғатиб  
                                     танни,  
   тагини —  
 Утган замон,  
                     алла бир он,  
   кетларда қолди,  
 Саройларнинг  
                     кайфи учун  
   туғилган  
 Даврларнинг  
                     даврасидан  
   дод-ла йўқолди.

Тор уйларни  
                     енгиб чиққан  
   ҳар чидамли қиз,  
 Бир умрга  
                     эрк эгаси,  
   ишлаб ўсган  
   ҳар озод кўнгил,  
 Зах деворлар панжасин-да  
   синдирилган ҳар қул  
 Заводларда,  
                     «ҳужум»ларда  
   эркин олиб тин,  
 Янги дунё  
                     қўрғонига  
   қадам ташлади,  
 Янги дунё  
                     қўрғонини  
   қура бошлади.

Зут ўтказмай,  
                     душманларга ҳеч  
   бермайин дам,  
 Барча миллат  
                     имгакчиси,  
   ҳаммаси бирга,

Бирлик билан бино қуриб  
 бари бир ерга,  
 Бир байроққа,  
 бирдай туриб  
 қўлни узатди.  
 Заҳар олур нафасларда  
 хандақда ётиб  
 Бир аскардай,  
 бир милтиқдан,  
 бирдан ўқ отди.  
 Бир нур оқди  
 партиянинг  
 ҳар саботидан,  
 Чопди тинмай,  
 синфий қонун  
 тушмай отидап.  
 Ленин қалби  
 орзуларга  
 ёнди бир чироқ,  
 Электр қуёши-ла  
 кулбалар порлоқ,  
 Керди кўкрак  
 зўр заводлар,  
 зўр фабрикалар.  
 Айланмоқда  
 кучли,  
 оғир,  
 ботир дастгоҳлар,  
 Узалароқ  
 кўклар сари  
 труба-тутунлар,  
 Очиб кўкрак  
 ҳар кун янги  
 бир юксак бино,  
 Ҳар кун кулиб  
 келаётир  
 бир тоза дунё,  
 Тупроқларни қўпормоқда  
 экскаватор,  
 Қатор-қатор  
 оқаётир  
 минглаб трактор.

Ҳар трактор шаҳарларни қишлоққа ташир.  
Қурилмоқда оғир, пўлат, чуян шаҳарлар,  
Қурилишлар қўрғонида қайнаётир иш,  
Юракларга кираётир социал турмуш.

4

### *Ҳужум!*

Қишлоқ тез-тез мина кетди тракторга.  
Шаҳарларнинг кучоғида автоматлар  
Электрик тезлигини қуваётирлар.  
Яйраб, қониб қурилишнинг булоқларига  
Миллионлар ҳам қалбларини юваётирлар.  
Қурилишлар, тракторлар, автоларини,  
Фабрикалар ҳар томонга оқизиб моллар,  
Коллективлар далаларда, пахта, галла.  
ДОН,

Сибирия дарёлардан  
суздириб ўрмон,  
Украина боқиб ерда  
миллиард пудлаб  
шон;  
Қолипларга қуйиб қўрғошин  
Урал тоғлари,  
Томирларга куч киргизиб  
нефть булоқлари,  
Узоқ йиллар постда турган  
ҳар ҳушёр аскар,  
Синфларнинг юрак тилин  
англаган  
падар,  
Қутбларга байроқ тиккан  
ҳар бир сафарбар:  
— Жабҳа бўйлаб  
душманларга  
кенг ҳужум!— деди.  
Донбассларда қазиб кўмир  
юзи қорайган,  
Трактор-ла қўпориб ер—  
ёл юрак деҳқон,  
Курашлардан шараф топган  
ҳар бир томчи қон:  
— Нэпманларга,  
қудоқларга  
кенг ҳужум!— деди,  
— Ҳужум!— деди,—  
ўлаётган  
бемор синфга!



Боғланароқ  
кутурғувчи бўри,  
бир итга!

Қолди топмай  
душман ҳеч жой  
қўймоққа жонни,

Ер ахтариб  
юраклардан  
тўкмоқ учун қон,

Тулки бўлиб  
курашларга  
ташлади ўзни!

Қурилишнинг  
ҳар ғиштига  
қадади кўзни. —

Цемент,  
шағал босиб изларига,  
юксалди давр.

Барча ёвлар  
ғазаблар-ла  
ёниб бир умр;

Қатгий,  
кескин  
урушларга  
қўзғалди тикка.

Ёв енголмас,  
куч тўплаган  
азамат ўлка:

— Улаётган  
синфларга  
кенг ҳужум! — деди.

5

*Англа!*

Бемор синф  
изғириндек  
тўхтамади ҳеч,

Ураларда,  
пастқамларда  
тўзон қўзғатди.

Тиниб кўзи,  
айлангувчи  
тентак қулундек,  
Ҳар бурчакка,  
ҳар тупроққа  
ўзини отди.  
Тўхтамади,  
зир югурди,  
эрта, кундуз, кеч.  
Аввалги кунни  
босмачига  
ғазалхон бўлган,  
«Кўшинларни»  
зўр курашга  
жарлаган, қувган,  
Анвар ўлгач,  
қайғуларга,  
ёшларга тўлган,  
Миллатчига  
кўнгил берган  
кўп ёвуз душман  
Утгандаги  
қилмишидан,  
гўёки, кечиб,  
Майдонларда  
қасам ичиб,  
тавба қилмоқда.  
Шўроларнинг қувватига  
имон келтириб,  
Кўз олдида,  
сенга қараб,  
ўлтириб,  
туриб,  
Душманга  
хўмрайиб,  
лабини буриб,  
Бекиниб,  
ҳар ёнга санқиб,  
югуриб,  
Бириси «сўл» ёқдан

Бириси ўнгдан,  
   ичларда  
   «дўст» бўлиб  
 Ниқоб-ла  
   кўринмоқда...  
 . . . . .  
 . . . . .  
 Барибир —  
   «сўл» кетсанг  
   ўнгдан келасан!  
 Унг ёқдан юрсанг-да,  
   «сўл»дан чиқасан:  
 Сен ҳали бошқамас,  
   сен ҳамон сенсан.

Душман айёр,  
   ниқобларга ўралиб олди,  
 Ниқобга бекинди  
   ҳар бир рижор.  
 — Англа!  
   Кураш битган эмас,  
   яширин тус олди!  
 Синфий хирсинг  
   ўйинлари  
   шундай кулади,  
 Шундай сирли,  
   шундай яширин  
   рангга киращи.  
 — Англа!  
   Душман ичимизда  
   ниқоб остида,  
 Қутурган ул,  
   юракларни  
   тишлаш қасдида.  
 Ғазабли,  
   тез,  
   қатъий кураш  
   давом этажак,  
 Кучсиз,  
   беҳуш душман  
   курашларда  
   албат битажак!

*Икки юз*

Елдек енгил қимирлаган,  
— Англа! эй ёш комиссар,  
Билки,  
қалби қора энг қотил душман,  
Ваҳш бургут, булутларга  
сиғинган,  
Бугун кўкрагига «Ленин» таққан,  
Қўлда партбилет, ҳар томонга  
буйруқ берар,  
«Ишла,  
қабул эт!»— ҳар бир сўзи,  
Жуда қизиқ,  
ўтакетган «сўл»,  
Ҳар қадамда  
такрор этар  
«Партия!»  
«Бош йўл!» —  
Газеталарга,  
журналларга  
раҳбар,  
муҳаррир,  
Салом берар,  
таъзим қилар,  
ҳурматлар ҳар ер.  
Лекин ўзи,  
ниқоб кийган,  
қалби: чириган,  
Еш тилаклар  
қўрғошиндай  
қўнган,  
қуйилган,

Еш хаёллар  
                            қўргошиндай  
  қалбига синган:  
Сўзларда:  
                    «Йўқолсин аксинқилоб!»  
Порласин,  
                    гулласин,  
                                    қуррият,  
  офтоб...»  
Амалда:  
                    душманлик,  
                                    хурофот,  
  қоронғулик...

Бир тўда оғзи қон,  
                                    бир қўтон бўри  
Киргизди  
                    кўп жойга  
                                    ўз агентини:  
Дилларда ёзилган —  
                                    «янги Туркистон»

Тарқатди бо заҳар,  
«Миллий йўл» ҳар он,  
Чўққайиб — «капитал»,  
Чўққайиб — «қуръон» —  
Чемберлен — «пайғамбар».  
Чемберлен — «худо» —  
Барчаси  
                    шу бутга  
                                    қилиб иқтидо,  
Ўргимчак сингари  
                                    ўрмалаб секин,  
Ҳар ишчи,  
                    деҳқонга  
                                    сақлаб нафрат,  
  кин,  
Мақсади:  
                    «Йўқолсин инқилоб!»  
  Офтоб!»

Партбилетни  
                    юзларига  
                                    этиб ниқоб,

Чайқалди қўрқинчли,  
                                мудҳиш чўлларда.  
Узи тутган,  
                                ўз севган  
                                ёш боласини  
Узи биллагидан  
                                ушлаб  
                                гўрга судраган —  
Улимлар онаси —  
                                олчоқ чўлларда.

7

*Улим ёвга!*

Агар душман  
                                ўзи  
                                таслим бўлмаса,  
Узи,  
                                ёвуз кечмишига  
                                кулмаса,  
Узи,  
                                сассиқ алаф бўлиб  
                                сўлмаса,  
Узи,  
Қора тарихининг чечакларини  
                                ўз қўли-ла  
                                жаллод каби  
                                янчиб юлмаса,  
Бўлар тор-мор,  
                                этилар хор!  
                                Бўлажакдир  
                                бир сиқим ҳам  
                                тупроқларга зор!  
Минг бўялиб  
                                ниқобларга  
                                биқиб кирса-да,  
Ниқобларда  
                                аччиқ кулиб  
                                нидо урса-да,

Бир тўда эзилган,  
 Узига сиқилган душман,  
 жаннатдан жой буюрса-да,  
 Оёқлар остида қолдирар тарих,  
 Ажаллар қўйнида толдирар тарих!  
 Тақдири шу, зўр оқинга тўсиқ бўлганнинг;  
 Тақдири шу, қизил тарих гилдирагини  
 Кетга сурмоқ тилаб кўзи қонга тўлганнинг;  
 Тақдири шу, пўла, чирик, гаранг бошини,  
 Пўлат, метин қирғоқларга тинмай урганнинг!  
 Душман кўпдан ўлтиради қора курсида,  
 Қути учган, қон қолмаган унинг тусида.  
 Ҳукм бўлган ўлимларга ўн тўрт йил бурун.  
 Лекин, букун ўлим хавфи ўраган душман  
 Осонлик-ла жон бермагай чиқармасдан ун.  
 Ҳукмларин донги чиққан пролетарнинг,

Тоғ титратиб бораётир  
диктатураси.  
Душманларга ўлим бериб  
уч ҳарфнинг саси,  
Сақлаётир,  
пролетар дастгоҳларини.  
Сезгисини,  
иродасин  
этиб сафарбар,  
Миллион ишчи,  
кенг колхозчи,  
азамат аскар.  
Совурароқ  
сўнгги дамга,  
сўнгги учрашга,  
Узил-кесил  
курашларга  
мажбур душмanning  
Ғазабини,  
аччигини  
ва оҳларини,  
Йиртиб ниқоб,  
сунъий кулиш,  
нигоҳларини!  
Секин ва тек  
жон бермоққа  
ҳозирмас душман,  
Шуни яхши,  
шуни аниқ,  
қаттиқ билсинки,  
Бу ўсишлар қаршисида  
бир эрик қорки,  
Бу юксалиш  
даҳшат билан  
шундай оқарки,  
Қуёшлари  
ёнғин бошлаб  
шундай боқарки,  
Из ҳам қолмас  
унинг босган  
кўчаларидан.



Бир кулбозор  
унинг кечган  
кечаларидан!!

.....

Ҳар замон  
эшиқлар  
очиқиб секин,  
Бир йигит,  
бир хотин,  
бир қиз  
олиб тин,

Чиқариб қўйнидан  
кичик бир қоғоз,  
Езилган,  
чизилган,  
сўзлар:  
қисқа,  
оз.

Бир тарих  
чиқариб  
мағрур бир овоз  
Сўзлайди  
ҳужжатлар тиллари билан:  
«Ботулар —  
душманлар,  
бўлароқ бир тан,  
Шўрога қарши бир  
ташкилот қурган.  
Қурганлар  
мажлислар...  
«миллий истиқлол».

Қўзғалиш,  
исёнга  
йўл-йўриқ чизган...  
Ромизлар,  
ботулар,  
ниқобга кирган,  
Энг ёмон  
ашаддий  
зараркунанда,

Икки юз!  
     Дўст каби  
                     қилса-да  
                             ханда.  
 Жаҳонгир итларга  
                     кул,  
                             малай,  
                                     банда!!!»  
 Очилиб,  
             ёпилиб,  
                     қароргоҳ эшик,  
 Диктатура  
                     одимлари  
                             огир, юриб тек,  
 Буйруқлар  
                     қоғозда  
                             нидо уради,  
 Буйруқлар  
                     ток каби  
                             чопиб юради.  
 Душман бўлар  
                     тамом тору мор!  
 Билсинки,  
             ҳар душман,  
                     ҳар Ромиз,  
                             Боту.  
 Товоннинг  
                     тегидаги  
                             пойдевор қулаб,  
 Синфликдан  
                     битаётган  
                             ҳар ваҳший тикан.  
 Диктатура душманининг  
                             энг раҳмсиз қотили  
 Уч ҳарф-ла  
                     ҳар душманга  
                                     титроқ берган  
 Г.  
     П.  
         У!!!

Ҳокимият қиличини  
қинларидан олган бу!  
— Улим ёвга!!!  
Бу — синфнинг,  
партиянинг,  
бу—тарихнинг йўли  
бу!!

8

*Сергак*

Юр,  
эй ўлкам,  
жаҳонларга  
титроқ бериб юр!  
Мажруҳ,  
маҳкум  
синфларга  
ўлим уриб юр!  
Юр,  
югурсин,  
танларингда  
оқсин электр.  
Юр,  
олғала,  
тракторга  
ўлтир!  
Айлантир!  
Юр,  
пахтазор далаларнинг  
кўкрагини кер!  
Юр,  
сен билан бўлганларга  
яна мадад бер!  
Юр,  
заводлар,  
фабрикларинг  
қувурларидан

Тутунлари,  
                                 кўклар сари  
   талашиб чиқсин.  
 Темирларнинг  
                                 товушлари  
   янграб ўлкада,  
 «Мусулмоний суръатларни»  
   гўрларга тиқсин!  
 Ҳар душман  
                                 билсинки,  
   биз ўсмоқдамиз,  
 Партия — ол байроқ,  
                                 Сталин — маҳкам.  
 Йўлбошчи юлдузлар  
                                 ярқираб  
   ҳар дам,  
 Бермасдан адашган  
                                 ўнг, — «сўлларга»  
   дам,  
 Большевик поезди  
                                 отламоқдадир.  
 Сталин — йўлбошчи,  
                                 партия — дадил,  
 Пўлатдан  
                                 изига йўллар қуяроқ,  
 Зўр,  
                                 полвон одимлар  
   ташламоқдадир.  
 Қурилиш,  
                                 курашда  
   барча миллатлар:  
 Барчаси — биродар,  
                                 барчаси — ўртоқ,  
 Бирлашган ҳар ишчи,  
                                 колхозчига  
   боқ!  
 Қўзғалди:  
                                 бир туркум  
   «Истиқлолчилар»,  
 Қўзғалди  
                                 «Торгпром»  
   «Промпартия»

Ниқоби:

«Истиқлол»

— «озодлик!»

дея.

СССР

қўйнига

Пуанкара,

Чемберлен,

Қора,

қоп-қора

ажаллар чопари

тилаклар била,

бир илож ахтариб,

Қўл солиб кўрди.

Дардига

эм топмай

қийналган

илон,

Эртанги

ўлимни

кутиб ётган

жон,

Бир карахт

кайф билан

мунгкиб югурди.

Зарб еган

синфлар

ўлиш олдидан,

Жон бериш олдидан,

,бир бош кўтарди.

Уяси бузилган

хаста жонивор,

Типирлаб,

охири, гўр сари борди.

Азамат беш йиллик,

кенг ҳужум билан,

Улгувчи бир синф,

бир ваҳший ғужум —

Душманнинг қалбига

заҳар юбордик.

Тўхтатиб  
кутурган  
қулоқ наҳрини.  
Зўр,  
эски дунёнинг  
юрагин ёрдик.  
Юксал ўлкам!  
Ев ёнларга  
титроқ бериб юр!  
Бешийликлар  
енгган синф  
шод,  
кулиб дейдир.  
Бутун бир мамлакат,  
бутун бир ўлка,  
Қўйнида  
ювароқ  
қалбларни бизим.  
Қурамыз:  
чин дунё —  
социализм.  
Бутун бир пахтазор,  
бутун бир водий.  
Бутун бир Фарғона,  
кенг,  
юмшоқ  
тупроқ;  
Соф,  
бахмал  
бўшлиқлар —  
бағри оқ она,  
Чўянлар,  
темирлар  
қучиб бағрига,  
Электр қуёши  
ёқиб қалбига,  
Бир жойдан  
буюк қувват,  
малад олади.  
Бошлашиб  
қуёшга  
зўр мўсабақа

Бутун жаҳонларни  
ишга солади.  
Қурароқ қалбларни  
қайтадан бизим,  
Юксалди  
чин дунё —  
социализм.  
Буни биз қурамиз,  
бу кучлар — бизнинг  
Маъданлар,  
пўлатлар,  
нефтлар ичида,  
Усмоқда  
юраклар,  
тилаклар бизнинг  
Бағрида  
пахтазор,  
порлоқ денгизнинг.  
Қулоқликни  
қилдик  
барбод  
ва хароб.  
Бир латтадек  
титдик унинг  
бор ва йўғини.  
Учирароқ,  
юрагидан  
сўнгги чўғини.  
Энг сўнг дафъа  
у бўлажак  
барбод  
ва хароб.  
— Сўнгра ахтар,  
сўнгра қидир,  
изларини топ!

— Йўқ!  
Асло йўқ!  
Муштумзўрлик  
йўқ бўлажакдир.

— Огоҳ!  
     Бўшлик ва  
                     ҳушсизлик  
                                     чиқармасин сас;  
 Қатъий энгиш  
                     келган чоғда  
                                     тўхтамас  
   нафас!  
 Муштумзўрнинг  
                     ураётир  
                                     ҳамон юраги,  
 Оқаётир  
                     томирида  
                                     қора қон ҳали.  
 Олчоқларнинг кўзларига  
                                     тўлиб қонлари,  
 Пуанкара:  
     — «Уруш!»  
                     Дея,  
                             бонг ураётир.  
 Олдиндаги  
                     учрашларда  
                                     даҳшат бор ҳали!!!  
 Кўзларимиз  
                     аниқ,  
                             тўғри  
                                     олсинлар нишон.  
 Қуроллансин:  
                     қувват,  
                             ақл,  
                                     сезги,  
   томир,  
 Сигнал берди:  
                     тарих,  
                             синф,  
                                     партия,  
   замон.  
 Жабҳаларда:  
                     босиб  
                             енгиб,  
                                     қуриб,  
   тузарак,  
   тузарак.



Ҳар душманни яқинлардан аниқ кўрарак,

Ҳар биримиз бўлиб сергак, ГПУ миздек,

Мияларни милтиқ каби ўқламоқ керак!

---

Зафарларнинг пўлат, чўян рельсларида.

Янги-янги сафарларга олға!  
Илгари!

Олға!  
Тинмай ва бурулмай чин дунё сари!

## ГРИША

1931

Гриша,  
берга  
ўн бир йил бурун,  
Урмон  
кесиб ўсган  
қишлоқдан келган.  
Қийин бўлган турмуш,  
умр кечирिश,  
Қийин бўлган кимсасизга  
яшаш,  
кураш,  
иш.  
Қийин бўлган  
қишлоқ сўрган  
бир бой қўлида.  
Еш умрининг  
қирчиллама,  
бўйдоқ йилларин  
Азоб ютиб  
беҳудага,  
бўшга  
кечириш.  
Лаззатин  
тотмайин  
ҳаётнинг бир куң,  
Сўлгуси келмаган  
ёш бечоранинг —  
Ун гулидан  
бир гули  
очилмай бурун

Угай она бўлган  
унга кенг қишлоқ,  
Зилол сувлар,  
бахмал гуллар,  
кўкламги ўтлар...

Кенг бўшлиқда  
яшай олмаган.  
Кенг кўчалар,  
кўмкўк ерлар,  
Қалин ўрмонлар,  
Соҳилсиз кўк,  
тоза ҳаво,  
салқин кечалар.

Мададсиз йўқсилни  
сиқа кетганлар.

Угай она бўлган  
унга кенг қишлоқ

Ташлаб кетган  
овқат ахтариб,  
Ташлаб кетган  
нон топайин, деб.

Тарк этганлар  
ўгай онани

Кўп Гриша,  
кўплаб Мишалар.

Ташлаб кетган  
нон топайин,  
уй қурайин, деб,

Ташлаб кетган  
дунё кўриб,  
тинч юрайин, деб.

Қолган кетда  
Зумрад қишлоқнинг

Кенг қирлари,  
силиқ сойлари.

Қолган кетда  
жингалак сочлар

Еш қизлари,  
тўлин ойлари.

Қолган кетда  
кесилмай ўрмон,

Қолган кетда  
                                кўролмайн жон.  
Қолган орқасида  
                                кунлар,  
  кечалар,  
Олиб кетган узоқларга  
                                поездлар уни.  
Тўплаб кўкрагига  
                                эркаклигини:  
«Кел,  
                қўй энди,  
                                ташлаб кетаман шуни» деб,  
Халтасин  
                елкага қўйиб,  
                                чиққан қишлоғидан  
  Гриша туни.

Юрган шаҳарларда  
                                Гриша шунда.  
Бир неча кун  
                                хизмат ахтарган.  
Тополмаган,  
                                иш қийин бўлган.  
Кўчалар — тор,  
                                бинолар — юксак,  
Трамвайлар,  
                                машина,  
  мотор,  
Қайноқ турмуш  
                                тез оқаётир.  
Хафа бўлган яна,  
                                Гриша,  
«Нега келдим,  
                                шу шаҳарига?!  
Йўловчисиз,  
                                ҳамроҳсиз, ёлғиз  
Нега чиқдим,  
                                шу сафарига?!»  
Ҳайрон бўлган,  
                                «Қайга борсам» деб.  
«Бошларимни  
                                қайда ёрсам» деб.

Ахир топган завод эшигин,  
 Қирган секин, құрқиб, тортиниб,  
 Қараб турган — «Хизмат борми?» деб.  
 «Қонларим кўп, кучим яхши,  
 ишлайман ятдай.  
 Урмонларни кесиб ўсдим:  
 ўзим бургутдай».  
 Қабул бўлган у кун заводга,  
 Бир неча ой эшик шипирган.  
 Урганолмай завод куйига  
 Қанча кунлар хўмрайиб юрган.  
 Ургатганлар уни ишга, заводга.  
 Ургатганлар мошин буришга,  
 Ургатганлар завод ичида  
 моторларга тегмай юришга.  
 Қийин бўлган ишга ўрганиш,  
 машиналарни бузиб ташлаган,  
 Урганолмай, хафа ҳам бўлиб,  
 Вақт бўлганки, кўз ҳам  
 ёшлаган.  
 Кунлар кечган шундай кўнгилсиз,  
 Бир-икки йил шундайин ўтган.  
 Баъзан қишлоқ эсига тушиб,  
 ўпкалари тўлиб ҳам кетган.  
 Мана, бу кун Гриша бошқа,  
 бошқа одам бўлган:

Хатли,  
саводли.  
уй кўрган,  
кичик оила;  
Қўлида китоб, дафтари ила  
ўғли мактабига ўтади

Орқасидан қараб,  
Изига тўниб  
ўзида йўқ бўлиб кетади.

Кетда қолди  
у қора кунлар.  
Кетда қолди  
очиб, битлиқиб...  
Кетда қолди  
ўлиб, сарғайиб.

Битлар  
вабо каби  
босган он.

Кетда қолди  
йўқолиб, ғойиб,  
Хаста кулбалардан  
тарқалган фиғон.

Илишликка  
жанда топмайин,

Яланг оёқ  
йил ва ой сайин

Сотиб томирини,  
сотиб қонини,

Сотиб соғлиғини,  
сотиб жонини,

Бир парча нон учун  
югурган тунлар

Шундай енгилдилар,  
бир-бир битдилар.

\* \* \*

Гриша бу кунда  
гигант АМОда,  
Станок бошида туради.

Шу гигант, азамат,  
зўр қурилишнинг  
Нашъа қизиллиги  
юзга уради.  
Заводни қурганлар ичида,  
Гриша  
тинмасдан ишлаган,  
Кеч демай, тун демай,  
чарчадим демай,  
Ҳар бир винтни,  
ҳар бир моторни  
асраган,  
тишида тишлаган.  
Гриша тузилган  
зарбдор тўданинг,  
Ўпирилиш чоғида  
олдида юрган.  
Кўз юммайин узоқ кечалар  
станоклар бошида турган.

\* \* \*

Мана бу кун  
катта штурм,  
ўпирилишга  
ҳужум қиламиз.  
Уят доғи тушган юзларни  
Катта ҳужум билан  
ювамиз.  
Бир мушкул, тоғ каби  
босмоқда елкадан  
Эритиш цехининг печлари  
Қўйилган мўлжалда  
битмаган.  
Цех учун берилган  
муқаррар план,  
Ўзининг номусин  
оқлаб ўтмаган;  
Етмаган — куч,  
етмаган — ишчи,  
Ишсизлар шаҳарда  
ҳеч топилмаган...

Шундай шаҳар,  
шунча кенг жойда  
Битта ҳам бўш одам  
бўлмаган.  
— Штурма!  
Упирилишга!  
Ҳамма ёрдамга!  
Олдин юрди  
Гриша шунда...  
Уртоқларни  
ишга чақирди.  
Кечалари заводда қолиб,  
«Хужум!»,  
«Хужум!»  
дея бақирди.  
Штурма.  
Мусобақа!!!  
Кучларни тўплашиб,  
ушлашиб бирга,  
Зарбдорчилик юлдузи кулди.  
Бутун завод,  
зарбдор тўдалар,  
Азамат кучларни  
чўянга бўлди.  
Эритиш цехининг  
темир печлари,  
пўлатларни  
ишга ташлади.  
Пўлатларни  
мумдек эритиб,  
Эриган чўянлар  
оловларида  
Социализм қуя бошлади.  
Олдин борди  
Гриша шунда,  
Олдингилар  
сафида туриб.  
Кулди шунда  
ибрат байроғи,  
Илғорларнинг  
кўксида юриб.



Шунинг учун Гриша бу кун,  
Қизил нишон олган,  
кулади.  
Кўкрагида меҳнат қаҳрамонининг,  
Меҳнат иссиқлиги уради:  
Мустақиллик бизга берилган.  
Ҳавасни, қувватни,  
бутун мурувватни,  
Ўзимиз меҳнатга оламиз.  
Ўзимиз, шу ишнинг меваларини  
Социал юракка соламиз.  
Партиянинг шони — бизники,  
Доим бизга ишонч беради.  
Энг бахтиёр, завқли кунларда  
Кўкракда порлаб туради.  
Шу номдан эркаклик олиб,  
Биз тағин илгари юрамиз.  
Ҳар нафасда уни ёд қилиб,  
янги дунёларни  
қурамиз.

## ШОҲИМАРДОН

(Достоннинг эскизлари)

1932

1

Салқин шамол,  
Бирдай елпиб-елпиб турадир;  
Салқин шамол, бирдай елпиб,  
Ҳилпингувчи байроқчани кўзга урадир.  
Шунда — қабри... тоғ бошида бўлган қурбоннинг,  
Энг қайнаган нафасида тўхтаган қоннинг —  
Рангги билан бўялган байроқ  
Тоғ бошида елпиб турар Шоҳимардоннинг.

Кўз олдига қутурган бир тарих келадир:  
Кўринадир интиқомнинг қонли лавҳаси,  
Шоҳимардон муштумзўри, бойи, мулласи —  
Ўлаётган наслларнинг қора тўдаси;  
Аччиқ заҳар тўкиб, совуқ куладир,  
Тоғ бошида қонга ботиб, шоир — ўладир.  
Тоғ бошида бир умрга паймон тўладир.

Ўтган кунлар эсда бор ҳали:  
Тўхтамасдан,

чанг чиқариб

отлар ўтадир,

Тебранишиб соявонлар

ўта берадир.

Нафас олмай муздай суви Шоҳимардоннинг  
Ваҳши куйларига тошлар ўйнатиб,  
Доим, шовқин билан кета берадир,  
Ўтган кунлар эсда бор ҳали:  
Дилдор табиати, соф ҳавосида,  
Мармар сувларида Шоҳимардоннинг,

Бир парча нон учун зор бўлган инсон,  
Тақдир ёзмишига исён қиладир.  
Исён қиладилар: бутун умрга  
Куйдор ариқлардан кечолмаганлар;  
Исён қиладилар: Шоҳимардоннинг  
Даво сувларидан ичолмаганлар.

Ўтган кунлар эсда бор ҳали:  
Гўзал табиатли Шоҳимардонни,  
Ваҳмга, ўлимга, қоронғуликка,  
Ўргимчак уйига чирмаб ташлаган,  
Дўзах ваҳми билан сўра бошлаган  
Қора юракларга, ифлос кучларга  
Отларга ортилиб, арава тўлиб,  
Текин, беҳудага ҳаёт келади.  
Ваҳмга, ўлимга ўралган жонлар,  
Нажот ахтарувчи нажотсиз қонлар,  
Чирик дарахтларга, қуруқ шоҳларга  
Алам бойлаб, йиғлаб, сиғиниб,  
Йўқ илоҳ олдида ҳайкалдек тиниб,  
«Шунга ҳам шукур!» деб бўйин эгадир  
Ўзни шўрли билиб, кўп пешоналар,  
Сассиқ бурчакларга, мазор бошига  
Қора чироқ ёқиб, ерга тегадир.  
Қора зулукларнинг остонасидан  
Тупроқ олиб кетиб, бахт қидирадир,  
Бир кафт тупроқ билан барча фалокат,  
Барча шўрликлардан чиқмоқ бўладир.

Шундай қилиб, қурийдир ҳаёт,  
Шундай қилиб, мардикор, батрак  
Ажрамишдир парча нонидан.  
Ўз уйига ўзи бўлиб ёт,  
Ажрамишдир сўнг чопонидан;  
Шундай бўлиб, тиланчи, абгор,  
Шундай бўлиб, оёқ ости, хор;  
Қамчи теғларида бутун неъматни,  
Барча гўзалликни яратган шоир.  
Ўқиб эшитмайдир ўз ғазалини.  
Қора кунлар эсда бор ҳали:  
Сойларнинг сувлари ўйнаб оқадир,  
Юлдуз кўринадир тоғ тепасидан,

Юлдуз нури билан йўл ёритадир,  
Дарё ёқасидан, сойнинг пастидан.  
Мана шоир,  
Қоронғулик босган жойларни  
Юлдуз бўлиб ёритмоқчидир;  
Ургимчак қийнаган пок юракларнинг  
Дарди, аламини аритмоқчидир.  
Эртага: ўн йиллаб эзилган батрак  
Бир йўласи колхоз бўлмоқчи;  
Уни эзганларни ўзи тугатиб,  
Ниҳоят, инсондек ҳаёт қурмоқчи:  
Эртага ўлимдан қўрқмасдан Сарви:  
— Паранжимни ташлайман, — дейдир —

Зор қолсин сиғиниш тупроққа, тошга.  
Майлига,  
Мозорлар ёжиниб кўрсин,  
Бошимда ўлимдан қоровул турсин,  
Янги ҳаёт бошлайман, — дейдир.  
Эртага: пионер авлиёларнинг  
Аламларин йўқотмоқчидир;  
Мактаб тепасига, клуб бошига  
Қизил байроқ ўрнатмоқчидир:  
— Эртага, барчамиз, тоғ тепасида  
Қўрқмас юракларга байрам қиламиз,  
Қақроқ саҳроларга, чанқоқ ерларга  
Сувлар чиқарамиз, ҳаёт берамиз! —  
Қоронғи кучлари Шоҳимардоннинг.  
Захак деворлари ўлим сезадир.  
Юксак тоғларига зилзила берган  
Янги бир оҳангнинг кучи кезадир.

Деворлар тагида гап чўзиладир:  
Шивир-шивир, фасот, иғво, ғаш!  
Карахт қуртлар ҳуруж қиладир:  
Қора қанот ёйиб фитна, ўч, алдаш.

Эй сен шоир, эй Ҳакимзода!  
Эй юраги дард билан тўлган!  
Қора кучлар, авлиёларнинг  
Чироғини ўчирмоқ бўлган!  
Бутун ғазаблари карахт кучларнинг

Сўнги хуруж билан талваса қилди:  
— Қон! — дея  
Қўзгалган қора оломон,  
Ўлувчи ўч билан жаҳлга минди.

Тоғлар тепасида қуёш тўладир,  
Яшнаб етиладир, ёниб куладир.  
Уйчан кўзлар билан қадам ташлаган  
Тоғ бошидан  
Шоир тушиб келадир;  
Куннинг қизғинида, ҳур-ҳур шаббода...  
Тоғ бошидан, тош қиррасидан,  
Олдидан, орқадан, чапи-ўнгидан  
Улим уни ўраб оладир.  
Бўйнига ташланар бири ўлимдай,  
Қўлга чилвир солар бири зулмдай,  
Бомба тушган каби портлаб ўрнидан,  
Юрак чиқиб кетар қинидан.  
Улим тезлигида томирларда қон  
Қутуриб югурар мияга томон..

Ширин хаёл билан келгувчи, ноҳас  
Тошга йиқиладир, чорасиз... шундай,  
Кўзи қоронғулаб, тўлувчи тундай.

.....  
Дарахт кесилгандек қирқилган тандан  
Тирқираб қизил қон оқадир.  
Энг сўнги кучини, ўчини тўплаб.  
Шоир сўнг мартаба маъсум боқадир.  
Нурсиз қолди шоирнинг кўзи,  
Юрак урушлари тўхтади:  
Бўғозлардан ҳовур чиқмади,  
Томирларда ҳаёт отига  
Бир қатра қон бўлсин, оқмади...

Бугун катта тантана эди:  
Қонсираган кўзлар, зах босган юзлар,  
Ҳалокат судраган қоп-қора излар  
«Бизни кўрдингми?» деб, ҳамла қилдилар,  
Ҳавоси сасяган қора кечмишни  
«Ғанимат беш кун» деб, чўзмоқ бўлдилар.

Сувлар оқар эди, Шоҳимардоннинг  
 Тинир эди ҳар куни юзи.  
 Сувлар оқар эди... Қарши кучларнинг  
 Тушар эди кўзига-кўзи.  
 Ерсизлари, ватансизлари,  
 Батраклари Шоҳимардоннинг  
 Кўрсатарди ҳар кун буюк иш,  
 Муштумзўрни енгиб юксалган  
 Колхоздаги зўр ғолиб товуш:

— Қани кел!

Юзма-юз бир гаплашайлик,  
 Кўзлар-кўзга қаттиқ тикилсин.  
 Бошдан кечиргани, у, ўлик кўзнинг  
 Қўрқинч бир туш каби эсига келсин:  
 Сени йўқотмасдан илож йўқ сира!  
 Сен бизга ҳеч қачон кун бермас эдинг;  
 Ҳолбуки сен — битта,  
 Биз-чи — жуда кўп!  
 Фақат биз чўридай, қулдай тер тўкиб,  
 Хуноб, зардоб бўлган фақат биз эдик!

Аччиқ-аччиқ бир гаплашайлик:  
 Мана кел, сен ўзинг тоғ бағрига боқ:  
 Шу кўм-кўк қирларга хирси ташлаб кўр!  
 Тоғларга чирмашиб жим оқаётган  
 Жаннат ариққа ҳам сўнг марта қара!  
 Қора бир тарихдан беради хабар.  
 Тиниб ўтаётган суви соф унинг  
 Бизнинг кўзимиздан оққан ёш қадар.  
 Шуларнинг ҳаммаси бизнинг елкада,  
 Бизнинг суякларда ўсмаганмиди?  
 Бизлар эмасмидик сайнхонада  
 Моллар, отлар билан баробар ётган?  
 Сенлар эмасмидинг, шу кўкликларда  
 Бизга заҳар бериб, лаззатни тотган?

Аччиқ-аччиқ бир гаплашайлик:  
 Чумали сингари ҳеч бир тинмайин,  
 Тишларга тишлашиб дон ташиган билан!

Қуёшнинг тиглари баъзида майин,  
Баъзида жазиллаб тамға босганда,  
«Ҳой, одам; ўлдингми, қолдинг?» демайин,  
Умрида бир карра ҳол ҳам сўрмайин,  
Сен эдинг тўнғиздай ёғ босган, семиз!!  
Сендан инсонликнинг келмасди ҳиди,  
Оғир жафоларнинг гувоҳи бизмиз;  
Бизнинг ўлимдан ҳам мотамли эди  
Сен учун, ноҳасдан ўлган бир ҳўкизи!

Аччиқ-аччиқ бир гаплашайлик:  
Сизни йўқотмасдан илож йўқ сира!  
Мана бу — адолат!  
Бу улуг ният!  
Сизга жой қолмади ўлка кўксиди.  
Бизда ҳар бир қадам — зўр зарурият!

Салқин шамол,  
бирдай елпиб-елпиб турадир.  
Салқин шамолларда енгил елпинган  
Қабр байроқчаси кулган бўладир;  
Бутун Шоҳимардон бўйлаб кеча ва кундуз  
Сувнинг қўшиғида, тоғ бешигида  
Инсоний турмушнинг ҳусни тўладир.  
Кеча-кундуз бўйлаб оҳангни бузмай,  
Сойнинг суви каби қўшиқни узмай,  
Коллектив ҳаётнинг енгган доврўғи,  
Юраклар, онглари тинтув қиладир.

Азоб, уқубат-ла эскини енгган  
Янги юракларда қон югурадир.  
Бунда — баробарлик,  
Бунда — инсонлик,  
Чиндан туғишганлик,

хурлик,  
адолат.

Яшнаб, порлаб кўринар  
Ильич чирўғлари ушлаган ҳолат.

Вағиллаган товуш келадир...  
Нафас тўлиб,  
Тиним, тўхтовсиз.

Оҳанг чўзиладир чексиз, ўлчовсиз.  
Қудоқ битган каби бўладир.  
Гектар-гектар саналган ерда  
«Ҳакимзода» колхозчисининг  
Тўқ турмуши кезиб юради;  
Гектар-гектар  
саналган  
ердан,  
Вағиллаган товуш келади...



## ОТА ҲАЁТИДАН

1934

— «Умр ўтган,— дейдир,— афсус!» дейдир чол,  
«Афсуски бир оёқ қўйилган гўрга,  
Қолган умр — жуда оз, қисқа,  
Шўрлик умр қисқа шу қадар  
Кўз очиб-юмгунча ғойиб бўлгундай;  
Кўз энди тўлмагай қайтадан нурга...»  
Чол чарчоқ кўзини тикиб турадир:  
Ҳаёт ғунчалари ўз баҳорини  
Ўз қўллари билан безашга машғул,  
Бари ўз ҳуснини,

    ўз топганини,  
Ҳаммаси ўзининг яратганини  
Бир ўртоқ баҳорга ташимоқдадир.  
Табиат шу қадар ҳодисага бой:  
Гўдаклар бор, тонгда туғилган,  
Қарилар бор, сочлари оппоқ,  
Кампирлар бор, сочлари қордай,  
Кеча ёшликлари қўлдан берилган —  
Фақат яшарадир барчаси бирдай,  
Ҳаммаси ишлайдир,  
Бу иш шундайки,  
Янгидан ёшликни қайтиб берадир.  
Гул ҳидини сочиб тоза тонг  
Шабнам сувларига чўмадир.

Меҳнат баҳорида очилмоқда гул;  
Бари маъсум, бари озода,  
Барчаси ҳусндор суқлар киргудай.  
Юрак ёрилгудай бўладир чол ҳам,  
«Тавба!» дейдир, ёқа ушлайдир,

«Тавба!» дейдир, лабни тишлайдир.  
Ҳангуманг бўладир,  
Бошига сизмайди шўрликнинг бу ҳол,  
Узоқ ўйга чўмиб,  
хўрсиниб,  
— «Умр ўтган,— дейдир,— афсус» дейдир чол.

Чол,  
Мулқободда энг қари одам,—  
Ҳеч роҳат кўрмаган битта бечора;  
Чойракор, мардикор, етим, қул, чўпон...  
Эҳтиёж, машаққат, уқубат ва қон...—  
Мана турмуш йўли,  
бар и кўргани,  
Барча кечиргани, роҳати, кайфи...

Чолнинг ўзи узун бир тарих,  
Тўқсон йиллик узун бир умр,  
Мияни ёргудай хотиралар зўр.  
Унинг кўз ўнгида шу кўчма қумлар  
Кўчганлар неча бор ўз манзилидан;  
Адашиб ўзининг юрти-элидан,  
Шамол ва бўрондир бинокорлари,  
Шуларга боғлиқдир номус, орлари,  
Шулардан топилар дўсту ёрлари;  
Шулардан чиққандир кўп дарбадарлар  
Бошкесар, бетийиқ ва оқпадарлар.

Чол,  
Мулқободда энг қари одам,  
Унинг умри ушбу қишлоқда  
Бутун эшикларни бирма-бир қоққан,  
Тўқсон йиллик узун бир умр,  
Азоб-уқубатда лойланиб оққан...

Ўз узун умрининг гул баҳорини  
Фақат энди кўрди, энди билди чол,  
Энди топган бўлди гул наҳорини  
Унга ҳаёт берди, севинтирди ҳол.  
Мулқободда катта суд эди,  
Титиларди бутун юраклар,  
Титиларди, ер титиларди қир,

Титиларди бутун кўкраклар.  
Мулкободда бутун тераклар  
Титрашарди сўнгги мартаба,  
Куч берарди барча тилаклар  
Сўнгги марта: «ким-қимни?» дея.  
Хўжайинлар билан кўришди,  
Бир-бирига тикилди кўзлар;  
Кўзи билан еб қўяр бўлди,  
Оловланди, чўғ бўлди сўзлар.  
Юракларга қаттиқ ёпишди.  
Ўзи топиб берди, ўзи узатди  
Хўжайинин узоқ ёқларга;  
Ўзи изларини кузатди,  
Алам берди ёвуз оқларга.  
Ўзи очди барча сирларни,  
Ўзи бўлди энг катта гувоҳ.  
Қор қилмади, шифо бермади,  
Хўжайин кўксида оловланган оҳ.

Жанг ичида қишлоқ бирма-бир  
Тоза бўлди ҳашаротлардан,  
Тоза бўлди ва пок этилди  
Муштумзўрдаң, харом зотлардан.  
Мулкободда колхоз тузилди,  
«Дзержинский» деган ном билан;  
Уюшдилар барча чоракор,  
Барча беер, барча ўртаҳол.  
Томир билан, юрак, қон билан,  
Шараф билан, улуғ шон билан  
Юрт ичида донг чиқардилар,  
Пахта деган буюк ном билан.

Баҳор келди, баҳор кетидан,  
Баҳорни узатиб, баҳор кутди тол;  
Гўё ажин кетди қари бетидан,  
Яшаргандай бўлди, тетикланди чол.

Уни яшартарди ҳар бир муъжиза,  
Куч берарди ҳар бир янгилик;  
Тетикларди ҳар янги ижод,  
Ҳар ғалаба, ҳар бир «қўргулик».  
Англамасди, бўларди ҳайрон,

Келар эди хаёл ёрдамга,  
Бўлар эди бир дам паришон,  
Тўнар эди ҳар бир одамга.  
Кўринмасди ҳеч нарса кўзга,  
На ибодат,

на тоат,

на дин,

Эртасига ортарди умид,

Кечмишига ғазаб,

нафрат,

кин.

Унинг кўз ўнгида чошиб, жар солиб,  
Шовқин-сурон билан оқар бир дарё,  
Кўз олдида ўғил-қизлари,  
Невараси, кўзи қораси —  
Қарашлари ширин, сўзлари майин,  
Уларнинг юзлари тиниқ, сувдайин:  
Мана бу чинакам янги дунё.

---

Чол олар ўтганни эсига бир-бир:  
—«Бир қулнинг ўғлисан, сен ҳам Норқўзи!»  
«— Уйи йўқ, жойи йўқ, ётоғи йўқ бир  
Сиғинди онанинг сен қизи эдинг».

—«Сенинг ота-онанг умр бўйида  
Бир қарич бўзни ҳам янги кўрмаган».  
—«Сенинг онанг эса ямоқ ямашнинг  
Энг буюк чевари бўлган қишлоқда».

Кун ботиб, тун ёяр ўз соясини,  
Қоплар ер юзининг баландин, пастин,  
Чол бошлар умрнинг ҳикоясини,  
Бир-бир сўйлаб чиқар барчасин.

Тинглайлар бир кулиб, бир хафа бўлиб,  
Чол қилар уларга панди-насиҳат,  
Баъзида ўзи ҳам ўксиб, хўрсиниб,  
Кўнглида беркитар катта бир ният.

Суҳбат қизиб, жанжал қўзғалар,  
Гаплашарлар ишдан ва кучдан,

Даладан гапирар бири кўпириб,  
Бири бошлар ўйиндан, ўчдан.

Чақирар суҳбатда мусобақага  
Энг кенжаси, энг кексасини;  
Ҳазил қилар, китиққа тегар,  
Пичинг ташлаб, гапга чол кирар:

«Сендан қолармидим, ютилиб.  
Уял, бола, ҳали кўп ёшсан,  
Питирларсан ўзинг тутилиб...»

Қизартирар чолни Норқўзи,  
Аламини келтирар бирпас;  
Мазақ қилар, гангратиб қўяр.  
Чол қолар ололмай жиндайн нафас:

—«Тишинг тушган, соқолинг оппоқ,  
Кўзларингда нур ҳам энди оз:  
Кетарсан кўзингни чирт юмиб,  
Кетарсан лопиллаб ушбу ёз...»

Кеч кирадир чол ҳаётида,  
Оқарди умрнинг сочлари...  
Ўтиролмас бир жойда босиб,  
Ҳар кун бир айланар қишлоқни.  
Қўлда таёқ, қараб тўймайин  
Ўтиб келар марза, ўтлоқни.  
У, тутаққан, ҳаётга ташна,  
Томоғи қуриган,  
  ҳалқумлари қоқ,  
Умид узолмасдан шунча нарсадан  
Қарайдир чол

соқит,

оғир,

тинч,

Унинг кўзи жиқ ёшга тўла:  
Ҳам йиғи бор,

ҳам шодлик,

севинч.

Умид узолмайди шунча нарсадан:  
Гўё бутун дунё унинг қўлига  
Мен сеники, дея киргандай  
У, ўзини хўжа ҳислайдир.

Илож бўлса бутун кетганини  
Қайтарса-ю ўз ҳаётини  
Гўдакликдан бошласа секин,  
Янги ҳаёт бошлаб, олса тин.

Ғазаб билан ёнар кўзлари,  
Чолни қуршар оғир бир азоб:  
Тутаб чиқар ҳар бир сўздан,  
Буюк бир рашк, буюк изтироб.  
Улим кўринадир бечора чолга:  
Чол биладир, кафан бўладир.  
Чол биладир, тобут кетидан  
Кўча тўлиб одам юрадир.  
Бироқ...

Яшагуси келадир.  
Чол ўйлар тинмайин ҳар кундуз, кеча,  
Яшасам — деб, гиштин қўйишган  
Шу буюк иморат битгунча...

Дунё унга қимматга тушган,  
Уни эзган бутун фалокат;  
Улим бўлиб унга ёпишган  
Ҳамма хўрлик, ҳамма ҳалокат.

Азоб ўти ёндирар уни,  
Қўрқар шўрлик кўзин юмишдан  
Қўрқар у, ўздан ҳар туни  
Ухлайман — деб, мукка кетишдан.

Чол кетарми яшаб тўймайн,  
Улим кўрсатарми тахтини?  
Судраб кетармикан қўймайн,  
У, кўрмасми янги бахтини?

Ачинтирар ана шу ҳолат,  
Яшаш нима, энди сезганда;  
Энди орзу, энди ҳар ҳавас,  
Қулоч ёзиб, озод кезганда.

22

Бир ўлимнинг ҳикояси

Улимларни кўп кўрганди ул:  
Эсларди ул, уйлар куйганин,  
Эсларди ул, хоналар вайрон,  
Талон-торож, барбод бўлганин.  
Кўз ўнгидан кетмаган ҳали  
Ўша баҳор... дала кўкарган.  
Ҳаёт ортиқ жонланган бир пайт.  
Бўй бермасдан, оғир ҳансираб,  
Курашарди одам билан ер,  
Курашарди ваҳший табиат,  
Олишарди бор кучи билан  
Меҳнат бўлиб буюк баҳодир.  
Колхозчилар уй-жойни ташлаб  
Қургандилар далада чодир.

Ишлардилар барча тинмайин,  
Ишлардилар кундузи-туни;  
Қўшу ҳўкиз, барча жонивор  
Ағдарарди дала кўксини.  
Арафа кун, эртага байрам  
Санчиб чиқар кўкрагига гул.  
Биринчи Май, эрта зўр ҳаёт,  
Шодлик билан ёнар ҳар кўнгул.

Саҳар турар, оқшом ухламас,  
Кийинтирар она болани,  
Олиб чиқмоқчилар байрамга  
Ясантириб ҳатто далани.

Чиқмоқчилар тўлдириб план,  
Бу, уларда энг катта тилак,  
Чиқмоқчилар қозониб зўр шон,  
Шу ишқ билан ёнарди юрак.

Пайдо бўлди кутмаган чоқда  
Тепаликда иккита одам;  
Индамасдан босарди йўлни,  
Телба каби қўярди қадам.

Келарди... Бошлари эгилган,  
Бир нарса бор эди қўлида бирин;  
Бир сўз ҳам айтмасди тиллари,  
Айтолмасди жимликнинг сирин.

Чолга келиб, тўхтаб тикилди,  
Икки қўллаб узатди уни;  
Чол, қўлида юмалоқ бир бош,  
Ҳаёт умри қуриб ул,  
Таниб қолди шунда ўғлини.  
Титраб кетди бутун борлиғи,  
Гўё тамом йўқотди ўзни.  
Қоп-қоронғи кўзига олам,  
Тикка-тикка осмонда қуёш,  
Ағдарилди бошига зўр тоғ,  
Миясини чўлғаб олди ғам,  
Юрагида синди буюк тош,  
Ўздан кетди.  
Юзин босди нам.

Йиғилганди барча ёш-қари,  
Еш бор эди кўзида барин.  
Чол ётарди ерда узаниб,  
Қучоқлаган бошин гавҳарин.

Мотам бўлди шунда арафа,  
Улим этди шодликни заҳар,  
Улим этди тилларни соқов,  
Улим этди қулоқларни кар.

Ўзига келди чол, ҳамма жим,  
Чиқмас эди ҳатто бир нафас.  
Тикиларди бири-бирига,  
Шовуларди шитир этган хас.

Сўйлар эди бўғиқ бир товуш  
Қодирбойнинг букун қочганин,  
Сўйлар эди, қочиш олдидан  
Заҳарини йиғиб сочганин.

Сўйлар эди, оқшом масчитда  
Бўлган эмиш махфий бир йиғин,



Ичилганмиш номоз деб, қасам.  
Активларни этишга қирғин.

Жар бўйида ўғил калласи  
Топилганмиш зовур остидан,  
Ҳеч тинмасдан, ўша Қодирбой  
Тушган экан унинг қасдидан.

Ўлимтик бир хуруж, талваса,  
Туюларди оғир ва мудҳиш;  
Тинглардилар барча энтикиб,  
Сезмасдилар бу ўнгми, ё туш?

Юрак тўлган ғазаб, нафрат, кин  
Қолган эди бир ўзи якка.  
Сўз йўқ эди ифо этгали,  
Товуш ҳам келмасди кўмакка.

Оғир бир жимжитлик, салобат  
Билан улар тушдилар йўлга.  
Оғир бир изтироб ва қайғу  
Булут соясидан қуюлди чўлга.

Чол олдинда.. Ўғлининг бошин  
Кетар эди босиб кўкракка,  
Кетар эди оғир жимликда,  
Ўзни сезиб ёлғиз ва якка..

Чол кўзида ўзгарар ҳар он  
Қишлоғининг чиройи, туси,  
Қунарлар ўтар тинмай бирма-бир,  
Ортар чолнинг ҳар кун севгиси.

Хурсанд бўлар ҳар кўрганига,  
Ўтар унинг ухламай туни;  
Қолхоздаги ҳар бир ғалаба  
Бовлар чолнинг кекса кўнглини.

Чол кўзидан ўлим ғамини  
Қувиб чиқар шодлик тўлқини,  
Тунда ётар у, сергак, уйғоқ  
Тарк этгандай бўлиб уйқуни.

Ҳирсга тўлиб кўрар ўз авлодини  
Юрагида шодлик, нур, севинч;  
Қарайди у, атрофига жим,  
Қари кўнгли энди тамом тинч.

Чол кетар ҳаётнинг довоини ошиб,  
Болалар қолмаслар газзоб,  
Қизи ҳам берилмас ёшлайин эрга,  
У, ўлгач, ҳаммаси мерос талашиб,  
Душман бўлишмаслар бутун умрга,  
Янгидан бир мерос пайтига қадар.

Тиркалмас янгидан ҳам устига ҳам,  
Бир коса,  
бир пақир,  
бир сопол товоқ  
Ортиқча кўрилмас оға-инидан,  
Мотамга қўшилмас янги бир мотам.

Тинмасдан ишларлар ари сингарн,  
Барининг оғзида келтирган боли;  
Чол кетар яшашнинг довоини ошиб,  
Кафанга ўралар оппоқ соқоли...

Ҳаёт сойларида сув оқар тошиб,  
Янги қирғоқларни қамраб олгали...

## ИККИ ҚИЗНИНГ ҲИКОЯСИ

1935—1937

### *Кириш*

Кеч пайтида ўз уйларидан  
Бирга-бирга чиқиб икки қиз,  
Дарё сари келиб ва секин  
Катта тошга чўкадилар тиз.

Зилол сувнинг ойинасида  
Иккисининг акси жонланар,  
Сув тагида, мрамар тошларда  
Икки ўйноқ жоду кўз ёнар.

Бири тортиб боғлар рўмолин,  
Бири қадар чаккасига гул;  
Бирин сочин тарайди шамол,  
Бири сочар атир ва сунбул.

Сув бўйида узоқ ўлтирар.  
Оқ булутлар бошларда соя.  
Бир-бирига айтишар дарё  
Тарихидан икки ҳикоя:

### *Биринчи ҳикоя*

Дарё бўйи, тоғ этагида  
Ўтган экан чиройли бир қиз,  
Ошнаси сув ва шаббода,  
Ўсган экан танҳо ва ёлғиз.

Бир навқирон эшитиб номин  
Келган экан узоқ эллардан,

Юрган экан шунда дарбадар  
Уни сўраб эсан еллардан.

Бермас экан қиз ҳеч нишона,  
Барча уни бир кўрмакка зор,  
Йўқдир унинг кимсада иши,  
Ҳушлар ёлғиз кўнглини баҳор.

Дарё муштоқ экан юзига,  
Оқар экан уни изланиб.  
Тўйиб қараш учун кўзига  
Чопар экан ичидан ёниб.

Чирчиқ тошиб кўкламда доим,  
Босар экан экин-тикинни,  
Ва кўтариб қиёмат-қойим,  
Олар экан шулардан кинни.

Қора либос кийиб ғам билан  
Булут тўкар экан ёшини,  
Тошқин дарё ўз алаmidан  
Қирғоққа ураркан бошини.

Тўшаб бахмад, кимхоб гиямлар  
Безатаркан кўксини кўклам,  
Қизни кўрмак учун дунёни  
Гул остига кўмаркан ул ҳам.

Кутар экан уни мукаммал  
Оқ булутлар ёйиб соясин,  
Чуғурлашар экан ялиниб,  
Қушлар ўқиб қиз ҳикоясин.

Емғир ёғар, эрир экан қор,  
Очиларкан тоғнинг доласи,  
Ва етилиб тўларкан баҳор,  
Бошланаркан булбул ноласи.

Дала узра бутун гўзаллик,  
Чиқмас экан фақат ўшал қиз,  
Телба бўлиб изиллар қушлар,  
Излар экан осмонда юлдуз.

Кўринмаскан йигит севган қиз,  
Қалби ёнар, севгиси асл,  
«Чиқарми,— деб,— дарёга ёлғиз?»  
Кутган экан йиллар муттасил.

Йигит кутар, чиқмас экан қиз,  
Сувдан сўрар экан аслини,  
Ҳар кўрганда бир-бир ялиниб  
Суриштирар экан наслини.

Қизни кўрса онилури ҳаво,  
Ёришаркан тун ҳам кўзидан:  
Бир қарашда сойдаги дарё  
Адашаркан юрган ивидан.

Бошланаркан сувларда қуён,  
Қўпор экан дарёда бўён,  
Қурир экан сув ўйинида  
Қанча ёстиқ, қанча ширин жон.

Қиз гўзалдир, йигит паҳлавон,  
Хўжакентда овози кетган,  
Тоғни урса қиларкан толқон,  
Булутларга қулочи етган.

Оғайнимиш тоғ билан дарё,  
Қизиқ эмиш сирлари қоят,  
Бу иккиси ҳақида ҳамон  
Юрар экан шундай ривоят.

Тоғ ётармиш мангуликка жим,  
Ухлар эмиш тун ҳам кунин,  
Дарёда йўқ жиндайн тиним,  
Асло билмас эмиш уйқуни.

Тоғдай буюк, дарёдай уйғоқ,  
Қиз ётармиш ётоғида жим,  
Йигит кезар излаб дарбадар,  
Билмас эмиш жиндайн тиним.

Тун ёришар, отар экан тонг,  
Шом қуюлар экан азонга,

Баҳор кетар, кўрки — гулини  
Алиштирар экан хазонга.

Кетар экан хазон, қайтар гул,  
Йигит излар экан ёрини,  
Излар экан оёқ остига  
Тўкмак учун оҳу зорини.

Водийларда, дараликларда  
Чўкиб ётар оппоқ, мангу қор,  
Умр бўйи эримас сира,  
На саратон, на жавза, баҳор.

Осмон бўйи тоғлар боши оқ,  
Баробардир унга жавза, ҳут,  
Қуюлса ҳам қуёш қўйнига  
Асло кетмас бошидан булут.

Йигит кезар тоғлар бошида,  
Оёғида бир жуфт тоштовон,  
Қорликларга қўниб кечаси,  
Саҳар туриб ошаркан довон.

Қорликларнинг баланд учига  
Тегар ёлғиз унинг оёғи,  
Нишон қолар экан изидан  
Тушган каби арслон туёғи.

Далаларда йиғар ўтин, хас.  
Фарқ қилмасмиш надир тун ва кун.  
Сув бўйида олармиш нафас,  
Қайтар эмиш ой чиқмас бурун.

Йигит излар қиз висолини,  
Етишмакка қандай чора бор?  
Ва ниҳоят дарёга тоғни  
Ағдармоққа берганмиш қарор.

У дарёга тоғни ағдариб  
Қўрсатмоқчи эмиш кучини,  
Ва дарёни тоққа кўтариб  
Олмоқчимиш қиздан учини.

Жанг ичида йигит ва дарё  
Пишқирармиш бири-бирига,  
Емғир шовлар, шамол гувуллар,  
Табиатнинг бундай сирига.

Йигит отар тоғни дарёга,  
Сув чопармиш осмонга қараб,  
Тўлқинлардан учармиш чақмоқ,  
Ер остини зарба оралаб.

Бўлган эмиш қиз шунда пайдо,  
Сув бўйида мисли офтоб,  
Бутун дунё бўлиб ойна  
Акс этганмиш жаҳон боб-боб.

Қизнинг кўзи яшин сингари  
Йигит бағрин пора ва пора  
Қилган эмиш, ва йигит ҳайрон,  
Тополмасдан дарёга чора.

Тоши тушиб йигит қўлидан,  
Чақмоқ учар қизнинг кўзидан.  
Бағри ёниб, боши айланиб,  
Йигит кетган экан ўзидан.

Ҳикояни тамом қилди-да,  
Остидаги каттакон тошни  
Қараб чиқди ва ҳайрон қолиб,  
«Офарин» деб чайқади бошни:

«Қизни кўргач, йигит қўлидан  
Тушиб кетган, ўша каттакон  
Тош шу экан»,— деди ва секин  
Ўртоғига қаради кулиб.

Қизгина ҳам кулгига тўлиб,  
Атрофига назар ташлади,  
Сўнгра қизиқ бир ҳикояни  
Кула-кула айта бошлади.

## Иккинчи ҳикоя

Телба дарё шу тошқинликда,  
Оқар эмиш қанча асрлар,  
Оқар эмиш ва муз қалбида  
Ҳисоби йўқ қадимги сирлар.

У қоялар, дараликлардан  
Бошлар экан ўз ҳаётини,  
Осмон бўйи баланд тоғлардан  
Пастга қараб сурар отини.

Кўз ёшидек тоза томчилар  
Қилар экан дарёни пайдо,  
Дарё бўлса, тул водийларни  
Этар экан ўзига шайдо.

Нима учун бу бунча тошқин,  
Бу дарёнинг яратгани ким?  
Уни бунча ажойиб этган  
Қайси доно, қандайин ҳақим?

Буни билур қайси бир одам,  
Еча олур жумбоқни кимлар?  
Қайси қўлда очилар экан  
Дарёдаги мубҳам тилсимлар?

Дарё билан куч синашгали  
Қурган экан кўп одам ўйин.  
Тилсимларни очолмай, ахир  
Эгиб экан янгидан бўйин.

Бу синашда дарё остига  
Чўккан экан қанчалаб жонлар,  
Шунинг учун сув шағалида  
Эшитилар зору фиғонлар.

Чопа берар тошлар қулатиб,  
Писандига илмас кимсани,  
Муз сингари салқин ва лекин  
Олов билан тўлиқдир тани.



Дарёдаги ҳар бир қатрада  
Бўлар эмиш оловдан нишон,  
Шунинг учун у чопганида  
Қирар эмиш тошларга ҳам жон.

Лекин сувда сир қола берган,  
Машаққатлар қилолмаган кор,  
Чирчиқдаги бузғун қўл этган  
Замонларнинг меҳнатин бекор.

Дунёда бу Чирчиқ сирини  
Билар экан мумтоз бир одам,  
Бир одамки, доно, билимдон,  
Илмларни сув қилиб ичган.

Кела солиб тўплаган элни,  
Мақсадини айлаган баён,  
Изҳор этган дарёнинг сирини  
Бўлганини ўзига аён.

Сўзлаб берган ҳар қандай мушкул  
Иш бўлса ҳам қилолганини,  
Дарёларни чаппа ағдармоқ  
Халқ қўлидан келолганини.

Машинларни кўрсатган бир-бир.  
Уқиб берган турли китоблар,  
Ва пишқирган дарёга қараб  
Ташлаб қўйган ҳар хил хитоблар.

Тушиб қолган эл жонсаракка,  
Ҳар томондан ёғила берган,  
Келганларнинг энг сарасини  
У ишчилар сафига терган.

Ишчи бўлиб келган одамлар  
Тўлдирганлар дарёни, сойни,  
Ўзи келиб юртнинг каттаси  
Қориб берган биринчи лойни.

Шундан бери дарё бўйида  
Тинмай ишлар эмиш халойиқ.

Тирикчилик бўлсин озода,  
Бўлсин дея, инсонга лойиқ.

Билмас эмиш уйқуни тунлар,  
Қўяр эмиш ҳар бири бир тош  
Ва дарёнинг муз кучоғида  
Яратармиш янги бир қуёш.

Солар эмиш улар зўр тўғон,  
Қилар эмиш сув йўлини банд.  
Ва жиловсиз телба дарёни  
Кўтарармиш тоғ бўйи баланд.

Сўнг тоғ бўйи юқориликдан  
Ташлар экан уни ер сари.  
Ва сув кучи билан тебранар  
Экан ёрув дунёнинг бари.

Жаҳон бўлар экан чароғон,  
Машиналар айлана бошлар.  
Тунда кезар экан далани  
Тўда-тўда бўлиб қуёшлар.

Тинчир экан дарё, тинчир эл,  
Бўлмас экан сув тошганда дар,  
Искандардан, Қирғизқулоқдан  
Қолмас экан ҳеч қандай асар.

Ҳар шўхлиғи телба дарёнинг  
Тўланмаскан ўлимлар билан,  
Изламаскан она ўғлини  
Ўлдими, деб дарё лабидан.

Бўлмас экан сув тошқинида  
Қанча-қанча асов ўлимлар.  
Бўлмас экан сув ўйинида  
Адо бўлган тақдири шумлар.

Феруза водийлар ва бахмал  
Далаларда янги бир жаҳон  
Пайдо бўлар ва унда ҳатто  
Бўлар экан жаннатдаги жон.

Товуқ катагидай уйлардан '  
Чиқар экан юрт бутунига,  
Кулбалардан қутуларкан халқ,  
Қуёш кирар экан тунига.

Бўлар экан унда ҳар нарса,  
Бўлар экан ҳар мурод ҳосил,  
Умр бўйи ғам чеккан одам  
Бўлар экан мақсадга восил.

Ҳурсандлиги бир оқар дарё,  
Ҳар гўшада толе булоғи,  
Шундай юртда яшаганларнинг  
Қолмас экан юракда доғи.

Ҳар бир томчи, ҳар қатра суви  
Бир умрлик дардларга дармон,  
Бир ўлкаки, уни ҳар қайда  
Кўрмаганлар қиларкан армон.

Гул очилиб булбулни йўқлар.  
Булбул ишқни тараннум қилар.  
Гулзорида анови қушлар  
Одам топган бахтни олқишлар.

Эл шод яшар ва бу ўлкага  
«Бахт дарёси» қўярлар исм,  
Очилгани шу бўлар сувга  
Асрларча беркинган тилсим.

Шундан сўнгра Москвадан келган  
Одам юртда бор халқни чорлар.  
Ва бутун эл дарё бўйида  
Бахт байрами қилар эканлар.

Қирқ кечаю, қирқ кун томоша,  
Қирқ кечаю, қирқ кундуз ўйин  
Бўлар экан, бутун табиат  
Бошлар экан саодат куйин.

Эл тўпланар экан бир нафас,  
Ва Москвадан келган билимдон

Сўрар экан: қалай, халойиқ,  
Ҳеч бировда қолдимиз армон?

Армонимиз йўқдир, дедир эл,  
Ешлар чиқар хурсанд кўздан,  
Ва барчаси бирма-бир келиб  
Билимдоннинг ўпар юзидан.

### Сўнг

Ҳикояни айтиб бўлди-да,  
Енгил сезиб ўзини жуда,  
Ўртоғига кулиб қаради,  
Ва тарқалган сочиғи таради.

Бир нафасга хомуш ўлтириб,  
Сўнгра гапни бошлади кулиб:  
—Қандай, дейсан, баҳор маҳали  
Ҳушинг борми, шунда боргали?

Билимдонни кўрармиз,— деди,—  
Бирга ишлаб юрармиз,— деди,—  
Балки биз ҳам кўп қаторида  
Шундай бахтли бўлармиз,— деди.

Қиз гулини сувга ташлади  
Ва ўлтириб ўйлай бошлади,  
Қанча гаплар кўнглидан ўтди.  
Қанча гаплар фикрини тутди.

Кўп хаёллар келди бошига,  
Сўнг шубҳалар — барин унутди,  
Ва эрталаб улар қошига  
Бормоқликка қилдилар қарор,  
Ва кулишиб баҳор ва баҳор  
Уйларига қўйдилар қадам...  
Келар эди қорайиб кеч ҳам.

Дарё бўлса, вишқириб ҳамон  
Оқар эди жарда беомон.  
Чор атрофда эсарди еллар  
Ва боғларда қушлар чийиллар.

## ОЙГУЛ БИЛАН БАХТИЁР

1937

### I

Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тулларимда,  
Қўп эртак эшитгандим,  
Сўйлаб берарди бувим.  
Эсимда ўша дамлар:  
Ўзи учар гиламлар,  
Тоҳир-Зухра, Ерилтош,  
Ойни уялтирган қош,  
Ут боғлаган қанотлар,  
Беқанот учган отлар,  
Бахтиёр билан Ойгул,  
Қиз бўлиб очилган гул,  
Сўйлагувчи деворлар,  
Бола бўп қолган чоллар...  
Бувимнинг ҳар қиссаси,  
Ҳар бир қилган ҳиссаси  
Фикримни тортар эди,  
Ҳавасим ортар эди.  
Тинглар эдим бетиним,  
Узун тунлар ётиб жим,  
Сеза олардим кучин,  
Кўпи ёлғон, кўпи чин.  
Аммо, Ойгул-Бахтиёр  
Эртагини у такрор  
Қилар эди ҳар кечин.

### II

Жамбил деган томонда,  
Жуда қадим замонда,

101

Қуллар исён қилдилар.  
Жанга кириб қўйинлар,  
Урушиб ою кунлар,  
Дунёни қон қилдилар.  
Тинчлик тугаб оч элда,  
Мамлакат қолди селда.  
Даҳшат ичра ёниб хон,  
Ҳар томон қилди фармон  
Тўхтамай довул қоқди,  
Майдонларга ўт ёқди.  
Ўз ҳолига қилиб ор,  
Тикиб қатор-қатор дор,  
Кўзларига гўлиб қон,  
Замбараклар бўшатди,  
Таин заҳарга ботди.  
Жамбил эли кўп замон  
Тўполон бўлиб ётди.  
Бир ғазаб ичра жони,  
Жамбилнинг золим хони  
Кечар элнинг қонида,  
Қалбида зўр тугунлар.  
Қулларнинг исёнида  
Ўтарди ою кунлар.  
Қонга фарқ бўлиб тунлар  
Чайқар оғриқ бошини,  
Очлар тўкиб ёшини.  
Олишарди куну тун,  
Яланғочлар ҳам бутун  
Берарди майдонда жон —  
Талаб қилиб ҳақ ва нон.  
Асло қўрқмай ўлимдан,  
Ўч оларди зулмдан;  
Сира қилмай андиша  
Чопарди қўлда теша:  
Бирови ушлаб косов  
Саваларди келса ёв.  
Болтаси бор бирининг —  
Ўлим келмас унга тенг.  
Агар дуч келса шу чок,  
Ағдарарди бўлса тоғ.  
Чўри бўлган отинлар,  
Қул аталган хотинлар;

Кумушдай оппоқ соқол  
Қўкрагини босган чол,  
Ёш гўдаклар, жувонлар,  
Навқирон паҳлавоилар  
Жон оларди бериб жон.  
Ва қанча-қанча қурбон  
Ётар эди қоқ ерда,  
Танлари бурда-бурда,  
Ўтиб юзлаб-минглаб йил,  
Бундай тарихни Жамбил  
Қўрмаганди умрда...

### III

Исёంచి кекса Дархон  
Қулларга бошлиқ эди.  
Қизи Ойгул ютар қон,  
Қўзлари ёшли эди.  
Ота-бола икковлон  
Қуллар учун бериб жон,  
Хонни ўлдирмоқ учун,  
Кўтариб элнинг кучин  
Кезардилар исёнда,  
Минг алам, минг фиғонда.  
Исён бостирилган кун,  
Дархонни қилиб тутқун  
Саройга келтирдилар.  
Ясов тортиб қўшинлар  
Совлат билан турдилар.  
Сўнг золим хонга улар  
Танитдилар Дархонни:  
«Шу бошлаган исёни,  
Шудир Дархоннинг ўзи,  
Мана бу Ойгул қизи...»  
Тикиларди золим хон.  
Тикилар эди Дархон.  
Ёндиргудай жаҳонни,  
Қул қилгудай ҳар жонни  
Ўт бор эди кўзида,  
Зўр талваса юзида.  
Ва хон ташлаб кўз қирин  
Сўради бирин-бирин:

«Қани сўйлагил, Дархон,  
Не фойда берди исён?  
Кимлар ўлди, ким омон?»  
Дархон сўз бошлаб деди:

«Мен ва қизимдан бошқа  
Ўлмаган қул қолмади,  
Қириб шунчалик ёшга  
Кўрмовдим шунча қонни,  
Шунча зору фиғонни.  
Эл хону монин буткул  
Сен ўт ёқиб этдинг кул.  
Жамбил эди бир бўстон  
Қилдинг уни гўристон.  
Сендай қонхўр золимдан  
Қолмасин деб бирор зот,  
Бош кўтардик, зулмдан  
Бўлмоқчи эдик озод.  
Лекин бу гал бўлмади,  
Аммо тилак ўлмади:  
Бир кун сани йиқармиз  
Ва қабрга тиқармиз».  
Хон қовоғини уйди,  
Булутлар ёмғир қуйди,  
Яланғочлаб қилични  
Қулнинг бўйнига солди:  
Боши кетган қуш қаби  
Дархон типирлаб қолди,  
Ерлар қонга бўялди.

#### IV

Имо қилди золим хон,  
Сарой бўш қолди шу он.  
Қулнинг гўзал қизига  
Яқин келди, юзига  
Ўлгундайин тикилди.  
Қизнинг олдида бу хирс  
Кўрсатиб ёввойи ҳирс  
Ерга қадар букилди,  
Кўзида ҳийла кулди:  
«Чўри қиз, энди менга



| Хотин бўлурсан» деди.  
«Ҳашаматли саройда  
Отин бўлурсан» деди.  
Қиз живирлаб бадани —  
«Севмайман, — деди, — сани.  
Йўқ. Бўлмасман, ўйлама.  
Бундай сўзни сўйлама.  
Сен отамдан айирдинг,  
Қанотимни қайирдинг.  
Қўзғолон қилиб ўлган  
Шунча қуллар номидан  
Нафратим бордир санга.  
Ўзинг ўйлаб кўр танга:  
Сен одам эмас-ку сан,  
Ҳайвондан ҳам паст-ку сан.  
Хотин бўлмасман асло,  
Келса бошимга бало,  
Уни сендан кўрарман,  
Доим қарғаб юрарман.  
Тақдирим ёр бўлса-ю,  
Фурсат қулай келса-ю  
Сени агар ўлдирсам,  
Танингга ханжар урсам,  
Дунёда энг бахтиёр  
Одам бўлардим номдор».  
Золим хон хўп тутатди;  
Ғазаб ўтида оқди.  
Қутуриб қаҳри келди,  
Илондай заҳри келди.  
Жаҳлига чидолмайин,  
Ҳеч сўз дея олмайин,  
Жаллодларни чақириб,  
Йиртқишларча бақириб,  
Ундан ўчини олди,  
Қизни зиндонга солди,  
Бир ёмон ўйга толди.

## V

Золим хон саройида  
Кекса бир қул бор эди.  
Қуни ўтар қайғуда,

Ҳар нарсадан хор эди,  
Уни дердилар Тарлон,  
Ўлдирилганда Дархон  
Тоқати ҳеч қолмади,  
Асло чидай олмади,  
У қайнаган қонини,  
Фарёд чеккан жонини,  
Қўймоққа топмади жой,  
Ҳира бўлди кўкда ой,  
У гўё бир буюк тоғ —  
Ўзида минг йиллик доғ.  
Чунки зиндон тагига  
Ташланган бизнинг Ойгул  
Ғаш солар юрагига,  
Азоблар уни буткул.  
Бу золим хон Ойгулни  
Ўлдирад деб албатта,  
Қайғуси эди катта.  
Ахир у топди йўлни:  
Йўқуга кетганда хон,  
Ойгулни қутқармоққа  
Қаттиқ қасд қилиб Тарлон  
Йўл солди зиндон ёққа.

## VI

Бордию арқон солди,  
У зим-зиё чуқурдап,  
Қабрдай қўрқинч ўрдан  
Ойгулни тортиб олди.  
Бутун атроф қоп-қора,  
Шундай мудҳиш туш ора  
Ойгул билан қул Тарлон,  
Бўлдилар йўлга равон.  
Иккови ҳам жим эди.  
Ахири Тарлон деди:  
«Қизим, сени золим хон  
Ўлдиражак беомон.  
Мен сени қутқармоққа  
Олиб келдим бу ёққа.  
Фақат не ҳам қилардим,  
Нима қила билардим?»

Мен ҳам қулман, қанотим  
Сеникидай қирқилган,  
Менга ҳам ўша зolim  
Қилар ишини қилган.  
Шунинг учун ўт олиб  
Бу ишини бузаман,  
Сени сандиққа солиб  
Дарёга оқизаман,  
Агар ўлмасанг, биров  
Сув бўйида қилиб ов  
Сенга дуч келиб қолур,  
Сувдан чиқариб олур.  
Бир купингни кўрарсан;  
Уйнаб-кулиб юрарсан!»  
Азоб ичра ёнар жон,  
Қора кунда қул Тарлон  
Қизга қайғудош келди;  
Ғамига йўлдош келди.  
Қони қочиб юзидан,  
Қизнинг қора кўзидан  
Ёмғир каби ёш келди.  
Секин тушди сандиққа.  
Сандиқ ҳам тикқа-тикқа  
Бўлиб Ойгулни олди —  
Хипча бели буралди.  
Тарлон яна нон солди.  
Чон демаки, жон солди.  
Атрофга кўз ташлади,  
Сандиқни дарё томон  
Сўнгра судрай бошлади,  
Уйқуда эди ҳар ён,  
Сувга ташлади уни.  
Ойгул ҳам оқиб кетди.  
Ва қулнинг юрагини  
Ут бўлиб ёқиб кетди,  
Бир чакмоқ чақиб кетди.

## VII

Уйқудан уйғониб хон  
Ойгулни сўрамади.  
Зиндонга ташланган жон

Не бўлди ҳам демади.  
Ичдан севиниб Тарлон  
Юраркан у ён-бу ён,  
Ҳеч нарсадан беҳабар  
Кўзи кўр, қулоғи кар  
Бўлиб кўринар эди;  
Тинмай уринар эди.  
Тинчлик эди саройда,  
Қиз бўлса катта сойда,  
Сув юзида бетиним  
Оқиб борар эди жим.

Ойгул шу ҳолда уч ой,  
Муттасил оқиб борди.  
Қанча дара, қанча сой,  
Уни узатиб қолди.  
Лекин ҳеч ким тутмади,  
Ҳеч бир савдо ўтмади  
Ва фақат тугаб нони  
Пича қийналди жони.  
Ўртаниб аламидан,  
Шу ҳолда кетиб борди.  
Ахири Жаржон деган  
Бир юртга етиб борди.

### VIII

Жаржоннинг даласида,  
Дарёнинг ёқасида,  
Бир чол ўтин терарди,  
Доним шунда юрарди.  
У бир кун жуда ҳорди;  
Озгина тин олгали,  
Бир оз эркин қолгали  
Дарё лабига борди.  
Ва шу чоқда қари чол  
Бир нарса кўриб қолди.  
Ҳовлиқиб бўлди хушҳол,  
Қаққайиб туриб қолди.  
У йўқ эди ўзида:  
Бир сандиқ сув юзида  
Лопиллаб келар эди,  
Тўлқинда елар эди.

Олмайин икки кўзин,  
Ечина солиб дарҳол  
Сандиқ кетидан ўзин  
Дарёга ташлади чол.  
Бирпасда тутиб олди,  
Қирғоқ сари чиқарди.  
Сандиқни очмоқ учун  
Сарф этди бутун кучин.  
Сира оча олмади,  
Тоқати ҳеч қолмади.  
Энг сўнгра ўроқ солди,  
Тешди-ю ҳайрон қолди:  
Эски сандиқ ичида  
Бир қиз кўринар эди.  
Унда қийналиб жуда  
Ҳадеб уринар эди.  
Содданинг тили қотди,  
У ўзини йўқотди,  
Оғир бир ўйга ботди:  
«Эҳтимолки, бу қиз бир  
Савдогарнинг қизидир.  
Эҳтимолки, бир суқсур,  
Бир парининг ўзидир.  
Чўкиб балки кемаси,  
Бу қиз кетгандир оқиб,  
Дарё бўйлаб улақиб;  
Эҳтимол, бир онаси  
Қолгандир бағрин ёқиб.  
Сўйласанг-чи, ҳой одам,  
Нега ҳеч урмайсан дам?»  
Дея чол қизга айтди.  
Ойгулдан жавоб қайтди:  
«Агар сандиқни ёрсанг,  
Омон-эсон чиқарсанг,  
Сенинг қизинг бўлурман,  
Жуда ҳам бой қилурман».  
Ташвишга солиб бу ҳол  
Жуда ҳайрон қолди чол,  
Лекин ҳеч ишонмади,  
Кўнгли гапга қонмади.  
«Эл олдида очай,— деб,—  
Емон бўлса қочай»,— деб

Сандиқни кўнгли содда,  
Бозорга олиб кетди,  
Кун бўйи терган ҳамма  
Утини қолиб кетди.

## IX

Бозорда қари чолни  
Ўғри дея тутдилар,  
Ура-сура шўрликни  
Подшо сари элтдилар.  
Подшо ҳам ғазаб билан  
«Бу нима» деб сўради,  
Соқчилар бир гап билан  
Атрофини ўради.  
Чолнинг тили тутилди,  
Қўрқди, ўпкаси тўлди,  
Секин: «билмайман» деди.  
Бўздай оқарган эди.  
Сўнг подшо қилчини  
Яланғочлаб бир солди,  
Бечора чолнинг тани,  
Шу он бекалла қолди.  
Қўшинлар питирлашиб  
Сандиқни тез очдилар,  
Жонли бир нарса кўриб  
Тура-тура қочдилар.  
Сандиқдан бир жонивор  
Қоматини кўтарди,  
Чинордайн бўйи бор,  
Одамга ўхшар эди...

## X

Ойгул туриши билан  
Сарой дарақлаб кетди,  
Ҳамма ёқ бўлиб равшан,  
Уйлар ярақлаб кетди.  
Ой деганда юзи бор,  
Кун деганда кўзи бор.  
Бир гўзал қиз қаршида,  
Бебаҳо эди жуда.

Қалдирғоч қошларидан,  
Тўниб қарашларидан  
Ҳаёт сочилар эди,  
Гуллар очилар эди.  
Подшонинг ақли шошди,  
Ўт ичида туташди.  
Ҳар томонга югурди,  
Дам ўтирди, дам турди.  
Бундай гўзал юлдузни,  
Бунчалик барно қизни  
Асло кўрмаган эди,  
Ишрат сурмаган эди.  
У чандон яқин келиб,  
Еб қўйгудай тикилиб:  
«Сен менга теккин» деди.  
Қиз ундан жирканарди,  
Ичи ўтда ёнарди,  
Подшодан қиларди ор,  
Узини сезарди хор.  
Ишлатиб у бир ҳийла,  
Топиб қулай васила,  
Кетмакка қилди қарор:  
«Майли, тегайин сенга,  
Бунинг учун сен менга  
Қирқ кун муҳлат бергайсан,  
Озгина тинч бергайсан.  
Жуда ҳам ҳолдан оздим,  
Сандиқда ўлаёзим!»  
Подшо сира кўнмади,  
Қиз дегани унмади.  
Ахири қиз уч кунга  
Қўй деб ёлворди унга.  
Ҳамон бўлмади рози:  
«Барча тошу тарози  
Бир кунга чидай олур.  
Уйнаб ғаминг тарқалур,  
Сўнгра тўйни қилурмиз,  
Эру хотин бўлармиз».  
Қиз гўё кўнган каби  
Подшога индамади.  
Подшо ҳам қизга энди  
Ҳеч бир нарса демади.

Қўшилиб қирқ қизларга  
Ойгул ташқари чиқди,  
Кўзи гўниб бўзларга  
Шўрликни қайғу йиқди.

Ичидан ёна-ёна  
Чўмилмоқни баҳона  
Қилиб, Ойгул қизларни  
Дарёга олиб борди.  
Қирқ қизлар бирин-бирин  
Ечина бошлар экан,  
Айтиб бир-бирин сири  
Пичинглар ташлар экан,  
Юзи гул, сочи сунбул —  
Бизнинг қайғули Ойгул  
Бир оз ўйлаб турди-да,  
Кўзини чирт юмди-да  
Ўзини сувга отди;  
Шу ондаёқ у ботди.  
Ойгулни Жайхун балиқ  
Олди-ю ютиб кетди.  
Томоғидан қилчалик  
Оп-осон ўтиб кетди.  
Қирқ қизлар саросима —  
Чувуллашиб қолдилар:  
«Нима гап, нима, нима»  
Дея шовқин солдилар.  
Ҳаммалари ноилж,  
Баъзилари яланғоч  
Саройга югурдилар  
Ва подшога билдириб  
Дириллашиб турдилар.  
Подшо ҳам чаппор уриб  
Дарёга чопиб борди,  
Зир югуриб ахтарди.  
Лекин унда кимса йўқ,  
Дарё ҳам силлиқ-силлиқ  
Ҳар кунгидай бетиним  
Оқиб борар эди жим.  
Подшо эди хўп нолон,  
Нима учун бир кунга  
Муҳлат бердим деб унга



Улгудайин пушаймон.  
Ичини ит тирнади,  
Зиёда бўлиб дарди,  
Ер ва кўкни у яниб,  
Ўз ўтига ўртаниб,  
Юриб қизни ахтарди.

## XI

Гўзал юрт Сусамбилда  
Бир подачи бор эди,  
У машҳур эди элда,  
Номи Бахтиёр эди.  
Гўзал эди ва чинор  
Қоматига эди зор.  
Кўкраклари бутун бир  
Офтобни яширарди.  
Танларида бир умр  
Ўт ловиллаб турарди.  
Қиличдай ўткир эди,  
Рустам каби зўр эди.  
Аммо элда хор эди,  
Қамбағал, ночор эди.  
У доим боқиб пода  
Юрар эди саҳрода.  
Чўлларда яшар эди,  
Қирлардан ошар эди.  
Қалбида минг турли доғ,  
Кўз ёши булоғ-булоғ  
Сув ёқалаб бораркан,  
Ҳар томонга қараркан,  
Балиқ овлаб дарёда  
Юрганларга йўлиқди.  
Шу чоқда унинг содда  
Кўнгли бир оз тўлиқди:  
«Жиндай, нон борми?» деди.  
Балиқчи танги эди:  
«Йўқдир берар нонимиз,  
Лекин куяр жонимиз.  
Майли, шу сафар тўрга  
Чиққанин ол ўзингга.  
Узун умринг бор бўлсин,

Бола, бахтинг ёр бўлсин».  
Рози бўлди Бахтиёр  
Ва толенга шу бор  
Жайхун илиниб қолди.  
Улкан балиқчи олди,  
Икки ҳукизга ортиб,  
Олдиндан ўзи тортиб,  
Уйга томон йўл солди.  
Балиқчи кулиб қолди.  
Ҳовлиқиб толиб келди  
Уйига олиб келди.

## XII

Ота, деди у, дарҳол  
Ҳозир бўлди қари чол.  
Ва ота-бола икков  
Балиққа солдилар дов.  
Отаси пичоқ олди,  
Уғли ойболта солди.  
Балиқ қорнин ёрганда,  
Пичоқ белга борганда  
Чол бирдан чўчиб қочди,  
Бахтиёр газаб сочди.  
Балиқ қорнида шу он  
Тебраниб у ён-бу ён  
Ойгул кўзини очди  
Ва Бахтиёрни кўрди,  
Бошига қон югурди.  
Қора кўзлари ёниб,  
Бир муҳаббат уйғониб  
Қалби жизиллаб қолди,  
Қизарди бегап қолди.  
Танасини қуршаб ўт,  
Қип-қизил, мисли ёқут,  
Титрагувчи лаб қолди.  
Хайронликда кўп замон,  
Жим қолдилар учовлон.  
Охирида қиз туриб  
Уларга таъзим қилди,  
Чолга қараб эгилди.  
Улар яқин келдилар,

Ким эканин билдилар.  
Ойгул: «Нон борми?» деди.  
Подачи танти эди:  
«Нонимиз йўқдир билсанг,  
Озгина сабр қилсанг  
Балиқни пиширармиз,  
Биргалашиб еяремиз».  
Ойгул унга, хўп, деди,  
Чолга гапи кўп эди:  
«Ота, қабул қилсангиз  
Уғлингизга тегайин.  
Сиз ҳар нарса десангиз  
Мен бўйнимни эгайин».  
Чол довдираб ҳангуманг,  
Жавобига қолди танг:  
«Қизим, бизда ҳеч пул йўқ.  
Мола дунё буткул йўқ.  
Қандайин тўй қиламиз?  
Сени нима биламиз?»  
«Мен дунё сўрамайман;  
Бой одамга бормайман.  
Сиз хоҳласангиз агар  
Бошингизга тўкай сар...»  
Чол рози бўлгаг каби  
Ҳеч бир нарса демади,  
Бахтиёрнинг юраги  
Гупиллаб урар эди.  
Бу ажиб учрашувдан  
Барча хурсанд эдилар.  
Жайхунни қайноқ сувдан  
Олиб бирга едилар.

### XIII

Кеч ҳам кирди. Лала, чўл  
Туманга ботди, буткул,  
Чол дарров чўкиб ётди,  
Бахтиёр билан Ойгул  
Суҳбатига тонг отди.  
Қулларнинг исенидан,  
Улғайларнинг қонидан,  
Отаси солган фироқ

Бағрини ёққанини,  
Сўзлаб чиқди у узоқ  
Сандиқда оққанини.  
Сўзлади золим хондан,  
Эртақ айтди Жаржондан,  
Балиққа ютилганин,  
Тўрларга тутилганин,  
Молу дунёни демай,  
Подшоларни хоҳламай,  
Подачини деганин.  
Узоқ элдан келганин,  
Сўзлаб ўлтирди Ойгул  
Очилиб мисоли гул,  
Шодлигидан Бахтиёр  
Қарарди такрор-такрор.

#### XIV

Ойгул дарёда балиқ  
Қорнида ётганида,  
Икки катта ҳалқалик  
Гавҳар топувди унда,  
Қадрини билган эди,  
Эҳтиёт қилган эди.  
Тонгда у йўқлаб чолни,  
Арз этди ушбу ҳолни.  
Чол ўзини унутди,  
Ойгул гавҳарни тутди:  
«Мана бунинг бирини  
Бозорга сотиб келинг,  
Билиб унинг сирини  
Олтинга ботиб келинг».  
У, бозорга жўнади.  
Юрса йўли унади.  
Чол ушлаганча гавҳар  
Бозорда юрар экан,  
Харидор сўрар экан,  
Битта катта савдогар  
Хабардор бўлиб қолди,  
Чолга ёпишиб олди,  
Гавҳарга чангал солди.  
Бир сандиқ олтин бериб

Чолни жўнатиб қолди.  
У ҳам тезгина эриб  
Сусамбилга йўл олди.  
Лекин уста савдогар  
Деяр эди ҳар сафар:  
«Бахтим ёр бўлиб агар  
Яна битта шундақа  
Тополса эдим ҳалқа,  
Етти иқлимнинг божи,  
Божи билан хирожи,  
Қимматига сотардим.  
Бир умр еб ётардим».  
Шунинг учун кўп хижил  
Кезар эди элма-эл.

## XV

Яна кунлардан бир кун  
Ойгул чолни чақирди,  
Тағин бир ҳалқа берди.  
Чол ўзида йўқ бутун,  
Бозор томон югурди.  
Дуч келиб у савдогар  
Яна сўради гавҳар.  
Чол бор деди, у бу бор  
Эди жазман ҳаридор.  
Чолни қўймай ҳолига,  
Олиб чиқиб холига,  
Икки сандиқ олтинни  
Нақд бериб олди уни.  
Олтинни отга ортиб,  
Ўзи кучаниб тортиб,  
Сусамбилга бошлади.  
Девдай қадам ташлади.  
Олтинларнинг барини  
Тўплаб, ёшу қарини  
Чақириб гўзал Ойгул,  
Яшнаб мисоли бир гул,  
Бахтиёри ёнида,  
Оташ ёниб қонида  
Қаттакон кенгаш очди,  
Лабларидан дур сочди.

Сусамбил тарихидан,  
Эзилганлар ҳолидан,  
Подшоларнинг зулмидан,  
Хўжаларнинг молидан  
Сўзлади жуда узоқ.  
Охири деди: «Бироқ,  
Бу ҳол узоққа кетмас,  
Орзулар беиз битмас,  
Сусамбилда биз янги,  
Бир дунё қурмоқчимиз.  
Ҳар камбағал кўмакчи  
Бўлсин содиқ соқчимиз.  
Бундай бир юртни фақат  
Эзилганлар қурурлар.  
Сўнг улар қават-қават  
Соз уйларда турурлар».  
Бу сўз ёшу қарига  
Мос бўлиб тушди жуда.  
Эртаси тўда-тўда,  
Гурас-гурас бўлиб эл,  
Кела берди боғлаб бел,  
Хотинлар, ёш болалар,  
Барча амма-холалар  
Кела бердилар ишга.  
Ойгул янги тўрмушга  
Бошлаб, ошу нон берди,  
Жонсизларга жон берди.  
Етимларга парвариш,  
Есирларга ҳақ ва иш,  
Болаларга саройлар,—  
Гўзал озода жойлар.  
Ҳар қадамда бир бўстон,  
Ҳар ерда бир гулистон.  
Эллар учун чаман боғ,  
Ҳар ерда қайнар булоқ  
Бино қилди кунма-кун,  
Ҳар кун бир гўзал якун.  
Жиндай фурсат ичида,  
Куннинг эрта-кечида,  
Ҳар ёндан ела бериб  
Эл чуваб кела бериб,  
Миллион одам тўпланди.

Борган сари кўпланди.  
Қамбағал ва қулларнинг  
Жонидан севган ери,  
Сусамбил жаннатга тенг  
Ўлка бўлди охири.  
Озод эди бунда иш:  
Бу ўлкада ҳар емиш  
Оғочларда пишарди.  
Танларга яқин қуёш,  
Болаларга усти-бош  
Гулзорда етишарди.

#### XVI

Ой деганда юзи бор,  
Қун деганда кўзи бор,  
Гўзал, доно Ойгулни,—  
Бу барно баҳор гулни  
Эл севар эди жондан.  
Ойгул ҳимоясида,  
Бахтиёр соясида  
Сусамбилда эркин, шод,  
Яшар эди халойиқ.  
Уни бутун одамзод  
Хаёл қилишга лойиқ.  
Ойгул ўз ўлкасини  
Сақларди тинч, саранжом,  
Соқчилар севиб уни,  
Керак бўлса берар жон.

#### XVII

Сусамбил соқчилари  
Чегарада бир қари  
Чолни тутиб олдилар.  
Ва шубҳада қолдилар.  
Қаландарга ўхшарди,  
Лекин ёмон юрарди.  
Хўп қора эди ичи.  
Қаландар кийинмида  
Бўлса ҳамки, қиличи  
Кўринарди шимида.

Уни маҳкам тутдилар,  
Ойгул сари элтдилар,  
Ойгул билан Бахтиёр  
Адолат айлаб шиор  
Қилдилар уни сўроқ,  
Подшолардан яхшироқ.  
Ул ҳам секин Жаржонда  
Зўр подшо эканини,  
Сўзлаб берди ва қонда  
Етилиб ўсганини.  
Сўнгра арзи-қолини,  
Бошлади саволини.  
Чол кўп нарса ўйлади:  
Қўлга тушдим тайин, деб,  
Ойгулни алдайин деб,  
Фақат ёлғон сўйлади.  
У дедики: «Бир кунга  
Муҳлат олган ёримни  
Қўлдан бердим ва унга  
Қурбон қилдим боримни.  
Ерга отдим торимни,  
Туғақтириб зоримни,  
Мисоли бир қаландар  
Излаб келдим дарбадар.  
Сен мени демасмисан?  
Ойгулим эмасмисан?»  
Кўзида ҳийла кулди  
Ва ёлғондан букилди.  
Халойиқ шу аснода  
Йиғилиб тўда-тўда  
Тўпланиб қолган эди.  
Подшо кўзи қон эди.  
Шунда чиройли Ойгул,  
Яшнаб, мисоли бир гул,  
Ундан бир сўроқ қилди,  
Тарашадай қоқ қилди:  
«Неча хотинингиз бор?  
Ростини айтинг, зинҳор?»  
«Қирқ хотин бордир менда»—  
Деди беор, шарманда.  
Эл қаҳ-қаҳлаб юборди.  
Золим подшо шу дамда



Фикрини қонга қорди.  
Қиличини чиқарди,  
Ойгулга қараб борди.  
Аммо халойиқ шу дам  
Уни тутдилаб бардам.  
Ўтмасдан жиндайн зум  
Оғзига тикдилар қум.  
Золим подшо шу замон  
Қабрга бўлди меҳмон.

### XVIII

Ойгул кўнгли беғубор  
Хурликни айлаб шиор,  
Ҳам йўлдоши, ҳам ёрш,  
Енида Бахтиёри,  
Яшаркан Сусамбилда,  
Қайғу йўқ экан дилда,  
Жамбилни ўйлар эди.  
Қул чолни сўйлар эди.  
Қулларнинг қасосини  
Олурман деб аҳд қилган,  
Хонликнинг асосини  
Бузурман деб жаҳд қилган  
Исён қучоғидаги  
Чоғларини эсларди.  
Гуноҳсиз қалбидаги  
Доғларини эсларди.  
Зиёда бўлиб дарди  
Кўз олдидан ўтарди:  
Оч қулларнинг исёни,  
Жамбилнинг қонхўр хони,  
Отасининг қиличда  
Тирқираб қолган қоши.  
Кўкка чиқиб фиғони  
Ўтдай туташиб ичда...  
Энг сўнг Ойгул, Бахтиёр  
Қилдилар шундай қарор.  
«Жамбилга ўт очамиз,  
Хоннинг қонин сочамиз».

## XIX

Ойгул туриб эрта тонг,  
Қўшинларга урди бонг,  
Соқчиларни уйғотди,  
Бошлиқларга сўз қотди,  
Қуролларни олдирди,  
Карнай-сурнай чалдирди,  
Бир нафасда қўшинлар  
Саф тортиб йиғилдилар,  
Қирқ кунликка ош ва нон,  
Отларга беда ва дон,  
Қўшинларга кийимлар,  
Дори-дармонлар, емлар  
Олдириб гўзал Ойгул,  
Яшнаб мисоли бир гул,  
Бахтиёрни Сусамбил  
Юртига кўтариб бош,  
Шу кун берди юртга ош,  
Қўшин бошида ўзи,  
Чарақлаб қора кўзи,  
Мардлар сингари Жамбил  
Томонига бошлаб йўл,  
Тўп бўшатиб жўнади,  
Йўлма-йўл ва кўлма-кўл  
Манзилларда тўнади,  
Яна туриб жўнади,  
Гўзал, чаман боғлардан  
Қуш бўлиб учиб ўтди,  
Осмон бўйи тоғлардан  
Бургутдай кўчиб ўтди,  
Қанча қурғоқ чўлларни,  
Дарёларни, кўлларни  
Ўта-ўта охири  
Жамбилга яқин борди.

## XX

Жамбил хони роҳатда,  
Ишратда, фароғатда,  
Яшар экан Жамбилда,  
Не бордир Сусамбилда

Сира ҳам билмас эди.  
Кеча-кундуз маст эди.  
Ойгулни банду зиндон  
Қилган чоғидан буён  
Хабар олмаган эди,  
Эсга солмаган эди.  
Қул қизини зиндонда  
Чириб кетган деб ўйлар,  
Ва лекин ҳар замонда  
Хуснидан эртак сўйлар.  
Мақтаб гўзал Ойгулни,  
Қарғарди Дархон қулни,  
Тарлон бўлса Жамбилда  
Минг армон билан дилда,  
Ҳамон қул юрар эди,  
Қаттиқ кун кўрар эди.  
Ойгулнинг аҳволидан,  
Сусамбилнинг ҳолидан,  
Хабардор эди ўша,  
Унга қайғу билан зор,  
Юз ҳақорат, минг озор,  
Ҳамдам эди ҳамиша,  
Сусамбилга қочмоқни,  
Хонга уруш очмоқни,  
У хаёл қилар эди,  
Эл буни билар эди,  
Чорасиз юрар эди.  
Шу чоқ минглаб қўшини  
Билан Ойгул йўл босиб,  
Ухламай кун-туни,  
Ҳар ерга ялов осиб,  
Келар эди дувиллаб,  
Бўрон каби гувиллаб.  
Дарёларнинг устидан  
Учиб ўтганда оти,  
Қушдай сирғаниб сувдан  
Ёзиларди қаноти.  
У тўхтамай йўл босди,  
Ҳув деганда чўл босди.  
Бир оқиб кетиб келди,  
Жамбилга етиб келди.

Яшнаб мисоли бир гул,  
 Ер-кўкни овозаси  
 Тутиб келганда Ойгул,  
 Жамбилнинг дарвозаси,  
 Очилмади. Шунда ул  
 Дарғазаб қилич солди,  
 Дарҳол қайтариб олди:  
 Қулфлар шарақ-шарақ  
 Уйнаб очилиб кетди,  
 Зулфинлар худди тупроқ  
 Бўлиб сочилиб кетди.  
 Отларнинг туёғида  
 Дарвозалар бўлди кул,  
 Ҳар тўн қўйган чоғида  
 Саройлар қулаб буткул  
 Зўр қўшин кириб борди.  
 Савалаб уриб борди.  
 Жамбилнинг хон, беклари  
 Қуён бўлиб қочдилар.  
 Чуқурлар, ғорлар сари  
 Қучоғини очдилар.  
 Соқчилар золим хонни,  
 Бу ажойиб ҳайвонни,  
 Оғилда ушладилар,  
 Улгудай муштладилар.  
 Рангги бўлса ҳам самон  
 Паст келмас эди ҳамон.  
 Бутун эл қаҳ-қаҳ солди,  
 Хон шарманда, уялди.  
 Эл туриб шу чоқ: «Ойгул!  
 Хонни ўлдир!»— дедилар —  
 «Бутун юрт ва барча эл  
 Сендан ушбун тилар».  
 Ойгул эл талабини  
 Қилиб ўлдирди хонни,  
 Бу ажойиб ҳайвонни.  
 Қилич солиб бўғзига,  
 Қўйиб тўпнинг оғзига  
 Уққа қўшиб кўчирди;  
 Осмонларга учирди,

Ва кул қилиб туширди.  
Энди эски қул Тарлон,  
Ойгулга тўғри келди,  
Севинганидан шу он  
Оёғига йиқилди.  
Ойгул кўтариб олди,  
Тарлон кўришиб қолди.

## XXII

Қул Тарлон шодлигидан  
Тўхтолмади йиғидан,  
Барча ҳайрон эдилар.  
Улар келиб Ойгулга:  
«Бизларни Сусамбилга  
Олиб кеткин,— дедилар.—  
Бу хонлардан куйдик кўп,  
Беклардан ўртандик хўп,  
Биз Жамбилда турмаймиз,  
Бу ерларда юрмаймиз.  
Бизни қўш ўз элингга,  
Эл бўламиз биз сенга...»  
Ойгулга аламини,  
Барча чеккан ғамини  
Эл айтиб йиғлар эди,  
Сел қайтиб йиғлар эди.  
Ойгул назар ташлади,  
Шундай бир сўз бошлади:  
«Золим хон қучди ўлим,  
Энди сизга йўқ зулм.  
Эл, осойиш яшарсиз,  
Ва бекойиш яшарсиз.  
Сусамбилни қўйинглар  
Ва Жамбилни суйинглар,  
Сизникидир тупроғи,  
Сизники тожу тоғи,  
Хон бўлмаса Жамбилда  
Қайғу ҳам бўлмас дилда.  
Мана бу ота Тарлон  
Ҳаммангизга бош бўлур,  
Сизлар учун берар жон  
Ҳар ерда йўлдош бўлур».

Ойгулдан жаҳон-жаҳон  
Эл барча рози бўлди,  
Қалби шодликка тўлди.  
Қирқ кечаю қирқ кундуз,  
Барча эркак, хотин-қиз  
Уйнаб байрам этдилар;  
Золим хонни йўқотиб,  
Қайгуларини отиб,  
Муродига етдилар.  
Шундан сўнг бизнинг Ойгул,  
Яшнаб мисоли бир гул,  
Ўз Бахтиёри сари,  
Ўз севган ёри саре  
Сусамбилга йўл олди.  
Эл карнай-сурнай чалиб,  
Замбараклар бўшатиб,  
Уни узатиб қолди.

## ЗАЙНАБ ВА ОМОН

1938

### *Кириш*

Сўйлаб берай Зайнаб ва Омон  
Севгисидан бир янги дoston.  
Бир зўр оташ, бир зўр аланга  
Икки қалбга туташгани рос,  
Бир севгиким жон берур танга,  
Ҳам Зайнабу Омонларга хос.  
Бу севгида йўлбошлар вафо,  
Ҳам вафони емирмас жафо;  
Бунда асло қора кун йўқдир,  
Бунда мотамсаро кун йўқдир,  
Хазон қилмас Зайнабни замон,  
Ва оташда ўртанмас Омон,  
Туши эмас, балки ўнгида  
Дилдорини кўрар бегумон.  
Бир қиссаким, бунинг сўнгида  
Севишганлар топишгусидир,  
Жонлар жонга ёпишгусидир.

### *Биринчи бўлим*

#### I

Шод ўтади Зайнаб кунлари,  
Қўнгли баҳор кўкидай тоза,  
Қўқда учган қушларнинг бари  
Шодлигидан олар андоза.  
У яшайди беситам, безор,  
У билмайди қайғуни, ғамни,  
Оёқлари остига баҳор

Тўшаб қўйган алвон гиламни.  
Бутун дала бахмал поёндоз,  
Лола очиб қаршилар тоғлар,  
Гулга тўлиб серишва, серноз,  
Унинг кўнглин хушлайди боғлар.  
Ҳар томонда баҳордан нишон,  
Даралардан чопар Зарафшон.  
Қарайди қиз, бамисоли тун  
Кўзларида бутун бир олам  
Ҳаёт тўла баҳорга мафтун,  
Унга тамом бегонадир ғам.

## II

Зайнаб ўсган элнинг мисли йўқ,  
Зайнаб ўсган эл бахтга тўлиқ.  
Бунни кўрган тез бўлар банда,  
Бунни инсон бир қур кўрганда,  
Юрагида ҳеч армон қолмас,  
Бунга жаннат тенглаша олмас.  
Бунда қўшиқ айтган ариқлар  
Қаршисида парилар йиғлар.  
Қушларининг нағма-навоси,  
Водийларнинг мраммар ҳавоси,  
Эрта баҳор очилган лола,  
Қоялардан учган шалола,  
Бинафшалар, ранго-ранг гуллар,  
Шиша каби зангори кўллар,  
Ҳамишалик дил тортар кўклам  
Ва табиат тўқиган гилам;  
Қорга чўмган ҳайбатли тоғлар,  
Шарқираган даво булоқлар —  
Ҳаммаси бор, ҳаммаси маъмур...  
Бунда ерга ойдан тушган нур  
Салқин тунда ўзи бир қуёш,—  
Чўмилади, унга тоғу тош.  
Новдаларда туғилган куртак  
Ҳар кун тўқир янги бир эртак.  
Бунда ҳамма, ҳамма нарса бор,  
Бунда қизга толе бўлар ёр.  
Бунда орзу қозонади от,  
Бунда севги ёзади қанот.



Қўзғатади қиз ҳавасини,  
Чиройига ранг беради гул,  
Бунда қизга севги дарсини  
Уқитади энг аввал булбул.  
Зайнаб шунда туғилган эди,  
Шунда тўлиб етилган эди.

### III

Одам зоти дунёдаки бор,  
Унинг билан муҳаббатдир ёр;  
Уни билмас юрак топилмас,  
Уни билмас отлар чопилмас.  
Севги.. лекин бунда асрлар  
Фожиаси соч ёзиб йиғлар;  
Йиғлар ишқни емирган замон,  
Йиғлар севиб ўтга тушган жон.  
Севги қалбнинг биринчи майли,  
Лекин замон асира Лайли  
Ёстиғини бутун қурутган,  
Коса-коса оғулар тутган;  
Мажнунни у, ўтказган ёрсиз,  
Фарҳодни ҳам этган диёрсиз.  
Бунда одам хўр бўлган кунлар,  
Эркисизликдан чиққан якунлар  
Оинада бўлган намоён,  
Жилва қилган севгисиз даврон.  
Замон ўтган, замонлар ўтган...  
Одам янги замонга етган.  
Ҳамон севги одамга йўлдош,  
Ҳамон севги қалбларга сирдош.  
Шудир баҳор, очилган лола,  
Шудир дилни қийнаган нола;  
Шудир сабза, бинафша кўклам,  
Шудир қизнинг бошидаги ғам.  
Шудир атир сочувчи раъно,  
Шудир аччиқ ва ширин маъно;  
Шудир этган қиз кўксини оқ,  
Ва йигитнинг кўрагини тоғ.

### IV

Зайнабнинг ҳам тоза, осуда,  
- Доғ кўрмаган маъсум қалбида

Севги япроқ ёзиб қолибди,  
Ва фикрига гавго солибди.  
Қокиллари унинг тол-тол,  
Лабларида битган қора хол  
Бир дунёга арзигудай бор,  
Кўзлар ёниб ахтарар бир ёр,  
Ёр ахтариб боққанда қийғоч,  
Қоши бўлиб худди қалдирғоч,  
Атрофида ойлар чарх урар,  
Теграсини юлдузлар ўрар.  
Покизадир қизнинг тилаги,  
Оппоқ қордай бўлиб кўкраги  
Кўтарилар ҳамон юқори;  
Ул ҳозирча севгининг зори,  
Озоридан хабарсиз ва шод;  
Севгидаги шодлик бирла дод  
Унга ҳали тамом бегона,  
Билмас ҳали у ёна-ёна,  
Муродига етагагини.  
Маҳкам ушлаб ёр этагини,  
Кетарман деб ўйланар осон,  
Иш битар деб ўйлар бефигон.  
Шунинг учун Зайнаб ниҳоят,  
Севиб қолди бировни гоят;  
Кўнгил қуши талпиниб қолди,  
Юрагида ўт ёниб қолди.

## V

Урик гуллар Зайнаб боғида,  
Кўп йигитлар бор қишлоғида.  
Кўп йигитга тушади кўзи,  
Лекин шунга ҳайронки ўзи,  
Кўнгли фақат Омонни дейди;  
Шу юракни, шу жонни дейди.  
Ва ҳолбуки бошқа йигитлар  
Ҳеч кам эмас, у яхши билар.  
Агар бири ёйса қулочин,  
Парвоз қилар кўкларда лочин,  
Ҳаводаги қушларни тутар,  
От чопганда яшиндан ўтар,  
Фоз сингари қўнар кўлларга,

Сув оқизар сахро, чўлларга,—  
Ҳаммаси ҳам қиличдан ўткир,  
Ҳаммаси ҳам Рустам каби зўр.  
Нега севди Омонни, нечун?  
Зайнаб билмас қалбининг кучин.  
Нега этди уни ихтиёр?  
Билолмайди изоҳи душвор.

## VI

Ва ҳолбуки ҳозир туну кун,  
Ушандадир хаёли бутун.  
Қайга борса ўша қошида,  
Ун тўққизга кирган ёшида,  
Шамол теккан гул барги каби  
Унинг қалби дир-дир титради.  
Севганини билади, холос.  
Фақат нечун, қайдадир асос?  
Ахир кимдир кўнгил қўйгани,  
Қайси барно шунча севгани?  
Нимаси бор, нимаси ёқар,  
Қайси оташ қалбини ёқар?  
Билмай туриб севганда шунча,  
Йўл бошлади қайси тушунча?  
Ҳеч бирини ўйлаб кўрмайди,  
Ҳеч бирига жавоб бермайди.  
Унинг фақат бир асоси бор,  
Шу асосга зўрдир эътибор:  
Эл сўйларкан доим ёмонни,  
Атамайди ҳеч бир Омонни.  
Шунинг учун яшайди бедод,  
Шунинг учун нафас олиб шод  
Баҳор каби тўлиб боради,  
Ҳар кун гулдай бўлиб боради.

## VII

Ярим оқшом, чумчуқлар тинган,  
Ҳамма қора либос кийинган,  
Сойларда тун, сахроларда тун,  
Дараларда, водийларда тун,  
Япроқларда тун ётиб ухлар,

22

Сойликларда тун қотиб ухлар.  
Тун ўрмалар тоғ бошларида,  
Тун Зайнабнинг қарашларида.  
Лекин, ҳали ўтирар уйғоқ,  
Олдидаги бир саҳифа оқ —  
Қоғоз узра тинмай тикилар,  
Кўз нурлари унга тўкилар:  
«Сени, Омон, кўргандан бери,  
Кўзларимга уйқу келмайди.  
Сенга майл қўйгандан бери,  
Ҳеч нарсага кўнгил тўлмайди...»  
Уйлаб-уйлаб тўхтаб қолади,  
Оғир-оғир нафас олади.  
Езганларни ўқийди такрор,  
Юрагида уйғонади ор.  
Ва қоғозни йиртиб ташлайди,  
Яна олиб ёза бошлайди:  
«Севганимни қилмай ошкора,  
Омон ўзи сўз очса зора,—  
Хаёлида юрар эдим жим,  
Фақат кўтмоқ бўлмишди бурчим,  
Ва ниҳоят сабр ила қарор  
Тугади-ю бошладим иқрор...»  
Боз ўқиди, кўнгли тўлмади,  
Яна айтганидай бўлмади.  
«Езолмадим» деди-да ўзи,  
Рўпарада турган қоғозни  
Парчалади. У энди бу бор  
Езмасликка айлади қарор.

## VIII

Бир силкиниб ўрнидан турди,  
Недир ўйлаб илгари юрди,  
Атрофи жим, ҳамма уйқуда,  
Кўкдаги ой акс этар сувда;  
Елғиз майин, енгил шаббода  
Водий ичра танҳо тентирар.  
Симоб каби тиниқ ҳавода,  
Шитирлашиб япроқлар титрар.  
Қиз чор атроф сари қаранди,  
Тим-тинликда ўртанди, ёнди,

Бир оташин интилиш шу дам,  
Юрагига бўлмишди ҳамдам.  
У қайгадир кетмоқчи, фақат,  
Билолмайди қайга эканин,  
У шод, лекин ўшал муҳаббат  
Парча-парча тўғрайди танин.

Унутди-ю, тўхталиб қолди,  
Чигал ўйлар ичра йўқолди.  
Ҳам ўтириб қолди фаромуш,  
Қанча юлдуз кўзида ботди,  
Ва ўрнидан қўзғалиб хомуш,  
Секин келиб жойига ётди.

## IX

Секин келиб ётди-ю фақат,  
Кипригини юма олмади,  
Ўйлай-ўйлай тоқ бўлди тоқат,  
Энди сира юрак қолмади.  
Ёки бирдан Омон кўзига,  
Уялмасдан қарай қолсами...  
Ҳамма гапни унинг юзига  
Шартта-шартта айта солсами?..  
Юздан олиб бутун пардани,  
Гапирса-ю «жавоб» бер деса,  
«Айб қилмагин, танладим сани,  
Рози бўлсанг бирга юр» деса...  
Нима бўлур шу пайтда ҳоли,  
Нима бўлур шўрликнинг фоли,  
Терга пишиб Зайнаб олар тин,  
Йўқ, бўлмайди, бу ҳали қийин,  
Ҳали бунга тил боролмайди.  
Ҳали Зайнаб ўзининг дардин,  
Дадил туриб ёра олмайди.  
Тунни бутун уйғоқ кечирди,  
Фикрлари топмай ниҳоя,  
Хаёл уни кўкка учирди.  
Тонг ёриди, тоғдаги соя  
Ватанини сойга кўчирди.

## Х

«Сенсан, Омон, уйқусиз тунлар  
Юрагимни олган аланга,  
Сен фикримни чулғадинг кунлар,  
Сен лахча ўт ташладинг танга.  
Кошки сени кўрмагай эдим,  
Тушмагайди кўзга оташинг,  
Яшар эдим беташвиш ва жим,  
Юрагимни ёндирмас ғашинг.  
Оқизарсан ҳали ёшимни,  
Ўт кўзларинг қўймас саломат,  
Булут каби қуршар бошимни,  
Ҳали қанча-қанча маломат,  
Ҳали қанча-қанча ҳасратлар,  
Еш қалбимга бўлурлар меҳмон,  
Ҳали қанча қайғулар, дардлар,  
Ҳиддат билан сўзон қилур жон».

## ХІ

Тонг сингиди оппоқ оқариб,  
Зайнаб туриб, далага бориб  
Бутун гапни унутган бўлди,  
Сиқиқ қалби ҳавога тўлди.  
Яратувчи эркин, озод иш,  
Даладаги осуда турмуш,  
Кўклам каби кўкарган жонлар,  
Шўх йигитлар, қизлар, жувонла  
Бўлди қизнинг дардига чора,  
Хуррам бўлиб у бора-бора,  
Отди дилда бўлган ғуборин  
Ва фаромуш айлади зорин.  
То кечгача ишлади тинмай,  
То кечгача юракдаги най,  
Ўтга тушиб қилмади наво,  
Дала бўлиб дардига даво  
Юрагига ҳеч ғаш солмади,  
Оромига оташ солмади.  
Даладаги бу қайноқ ҳаёт  
Ҳавасига боғлади қанот.  
Ва шодликнинг эшигин очди,

Қайғулари узоққа қочди.  
Ҳар қадамда ортиб сурури,  
Қанча ерни ўйинга солди,  
Ишлади-ю, ортди ғурури,  
Кеч кирганин билмайин қолди.

## XII

Қуёш ботди, бир тўда қизлар,  
Ғам билмаган кулар юлдузлар,  
Овоз қўйиб қўшиқ айтади,  
Зайнаб билан хушчақ-чақ Ҳури,  
Адол билан яллаци Нури,  
Асал билан ўйинчи Сора,  
Сурма билан қувноқ Рухсора,  
Сарби билан дуторчи Гулнор,  
Қундуз билан Суқсур ва Анор  
Бирга-бирга қайтади хандон,  
Бирга чақчақ қилади чандон.

## XIII

Тор кўчанинг бошига келиб,  
Зайнаб энди ўзга йўл олди.  
Ҳар бирига чандон тикилиб,  
Дўстларидан зўрға ажралди.  
Чайқаб қолди у бошларини,  
Йўлга тикиб қарашларини,  
Кўча тўла одамни кўрди,  
Ичкарига кирмайин турди.  
Одамларнинг ҳаммаси тоғдан,  
Тоғ бағрида бўлган улоғдан  
Қайтган каби тўда ва тўда,  
Сўзлашарлар ҳар бир тўғрида.  
Гўё байрам, гўё янги йил,  
Тарқагандай гўёки сайил,  
Келардилар гурас ва гурас,  
Бари эркин оларди нафас.

## XIV

Омон кимдир, борми ватани,  
Ким ҳам қизга танитар уни.

Шод бўлса-да хотиротидан,  
Хабарсиздир ёрнинг зотидан.  
У бўлурми севгисига тенг,  
Ошиёни қайда бу қушнинг.  
Зайнаб фикрин чувалтирган шул,  
Фикри-ёди шу билан машғул.  
Ёмон отлиқ бўлса у агар,  
Зайнаб кирар ерларга қадар.  
Бўлиб қолса сири ошкора,  
Жароҳатга топилмас чора.  
Сўнгра уни савдойи дерлар,  
Бир тагсизнинг гадойи дерлар;  
Унда ёғар таъна тошлари,  
То ергача унинг бошлари —  
Хам бўлур-да, ҳеч юра олмас,  
Эл ичида обрўйи қолмас.  
Ва ёронлар бари беғараз,  
Бундай дўстдан қилурлар араз.  
Шунинг учун жимлик сақларди;  
Шунинг учун ичида дарди,  
Шунинг учун қийналса ҳам жон,  
Севгисини тутарди пинҳон.

### *Иккинчи бўлим*

#### I

Ичкарида ўзга ҳол эди,  
Зайнаб учун ўзга фол эди.  
Бунда қизнинг эркин ва тоза  
Номусига ўқиб жаноза,  
Ҳурлигини ер билан яксон,  
Бағрин этиб лахта-лахта қон,  
Кўзларидан оқизиб ёшин,  
Поймол этиб унинг қуёшин,  
Қора турмуш соларди чангал;  
Қисматини этар эди ҳал.

#### II

Заҳар тўкиб қизнинг ошига,  
Бу бечора Зайнаб бошига



Утмиш солган қора бир соя;  
Бу турмушдан ажиб ҳикоя,  
Бу инсоннинг ҳайвондан баттар  
Хўр этилган чоғин эслатар...  
Ундан Зайнаб хабарсиз ҳамон,  
Уни асло эсламас бу жон.  
Бу савдони кимнинг солганин,  
Унинг бахтин кимлар олганин,  
Кимлар уни бу қадар ожиз,  
Ва ҳуқуқсиз бечора бир қиз  
Этиб, шўрлик бошига бало  
Солганини эсламас асло...

### III

Ҳали Зайнаб чақалоқ кунлар,  
Бошга тушди чигал тугунлар:  
Она уйи одамга тўлди,  
У Собирга нишона бўлди.  
Уч-тўрт хотин гўдак Собирни  
Олиб келиб очдилар сирни,  
Зайнаб билан Собирни мақтаб,  
Ва икковни бир-бирга атаб,  
Дастурхонда синдирдилар нон  
Ва фотиҳа кўтариб шу он  
Тарқалдилар... Зайнаб бешикда  
Йиғлар эди оч қолиб жуда.  
Собир эса ҳеч гап англамас,  
Юрар эди ўйин билан мас.  
Ана шунда бу қора одат,  
Қиз бахтига урган эди хат.

### IV

Йиллар ўтди, фақир хонадон  
Муҳтожликка таслим этди жон,  
Ғамхонада қашшоқлик кулди  
Ва оила тутдай тўкилди.  
Зайнаб қолди бечора якка,  
Қимса келмас унга кўмакка.  
Нада ота, на она қолди,  
На бир кулба, на хона қолди;

На бир паноҳ, на бир ошиён,  
На бир ғамхўр, на бир меҳрибон,  
На бир сирдош, нада бир йўлдош,  
На бир ўртоқ, на бир қайғудош...  
Ҳеч кимсаси йўқ эди, ёлғиз  
Тутқин бўлиб қолган эди қиз.

## V

Ҳар даргоҳга бориб сиғинди,  
Ҳар эшикда новдадай синди.  
Эндигина кўкарган ниҳол,  
Хазон уриб бўлмишди беҳол.  
У ниҳоят топди бир паноҳ,  
Мурувватли бир кичик даргоҳ  
Ўз қаноти остига олди,  
Тағларига иссиқ хас солди.  
Анор хола оиласида  
У, асранди қиз бўлиб қолди.  
Ва шунга ҳам севиниб жуда,  
Ўтганларни унутган бўлди.  
Аламларни қуритган бўлди.

## VI

Қиз беради тақдирига тан,  
Анор хола кулбаси — ватан.  
Хуфтон ётиб, азонда турар,  
Эртаю кеч эшик шипирар.  
Машаққатда ўтади куни,  
Ҳолдан кегиб шўрли қиз туни  
Ярим карахт, мудрар, ярим оч,  
Усти-боши йиртиқ-яланғоч  
Кун кечирар, ишлар тинмайин,  
Қайғу тўла овози майин  
Қизнинг ғамгин ҳолин англатар,  
Қиз ичида оғир дард ётар.

## VII

Офтоб йиқар қайғу тоғини,  
Ойлар ёқар тун чироғини.

Ўтди кунлар, ўтди замонлар,  
Ўтди ғамга ғарқ бўлган онлар.  
Лекин улар эсдан ҳеч қачон,  
Чиқа олмас ва хотирга жон  
Берур унинг ҳар саҳифаси,  
Эслаганда қизнинг сийнаси  
Чуқур бир оҳ билан қўзғалур,  
Оғир-оғир бир нафас олур.

### VIII

Довонларни ошди амаллар,  
Яшашдаги чурук тамаллар  
Асосидан бир-бир бузилди:  
Водий бўйлаб колхоз тузилди.  
Анор хола оиласи ҳам,  
Колхоз сари қўйдилар қадам,  
Ва бўй етган Зайнаб ҳам озод,  
Эркин энди бошлади ҳаёт.  
Колхоздаги мустақил турмуш  
Ва маҳсулдор яратувчи иш  
Ғуссаларни айлади барбод,  
Фақат шунда у қозонди от.  
Шунда қадри-қиймати ортди,  
Шунда иззат-ҳурмати ортди.  
Атрофига гуллар сочилди,  
Шунда унинг бахти очилди,  
Фақат шунда сизди бегумон,  
У ўзини ҳақиқий инсон.

### IX

Бахт жаранглар қувноқ сасида,  
На кулфати, нада зори бор.  
Анор хола оиласида  
Энди унинг эътибори бор.  
Энди уни камситмас ҳеч ким,  
Энди уни етим деяр ким?  
Зайнаб ўсар оқил ва доно,  
Сўзларида мазмун ва маъно.  
Ўсганида беташвиш, беғам,  
Бунча зийрак бўлмас эди ҳам.

1 348/2

Энди унинг ҳар нарсаси бор,  
Энди унга ҳамма гап тайёр,  
Одамизод гулистонида,  
Саодатнинг бахт бўстонида,  
Орзуларга тўлиқдир кўнгил.  
Ваҳимасиз осойишта дил  
Ўзига бир йўлдошни истар,  
Бир қадрдон сирдошни истар.

## Х

Зайнаб Собир кимлигин билмас,  
Зайнаб ҳали ўз ишқида мас.  
Лекин Собир уйида ҳар кун,  
Шошилишча тўй тайёрланар.  
Аммо Зайнаб кўксида ҳар тун,  
Омонининг юлдузи ёнар.  
Тўйдан фақат Анор хабардор,  
Уни Собир онаси бардор —  
Бардор этиб йўлга солмишдир,  
Ихтиёрин қўлга олмишдир.

## ХІ

Тайёрланар тўй, лекин Собир  
Бу тўй учун ажойиб бир сир,  
Чунки она боғида у йўқ,  
У ўзининг қишлоғида йўқ.  
У, ўқирмиш дорилфунунда  
Ва онгларни қоплаган тунда  
Юлдуз бўлиб учар эмиш у;  
Яшин каби кўчар эмиш у.  
Она унга уй қилмоқчидир,  
Дабдабали тўй қилмоқчидир.  
Шунинг учун йўлга кўз тутар,  
Келишини интизор кутар.

## ХІІ

Зайнаб энди ўз асрорини,  
Армонини, истак, зорини  
Опасига этиб ошкора,  
Қилмоқчидир дардига чора.

Фақат нетиб, қайси юз билан,  
Қайси ҳаё, қайси кўз билан  
Опасининг юзига қарар?  
Тили сўзга қандайин борар?  
Уят ўти ёниб юзида,  
Бир изтироб зийрак кўзида,  
Елғиз Ҳури сари талпинар,  
Уни эслаб юраги тинар.

### XIII

Чунки Ҳури Зайнабнинг бутун  
Асроридан тўла хабардор,  
Чунки унинг билан куну тун  
Бирга бўлар, Ҳар нарсаки бор  
Зайнаб унга сўйлар, сақламас,  
Ҳеч бир нарса йўқ Ҳури билмас,  
Ҳатто Омон билан ҳам уни,  
Таништирган шу Ҳури эди.

### XIV

Ҳури, Зайнаб қош қорайганда,  
Кеч қоп-қора чойшап ёйганда  
Ичкарига келиб кирдилар  
Ва Анорга салом бердилар.  
Кўрар экан юзи қизарди,  
Опасига яқинроқ борди.  
Анор эса чехраси хандон,  
Зайнаб учун бергудайин жон,  
Атрофида парвона бўлар  
Ва минг карра ундан ўргилар.  
Ҳури бўлса қилиб томоша,  
Айтажагин этарди иншо.  
Лекин ундан олдинроқ Анор  
Сўз бошлади кулиб беқарор.  
Икки қиз ҳам ҳангуманг қолди.  
Зайнабдаги севинч йўқолди.

### XV

Рўзи азал қиз қисматида  
Эрга тегмоқ одати бордир.

Бу насиба тақдир хатида  
Ёзилгандир, оҳ билан зордир.  
Бундан қуруқ қолган пешона,  
Умри ўтар ёна ва ёна,  
Қовушмоқлик қушларда ҳам бор,  
Ҳамма излар бир йўлдош дийдор;  
Бунга тўққиз ёшлик Оиша  
Муҳаммадга теккани асос.  
Бунга берар ўлим хотима,  
Бу пайғамбар қолдирган мерос...

## XVI

Анор.

«Кўзи тирик экан отасин,  
Бир яхши нияти бор эди,  
Яъни Зайнаб Собирга бўлсин —  
Деган васияти бор эди.  
Не учунки, у туғилганда  
Собирга деб нон синдирилган,  
Нишон бўлган, етиб тўлганда,  
Собиржонга бўлсин дейилган».

## XVII

Анор сўзлар ва Зайнаб қалби  
Тол баргидай дир-дир қалтирар.  
Ҳури қўйиб жон қулоғини  
Тинглар экан лаблари титрар.  
«Энди, Зайнаб бўй етиб қолди,  
Юртимизнинг мана энг олди  
Йигитлари унга харидор,  
Кўп лочинлар чиройига зор.  
Лекин Собир ҳаммадан гўзал.  
Кеча қилдик ҳамма гапни ҳал:  
У шаҳардан келиш биланоқ,  
Тўй қилмоққа айладик қарор.  
Ишлар битди, битди-ю бироқ...»  
«Бироқ...» дея тўхтади Анор,  
Икки қизга бир қараб олди,  
Атрофига бир назар солди.  
Қиз қалбида бўғиларди жон,  
Ҳури бўлса тамоман ҳайрон.

Яна сўзни бошлади Анор:  
«...Бироқ бунда бир андиша бор.  
Чиқармаслик учун ёмон от,  
Сақлаш учун номус ва уят,  
То тўй бўлиб ўтгунигача,  
Келин бўлиб кетгунигача,  
Боши очиқ чиқмас ташқари.  
Шуни истар барча ёш, қари».

### XVIII

Зайнаб тамом, тамом лол эди,  
Сўз қотишга у беҳол эди,  
Тирнар эди қалбини азоб.  
Гўё хаста, гўёки бетоб,  
У ичидан оғир тўлғанар.  
Ғазаб билан зоҳири ёнар.  
Ва Анорга қарамас асло,  
Оғир дардга бўлиб мубтало  
Тун сингари бўғиқ ва сокин  
Ўтиради, сирдоши локин  
Оппа-очиқ туташар эди.  
Дарё каби у тошар эди:

### XIX

X-2<sup>u</sup> «Кечир, опа, айтган андишанг  
Қизни қуллик томон қайтарур.  
Андиша деб сен урган тешанг  
Уни қора қонига қорур.  
Агарда қиз бўй етган эса,  
Бир олдидан ўтмас бўлурми?  
Ва уйига совчилар келса,  
Розилигин кутмас бўлурми?  
Балкида бир дегани бордир,  
Балки унга тегмаклик ордир,  
Балки этиб бир аҳду паймон.  
Вафосига гаров қўйиб жон  
Арз этгани келгандир сенга,  
Тез шошилган, елгандир сенга.  
Энди бунга не чора бўлур?  
Энди Зайнаб бечора ўлур...»

## XX

Опасида ғазаб отани,  
Ва Зайнабда андиша ғашн  
Елкасида тоғдай оғир ғам;  
Анор кўзи ичра жаҳаннам  
Оловлари тпнмай ловиллар.  
Ва таптига юраклар чўллар.  
Хури ёқиб сўз гулханини,  
Уртар эди Анор танини.  
Яна Анор ўтдай тутақиб,  
Сўз бошлади Хурига боқиб:  
«Нима дейсан, бунга Собирдан  
Ортиқ йиғат эр бўлармикин?  
Бутун юртни ахтарса ундан  
Афзали ҳеч топилармикин?  
Нимага бу андиша бекор?  
Нега унга тегмак бўлсин ор?  
Ахир юртда қанча гўзаллар  
Қелишини зориқиб кутар.  
У бу юртда энг зўр билимдон.  
Пахта илмин ўқибди чандон.  
Юртда барча пахта эккаплар  
Хирмониға червон қуюлар.  
Ахир яна бир андиша бор:  
У Собирға фотиҳа бўлган,  
Васиятда уни ота зор,  
Собиржонга бўлсин деб ўлган.  
Поймол қилиб бўлурми буни?  
Қайси номард истаган шуни?»

## XXI

Ерда экан кўзининг нури,  
Зайнаб ҳамон жим, фақат Хури  
Давом этар савол-жавобда.  
Жаранглайди чалғиси тобда:  
«Тўғри опа, сенга ҳам қийин,  
Бировга сўз бергандан кейин  
Уддасидан чиқмоқ яхшидир,  
Андишамнинг сабаби будир:  
Зайнабнинг ҳам танлагани бор.



Опа, фақат қизиниша зинқор!  
У Омонни севиб қолибди,  
Севиб қолиб, ваъда олибди.  
Опа, бу иш қизнинг ҳаққидир,  
Андишамнинг сабаби будир.  
Бунда йўқдир ҳеч қандай гуноҳ.  
Зўрлик билан тегиб сўнгра оҳ  
Тортганнинг ҳеч фойдаси бўлмас,  
Қиз ҳам одам; у бир мол эмас,  
Сўзда турмоқ қиз учун ҳам фарз,  
Одамгарлик қиз учун ҳам қарз.  
Поймол қилиб бўлурми буни?  
Қайси номард истагай шуни?»

### XXII

Ғазабида олам, олам ўт,  
Тушунчаси қоп-қора булут  
Қаби борган сари қуюлар;  
Анор гўё сочини юлар  
Қаби бўлиб минар жаҳлга.  
Ҳамма гапни совуриб ерга,  
Синдиргудай Зайнаб бошини,  
Ота бошлар таъна тошини:  
«Ортдирганинг колхозда шуми?  
Эй шарманда, беномус, бебош.  
Бахт деганинг шумиди, ҳали?  
Ишлайман деб топибсан ўйнаш».  
Қарғаш учун сўз тополмади,  
Ғазабини ҳеч босолмади.  
«Ўйнаш» сўзин ҳадеб ҳижжалаб,  
Охир деди: «Фоҳиша, жалаб...»

### XXIII

Зайнаб шунда қалбига бирдан  
Яшин урган қаби сапчиди,  
Ва бошини кўтариб ердан:  
«Жоним опа, тўхтагил!— деди,—  
Ялинаман, бунча туташма,  
Ялинаман, бу қадар тошма.  
Қилма, опа, қалбимни пора,

Тўхта, бир оз англасанг зора.  
Опа, увол кўздаги ёшим,  
Увол ғамда ҳам бўлса бошим.  
Опа, мени озгина қизган,  
Кўкарганда кул бўлмасин жон,  
Ниятингга еткур, қулоқ сол.  
Аламларинг кеткур, қулоқ, сол».

#### XXIV

«Беномус қиз, айт тўғрисини.  
Бахти қора! Эл номусини  
Орсизларча поймол этганда,  
Заррача эс бормиди санда?  
Қайси шайтон йўлга бошлади?  
Қай ҳароми ўтга ташлади?  
Йўлдан урди қайси бир маккор?  
Очигини сўйлагил, беор.  
Сенга буни кимлар ўргатди,  
Қучоғингда қай иблис ётди?

Ун беш ёшда экан куёвга  
Берганлари ҳамон эсимда.  
Қурбон бўлдим қайси бир ёвга.  
Ҳамда менинг толеим кимда  
Билмас эдим, билмасдим асло,  
Лекин, шукур, урмади бало;  
Чимилдиқда кўрдим эримни,  
Менга йўлдош қилдилар кимни?  
Сўрамадим, бўлмади ишим,  
Ҳеч ким билан йўқдир койишим.  
Қолиб кетдик бутун умрга  
Ва шукурким, кирмадик гўрга.  
Шундай ўтди етти пуштимиз,  
Шундай ўтди барча хотин-қиз.  
Шундай ўтди уруғ ва авлод  
Ва ҳеч бири қичқирмади дод.  
Бизда одат мана шу эди  
Ва саодат мана шу эди.  
Сен шарманда энди бемалол,  
Ҳаммасини қилибсан паймол».

## XXV

Зайнаб турар, қора кўзидан  
Жавдираган ёши тирқирар,  
Қони қочиб оппоқ юзидан  
Талвасада кўкраги урар.  
Ҳури жимдир. Зайнаб бепоён,  
Аламини қилгали баён—  
Бир чимранди, силкинди боши,  
Сўз бошлади кўзида ёши.

## XXVI

«Тўғри опа, бутун бахтсизлик,  
Хўрликларнинг боиси шудир,  
Хотин-қизга хос бўлган қуллик  
Шу одатда этмишдир зуҳур.  
Бутун қизлар, бутун жувонлар  
Чимилдиқда эрни кўрдилар.  
Куя-куя кул бўлди жонлар,  
Чўри бўлиб йиғлаб юрдилар.  
Чўри эдинг, кул эдинг баринг,  
Роҳат кўрди қайси бирингиз?  
Одам эмас, айиқ билан тенг,  
Ёвуз эди топган эрингиз.  
Ҳар номардга чўкар эди тиз,  
Эрксиз эди сизнинг ҳаммангиз.  
Ҳаммангизнинг тақдирингиз кул,  
Ҳаммангизнинг оллоҳингиз пул.  
Ҳаммангизнинг булутда ойи;  
Ҳаммангиз ҳам баҳор гадойи.  
Кечдим, опа, шундай одатдан,  
Тамом кечдим бу саодатдан.

## XXVII

Сен ўзингни бахтли дедингми?  
Опа, сен ҳам одам эдингми?  
Чимилдиқда эрни кўрганда,  
Тутқунликка бўлганда банда,  
Қанча ожиз, қанчалик ҳақир,  
Қанчалик хўр, қанчалик фақир,

Бўлганингни билганмидинг ҳеч?  
Чимилдиқда баҳорингга кеч  
Тушганидан хабардормидинг?  
Яшашингда инсонликка тенг  
Бирор хислат, сўйла, бормиди?  
Бахт деганинг қайғу зормиди?  
Кўзингни кўр, қулоғингни кар  
Қилиб ҳар кун ичганда заҳар.  
Толе шу деб юрарми беғам,  
Шукур қилармидинг шунга ҳам?

### XXVIII

Шунинг учун қайтдим баридан  
Ба уялиб ёшу қаридан  
Юришимдан фойда топмадим,  
Эрк қидирдим, бахт шунда дедим.  
Шунинг учун эски одаглар  
Ўлкасини айладим поймол,  
Ва сен деган оқ саодатлар  
Қора дедим ва топдим камол.

### XXIX

Ман ўзимни инсон билганда,  
Гулга тўлиб баҳор келганда  
Юрагимда ҳавас уйғонди,  
Бир ажиб ўт бағримда ёнди;  
Ва севгига топшириб дилни,  
Бир йигитга бердим кўнгилни.  
Уни ҳар кун кўраркан тонгда  
Бир ғулғула қўпорди овгда.  
Ҳеч нарсани кўрмасди кўзим,  
Эпақага келмасди сўзим,  
Ишлар эдим ўзимни билмай,  
Ва бетиним кўнглимдаги най  
Айтар эди унинг отини,  
Қуяр эди шунда бётини.

### XXX

Опа, ўша севганим — Омон,  
Опа, ўша ўртагувчи жон.

Бунн этиб сѣнга ошкора,  
Етишгали қиларкан чора,  
Иқрор бўлким, гуноҳим йўқдир.  
Очиқ юриб топган кишимдан,  
Ва беизин қилган ишамдан  
Пушаймоним ва оҳим йўқдир. J

### xxxI

Нима қилай, узоқ гапирдим.  
Тушунчангни ҳар томон бурдим,  
Ғараз шулким, қайтмай йўлимдан,  
Келганини қилдим қўлимдан.  
Қанча яхши, барно бўлса ҳам,  
Қанча олим, доно бўлса ҳам,  
Собир учун мени қийнама,  
Мени ўтга ташлама яна.  
Менга ёлғиз Омонимни қўй,  
Менга ўша ёмонимни қўй.  
У кам эмас ҳеч бир одамдан,  
Мен ул билан узоқман ғамдан.  
Инсоф келсин, опа, ўзингга,  
Тутқун бўлиб ўсган қўзингга  
Розилик бер, одам бўл сен ҳам,  
Саодат топ ва бўлмагин кам».

### xxxII

Юрагини бўшатди охир,  
Дардларини юмшатди охир.  
Зайнаб артиб кўзда ёшини,  
Ва кўтариб эгик бошини,  
Опасига «жавоб бер» деди.  
Анор ҳамон оташда эди:

- ✓ — Бўлмайдими Собир, тез гапир!  
— Опа, бўлмас, жоним, гапим бир!  
— Ё мени де, ёки Омонни!  
— Нетай, тикдим йўлида жонни!  
— У пасткашнинг зоти ким экан!?  
— Опа, урма қалбимга тикан.  
Уни мен ҳам билолганим йўқ,  
Бу юмушни қилолганим йўқ.

Лекин ишонч билан тўлиқман,  
Шу ишончим билан улуғман».  
Анор асло чидай олмади,  
Қолган гапга қулоқ солмади,  
Ўзи бирдан шовиллаб кетди,  
Ўт сингари ловиллаб кетди:

### XXXIII

*Анор* - «Кўринмагин, йўқол, кўзимга,  
Йўқол, хотин бўлсанг ҳам кимга,  
Энди менинг номимни айтма,  
Расволикдан орқангга қайтма.  
Даргоҳимдан чиқиб кет, дарҳол,  
Энди сени кўрмаклик малол.  
Қолганингда тоза шарманда,  
Бўлганингда кўчага банда.  
Шунда мени эсга олурсан,  
Хизматимни эсга солурсан.  
Энди расво бўлгунча, хайр,  
Ва бенаво бўлгунча, хайр».

### XXXIV

*6* *1* «Хайр, опа, келсанг ўзингга,  
Рози бўлгин берган тузингга.  
Бунча қарғиш ёмон эмасми?  
Юрган йўлим баландми-пастми —  
Опа, энди ўзим билурман.  
Билганимни ўзим қилурман.  
Эшигингда асранди бўлган  
Қора кунлар хотирда қолур.  
Опа, сенинг миянгга тўлган  
Булут балки бир кун тарқалур.  
Сўнгра ўзинг пушмон бўлурсан,  
Сўнг қайғуда мутлақ ўлурсан.  
Этолмадим тузингни ҳалол,  
Чорам йўқдир, жон опа, хуш қол...»

### XXXV

Зайнаб яна кўзида ёши,  
Ҳам туташиб ичи ва тоши

Ғазаб билан ўрнидан турди,  
Тиккасига ичкари юрди.  
Йиғиштириб бор бисотини,  
Бўғозида тиқилиб тини.  
Ҳури сари қилди ишора,  
Зайнаб учун шу бўлди чора.  
Ҳури икков уйдан чиқдилар,  
Анор бўлса кўчага улар  
Чиққанича қарғишлаб қолди...  
Бутун элга ёйилди бу сир,  
Ва эртаси қишлоққа Собир,  
Келди деган хабар тарқалди.

### Учинчи бўлим

#### I

Борлиқ узра тушганда оқшом  
Зайнаб қўйди далага қадам.  
Бир-бир босиб, илгари елди,  
Сой бўйига яқинлаб келди.  
Бутун атроф оғир сукутда,  
Ёлғиз Зайнаб юраги ўтда.  
Бир гувоҳи сувлар шилдирар,  
Бир гувоҳи кўкда ой юрар.  
Бир гувоҳи юлдузлар қатор  
Турар қизнинг дийдорига зор.  
Секин-секин из ташлаб Омон,  
Яқин келди суйгани томон  
Ва кўрдиким ажайиб бир ҳол,  
Зайнаб турар қайғули ва лол,  
Кўзларида ёши бор эди  
Ва эгилган боши бор эди.

#### II

Зайнаб  
30

«Омон, менга ўзингни англат,  
Очиқ гапир, сўзингни англат.  
Айби чиқди қилган ишимнинг,  
Кўнгил бериб суйган кишимнинг  
Қимлигини билмай уялдим.  
Уят эмас, қонга бўялдим.»

Бу офатдан мени эт халос,  
Маломатдан мени эт халос.  
Ўзинг кимсан, борми ватанинг?  
Қайси элдан, зотинг ким санинг?  
Сезгиларинг агар бўлса рос,  
Сўзла бир оз ўз севгингга хос». ✓

### III

Омон узоқ ўйларга кетди,  
Дашту саҳро, кўйларга кетди.  
Эски қайғу, кўҳна ҳикоя,  
Хотирига ташлади соя.  
Омон узоқ-узоқ қолди жим,  
Бўғиқ-бўғиқ нафас олди жим.  
Охир боқиб қизнинг юзига,  
Жон олғувчи қора кўзига,  
Ўтмишини айлади баён,  
Ким эканин айлади аён:

### IV

Бен.

«Сенга энди нелар айтайин.  
Қайдан бошлаб, қайдан қайтайин;  
Кимни йўқлаб, кимни эсласам,  
Кимни қўйиб, кимлардан десам,  
Кимнинг айтсам сенга отини,  
Баён қилсам кимнинг зотини.  
Кечир, Зайнаб, ожиздир Омон.  
Бу сўроғинг жон ўртар ёмон.  
Бу сўроғинг жонни қақшатар.  
Бу сўроқда қайғу, зор ётар.  
Бу сўроқда олам ва олам  
Омон учун ҳасрат билан ғам.  
Кечир, Зайнаб, сўзломас тилим,  
Кечир, Зайнаб, чидолмас дилим,  
Бу ҳикоя тўкар ёшимни,  
Ҳам куйдирар ичу тошимни.

### V

Кел бўлмаса, қулоқ сол сен қиз.  
Бизнинг қадим, кекса дунёмиз



Она меҳри билан тўлиқдир,  
Она меҳри билан улуғдир.  
Ҳар гўдакнинг бир онаси бор.  
Ҳар онанинг ўз боласи бор.  
Она уни болам деб излар,  
Бола уни онам деб бўзлар.  
Ажал келиб бўққан чоғида,  
Она ҳатто бало тоғида  
Излар экан ўз оворасин.  
Ит йўқотгач жигар порасин  
Чок этармиш ўз ёқасини.  
Ҳатто қушлар ўз чақасини  
Иссиқ қанот остига олур,  
Асрар уни, жонга жон солур.  
Ҳатто қўнғиз ўз боласини  
Оппоғим, деб бўлар экан шод,  
Оппоғим, деб қилар экан ёд.  
Ҳар бечора ва ҳар бир гадо.  
Фарзанд учун қилгай жон фидо,  
Ва ҳаттоким илон ҳам чиён  
Жон порасин севар, беғумон.

## VI

Гул очилар баҳор чоғида,  
Ва тўлишар она боғида.  
Она севмас фарзанд топилмас,  
Фарзанд йўқдир онани севмас.  
Фарзанд гулдир, она бир бўстон,  
Шунинг билан жаҳон гулистон.  
Елғиз бир мен онасиз ўтдим,  
Елғиз бир мен заққумлар ютдим.  
Елғиз бир мен она алласин  
Тинглагали бўлдим интизор.  
Елғиз бир мен онанинг сасин  
Эшитолмай йиғлаб ўтдим зор.  
Оналиқлар саодатига  
Бир ошкора суқ билан боқдим.  
Ва туфурдим тақдир хатига,  
Пешонамни ўтларга ёқдим.  
Она номин эшитганимда,

Хўрсинардим, ўпкам тўларди:  
Менинг кучсиз, ожиз танимда  
Бир қалтираш пайдо бўларди.

## VII

Роса тўққиз эканда ёшим,  
Бир балога дуч келди бошим,  
Оқсоч кампир бир сирни очди,  
Сирни очиб қонимни сочди:  
«Болам, айтсам ростини сенга,  
Ҳеч бир кимсанг йўқ...» деди менга.  
Шоҳид топиб ёшу қаридан,  
Зарафшоннинг қирғоқларидан  
Топганини қилди ҳикоя:  
«На ҳамшира ва на бир доя,  
На бир ошна, на бир қариндош,  
На бир сирдош ва на бир йўлдош  
Бу дунёда бўлмамиш сенга»,—  
Дея ғамгин юзланди менга.  
Оқсоч хотин йиғлаб зор-зор,  
Боққанини айлади изҳор:  
«Сени боқдим худо йўлига,  
Топшираман яна кўлига,  
Бўлса агар ўзи меҳрибон,  
Паноҳида сақлагай омон.  
Болам, энди юрт тинчиб қолди,  
Элу халқ ҳам эркин тин олди.  
Агар юртни юриб изласанг,  
Балки чиқар отанг ва онанг.  
Қим билади, балки ҳаётдир,  
Ва эҳтимол ҳаётга ётдир.  
Қим билади, балки Зарафшон  
Сенга ўзи берар бир нишон.  
Дуо қилдим, бахтинг ёр бўлсин,  
Манглайингда тахтинг бор бўлсин».—  
Дея оқсоч кўлини очди,  
Юзларидан иссиқ қон қочди.  
Оғир эди бу бениҳоя,  
Булут солди қалбимга соя.  
Чиқиб кетдим шунда бош олиб,  
Кўзларимга қонли ёш олиб.

## VIII

Неча кунлар юриб Зарафшон  
Бўйларидан изладим нишон.  
Неча турли элларни кўрдим,  
Изғиринлар, елларни кўрдим.  
Ҳамма ёққа кўзим нигорон,  
Еш ўрнига тўкар эдим қон.  
Кириб кўрдим ҳар бир хонани,  
Ҳар бир кулба, ҳар ҳамхонани,  
Ҳар бир одам билан учрашдим,  
Қирлар ошдим, тоғларни ошдим.  
Дуч келганнинг, лекин бири ҳам,  
Отанг мен, деб уролмади дам.  
Неча-неча эркак ва аёл  
Саволимга бўлиб қолди лол.  
Зарафшондай яна югурдим,  
Қирғоқларга ўзимни урдим.  
Ва изладим ёна ва ёна,  
Тополмайин ҳеч бир нишона.

## IX

Дарё каби мавж уриб тошдим,  
Водийларда ёлғиз адашдим,  
Ҳар кўргандан айладим сўроқ,  
Аччиқ жавоб эшитдим бироқ.  
Ҳамма менга: излаганларинг,  
Дейдиларким, ўлганлар сенинг,  
Юрт бошини зулм босганда,  
Офат билан ўлим босганда,  
Муҳтожликда ўлган, дедилар  
Ва очликда ўлган дедилар.  
Ҳар водийни бир-бир изладим,  
Етим қўзи янглиғ бўзладим.  
Бошим узра қушлар чирқираб  
Чарх урдилар ҳолимни сўраб.  
Чирқирашиб барча беқарор,  
Эл жавобин қилдилар такрор.  
Гулзорлардан, боғлардан ўтдим,  
Бозорлардан, тоғлардан ўтдим.

Бутун юртни осойиш топдим,  
Элу халқни бекойиш топдим,  
Фақат дардга тополмай чора,  
Бағрим эди пора ва пора.

## Х

0-и 65 Сўз айтурга тилим бўлди дол,  
Нега мендан сўрадинг савол?  
Нега эски доғларни очдинг,  
Доғ устига оғулар сочдинг?  
Нега келдинг менинг ёнимга,  
Ут ташладинг нега жонимга?  
Туташгуси қалбимга оташ,  
Жанг қилгуси оташ билан ғаш.  
Шу оташда бўлурман хазон  
Ва шу ғамда бўлурман хазон.  
Одам эсанг етгил додимга,  
Утганларни солма ёдимга.  
Зарафшонда Омонни билган  
Қари-қартаг одамлардан сўр!  
Баҳор фасли эрта очилган  
Оппоқ гулли бодомлардан сўр.  
Мажнун толнинг булоқларида  
Қушлар тинмай Омонни куйлар,  
Сен суймаган ёмонни куйлар.  
Зарафшоннинг қирғоқларида  
Топганлардан сўрасанг, суйлар.  
Айтиб берар унинг отини,  
Айтиб берар асли, зотини.  
Қутуларсан кўзнинг ёшидан,  
Қутуларсан таъна тошидан.

## ХІ

Не дарёлар оқиб ўтдилар,  
Қанча йиллар ўтиб кетдилар.  
У ҳовлиқма, қадим Зарафшон  
Бино этди кўп янги дoston.  
Водийларни, тоғларни ошиб,  
Дараларда ёлғиз адашиб,  
Келиб қолди юртингга Омон,  
Келиб қолди ранглари сомон.

Юрак-бағри ёниб, тутақиб;  
Ҳар кўрганга суқ билан боқиб,  
| Бунда топди бир янги замон,  
| Бул замонда ул бўлди Омон.  
Шундан бери юртингда сенинг  
У бўлгандир одам билан тенг.

## XII

| Сен ишлаган колхозда ул ҳам  
| Топди ҳамма дардига малҳам.  
Эсдан чиқиб фиғону фарёд,  
+ Тақдирдан бўлгандир ул шод.  
Омон топди бунда парча нон.  
Нон демаким, Омон топди жон.  
Дунё унга гўзал кўринди,  
Ҳаётидан маънолар унди.  
Юрагида ҳаваслар пайдо,  
Орзуларга ул бўлди шайдо.  
Бир юқори оламга боқди,  
Шундай олий бир дамга боқди.  
Ҳатто, билсанг, Омоннинг бу бор,  
Кўнгли ишқни қилди ихтиёр.

## XIII

Ол, деб, сенга қўлни узатдим.  
Қўлни эмас, қалбимни отдим.  
| Кўз олдимда бутун бир жаҳон,  
| Сенинг билан бўлди гулистон.  
Ишқингда мен баҳорлар топдим,  
Баҳор ичра наҳорлар топдим.  
Наҳорларда очилди гуллар,  
Олам-олам гул бўлди чўллар.  
Шундан кўрдим саодатимни,  
Маъқул қилдим бу одатимни.  
Сўзлаб берсам ўз севгимга хос,  
Сени жондан севганлигим рос.  
Гар ишонсанг айтган сўзимга,  
Сен бўлганда менинг кўзимга  
Ҳеч бир нарса кўринмас, халос».)

#### XIV

Омон тинди. Зайнаб бошини  
Кўтарди-ю артди ёшини.  
Қалбидаги ҳар қанча гумон,  
Тарқалганди мисоли туман.  
Қарашида ишонч бор эди,  
Қисматига толе ёр эди.  
Бир қаноат қилганди пайдо,  
Омонига бўлганди шайдо.  
Икки кўзнинг қорачиғида.  
Бутун олам топмишди макон.  
Икки қалбнинг қизгин чўғида  
Бутун олам эди чароғон...

#### XV

Дарё тинмай соларди шовқин,  
Қиз кўзидай қора эди тун.  
Қиз қалбидай пок эди ҳаво,  
Қиз қалбидай севгига даво.  
Борлиқдаги шу нафис ҳолда  
Япроқлар ҳам енгил шамолда  
Шитирлашиб ўйин соларди,  
Бир-биридан бўса оларди.  
Бутун борлиқ жон қулоғини  
Қўйиб тинглар Омоннинг сасин,  
Икки дўстнинг бахтли чоғини,  
Икки ёрнинг оташ бўсасин...

#### XVI

Тун устига кун нури ётди,  
Бир ажойиб гўзал тонг отди.  
Ҳури, Зайнаб туриб икковлон,  
Собир томон бўлдилар равон.  
Буқун Зайнаб юришларида,  
Юриш билан туришларида,  
Бир ажойиб мардлик бор эди.  
Бир жасурлик унга ёр эди.  
Чой устида ўтирар экан,  
Хомуш туриб ўй сураар экан,

Собир кўзи тушди эшикка,  
Қизлар томон кўзғалди тикка.  
Ота-она қотиб қолдилар,  
Таажжубга ботиб қолдилар.  
Зайнаб секин сўзга киришди.  
Ҳикоянинг бошидан тушди:

## XVII

«Собир, ёлғиз сенга суяндим,  
Эшит мени, бир ўтда ёндим,  
Бошим узра синди оғир тош.  
Сени дея қавму қариндош  
Ихтиёрим олган эканлар,  
Ва кишанга солган эканлар.  
Мен Омонга кўнгил берувдим,  
То ўлганча ўшани девдим.  
Севганимни билиб Омонни,  
Оқиздилар бағримдан қонни.  
Маломатга тамом кўмилдим,  
Ҳақоратдан гўёки ўлдим.  
Етсанг дея додимга зора,  
Излаб келдим ўзингга чора.  
Қилғил, оға, дардимга дармон.  
Қўйғил, оға, битта бечора  
Тилагига етсин беармон,  
Бу дунёдан ўтсин беармон.  
Мен ҳеч сенинг тенгинг эмасман,  
Омоним бор, сени демасман.  
У кам эмас ҳеч бир одамдан,  
Мен у билан узоқман ғамдан.  
Қилмоқ керак ваъдага вафо,  
Вафосизлар тортгуси жафо.  
Баҳор пайти отлар чопилур.  
Сен деганда бир ёр топилур.  
Сен деганда ҳар қиз, ҳар жувон,  
Кўнгил берур, фидо қилур жон.  
Қутқар мени, келдим ўзингга,  
Муҳтождурман сенинг сўзингга».

## XVIII

Собир тамом ҳайратда қолди,  
Бир изтироб, бир дардда қолди.

Уртанди-ю ачинди жони,  
Жони эмас бутун жаҳони.  
Ачинди-ю, тўлғанди бир бор,  
Қизга боқди такрор ва такрор.  
Онасига томон юзланди,  
Юзланди-ю рангги бўзланди,  
Юрагида бошланди бир ғаш,  
Ғаш ичида қизгин бир оташ.  
Аччиқ-аччиқ бир сўз бошлади,  
Ҳикматларни қизиб ташлади.

### XIX

«Қариндошлар йиғсинлар эсин,  
Шу чоққача инсон сезгисин  
Уйин, мазақ бўлгани басдир.  
Энди дунё бозор эмасдир.  
Энди одам қулдек сотилмас,  
Энди одам ўтга отилмас.  
Энди унга қафас бўлмас жон,  
Энди дунё бўлмагай зиндон.  
Энди одам истар бўлса ёр,  
Ўз севганин қилсин ихтиёр.

### XX

Менинг ҳам бир сўйган гулим бор.  
Менинг ҳам бир ўз булбулим бор.  
Керакдирким қавму қариндош,  
Рози бўлиб бирга қўшса бош.  
Энди шундай одат керакдир  
| Ва саодат шундай керакдир.  
Хоҳишларинг бўлмасин увол,  
Ота-она истагин адо  
Қилиб, сенинг эркингни поймол  
Этсам агар бўлайин гадо.  
Бор, азизим, ёш кўнглинг тўлсин,  
Бор, суйганинг ўзингга бўлсин».

### XXI

Зайнаб унга хомуш эгилди,  
Қадди унинг саломга келди.



Бўлиб ундан жаҳон-жаҳон шод,  
Ҳури билан ҳурмат қилиб ёд.  
Дарҳол туриб йўлга қайтдилар,  
Ва Омонга желиб айтдилар.  
Бирдан бўлди олам гулистон,  
Зайнаб, Омон қалбида бўстон.

## XXII

Шу куниёқ бутун қишлоққа,  
Қишлоқдаги эл бирла халққа  
Бу можаро бўлди овоза.  
Ҳар бир қўра, ҳар бир дарвоза,  
Бўлиб бундан тамом хабардор,  
Сўйлардилар такрор ва такрор.  
Сўйлардилар Зайнаб ҳолидан,  
Сўйлардилар Собир фолидан,  
Куйганини Анорнинг ҳалол,  
Боққанини Омонга иқбол.  
Сўйлардилар эртанги тўйдан,  
Тўй кечаси айтилув куйдан,  
Қилардилар тинмай ҳикоя,  
Сўйлардилар кўп, бениҳоя.

## XXIII

Ҳайрат билан қавму қариндош,  
Йиғилдилар қўшмоқ учун беш.  
Бири хурсанд, бири аламда,  
Не қиларин билмас бу дамда.  
Бири тўкар эди кўздан ёш,  
Қизларининг бу хил майлига,  
Замонанинг бундай зайлига,  
Барча бирдай ҳайрон эдилар,  
Ҳайрону саргардон эдилар.  
Бу ҳолларга барча қолиб танг,  
Ҳайрон эди барча эсу онг.  
Таажжубда тишлаб тишларин,  
Билмасдилар қилар ишларин.  
Ҳаммасида бир дард бөр эди,  
Эркиларда ҳасад бөр эди.  
Ёшликларин ҳасратда ҳазон

Қилган учун бўлиб пушаймон,  
Хур қизларни оқлар эдилар,  
Бир эҳтиром сақлар эдилар,  
Адил туриб ёқлар эдилар.  
Утганларни барча қилиб ёд,  
Замонадан бўлардилар шод.

#### XXIV

Колхоздаги катта равотда,  
Бир аломат шовқин бор эди.  
Келардилар пиёда, отда,  
Шундай катта сарой тор эди.  
Бундан хабар топган барча эл,  
Егиларди гўёки бир сел.  
Қутлаб Зайнаб, Омон тўйини,  
Ҳамма хурсанд келар эдилар.  
Бир аломат тўй бўларини,  
Ҳамма яхши билар эдилар.

#### XXV

Кириб келди жимгина Анор,  
Қовоғидан ёғар эди қор.  
Улар Собир онаси билан,  
Тўйхонада бўлишиб бир тан  
Бир бурчакдан ўрин олдилар,  
Бир ноилж назар солдилар.  
Бу икковнинг кўз қарашида  
Минг-минг яшаб Ҳури юрарди,  
Жавлон уриб тўйнинг бошида,  
Юлдуз каби яшнаб турарди.

#### XXVI

Тўрға катта гилам солдилар,  
Уйинчилар келиб қолдилар.  
Чолғувчилар бошладилар соз,  
Қўшиқчилар солдилар овоз.  
Ҳалимаҳон, Назираҳонлар,  
Надимаҳон, Каримаҳонлар  
Қушдай енгил учар эдилар,  
Оқ булутдай кўчар эдилар.

Оқшомгача бўлди томоша,  
Бутун юртга тўлди томоша.  
Келин-куёв — Зайнаб ва Омон,  
Боқардилар маъсум ҳар томон.  
Хурсанд эди беҳад икки ёр,  
Хурсанд эди икки бахтиёр.

## XXVII

Зайнаб билан Омон икковнинг —  
Янги келин, янги куёвнинг  
Бахти шундай бўлди барқарор.  
Саҳаргача қизу жувонлар,  
Дугоналар ва меҳрибонлар  
Узатдилар айтиб ёр-ёр.  
Икки ўртоқ, икки ширин жон,  
Янги уйга бўлдилар меҳмон.  
Гўзал эди дунё чунон ҳам,  
Гўзал эди бу ажойиб дам.  
Икки дўстга айтиб шараф шон  
Оқар эди тошқин Зарафшон.  
Олам сари сочиб янги онг,  
Секин-секин ёришарди тонг.

## С Е М У Р Ғ

(Паризод ва Бунёд)

1939

### I

Сарви қомат Паризод  
Ўсди ғамлардан озод,  
Баҳор янглиғ очилди,  
Гуллар каби сочилди.  
Чиройидан овоза,  
Элга тарқалди тоза.  
Ҳар ерга достон бўлди.  
Достонга бўстон бўлди.  
Кўрмаганлар кўришни,  
Кўрганлар ўлтиришни  
Қилар бўлдилар орзу.  
Барча тошу тарозу  
Шу гапни ўлчар бўлди;  
Сўзлар олтин-зар бўлди.  
Шайдолар кўп беқарор,  
Йигитлар бўлдилар зор.  
Тун келди-ю шом кетди,  
Уйқудан ором кетди.  
Ҳамма бўлиб харидор  
Қизиди катта бозор:  
Элчилар ёғилдилар,  
Катта ғавғо қилдилар.  
Лекин у одам севмас.  
Доим ўзи билан мас.  
Элдаги навқиронлар,  
Навқирон паҳлавонлар  
Унга асло ёқмайди,  
Ошиқларга боқмайди.  
Юрагида севги йўқ:

Қалби мәрмәрдай совуқ,  
У одамлик қарзини,  
Севгувчининг арзини  
Олиб орқага ташлар.  
Шунча-шунча оташлар  
Эшигида сўнади.  
Оташдан кул унади.  
Баҳри очилмайди ҳеч.  
Чеҳраси кулмайди ҳеч.  
Элчи бўлиб келганлар,  
Қизнинг сирин билганлар,  
Ноумид қайтадилар,  
Мардумга айтадилар:  
Халқ ичида Паризод  
Чиқаради ёмон от.

Уз қизидан пушаймон  
Бўлиб шунинг учун хон  
Кеча-кундуз ўйлайди,  
Ёз билан куз ўйлайди:  
«Эл расмини қилмаган,  
Севги нима билмаган,  
Қари қизни нетайин?  
Чиқиб қайга кетайин?  
Қайларга урайин бош?  
Бунча совуқ, бағри тош  
Қизни қайдан яратдим?  
Ўзимни ўтга отдим.  
Мен нимага ярайман.  
Юртга қандай қарайман.  
Бошимга бу Паризод  
Балолар келтирди бот».

Қизини чақириб хон,  
Шундай бошлади фиғон:  
«Эшит, қизим Паризод,  
Чиқарибсан ёмон от.  
Сенинг бағринг тош эмиш,  
Қўзларинг беёш эмиш;  
Асло севмас эмишсан.  
Эрга чиқмам, демишсан.  
Мен маломатга қоддим,

Зўр қиёматга қолдим.  
Сенинг ёмон достонинг!  
Мени тупроқ билан тенг  
Қилиб уятга қўйди,  
Мени бепичоқ сўйди.  
Қизим, мен ҳам қаридим,  
Гўрга томон даридим,  
Ешим етмишга борди,  
Соқол-сочим оқарди.  
Юрак бағримни ўйдинг,  
Мени номусга қўйдинг.  
Отанга берма азоб.  
Азобга қолмаган тоб.  
Тош юрагинг юмшасин,  
Отанг хурмати учун  
Кўрсат мардликнинг кучин:  
Кел, бировга кўнгил бер,  
Бир йигитга деб гул бер.  
Бир оз андишага бор,  
Мени гавғодан қутқар!»

## II

Паризод ўйлаб қолди,  
Кўп узоқ бегап қолди.  
«Майли,— деди, у хонга,  
Бир умид солиб жонга,—  
Елғиз бир шарт қўяман.  
Бажарганни суяман.  
Ҳовлида бор зўр чинор,  
Чинор эмас, у бир дор,  
Билади жуда кўп сир,  
Яшар юз йил — бир аср.  
Ёши кўпга кетади.  
Боши кўкка етади.  
Ўлкага жар соламан,  
Ерларга зар соламан.  
Шартим шуки, от билан,  
Гўёки қанот билан,  
Шу чинорга чиққанга,  
Чиқиб уни йиққанга,  
Сўзсиз хотин бўламан.

Гўзал отин бўламан.  
Барча қаршимдан ўтсин,  
Мард ўзини танитсин.  
Агар шунда ҳам қалбим  
Юмшамасдан қолса жим  
Узиб олиб отарман,  
Қассобларга сотарман».  
Шундай дегач Паризод.  
Хон бўлди поёнсиз шод.  
Жарчиларни чорлатди,  
Ҳар бирига сўз қотди:  
«Юртга хабар берингиз,  
Айтингиз ҳар бирингиз.  
Хон қизига харидор,  
Паризод ҳуснига зор,  
Бўлганларга бахт кулди.  
Биргалашиб тахт кулди.  
Қўрқмасдан кела берсин,  
Бахтини била берсин.  
Шарти шулким, от билан,  
Гўёки, қанот билан,  
Зўр чинорга чиққанга,  
Чиқиб уни йиққанга,  
Паризод хотин бўлур,  
Бир гўзал отин бўлур.  
Айтинг, ҳар бир мард келсин,  
Ҳар бир мард бедард келсин.  
Синасин ўз бахтини,  
Бахти қўлласин уни.  
Кўрганлар олсин дармон,  
Кўрмаган қилсин армон».

### III

Ҳар ёққа хабарчилар —  
Тили узун жарчилар,  
Чопа-чопа кетдилар  
Бозорларга етдилар.  
Қарнай, сурнай чалдириб,  
Суюнчилар олдириб,  
Қилдилар катта эъдон,  
Хабарлар кетди ҳар ён.

Хоннинг хабарин олиб,  
Ҳамма бирдан қўзғалиб,  
Зўр шов-шув бўлиб қолди,  
Юртга гап тўлиб қолди.

#### IV

Эртасига барча эл,  
Кела берди боғлаб бел.  
Чавандоз, паҳлавонлар,  
Барча соҳибқиронлар  
Отларни гижинглатиб,  
Қамчиларни ўйнатиб,  
Кела бердилар бари,  
Қаттакон чинор сари.  
Бахмал жабдуқлар уриб,  
Сулув қизлардай юриб,  
Арғумоқлар чопдилар,  
Ер ва кўкни ёпдилар.  
Сўлиқларни тишлашиб,  
Маст бўлишиб кишнашиб,  
Дунё-дунё чанг-тўзон  
Ичида қолиб осмон,  
Кела бердилар бари,  
Қаттакон чинор сари.  
Чумалидай чувашиб,  
Қир ва тоғлардан ошиб,  
Сув бўйларида ётиб,  
Юрганда ўқлар отиб,  
Ошиқлар пода-пода  
Бўлиб чўлу саҳрода,  
Кела бердилар бари,  
Қаттакон чинор сари.  
Хон қизин олмоқ учун,  
Элга синалмоқ учун,  
Бахтим борми экан, деб,  
Менга ёрми экан, деб,  
Кела бердилар бари,  
Қаттакон чинор сари.

#### V

Етти кеча, етти кун,  
Етти кундуз, етти тун



Зўр чинорга чиқмоққа,  
Чиқиб уни йиқмоққа  
Ҳамма ҳезлаб кўрдилар,  
Ўзни ўқдай урдилар.  
Неча манман деганлар,  
Илон пўстин еганлар,  
Йиқила берди бир-бир,  
Макон бўла берди ер.  
Чинор ҳеч силкинмади,  
Бир шохи ҳам синмади.  
Қушдай учиб келганлар,  
Шамол каби елганлар,  
Ярим йўлда тиндилар,  
Яна отга миндилар.  
Яна ҳезлаб кўрдилар,  
Ўзни ўқдай урдилар.  
Мурод ҳосил бўлмади,  
Кўнгиллари тўлди.  
Илондай чирмашганлар,  
Чирмашиб тирмашганлар.  
Яна қайтдилар кетга,  
Чиқа бердилар четга.  
Қанча сулув арғумоқ,  
Йиқилиб бўлди чўлоқ.  
Қанча-қанча чавандоз  
Бўлди тупроқ билан соз.  
Кўпларнинг бели синди,  
Кўпларнинг умри тинди.  
Кунлар ўтди ва аммо  
Ҳал бўлмади муаммо.  
Зўр чинорга чиқмоққа  
Чиқиб уни йиқмоққа  
Ҳеч ким эришолмади.  
Жумбоқни ешолмади.  
Келганлар бўлиб ҳайрон,  
Кўплар бўлиб пушаймон,  
Бир-бир тарқаб кетдилар,  
Манзилларга етдилар.

## VI

Бу ҳолларни кўриб хон,  
Ютди лахта-лахта қон.

Паризод хуноб бўлди,  
Хунобу бетоб бўлди.  
Қиз берганни қарғишлаб,  
Пешонасига муштлаб,  
Яна ахтариб чора,  
Хон ўртанди тобора.  
Одамларни чақирди,  
Ўт ичида бақирди:  
«Бу майдонга кирмаган,  
Бизнинг шартни билмаган  
Айтинг, яна ким қолди?»  
Ҳамма одам жим қолди.  
Оғир ўйга ботдилар,  
Охир шуни айтдилар:  
«Елғиз бир Бунёд қолди,  
Ўша бир беот қолди.  
У бир чўпон бечора,  
Бу ишга топмас чора.  
Паризодга тенг бўлмас,  
Кийимига энг бўлмас.  
Чинорга чиқолмас ҳам,  
Чиқолмас, йиқолмас ҳам».  
Хон ҳеч қулоқ солмади,  
Писандига олмади:  
«Бу гаплар бари бекор,  
Бу билан ҳеч битмас кор.  
Қайда бўлса ҳам Бунёд,  
Тоғиб келтирилсин бот!  
Мен отимни бераман,  
Қанотимни бераман.  
Агар чинорга чиқса,  
Ва чиқиб уни йиқса  
Аҳмоқ, беэс бўлса ҳам,  
Маҳов ва пес бўлса ҳам  
Меңинг қизим Паризод,  
Унга хотин бўлур бот».  
Бунёдни тоғ тагидан,  
Дарёнинг этагидан,  
Тоғиб келтирдилар бот,  
Хон берди ноилож от.  
Зўр, чинорга қаранди,  
Ичида бир ғаш ёнди.

Танини қуршаб ўтлар,  
Чинор шохи булутлар.  
Орасида кўринди.  
Бунёд фикр суринди.  
Енидаги учқур от,  
Чиқариб бир зўр қанот,  
Кўкка қараб кишнади.  
Бутун атроф халойиқ  
Билан тўлиб кетди лиқ.  
Ҳаёт умри қуриб, хон  
Тикилар эди ҳайрон.  
Не бўларкин, дер эди,  
Заҳар-заққум ер эди.  
Талвасада Паризод,  
Чекар эди фиғон, дод.  
Бунёдга ғайрат кирди,  
Юрагига дард кирди:  
Юриб баҳодирона,  
Отга минди мардона,  
Қаттиқ бир қамчин солди,  
Елғон эмас, чин солди.  
От яшиндай кўзғалди,  
Ўт сингари йўл олди.  
Булутлар орасида,  
Осмоннинг қорасида,  
Ёзиб бориб қулочин,  
Гўё бир буюк лочин  
У чинорга ўтирди,  
Гўёки ўқдай урди.  
Чинор томири билан  
Кўкарган ери билан  
Кўпорилди гувиллаб,  
Шамол каби увиллаб  
Зўр шохлар ерга кетди,  
Томир осмонга етди.  
Ер узра тушиб Бунёд,  
Бўлиб дунё-дунё шод,  
Гўзал дулдур отида,  
Отининг қанотида,  
Кўзларида зўр ёғду,  
Кулиб турар эди у.  
Кўрсатгувчига зўр иш

Эл сўзлар эди олқиш.  
Юрак ёрилгудай хон  
Хурсанд эди бепоён.  
Паризод бўлиб беҳол,  
Туриб қолган эди лол.

## VII

Тўй бўлади дея эл,  
Боса берди гўё сел.  
Барча шошиқар эди,  
Тўй деб ошиқар эди.  
Қотиб қолган Паризод  
Олдига келди Бунёд.  
Секин қўлин узатди,  
Қалбига зўр тош отди.  
Паризод бир эмранди,  
Қош-қовоғи чимранди:  
«Тўғри, — деди, — сен ютдинг,  
Совуқ қўлимни тутдинг.  
Нима қилай, розиман,  
Ўзимдан норозиман.  
Бахтим очилмади ҳеч,  
Айтганим бўлмади ҳеч.  
Фақат, агар унасанг,  
Унаб йўлга жўнасанг,  
Яна бир шарт кўярдим,  
Яна синаб кўрардим.  
Шундан сўнгра умрбод  
Сенга бўлар Паризод».  
Бунёд ҳам рози бўлди,  
«Гапир, — дея букилди, —  
Гапинг бўлса айта бер,  
Кўнглинг тўлса айта бер.  
Ҳар бир ишни биларман,  
Ҳар нимани қиларман.  
Кўнглингни ололмасам,  
Бир ором сололмасам,  
Йўлдош бўлолмасман ҳеч,  
Сен ҳам ундай ёрдан кеч».  
Тикка туриб, Паризод  
Шартин эшитди Бунёд.

«Кун ботарда бир ёвуз  
 Дев бор эмиш, ялмоғиз.  
 Одамга душман эмиш  
 Қон эмиш унга емиш.  
 Ҳар мусибат, ҳар офат,  
 Ҳар бир мудҳиш касофат,  
 Барча жабру жафолар,  
 Ҳамма дарду балолар,  
 Ушандан келар эмиш.  
 Одамларни емириш  
 Билан бўлар эмиш шод,  
 Кўнгли ғамлардан озод.  
 Узи бало тоғининг  
 Ва офат будоғининг  
 Бошида ўлтирармиш,  
 Куну туну ёз ҳам қиш.  
 Уни кўрган ҳар чаман,  
 Қўяркан тупроққа тан,  
 У тақилган ҳар бир гул  
 Тўкилар экан буткул.  
 Уни кўрган ҳар бир жон  
 Тез бўлар экан хазон.  
 Дарёлар қурур экан,  
 Балиқлар чурур экан,  
 Ундан ҳар кун табиат  
 Олар экан қора хат.  
 Икки ою икки йил,  
 Юрсанг маҳкам боғлаб бел  
 Маконига борарсан,  
 Андомига қарарсан.  
 Уртангизда жанг бўлур,  
 Икки олам танг бўлур.  
 Шуни жангда ўлдирсанг,  
 Ҳаётини сўлдирсанг,  
 Қўлинг билан одамзод  
 Балодан бўлса озод,  
 Девни ўлдириб агар,  
 Қайтиб келсанг безарар,  
 Шу кун тўй бошлармиз,  
 Ғам-ғуссани ташлармиз»».

Паризод ерга боқди,  
 Бунёдни ўтлар ёқди.  
 Бўлиб хоннинг ҳоли танг,  
 Қотиб қолди ҳангуманг,  
 Калаваси чувалди,  
 Бор умиди йўқолди.  
 Таажжубда халойиқ  
 Қўзига ёш олди жиқ.  
 Бунёд узоққа боқди,  
 Чарвоққа, тоққа боқди.  
 Назари чўлга тушди,  
 Хув дея йўлга тушди.  
 Қўздан йўқолди шу он,  
 Тарқалди ҳамма ҳайрон.  
 Баланд тоғлардан ошди,  
 Дараларда адашди.  
 Водийларга кўз ёши  
 Тўкиб айланди боши.  
 Дарёлардан ўтди ул,  
 Яна узоқ кетди ул.  
 Юрти қолди узоқда,  
 Тушунчаси тузоқда.  
 Зўр бир ишга қўшиб бош,  
 Ўзига ўзи йўлдош,  
 Узоқ чўлларга етди,  
 Қайноқ кўлларга етди.  
 Поёни йўқ кенг саҳро  
 Ўт пуркаб солди садо.  
 Оёғи остида қум  
 Ётади уюм-уюм.  
 Бирор кўкат кўринмас,  
 Бирор жонвор уринмас.  
 Ёнига тушиб қуёш,  
 Куяр эди ичу тош.  
 Бошдан тер қуяр эди.  
 Оёғи куяр эди.  
 Ҳалқумлари бўлиб қоқ,  
 Тоқатлари бўлиб тоқ,  
 Кимирлар эди секин,  
 Зўрға олар эди тин.

Бир йилдан сўнг баногоҳ  
 Бир сирдан бўлди огоҳ:  
 Поёни йўқ кенг чўлда,  
 Қайнаган қумлик кўлда  
 Бир зўр дарахт кўринди,  
 Ушанга кўзи тўнди.  
 Кўп толиққан бу одам,  
 Шу томон қўйди қадам.  
 Дарахт қуриган эди,  
 Қуриб чуриган эди,  
 Эди минглар ёшида,  
 Унинг баланд бошида  
 Қуш уяси бор эди.  
 Ҳам зўр ҳамда тор эди.  
 Дарахтга бир зўр илон,  
 Чирмашиб, у ошиён  
 Сари заҳар сочарди,  
 Ҳам оғзини очарди.  
 Чақалар чирқирашиб,  
 Фарёд қилиб туташиб  
 Онани кутар эди,  
 Қон, зардоб ютар эди.  
 Бағрини ўртаб бу дод  
 Яқинроқ борди Бунёд.  
 Ердамга фаҳми келди.  
 Қушларга раҳми келди.  
 Қиличини чиқариб,  
 Дарахт ёнига бориб,  
 Уша ёвуз илонни,  
 Хунук ва мудҳиш жонни  
 Тўғраб ташлади шу он,  
 Қумлар бўлди қизил қон.  
 Чақалар омон қолди,  
 Анча омон жон қолди.  
 Чақаларни кутқариб,  
 Илонни қонга қориб,  
 Дарахтнинг соясида  
 Уя ҳимоясида,  
 Узоқ уйқуга кетди,  
 Жонига ором етди.

Кун чошгоҳдан оққанда,  
Қуёш тикка боққанда,  
Қўзғалган каби бўрон,  
Гувиллаб қолди осмон;  
Яшин учгандай бўлди,  
Пода кўчгандай бўлди.  
Кўкни тутиб қаноти,  
Бутун оламнинг оти —  
Семурғ қуш келиб қолди,  
Бунёдни билиб қолди.  
Чангалида зўр арслон,  
Тумшуғида ботмон дон,  
Кўзи ичидаги ўт  
Оламни қилиб нобуд,  
Уясига қўнмасдан,  
Бир оз бўлсин тинмасдан  
Бунёднинг боши узра  
Чиза берди доира.  
Жаҳон бузиб ўқирди,  
Қаҳ-қаҳ уриб бўқирди.  
Емак учун одамни,  
Торта берди у дамни.  
Чақалари чирқираб,  
Кўз ёшлари тирқираб,  
Ялиндилар, қизган деб,  
У бир гуноҳсиз жон деб:  
«Қизган она, ўксизни,  
Ўша қутқазди бизни.  
Бўлмаса ўлар эдик,  
Очилмай сўлар эдик.  
Бизни ер эди илон,  
Айриллардинг, онажон».

## XI

Семруғ ўйланиб қолди,  
Қалбини шафқат олди.  
Қумнинг бағрига ботган,  
Қуёшда куйиб ётган,  
Бунёдга соя солди,  
Қанот остига олди.  
Қуш номли бу буюк зот,



Үндаги кумуш қанот,  
Бутун борлиқни тутди,  
Бор осмонни беркитди.  
Бунёд салқин сояда,  
Бундай зўр ҳимояда,  
Етти тунни ухлади,  
Етти кунни ухлади.  
Уйғона бермагач у,  
Босиб тобора уйқу  
Семурғ дарёга кетди,  
Хаял ўтмасдан етди.  
Сувни шимирди чўллаб,  
Қанотларини ҳўллаб,  
Шу замон учиб келди,  
Жаладаш кўчиб келди.  
Тўхтаб Бунёд қошида,  
Бир силкинди бошида.  
Бунёд уйғонди дарҳол,  
Уни лол этди бу ҳол.  
Бирдан туриб сесканди,  
Қушни кўриб сесканди.  
Одамларга ўхшаброқ,  
Семурғ бошлади сўроқ:  
«Икки минг йилдаш бери,  
Шу кенг саҳронинг ери  
Бўлмишдир менга макон.  
Мендан бошқа бирор жон  
Келолмади бунга ҳеч.  
Қумлар кўчиб эрта-кеч,  
Ватанидаш ажралди,  
Саҳро гиёҳсиз қолди.  
Қуртлар сарсон бўлдилар,  
Учган қушлар ўлдилар.  
Бунда фақат топди жон,  
Сен ҳалок қилган илон.  
Ҳеч ёғмади ёмғир ҳам,  
Ер кўрмади зарра нам.  
Қадам босмади инсон,  
Доримади ҳеч ҳайвон.  
Шунча йил ёлғиз турдим,  
Ер ва осмонни кўрдим.  
Сўйла менга, эй одам,

Бошингга тушди не гам?  
Зўр бир мардлик қилибсан,  
Лекин бекор келибсан.  
Тилагингни айт менга,  
Не кўмак берай сенга?»

XII

Мени гўзал Паризод  
Жўнатди,— деди Бунёд,—  
Дунёни гамга кўмган,  
Жафо-аламга кўмган  
Девни бир кўрмоқчиман,  
Кўриб ўлдирмоқчиман.  
Одамларга бахт бермоқ,  
Бахтлиларга гул термоқ  
Элдан шиорим бўлди,  
Номус ва орим бўлди.  
Шуни қилсам Паризод,  
Ерим бўлиб, қилур шод».  
Қуш дедик: «Эй инсон,  
Бекор бўлибсан сарсон,  
Паризод хўп алдапти,  
Кўрқинч йўлларга сопти.  
Хоннинг қизи дев билан,  
Ошна эди бурундан.  
Емон кўрганларини,  
Душман билганларини  
Йўллар эди ўшанга.  
Дўст эмас экан санга.  
Сен бу йўлда ўлурсан,  
Аниқ, қурбон бўлурсан.  
Девга бормай қўя қол,  
Бошқа қизни дея қол».  
Эсга келиб Паризод:  
«Қайтмайман,— деди Бунёд.—  
Шер изидан қайтмайди,  
Эр сўзидан қайтмайди.  
Уни кўмгунча уят  
Улгани яхшироқ бот.  
Шунинг учун бораман,  
Нима бўлса кўраман».

### XIII

Қушда меҳр уйғонди,  
Қизғаниш билан ёнди,  
«Кел, эса устимга чиқ,  
Менинг қанотимга чиқ.  
Бир нафас ўлтиргин жим,  
Бир нафас кўзингни юм.  
Мен кунингга ярайин,  
Сени олиб борайин.  
Денгизлардан ўтганда,  
Дунёни сув тутганда  
Кўзларинг очилмасин,  
Хаёлинг сочилмасин;  
Ўзингни йўқотмагил,  
Яна сувга отмагил.  
Сени олиб борарман,  
Қурашингга қарарман,  
Ўлсанг гуноҳ ўзингда,  
Қўрқув билмас сўзингда.  
Агар девни ўлдирсанг,  
Ерни нурга тўлдирсанг,  
Яна олиб қайтарман,  
Офаринлар айтарман».  
Қанотга чиқди Бунёд,  
Кўзини чирт юмди бот.  
Ва Семурғ қилди парвоз,  
Дунёни тутди овоз,  
Кун ботар томон кетди,  
Тун ётар томон кетди.

Семурғ остида дунё  
Айланган бўлди гўё,  
У ўқдай учиб ўтди,  
Яшиндай кўчиб ўтди.  
Еру кўкка солди жар,  
Шовқинига дунё кар.  
Ҳезлаганда юрт олди,  
Ўлкалар кетди қолди.  
Қолмай ўтмаган ери,  
Уча-уча охири  
Ўрмонликка етишди,  
Шовиллаб пастга тушди:

Ялмоғизнинг қошидан,  
Дарахтларнинг бошидан  
Бабо ўтгандай бўлди,  
Бало етгандай бўлди  
Семурғ бир силкинди бот,  
Кўзини очди Бунёд.  
Қун ботарда бир ўрмон,  
Унга бўлди намоён.  
Дарахтларга кўз солди,  
Оғир ҳайратда қолди.  
Тикилди суқ киргудек,  
Бунда ўсган ҳар терак  
Боши осмонга етган,  
Кўкка чирмашиб кетган.  
Атрофга жилва қилди,  
Нафаслари тикилди.  
Семурғ деди: «Эй ботир,  
Кел энди ўрнингдан тур!  
Бориб душманингни топ,  
Қилич сол, бўйнидан чоп.  
Жўна, бахтинг бор бўлсин,  
Ўтквр қилич ёр бўлсин.  
Сени шунда кутарман,  
Келмасанг қон югарман».—  
Дея кўздан йўқолди,  
Бир кесак бўлиб қолди.  
Бунёд ўрмонга кирди,  
Сув кечиб қонга кирди.  
Ўткир қилич қўлида,  
Борар экан йўлида  
Дарахтлар қулар эди,  
Йиртқичлар ўлар эди.  
Ўрмонда ҳарнаки бор,  
Қурту қушу жонивор,  
Қарши олар эдилар,  
Назар солар эдилар.  
Бу ҳам бўлар деб қурбон,  
Эдилар кўп пушаймон.  
Чумчуқлар чирқирарди,  
Булбул йиғлаб турарди.  
Бунёд эса мардона,  
Марду баҳодирона,

Урмонда борар эди,  
Девни ахтарар эди.  
Ошиқарди жўрай деб,  
Қаршисида турай деб,  
Қилар эди кўп армон,  
Топай деб дардга дармон.

#### XIV

Бунёд етти кун кезди,  
Етти қора тун кезди.  
Энг охири тун чоғи,  
Бир ҳид сизди димоғи.  
Тани жимирлаб кетди,  
Қалби қимирлаб кетди.  
Бора берди у ҳамон,  
Тувиллаб қолди ҳар ён,  
Урмон шатирлаб қолди,  
Барглар патирлаб қолди.  
У яна юрди бир оя,  
Охир дев чиқди пешвоз.  
Секин-секин юрарди,  
Қаҳ-қаҳ уриб турарди.  
Думидан бошигача,  
Бошдан оёғигача  
Хурсандлик олган эди,  
Шодликда қолган эди.  
Заҳар томар тишидан,  
Улим ёғар ишидан.  
Шохи осмонда эди,  
Тирноғи қонда эди.  
Бунёдга кулиб боқиб,  
Нафсига йигит ёқиб:  
«Салом, ўғлим, кел,— деди,—  
Душман эмас эл,— деди,—  
Омон-эсон бормисан?  
Паризодга ёрмисан?  
Гўзал қизим омонми?  
Шўх юлдузим омонми?  
Тилагингни айт менга,  
Не мурод керак сенга?»  
Йигит сўзга бошлади,  
Гапни тизиб ташлади:

«Бунёд сенга эл эмас,  
Эл бўлганни дев емас.  
Сен бир офат эмишсан,  
Зўр қабоҳат эмишсан.  
Одамизоднинг ёви,  
Ўғлонларнинг гўркови  
Ўзинг эмишсан ёлғиз.  
Паризод деганинг қиз,  
Қанча дўстинг бўлса ҳам,  
Алам ютиб ўлса ҳам,  
Бошингга етажакман,  
Ўлдириб кетажакман».  
Бунёд қилич чиқарди,  
Ўрмон ялтираб қолди.  
Бунёднинг қаҳри келди,  
Девнинг ҳам заҳри келди,  
Кўзларидан ўт сочди,  
Ўрмонликдан тун қочди.  
У ҳар оғиз очганда,  
У ҳар бир ўт сочганда,  
Зўр бир ёнғин кетарди,  
Қанча ўрмон битарди.  
Нафасидан зўр бўрон  
Қўзғалар эди ҳар ён:  
Томирлар кўчар эди,  
Дарахтлар учар эди,  
Осмонни қушлар тутиб,  
Ҳаммаси ҳам қон ютиб,  
Чирқирашиб турарди,  
Зўр курашни кўрарди.  
Тўкилар эди қонлар...  
Барча йиртқич ҳайвонлар  
Кезарди бесаранжом  
Сақлаб қолмоқ учун жон.  
Бунёдни ютмоқ учун,  
Бўғзидан тутмоқ учун,  
Дев ҳамла қилар эди,  
Баъзида қулар эди.  
Оташда эди ичи,  
Баҳодирнинг қиличи  
Ялтирарди бошида,  
Қулар эди қошида.

Бунёд қилич солганда,  
Ҳар бир сирмаб олганда  
Девни узиб ўтарди,  
Узиб, бузиб ўтарди.  
Тўхтамади қонли жанг,  
Бўлди девнинг ҳоли танг.  
Икки куну икки тун  
Солишди улар бутун.  
Тинимни билмадилар,  
Ярашга келмадилар.  
Бунёд қиличи билан,  
Заҳарли учи билан  
Девни бурдалай берди,  
Қилич қон ялай берди.  
Дев макон қурган ўрмон  
Бошдан оёқ бўлди қон.  
Қилични ҳар солганда,  
Ҳар бир сирмаб олганда  
Бир жойни олиб ўтди,  
Бир раҳна солиб ўтди.  
Охири жон қолмади,  
Жону дармон қолмади,  
Қилич бўғзидан тутгач,  
Тоғ каби ёриб ўтгач  
Дев ҳарсиллаб қулади,  
Бир қарсиллаб қулади.  
Дев қулаб йиқилганда,  
Бирдан яксон бўлганда  
Ерлар қимирлаб кетди,  
Зилзила гурлаб кетди.  
Чўзала тушган чоғи,  
Девнинг бошу оёғи  
Ўрмонни тутиб кетди,  
Сигмай четга ҳам ўтди.  
У типирлаб берди жон,  
Ва жимжит қолди ўрмон.  
Шундан сўнг ботир Бунёд  
Бўлиб ўзида йўқ шод,  
Қилични ювиб олди,  
Бир ўлиб, қинга солди.  
Паррандалар барчаси,  
Гўзали, ой парчаси

Ботирни узатдилар,  
Алқишлаб кузатдилар.  
Йигит Бунёд мардона,  
Марду баҳодирона,  
Юриб ўрмондан чиқди,  
Ғавго ва қондан чиқди.  
Ботир ғоят беқарор,  
Семурғига интизор  
Турар эди кўз тутиб,  
Ҳар кўзини юз тутиб.  
Қесак бўлиб ётган қуш,  
Гўё кўрган каби туш.  
Қонлар тўкилганини,  
Бунёднинг енгганини;  
Ботирнинг ғуссадан пок,  
Дев бўлганини ҳалок —  
Билар эди ҳаммасин.  
Қесак бўлиб кўлкасин  
Ерга солиб ётарди,  
Ором олиб ётарди.  
Бунёд келган замон ул,  
Шодликка тўлди буткул.  
Бир айланиб қуш бўлди,  
Бунёд кўнгли хуш бўлди.  
Ботир изидан ўпди,  
Икки кўзидан ўпди.  
Деди: «Кел, устимга чиқ,  
Менинг қанотимга чиқ!  
Энди кетга қайтайик,  
Элга дoston айтайик.  
Ботир йигит кетдик, бўл!  
Келган жойга етдик, бўл!»  
Ботир қанотга чиқди,  
Зўр «дулдур отга» чиқди.  
Кўзини юмган замон,  
Хаёлга чўмган замон,  
Семурғ кўкда йўл олди.  
Ўрмонлар кетда қолди.  
Бир юрт кўчиб боргандай,  
Кўчиб учиб боргандай  
Шовқин-сурон зўр эди,  
Ва беимкон зўр эди.



## XV

Гўзал куш қанотида,  
Қўкнинг чопқир отида  
Учиб бораркан Бунёд,—  
Хаёлида Паризод.  
Қуш кенг сахрога етди.  
Инига қараб кетди:  
«Эй Бунёд, кўзингни оч,  
Жаҳонни кўр, назар соч!  
Энди йўлни топарсан,  
Керак бўлса чопарсан.  
Бор, яхшилар ёр бўлсин.  
Ботир, бахтинг бор бўлсин».  
Қайтадан қўл ушлашиб,  
Семурғ билан хушлашиб,  
Бир-бирини қучоқлаб,  
Меҳру муҳаббат боғлаб  
Ажралдилар икковлон.  
Бунёд жаҳонни жавлон  
Уриб яна йўл кетди,  
Сахро билан чўл кетди.

## XVI

Тоғлар ошди, қир ошди,  
Ойлар бўйи адашди.  
Сўнгги қирдан ўтганда,  
Ўз юртига етганда  
Қунларини санади,  
Тунларини санади,  
Англади, роса уч йил  
Кезганини муттасил.

## XVII

Роса уч йил ўтганда,  
Оламни гул тутганда,  
Ям-яшил эрта баҳор,  
Паризодга интизор,  
Бунёд бўлди намоён —  
Ҳам хурсанду ҳам ҳайрон.

Юраги уриб келди,  
Оламни кўриб келди,  
Паризодни сўроқлаб,  
Бағрини ўтда доғлаб,  
Хоннинг эшигин қоқди,  
Эриб сув бўлиб оқди.  
Паризодни кўргали,  
Аҳволини сўргали,  
Жаҳонни уриб жавлон,  
Семурғ билан икковлон  
Осмонда учганини;  
Ёвуз девнинг танини,  
Қиличда тўғраганин,  
Олганин унинг жонин  
Сўйлагали шошарди,  
Дарё каби тошарди.  
Қалбини бир оғир ғаш  
Ўрғарди мисли оташ.  
Бир шубҳаси бор эди,  
Шубҳа дўсти зор эди.  
Не кечди пари ҳоли,  
Сўлмадими ниҳоли?  
Узоқ уч йил муттасил,  
Нелар қилди экан ул?—  
Дея азоб чекарди,  
Зўр изтироб чекарди.

Бунёд саройга кирди,  
Тахт турган жойга кирди.  
Узини йўқотди хон  
Ботирни кўрган замон.  
Хоннинг юзига қараб  
Қалби ичра оралаб  
Бунёд баҳодирона,  
Сўз бошлади мардона:  
«Оламни кўриб келдим,  
Девни ўлдириб келдим.  
Дарёларни қурутган,  
Балиқларни чурутган,  
Инсонни дарду бало  
Билан қилган мубтало  
Ёвузнинг оти ўчди,

Огу ҳаёти ўчди: -  
Керакжим қилмай жафо,  
Ваъдага айлаб вафо  
Паризодни бергайсан,  
Ул озодни бергайсан.  
Тўй бошламоқ лозимдир,  
Куй бошламоқ лозимдир».  
Қовоғини уйиб хон,  
Уятига куйиб хон,  
Сўзга киришди ожиз:  
«Сенга ваъда қилган қиз,  
Сўзингга жавоб берсин,  
Керак бўлса тоб берсин.  
Ихтиёри ўзида,  
Турган бўлса сўзида,  
Тўй бошлармиз шул замон.  
Бўлишармиз шодмон.  
Қани Паризод келсин,  
Уша, ҳур, озод келсин».  
Мулозимлар чопдилар,  
Паризодни топдилар.

Пайдо бўлгач Паризод,  
Ҳайратда қолди Бунёд.  
Ихтиёри йўқолди,  
Совуқ бир терда қолди:  
Хоннинг қизи Паризод,  
Ғамгин эмас, жуда шод,  
Ўғлин олдиға солиб,  
Қизини қўлга олиб,  
Келар эди ул томон,  
Боқар эди кўп ёмон.  
Бунёд ҳангуманг қолди,  
Ҳоли-зори танг қолди.  
Унга Паризод маккор  
Шуларни қилди изхор:  
«Чўпонни севолмадим,  
Ҳеч кўнгил қўёлмадим.  
Ғурбатга қорганимнинг,  
Девга юборганимнинг  
Сабаби шунда эди,  
Кўнглим тугунда эди.

Улиб кетар деб эдим,  
Чуриб кетар деб эдим.  
Қанча ботир бўлсанг ҳам,  
Зўр баҳодир бўлсанг ҳам  
Тўшагинг хас деб билдим,  
Аслингни паст деб билдим.  
Севолмадим сени мен,  
Чунки мен хон қизимен.  
Мен саройнинг эрига,  
Отамнинг вазирига  
Аллақачон текканман.  
Шарт қилиб сафарга сан  
Чиқиб кетган кунингда,  
Йўлда бўлган тунингда,  
Тўй бўлиб ўтган эди,  
Ҳамма иш битган эди».

Ерга тикилганча хон  
Жим қолди узоқ замон.  
Паризод ерга боқди,  
Бунёд ўтда тутақди.  
Не айтарин билмасдан,  
Тили сўзга келмасдан,  
Ғазабда ёнар эди,  
Ёнар, қийналар эди.  
Паризодни, хонни ҳам,  
Икки номард жонни ҳам  
Қиличдан ўтказмоққа,  
Ўлимга ютқизмоққа  
Ҳозир эди шул замон,  
Ўт ичида беомон.  
Шу ғазаб, шу ўч билан.  
Шу қасос, шу куч билан  
Саройни ташлаб чиқди,  
Кўзини ёшлаб чиқди.  
Бевафо хон қизини,  
Номард хоннинг ўзини,  
Унутмади ҳеч қачон,  
Қарғаб ўтди беомон.

# ТАРЖИМА

А. С. ПУШКИН

КАВКАЗ АСИРИ

ПОВЕСТЬ

1820—1821

Бағишлов

Н. Н. РАЕВСКИЙГА

'Азиз дўстим, табассум-ла қабул эткил сен,  
Бу эркинлик музасининг ҳадясини:  
Бағишладим сенга қувғин сознинг сасини:  
Ва илҳомда ширин ўтган дамларимни мен.  
Мен бегуноҳ, қайғу ичра бўларкан ҳалок,  
Чор атрофда кезар экан ғийбат ва бўҳтон,  
Ва хиёнат ханжарлари юрагимни чоқ,  
Муҳаббатнинг оғир туши мени беомон  
Ҳалокатга судраб қийнар, олар экан жон,  
Мен ёнингда ором топиб бўлардим бедод;  
Биз дўст эдик—топар эди қалбим тасалло:  
Узоқлашар эди шунда бошдаги бало,  
Этдим нажот соҳилида тангриларни ёд.  
Ҳижрон ичра ўтар экан кунларим ғамда,  
Уйга толган товушларим шу оғир дамда  
Кавказни туширдилар менинг эсимга,  
Улуғ танҳо у Бештовки\* бошлари туман,  
Овул ва чўллар ҳокими—беш бошли султон  
Янги Парнасим\*\* бўлдию руҳ берди менга.  
Дўстим, Кавказ қояларин унутарманми?  
У шарқироқ булоқларни, сўлғин чўлларни,  
Қайноқ даштлар, ўлкаларки, сирдош икковлон

\* Бештов — Кавказ тоғларидан бири.

\*\* Парнас — шеърӣ илҳом макони.

Кезмиш эдик, гар унутсам бўларман оси.  
 У тоғларки, қароқчилар санқир, сақлар жон  
 Ва илҳомнинг у ёввойи асов даҳоси  
 Сукунатнинг қучоғида топмишдир макон!  
 Балки, юрак учун ошна севимли дамлар,  
 Хуш кунларнинг топилажак бунда асари  
 Ва хирсларнинг беомон ором-озори,  
 Учрар таниш кенг хаёллар, ошна ситамлар  
 Ҳамда менинг бу руҳимнинг сир тўла зори.  
 Ҳар хил йўллар билан кетдик биз бу ҳаётда,  
 Ҳар хил қиймат бўлди бизга бу коинотда:  
 Сен осойиш қучоғида сал топиб камол,  
 Яшнадинг-ку—ботир отанг изидан дарҳол  
 Ёв ўқининг булутлари остида парвоз  
 Эта кирдинг қонли майдон ичра, эй шаввоз.  
 Сен орзулар вафодори ва мақбул қурбон;  
 Мен ёш экан хиёнат-у, жаҳл ила бўҳтон,  
 Қувғиндилик бошга етди, ёпишди бало.  
 Лекин бардош ва ҳурликни дилга этиб жо  
 Кутар эдим мен хайрли кунларни фақат.  
 Дўстларимнинг бошларига келиб қўнган бахт  
 Менга доим бўлар эди ширин тасалло.

### Биринчи бўлим

Давра қуриб бўсағаларда  
 Ултиради бир тўда черкас,  
 Кавказнинг эр ўғилларига  
 Бўлмиш эди букун мавзу баҳс:  
 Жанглардаги таҳлика, ғавғо,  
 Арғумоқ от, ҳаёт ва жўшқин  
 Ҳирс кечирган ишрат ва савдо,  
 Утмишдаги даҳшатли босқин,  
 Қишлоқларки, талонда буткул  
 Бўлмиш яксон, бўлмишдилар кул,  
 Алдов билан кун кўрган виждон.  
 Жинояткор маккор улуғлар,  
 Қиличидан тирқираган қон;  
 Сўзлашарлар бари ҳаққида  
 Ва шаҳло кўз асира дилбар  
 Ҳикояга монондир жуда.

Жимжитликда ўтарди суҳбат;  
Ой сузарди тун туманида,  
Отлиқ черкас улар ёнида  
Ҳозир бўлди тўсатдан шул вақт:  
Арқонланган бир ёш асири  
Судраб келиб фош этди сирни.  
«Мана рус!»— деб у бутун  
Йиртқичларча кўтарди шовқин.  
Товушига овул шул замон  
Чопиб келди мисли оломон,  
Лекин асир бесадо, бесас  
Боши ёриқ, яраланган, қон,  
Мурда каби ётарди бежон.  
Душманларнинг тусини кўрмас,  
Ҳиддатларин эшитмас асло,  
Чарх ураркан бошида бало,  
Нимжон, совуқ оларди нафас.

Ва ёш асир фаромуш танҳо,  
Етиб қолди узоқ бир замон.  
Қизгин қуёш унинг бошида  
Лахчаланиб ётарди жавлон.  
Ҳаёт ҳисси уйғониб унда,  
Кўкка учди аччиқ бир садо;  
Офтоб нури иситиб шунда  
Бош кўтарди бу бахтга гадо,  
Ва ташлади заиф бир нигоҳ:  
Буюк тоғлар кўрди баногоҳ.  
Буюк тоғлар, унда йўл босар  
Қабилалар ини, уяси,  
Черкаслар эркининг қалъаси  
Юксалмишдир қаторма-қатор.  
Ва мудҳиш бир тушнинг ваҳмаси  
Сингари эсларди: у тутқун;  
Кишанланган оёқлар бирдан  
Шақирлашар, кўтарди шовқин...  
Воқиф этди уни ҳар сирдан.  
Хираланди кўзига дунё,  
Эй муқаддас ҳурлик, алвидо!  
У қулдир.

Овул жимжит ва якка тутқун  
Бостирма кетида узун кун.

Тикан ғовлар олдида ётди.  
Пойлоқчи йўқ, черкаслар бари  
Чўлда эди, асир назари  
Узоқдаги йўлларга ботди,  
Яшил парда каби ўнгида  
Ястанганди теп-текис ерлар,  
Ва бир ёнда бўлиб силсила  
Етар эди қирлар, адирлар;  
Олисларда оралиқдаги  
Йўл туманлик ичра йўқолар  
Ва тутқуннинг йигит кўкраги  
Оғир хаёл билан ўртанар...

Русияга элтар узоқ йўл,  
Ўз қизин ёшлигини унда бахтиёр  
Ва беташвиш бошлаганди ул;  
У илк шодлик беролган диёр.  
Унда севган бор назокатни,  
Унда қилмиш ўз кўксини чок,  
Бутун истак, армон, шодликни  
Саёқ турмуш этмишдир ҳалок.  
У хуш кунлар ёсдаликларин  
Синиқ қалбга кўммишдир барин.

Тотди кибор ҳаётни, аммо,  
Англадиким, жирканч, беҳаё:  
Дўстларида кўрди хиёнат,  
Ва муҳаббат, ишқ хаёлида  
Бир алдоқчи туш бордир фақат.  
Нафратланган фоний ҳаётнинг  
Бир қурбони бўлишдан қочиб,  
Адоватлар, фитна ва бесўнг  
Оддий тухматлардан ўртаниб,  
Киборликдан пушаймон бўлди,  
Юрак бағри лахта қон бўлди.  
Табиатнинг оташин дўсти  
Ташлаб кетди она ўлкасин,  
Узоқ элга ахтариб кетди  
Озодликнинг хушбахт кўлкасин.

Эй, озодлик! У ёлғиз сени  
Излаб кетди бўм-бўш дунёдан.



Эҳтирос-ла топтаб сезгини  
Кўнгли совуб рубоб, хаёлдан  
Сенинг номинг билан жонланиб,  
Куйларингни этмишди савоб;  
Имон, эътиқодда ул ёниб  
Санамингни этганди тавоб...

Ҳамма битди... Тутқун бенаво  
Ҳеч томондан изламас паноҳ.  
Сўнг хаёллар, мана, ҳатто сиз,  
Ҳатто сиз ҳам ташлаб кетдингиз.  
Қул энди ул, эрки кетган, хор,  
Секин қўйди бошини тошга,  
Ғамгин ҳаёт ажалига зор,  
Кўзни тижар кечки қуёшга,  
Мозор кўлкасига интизор.

Тоғ ортида қуёш милтирар,  
Эшитилар узоқдан доврўқ,  
Қир, даладан қайтар халойиқ,  
Уроқлари кунда ялтирар.  
Ҳамма уйда ёришди чироқ,  
Довруқ тинди, оҳиста-секин.  
Тун қўйнида ҳаммани бу чоқ  
Бир майинлик қуршади сокин.  
Қоялардан учиб олисда  
Ярқирарди жўшқин шаршара,  
Мудроқ чўққилар ҳам бир тусда  
Епинмишди булутдан парда...  
Лекин, кимдир бу ойдинликда,  
Шунча қалин, жонсиз тинликда  
Қадам ташлар оҳиста, ёлғиз?  
Зийракланиб кўз очса тутқун  
Қаршисида юз берди шу ҳол:  
Таъзим қилиб кулимсаб ва лол  
Турар эди гўзал черкас қиз.  
Тутқун тилсиз, қизга қарайди,  
Ёлғон бир туш дея ўйлайди.  
Уйнагандир ҳолсиз ҳисларим  
Дея, қизга тикилади жим.  
Ой нурига салгина ёриб  
Қиз энгашди ва букди тизни.

Шафқат билан нафис жилмайиб,  
Муздай салқин, даво қимизни  
Секин тутди: титради қўллар;  
Унутилди қимиз, бетоқат  
Мулойим сўзларнинг сеҳргар  
Овозини ютоқиб тинглар,  
Ва кўзларин излайди фақат,  
Англамайди, сўзлар унга ёт;  
Тотли нигоҳ ва яқин ораз,  
Яша — дейди жон фидо нафас  
Ва асирда тирилар ҳаёт.  
У жамғариб сўнгги мажолин,  
Итоат-ла кўтарди бошин.  
Ва марҳамат пиёласидан  
Сероб этди чанқаган ҳолин.  
Оғир бошин тошга қўйди-ю  
Яна беҳол сизди ўзини.  
Черкас қизга сўник тўнди-ю  
Узолмади ундан кўзини.  
Қиз ҳам унга ғамгин термулиб,  
Хаёл ичра ўлтирди узоқ.  
Ва гўёки хомуш, тек туриб,  
Бўлар эди уни юпатмоқ,  
Недур айтиб лаблар ҳар нафас  
Беихтиёр очилар эди;  
Оҳ урарди сиққандай қафас,  
Кўзлардан ёш сочилар эди.

Кунлар ўтар кўлка сингари,  
Пода боқиб ўтар тоғларда  
Кишанланган асир кунлари.  
Намкаш ва зах, салқин мағора  
Уни асрар ёз қуёшидан.  
Ва кумуш ой камон сингари  
Милтираркан тоғнинг бошидан,  
Йўлга чиқар у соҳиб жамол,  
Олиб келар асирга шароб,  
Зоғора нон ва хушхидли бол,  
Қимиз билан қиларди сероб,  
Тутқун билан яширин донланар;  
Ташлар эди нафис бир нигоҳ,  
Мубҳам сўзлар ва ишоралар

Билан қилар истақдин огоҳ;  
Кўмиб ташлар тоғ қўшиғига,  
Бахтли Грузия куйларин  
Айтар эди, асов хотирга  
Ёт бир тилни сингдирар дарин.  
Маъсум юрак кўз очиб энди  
Севган эди, бахтни дўст тутган;  
Лекин тутқун қачонлар эди.  
Эҳтиросни унутиб кетган;  
У, ошкора маъсум севгига  
Жавоб беролмайди юракдан —  
Унутилган севги тушини  
Қўрқар балки хотирламакдан.

Ёшлик бўлмас ноҳасдан хазон,  
Завқлар бирдан кетмас беасар,  
Ҳали қанча саодатли он  
Яна бўлар бизга муяссар:  
Лекин, сизчи, жонли хотирот,  
Ва дастлабки, эй пок муҳаббат,  
Эй осмоний жўшқин бир ҳаёт,  
Қайтиб учиб келмассиз албат.

Кўниккандай кўринар эди  
Ожиз асир мунгли ҳаётга;  
Қуллик ғами, исён дардини  
Яширин тутар, ёрмас ҳеч зотга.  
Саринликда илк-эрта саҳар  
Қояларда танҳо судралар,  
Ёш тутқуннинг мафтун нигоҳи  
Чўзиларди оқ ва зангори,  
Ол тоғларнинг бошига қадар.  
Ажойибдир бу манзаралар!  
Қорликларнинг мангу тахтгоҳи,  
Булутларнинг жонсиз ҳалқаси  
Қаби кўринарди зарволар,\*  
Муз тожи ярқирар бир диёр,  
Икки бошли дов бу қаторда —  
Эльбруски, буюк, улуғвор,  
Оқаради кўм-кўк самода.  
Зўр ғовурга қўшилиб бўрон

---

\* *Зарволар* — чўққилар.

Хабарчиси — момақалди роқ,  
Даҳшатида гурларкан ҳар ёқ,  
Асир отли бу танҳо инсон  
Ултирарди тоғликда ҳар чоқ!  
Қуюқлашар пастда туманлар,  
Сақраб ўйнар эди қуёнлар,  
Ҳурккан оҳу қояликларда  
Излар эди жонга парварда;  
Учишаркан бургутлар ҳар ён  
Қийқиришар эди ҳавода,  
Йилқиларнинг кишнаши, пода  
Маърашини кўмарди бўрон...  
Қора булут қуяр шул замон  
Чақмоқ билан дўл, сел водийга,  
Тўлқинлар-ла тиккаликларни  
Ағдаради ва асир дийда  
Харсангларни қулатиб йўлда  
Сел беомон босарди жарни.  
Асир эса тоғ чўққисиди  
Турар эди яккаю танҳо,  
Қора булутларнинг кетидан  
Кутар эди чиқар деб офтоб.  
Довул етмас жойларда ҳамон  
У бўроннинг кучсиз ва бетоб  
Увлашини тингларди шодон.

Лекин, европалик диққатин  
Бу ажиб эл этган эди жалб.  
Тоғларида тарбия, мазҳаб,  
Одатларни кузатар тутқун;  
Содда ҳаётлари хуш келар,  
Меҳмондўстлик, жанговар сифат  
Билак кучи ва елдай кўчар  
Чаққонликни севмишди беҳад;  
Учқур черкас гоҳи-гоҳида  
Хўп ясаниб, шайланиб жуда,  
Қора чакмон кийиб, шалдираб,  
Папоқ кийиб олиб бошига,  
Узангига оёқни тираб,  
Кўкрак бериб эгар қошига,  
Сўнгсиз сахро, баланд тоғларда  
Зўр ишқ билан ёшликдан жангни

Машқ қилароқ чопаркан отда,  
Соатларча асир нигоҳи  
Бўлар эди учган қанотда.  
Шайдо қилар уни бежирим,  
Жуда оддий ҳарбий бу кийим.  
Черкас яроқ билан кўмилган,  
Шунга мағрур ва кўнгил тўлган!  
Кўҳна милтиқ, садоқ, зирҳ, тийр  
Кубань ёйи, ханжар ва чилвир  
Ва қилички, мангу йўлдоши,  
Юпанчиғи, олтин қуёши,  
Ҳеч бир нарса буэмас кўнглини,  
Жаранг чиқиб койитмас уни,  
Унга доим ёрдир шу сифат:  
Яёвмидир, минганмидир от,  
Ҳамон ўша, ўша кайфият,  
Уша ғолиб ва енгилмас зот.  
Унинг бутун кўрки, давлати,  
Беғам казакларнинг офати,  
Тоғ йилқиси наслидан бир от.  
Бу вафодор, чидамли, учқур,  
Унинг дўсти,— шу унга қанот.  
Мағорада, ўтлар ичинда  
Маккор, йиртқич бирга топар жой,  
Иўловчини кўрибоқ шунда  
Отилади гўёки ўқ-ёй.  
Қудратли зарб ва тўғри нишон  
Ишни дарҳол қилар саранжом,  
Шу лаҳзада учувчи арқон  
Иўловчини судрар жар томон.  
От учади чўлда қуюндай,  
Бир ўт уни элтар илгари,  
Унга йўлдир: ботқоқлик, тўқай,  
Қояларнинг, ғорларнинг бари;  
Қонли излар чопар кетида,  
Ғовур билан тўлади сахро,  
У сув ичра кирган кезида  
Шағиллайди шўх, кекса дарё  
Ва дарёга ташланган йўлчи  
Юта бошлар лойқа тўлқинни.  
Холдан кегиб тилайди ўлим.  
Ўтмай туриб бир лаҳза, бир зум

У ажални кўради пешвоз...  
Қудратли от эгасин олиб —  
Қирғоқликда қилади парвоз.

Ё қора тун мисли бир парда  
Ётар экан адирликларда,  
Черкас келар қирғоққа якка,  
Ва дуч келиб, қаттиқ довулда  
Дарёга қулаган тўнгатка,  
Енгсиз чакмон, совут, қалқонни,  
Жиҳсзларки, бисотида бор,  
Темир қалпоқ, садоқ, камонни  
Бутоқларга илади дарҳол,  
Сўнгра жимжит, чиқармай нафас,  
Уни излаб нишоб тўлқинга  
Ўзни ташлар бу тиним билмас.  
Жимжит кеча. Шағирлар дарё  
Бўйлаб ёлғиз, хилват қирғоқлар,  
Тўлқин элтар уни узоққа;  
Найзага суяниб казаклар  
Тепаликдан қараган ёққа;  
Казаклар тим дарёга қарар,  
Шу лаҳзада бадкор яроғи  
Туннинг шу тим, қоп-қора чоғи  
Сув юзида чайқалиб борар...  
Казак, ўйга чўмдинг сен нега?  
Ўлим чўлидаги ўрдугоҳ,  
Жангларингми тушди эсингга,  
Полклар айтган мадҳия — дуо,  
Ё ватанми?.. Йўл бўлгай сенга  
Ҳийлагар туш, ёлғончи рўё!  
Алвидо эй, эркин манзиллар,  
Ота юрти, секин Дон — дарё,  
Сиз ҳам эй жанг, чиройлик қизлар!  
Қирғоқларда бир сирли душман —  
Пайдо бўлди, ўқ визиллайди,  
Қонга ботган тепаликлардан  
Ўққа учган казак қулайди.

Ёғингар дамларда оила  
Билан ота хонадониди  
Ўлтираркан черкас, ва уйни

Босар экан кўмир тутуни;  
Тоғликларда кезиб кечиккан  
Йўлчи тушиб вафодор отдан,  
Ҳориққанча кирар ичкари  
Ва талпинар шу гулхан сари;  
Уй эгаси пешвоз бўлиб  
Олқиш, ҳурмат билан туради  
Ва меҳмонга косада хушбўй  
Чоғир-қирмиз шароб тутади.  
Ҳеч тинмайин бурқурар тутун,  
Йўлчи қўнар хонада бир тун,  
Ва ёпиниб нам чакмонини,  
Бошин қўяр ширин уйқуга;  
Саҳар пайти меҳмондўст уйни  
Бўш қолдириб, у тушар йўлга.

Ҳайит куни йигит-жувонлар  
Тўпланишар, яйрашар жонлар;  
Ҳар қанчаки, ўйин-кулги бор,  
Барчасини этарлар такрор:  
Бўм-бўш қолар ёй тўла садоқ,  
Осмон сари йўл очиб шу чоқ  
Қанотли ўқ учар камондан,  
Булутлардан бургутни урар.  
Гоҳ тик қия ёнбағирлардан  
Сабрсизча қаторма-қатор  
Бир имо-ла қулайдилар дув,  
Бамисоли бир тўда оҳу,  
Ерни топтаб этарлар поймол,  
Чанг бостириб далани, хушҳол  
Гурос-гурос, овуллар сари  
Тапиллашиб чопарлар бари.

Бироқ жангга туғилган қалбни  
Зериктирар якнасақ дунё,  
Қўп вақтлар ялла кайфини  
Хароб этар қаттиқ бир ғавғо.  
Қайф чалғитар бошларни кушод  
Ярқирайди қилич шиддатда,  
Қуллар боши кетган бир пайтда  
Еш-яланглар ўйнашади шод.

Аmmo қонли овунчоқларга  
Рус заррача қилмасди парво,  
Донг ўйинин севмишди аввал,  
Ўлим чанқоғига мубтало  
Ёнар эди, ожиз ҳар маҳал  
У бешафқат шарафга банда,  
Кўрар эди ўлимни яқин.  
Мағрур туриб якка жангларда  
Қаршиларди ҳалокат ўқин.  
Балки ҳозир ботир хаёлга,  
Бир вақтлар қадрдон дўстлар  
Ва ёронлар аҳли-ла бирга  
Сафо сурган кунларни эслар...  
Эслар экан тутқунда энди,  
Умидларни бўшга чиқарган  
У кунларга ачирми дили?  
Ё тоғликлар содда эрмагин  
Иштиёқ-ла қилиб томоша,  
Ваҳший халқнинг урф-одатларин  
Ойиннада этарми иншо.—  
У қалбининг талпинишларин  
Яширин тутмоқ кўрарди раво;  
Манглайида бирорта ажин  
Шунча ўтиб бўлмабди пайдо.  
Унинг супоҳ жасоратига  
Қолишдилар черкаслар ҳайрон,  
Раҳм этдилар бағишлаб ҳаёт,  
Ғурурланиб ўз ўлжаси-ла,  
Шивирлашар ва бўлишар шод.

#### *Иккинчи бўлим*

Яшаш завқи, жўшиб қайнашлар  
Тоғ малаги, сенга бўлди ёр.  
Ва муҳаббат, шодлик бағишлар  
Ёниқ, маъсум кўзларинг, нигор.  
Тун қўйнида севганинг сени  
Упар экан, бесўз, беозор,  
Орзуларга тўлиб тўлғанар,  
Унутардинг фоний дунёни,  
Ва дер эдинг: «Эркисим, жоним,  
Чиройингни очгил, жаҳоним,  
Бошингни қўй, кўксим сенга юрт.



Озодликни, ватанни унут!  
Жон деб қочай, сен-ла чўлларга,  
Жон деб қочай, руҳимнинг шоҳи!  
Севгил мени, ҳали бокира,  
Ўпилмаган қизнинг нигоҳи;  
Ва қора кўз черкас тун чоғи  
Менинг танҳо якка ва ёлғиз  
Ётоғимга қўймагандир из.  
Омонсиз деб бўлдим овоза,  
Гўзаллигим, номусим тоза.  
Фақат битган қисматим маҳкам,  
Мени отам, раҳмсиз акам,  
Ёт овулга, олиб олтин-зар  
Бир ёмонга сотмоқни истар;  
Ёлвораман, отам, акамга,  
Ҳеч бўлмаса, у вақт менга  
Топилар-ку, оғу ё ханжар.  
Беихтиёр бир қодир қувват  
Сенга тортди, солди савдога,  
Эркисиз дўстим, сенга бўлдим банд,  
Сен-ла ётар жон муддаога...»

Ва лекин у, сокин қизғаниб,  
Эҳтироскор қизга тўнарди;  
Оғир ўйлар ичида ёниб,  
Севгувчининг сўзин тингларди.  
Хотиралар бир-бир жонланар.  
Ўлтирарди сузгун, паришон  
Ва ҳаттоки кўзидан ёшлар  
Тирқираб кетмишди бир замон.  
Севги дарди қўрғошиндайин  
Қалбда ётар, қийнарди ғоят  
Ва ёш қизга изтиробларин  
Тўкиб солди бир-бир ниҳоят.

«Унут мени: мен арзимаيمان  
Қувончларинг, муҳаббатингга,  
Маҳв этма кунларни мен билан;  
Ошина бўл ўзингга тенгга.  
Сўзлардаги ёлқин, аланга,  
Лаблардаги оташ, ҳарорат.

Гўзаллигинг, жон қарашингга  
Этар вафо, қилмас хиёнат;  
Менинг ғамгин, сўник руҳимдан  
Ишқи унинг бўлар минг аъло:  
Мен эҳтирос ичра сўларман  
Беорзу ва бетасалло.  
Енган қалбнинг мудҳиш асари,  
Мен бир севги кули соврилган,  
Мени тарк эт ва лекин, шўрли  
Қисматимга озгина қизган!  
Бетоле ёр, нега бурунлар  
Бўлмагандинг кўзга намоён,  
Мен умидга ишонган кунлар,  
Хаёлларга топинган замон!  
Мен бахт учун бўлганман одош,  
Умид қуши бош олиб кетган;  
Инжаликлар учун бўлиб тош,  
Севги нима, дўстинг унутган...

Тирик бўсаларга ўлик лаб  
Жавоб этса оғир нақадар,  
Ёш томаркан кўздан жовдираб,  
Қаршиласа совуқ хандалар!  
Ва ўртаниб беҳуда ғашда  
Бир тош бўлиб уйқуга кетмак,  
Эътироскор қиз оғушида  
Ўзга ёрни, оғир, ёд этмак!..

Шунча нозик ва шунча ширин  
Мени ўпиб, тинч, беховотир,  
Севги соатлари сен учун  
Чопиб ўтар осуда хотир;  
Сукунатда ёш тўкиб шунда  
Ўлтираркан мен паришон ҳол,  
Жонланади менинг қаршимда  
Мангу дилдор бир гўзал тимсол;  
Юрак унинг сари толпинар,  
Эшитмасман, кўрмас ва хомуш,  
Руҳим сени унутган бўлар  
Ва хаёлга очаман оғуш;  
Мен уни деб чўлларда якка  
Ёш тўкаман... У мен-ла яшар,

Бутун ерда бирга адашар,  
Қайғу солар етим юракка.

Мени тарк эт, танҳо хаёллар,  
Қишанларим қолсин ўзимга,  
Хотиралар, кўз ёш, аламлар,  
Бўлолмассан шерик сен унга.  
Қалб арзини тингладинг, видо!  
Қўлингни бер... кечир... алвидо!  
Узоқ эзмас ва йиғлатмас зор  
Қизни совуқ ғуссали ҳижрон,  
Унутилар севги, хафақон,  
Қайта бошдан ёр топар дилдор».

Кўз ёшисиз, маъюсча йиғлаб,  
Қиз ўлтирар бағрини тиглаб:  
Туман тўла, ботган нигоҳи  
Сукут ичра гина ташларди;  
Кўлка каби сўникди, титрар;  
Қўли ётар ошиқ қўлида,  
Совуқ эди, худди муз қадар,  
Ва ниҳоят, севгининг доди  
Тилга келди, ёнди фарёди:

«Рус, рус, раҳм эт, оҳ, бу на бало,  
Мен кўнглингни билмасдан асло,  
Нега севдим сени умрбод!  
Қучоғингда сенинг кўп кунлар  
Яшолмадим ғамдан беҳабар  
Ва жуда оз бахтиёр тунлар  
Тақдир этди менга муяссар!  
У, қайтмасми ҳеч қачон энди?  
Маҳв бўлдими севинч умрбод?  
Ва сен, тутқун, бу содда дилни  
Алдаб қила олар эдинг шод,  
Ҳеч бўлмаса, мурувватпарвар  
Сукут сақлаб, эркалаб ёлғон;  
Қисматингни мен ҳам оутар,  
Бўлар эдим ғамхўр меҳрибон  
Ва тунларда жафодийда ёр  
Оромини сақлар беозор;  
Истамадинг... Қани эт изҳор,

Ким экан у севдигинг дилдор?  
Севасанми? Сен севгилими?  
Азобларинг равшандир менга...  
Сен ҳам кулма ёнишларимга,  
Ёшларимни кечир бир йўла».

Тинди. Фарёд ва кўз ёшлари  
Қиз кўксига бўлмишди қафас.  
Пичирларди лаблар шикоят,  
Асир тизин қучиб, у ғоят  
Беҳуш, зўрға оларди нафас.  
Шўрлик қизни кўтариб аста  
Сўз бошлади тутқун жавобан:  
«Қувғиндиман мен ҳам, йиғлама,  
Қалб азобин татиб кўрганман.  
Йўқ, севимли этмаган ёзмиш;  
Севдим ёлғиз, ўртандим танҳо.  
Дудли ёлқинсимон, шу бўм-бўш  
Водийларда бўларман адо.  
Азиз қирғоқлардан кўп узоқ  
Ўликларим қолар шу чўлда.  
Занглаб кетар бу оғир тузоқ,  
Қувғин еган устихонимда...»

Хираланар кўкда юлдузлар,  
Шаффоф олисликда кўринар  
Қор тоғларнинг юксакликлари;  
Бошлар қуйи, ер санаб кўзлар,  
Жимжит ажралдилар иккови.

Шундан бери қайғули тутқун  
Овул сиртин дарбадар, сокит  
Кезар эди танҳо узун кун.  
Ва тунларни ҳар тонг кетма-кет,  
Кўтарарди қайноқ уфққа,  
Ўтар эди тунлар бирма-бир  
Ва ғамзада бечора асир  
Қутулишни кутарди йўққа.  
Кўринарми бутоқлар аро  
Тоғ эчкисин шарпа-қораси,  
Қоронғуда сақрарми сайғоқ,  
Чўчир, янграб кишанин саси.

Кўз тутади: кирарми казак —  
Кечаларнинг омонсиз шўри,  
Қулларнинг халоскор ғамхўри.  
Чақиради... Жимжитдир ҳар ён  
Ҳайиқарди фақат тўлқинлар,  
Ва инсонни ёввойи ҳайвон  
Сезиб қолиб ўзини урар  
Қора саҳро қўйнига томон.

Асир бу рус, ноҳас, бир куни  
Қий-чувларни эшитиб қолди;  
Янграр эди ҳарбий бир нидо  
Тоғликларда, ҳар ёқда садо:  
«Йилқиғал!» деб югурар, янграр,  
Мис сўлиқлар жаранг-жаранглар,  
Чакмонлар тим, совутлар яшнар.  
Эгарланган айғирлар кишнар,  
Бутун овул босқинга тайёр.  
Ва урушнинг ваҳший авлоди  
Адирлардан дарёдай оқар,  
Йўртиб борар бўйлаб Кубанни,  
Улжа олмоқ нияти — ёди.

Овул тинди. Кунда исиниб  
Ухлашади пойлоқчи итлар,  
Ва яланғоч сабзак гўдаклар  
Эркинликда ўйнар севиниб;  
Давра қуриб ўлтирар аждод,  
Найдан чиқар мовий бир тутун,  
Қизлар куйлар, сокит кексалар  
Таниш, ошно қўшиқни тинглар,  
Кўнгиллари яшарар бутун.

### *Черкас қўшиғи*

#### 1

Дарёда чопар тўлқин,  
Тоғликларга тун қўнмиш,  
Қазак ухлайди ҳорғин  
Найзага бошин қўймиш.  
Қазак сен ухлама: тун,  
Дарё ортида чечен.

Қайиқда сузар казак,  
 Тўрини судраб сувда.  
 Казак ботишинг бешак,  
 Гўдаклар иссиқ кунда  
 Чўмилиб ботгандайин:  
 Дарё ортида чечен.

Муқаддас қирғоқларда  
 Бўла қишлоқлар гуллар,  
 Уйнарлар тўда-тўда.  
 Рус куйчилар қочинглар  
 Уйга, аҳли нозанин,  
 Дарё ортида чечен.

Қизлар куйлар. Қирғоқда рус лол  
 Қилар эди қочмоқни хаёл;  
 Лекин, эрксиз, кишани оғир,  
 Дарё тошқин, телба ва чуқур...  
 Қояларнинг бошлари сиёҳ,  
 Саҳроларга чўкди қора тун,  
 Оқ томларнинг устида сузгун  
 Ойдан тушган кучсиз бир зиё;  
 Сув юзида мудрар оҳулар,  
 Бургутларнинг сўнгги нидоси  
 Тиниб кетди. Тоғларда юрар  
 Узоқдаги йилқи садоси.

Шунда кимдир кела бошлади,  
 Қиз рўмоли жилва ташлади;  
 Мана — ғамгин, сўник ва адо  
 Қаршисида у бўлди пайдо.  
 Тили сўз топгали тиришар,  
 Босмиш эди ғам кўзларини,  
 Сиёҳ тўлқин каби қокили  
 Кўкрагини, кифтини қуршар.  
 Бир қўлида ярқирар арра,  
 Бир қўлида пўлатдан ханжар  
 Ва гўёки, қиз махфий жангга,  
 Мардлик сари этмишди сафар.

Асир сари ташларкан нигоҳ,  
«Қоч,— деб берди тоғ қизи нидо,—  
Дуч келмагай ҳеч қайда черкас.  
Тезроқ, шошил, тун ўтмасин, тун!  
Ол ханжарни, ҳамма ёқ тим-тин,  
Изларингни кимса пайқамас».

Арра тутган қўллари титрар —  
Чўкди, тутқун оёғига тиз...  
Арра тирнар, темир чийиллар,  
Дув тўкилди ёш ихтиёрсиз.—  
Парчаланди кишан шарақлаб,  
«Бўлдинг озод,— дер унга қараб,—  
Қоч!»—дер, лекин шайдо қараши  
Ичра ёнар севги оташи.  
Қиз аламда, лек дайди еллар,  
Ўртигини учириб ўйнар.  
Ва рус деди: «Ёрим, мен сени,  
Сени дедим, умрбод, абад,  
Мудҳиш юртдан кетайлик, фақат!  
Қочайлик кел!...»

«Йўқ, йўқ, рус, тамом!  
Ҳаёт завқи битди бенишон:  
Мен шодликни билардим, ишон,  
Бари битди ва кетди беном.  
Энди бўлмас! Бордир севганинг!  
Ахтариб топ, сев ва овунтир;  
Яна недаң алашим менинг?  
Маъюсликнинг боиси надир?..  
Хайр! Севгим хайрихоҳлиги  
Ҳар қаерда ёр бўлар сенга.  
Хайр!— унут азобларимни.  
Қўлингни бер... сўнг дафъа... менга».

Ва у, қизга қўлни узатди,  
Қалб жон топиб, бўлди парвона.  
Ва ҳижроннинг узоқ бўсаси  
Ишқ аҳдидан берди нишона.  
Қўл ушлашиб, маъюсча, шунда  
Қирғоқ сари силжидилар жим,  
Ана, рус тез нишоб оқинда  
Сузиб борар, тўлқинлар гажим:

Етиб олиб ўзга қирғоққа  
Рус бошлади тирмашинмоққа...  
Чалқиб кетди тўлқинлар шу чоқ  
Ва олисда чиқди бир фиғон...  
Рус чиқдию қирғоққа, шу он  
Кетга боқди... Ерирди қирғоқ:  
Фақат тошлар қубба-қубба, оқ.  
На соҳилу, на ёнбағирда  
Қиздан асар йўқ эди сира.  
Ҳамма бежон... Ёлғиз шаббода  
Кезар ухлоқ қирғоқларида,  
Ой нурида, чалқиган сувда  
Чизар эди чўзиқ доира.

Бари аён...

Тутқун сўнги бор  
Нигоҳини отди видода.  
Жилваланди: бўш овул, девор,  
Далаларки, ёймишди пода  
Ва омонсиз черкас тоғма-тоғ  
Эрк қўшиғин куйлаган онлар,  
Кун ярмида дам олган булоқ,  
Кишанини судраб ўтган жар.

Кенг осмонда зулмат тарқалар,  
Водийлардан тунни ҳайдар кун,  
Тонг ярқирар, узоқ сўқмоқлар  
Бўйлаб борар эрк олган тутқун;  
Кўз ўнгида унинг туманда  
Рус найзаси ярқирар эди,  
Ва посбон казаклар қўрғонда  
Овоз бериб ҳайқирар эди.

### Эп и л о г

Хаёл дўсти — муза тинмайин,  
Осиёга отарди қулоч,  
Кавказнинг ёввойи чечагин  
Узар эди этгали гултож.  
Жангда ўсган бу тоифалар  
Зийнатлари этарди шайдо,  
Шу янги либосда сеҳргар



Бўлар эди қаршимда пайдо;-  
 Қимсасиз овуллар гирдидан,  
 Қояларда танҳо, дарбадар  
 Кезар эди ва ўша ердан  
 Етим қизлар қўшиғин тинглар:  
 Еқмишди жанговар манзиллар,  
 Дов казаклар кўтарган сурон,  
 Йилқилар кишнаши, шов-шувлар,  
 Жимжит мақбаралар ва қўрғон —  
 Ҳикоятлар, куйлар илоҳи!  
 Хотиралар унга бўлмиш ёр,  
 Омонсиз Кавказнинг у балки,  
 Қиссаларин этажак такрор;  
 Узоқ эллар эртагин сўйлар,  
 Мстиславдан қадим жангнома  
 Ва русларки, Грузин дилбарлар  
 Оғушида ботмишлар қонга:  
 Куйлай у онники, шон йўлдош,  
 Қонли жангни сезар экан бот,  
 Исёнкор Кавказда икки бош  
 Бургутимиз ёзмишди қанот;  
 Оқсоч Терек узра даставвал  
 Буюк жанглар гуллаган маҳал,  
 Руслар довул чалгани замон,  
 Чимиб манглай, қирғинда ҳар гал  
 Жўшқин Цицианов намоён,  
 О, Котляревский баҳодир,  
 Кавказ боши узра бир бало!  
 Сен яшиндай учаркан қодир,  
 Наслларни йўлларинг вабо  
 Бўлиб қилди, яксон, бенаво...  
 Уруш энди бермас тасалло,  
 Уч қиличинг сен этдинг канда,  
 Доди дунё, шуҳратга банда,  
 Уз жимжит юртингда тинч, кушод  
 Ётмоқдасан айшларга толиб...  
 Лекин, мана — Шарқ чекар фарёд!  
 Қор бошингни эг энди, эй зот,  
 Топин Кавказ: келар Ермолов.\*

---

\* Мстислав, Цицианов, Котляревский, Ермолов — Кавказ урушида иштирок этган генераллар

Учди жангнинг даҳшатли доди:  
Рус қиличи қолди ҳукмрон.  
Кавказнинг такаббур авлоди  
Тортишдингиз, бўлдингиз яксон;  
На ваҳший эрк ишқи, бизнинг қон,  
На ярқироқ зихру қанотлар,  
Нада тоғлар, на учар отлар  
Сақлолмади сизларни омон!  
Кавказ, Ботий қавмидай, беор,  
Аждодига келтирар иснод,  
Унутар тамаъкор жангни бот,  
Уқ ёйини ташлар, этар хор.  
Йўлчи келар сизлар яшаган  
Далаларга бежавф-бехатар.  
Ривоятлар, мубҳам эртақлар  
Сўйлар сизнинг қора қисматдан.

# ПЪЕСАЛАР





# МУҚАННА

1942—1943

4 ПАРДА, 8 КЎРИНИШЛИ  
ТАРИХИЙ ДРАМА

## ҚАТНАШАДИЛАР

1. Ҳошим Ҳаким ўғли — Муқанна.
  2. Ферўз — қул хўжаси.
  3. Оташ
  4. Гулобод — унинг хотини. } Ферўзнинг қуллари.
  5. Гулойин — қизи. →
  6. Фирдак
  7. Боғий
  8. Хишрий
  9. Ҳаким
  10. Кулартакин — ҳарбий.
  11. Сайидбаттол — араб қўшини қўмондони.
  12. Жалойир — араб руҳонийси.
  13. Ибн муъз — араб қўшини қўмондони.
  14. Зайд — элчи
  15. Мулозим.
  16. Қоровул
- Қуллар, деҳқонлар, ҳарбийлар, араб аскарлари ва бошқалар.  
Воқеа — VIII асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда ётади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КҰРИНИШ

Оташнинг уйи. Баҳор. Бир чеккадан тоғлар, қирлар яшнаб кўринади. Уйда ёлғиз Ултирган Гулобод олдига Оташ кириб келди.

Оташ

Қизинг қани?

Гулобод

Чиқиб эди далага,  
Табиатни, баҳорни кўп севади,  
Кўкатларда соатларча ётади.  
Унга дала, гулу чечак бўлса бас!

Оташ

Ҳам гўзалу ва ҳам арзон бир ҳавас.

Гулобод

Гулга ботиб келяпти, ҳов ана.

Оташ

(қарайди)

Қўлларида, чаккасида гул-лола.

Гулойин

(бир қучоқ лола-гуллар кўтариб қиради.)  
Салом, дада.

## О т а ш

Салом. қизим

Г у л о б о д

Елғизим,  
Лола каби очилибсан ўзинг ҳам.

Г у л о й и н

Лола каби юзим қизил, ичим ғам.

Г у л о б о д

Нега даркор, қизим, ахир шу гаплар,  
Хурсандсан-ку, қўлларингда чечаклар.

Г у л о й и н

Чечак билан хурсанд бўлса гар одам,  
Ер юзида бўлмас эди қайғу-ғам.  
Ҳамма унда елғиз бир гул терарди,  
На хоҳиши, на озори, на дарди...  
Мана баҳор, бутун атроф лола гул.  
Ҳамма одам терганда ҳам ётар мўл.  
Гул очилган қояларнинг бошида,  
Лолалар бор булоқларнинг тошида.  
Аммо ҳеч ким шоду хуррам эмас-ку?

(Лолани кўрсатиб.)

Бахтиёрлик аломатӣ эмас бу.  
Баҳор ўзи яхши нарса шубҳасиз...

## О т а ш

Ичинг тўла маъно сенинг доно қиз.

Г у л о й и н

Юртимизда ҳатто яқин замонда  
Кўп байрамлар бўлар эқан баҳорда.  
Жуда хуррам ўтар экан у дамлар,  
Ўйнар экан, кулар экан одамлар.  
Қани ўша байрамлардан бир нишон?  
Хурсандмасмен, онажоним, сен ишон.  
Далаларда лола териб юраркан,



Кўп ажойиб фикрларга тушдим ман,  
Узинг айтган эртактларни эсладим...

(Пауза.)

Эртақ бошқа. Ҳаёт бошқа... қолдим жим.  
Ҳозир агар сен бўлмасанг мусулмон  
Душман бермас ёмоқ учун парча пон.  
(Гулларни кўрсатиб.)

Бу кўрганинг лола эмас, ёлғиз кул,

Оташ

Биз кул эдик, ҳозир бутун ўлка кул.  
Ҳозир гап шул: ким мусулмон, ким қофир.

Гулдин

Эркак-аёл ўз юртига мусофир.  
Мана сенга керак бўлса гулбаҳор,  
Баҳор эмас, устимизга ёғар қор.  
Дада, нима янги гап бор шаҳарда?

Оташ

Хуросондан чопар кепти саҳарда,  
{ Халофатдан бўлган эмиш бир фармон:  
Пайканд қилинсин деб ер билан яқсон.

Гулбод

Эссиз шаҳар, эссиз шаҳар, ё тавба!  
Уни вайрон қилувди-ку Кутуйба.  
Гўзал шаҳар бойкушларга ошиён  
Бўлиб қолди. Қалтакесак ва илон —  
Қадим олий саройлардан шул қолди,  
Зўр шаҳардан нишон бўлиб кул қолди.  
Яхшики ер ютди ўша тулкини.

Оташ

Пайканддаги элнинг бори мулкани,  
Қарамасдан йиғи-сиғи, фарёдга,  
Қарвон-қарвон кўчирганда Боғдодга,  
Бутхонадан топган экан бир санам,  
Олтин билан роп-роса қирқ минг дирҳам.  
У санамнинг кўзларида кабулар  
Тухумича келадиган инжулар

Бўлган экан. Қутойбанинг ўзи ҳам,  
Ер юзида бунчалик бой шаҳар кам,  
Деб Ҳажжожга ёзган экан мактублар,  
Кўчирганда карвон-карвон олтий-зар.

Гуло й и н

Яна уни яксон қилиш недаркор?

О т а ш

Сен билмайсан, бунда катта ҳикмат бор.  
Халқ янғидан кўзгалмоқда. Душманлар  
Кўрсатмоқчи шўнинг учун бир ҳунар:  
Одамларнинг юрагини олмоқчи,  
Бўғозига яна чангал солмоқчи.

Гуло й и н

Пайканд билан на даҳли бор бу ишнинг?

О т а ш

Содда бўлма, босқинчилар фикри кенг.  
Бу ерларга улар янги келганда,  
Зўр қаршилиқ кўрган экан Пайкандда.  
Босқинчига қарши чиқиб бутун халқ,  
Барчасини қилган экан қонга гарқ.  
Минган оти тизза бўйи қон кечиб,  
Сўнг Қутойба келган экан қон ичиб.  
Саройларни оловларга у тутган,  
Қилич тутган ҳар бир жонни қуриган:  
Хотинларни асир олган ҳеч қўймай.  
Мол тўплаган ўлжага ҳеч у тўймай.  
Лекин булар, бу жазолар, бу бало  
Босқинчига беролмаган тасалло.  
Вайрона ҳам хотирини бузармиш...

Гуло б о д

Ажаб бир халқ, ажаб бир ҳол, ажаб иш!

О т а ш

Ер юзидан бир шаҳарни йўқотмоқ  
Билан улар халқнинг кўзин қўрқитмоқ  
Фикридалар. Мудҳиш бир иш. Ҳам исён  
Кўзгалмасмиш! шундай қилса бегумон.

Водийлардан хирож ортиб ўтганда  
Хотирлари бузилмасмиш Пайкандда!

Г у л о й и н

Унга қарши қўзғалибди ким яна?

О т а ш

Бутун ҳалқ. Бутун водий. Муқанна!

Г у л о й и н

Ким? Муқанна? Ким экан у?

О т а ш

Кўп гаплар бор: марвлик экан, ниқобдор,  
Очмас экан одамларга юзини,  
Сўйламоқда ҳамма унинг сўзини.  
Худо ҳам мен, менинг ўзим пайгамбар,  
Деяр эмиш сўзлаганда ҳар сафар.

Г у л о й и н

Бухорода нима гаплар бор экан?

О т а ш

Тўрт мартаба қайтиб кўрди у диндан.  
Босқинчилар тинқасини қуритди,  
Уламолар аврай бериб қон ютди.  
Худотларнинг ҳаммаси ҳам бегумон  
Бўлган эмиш ҳозир энди мусулмон.

Г у л о б о д

Арабларга зўр иш қилди хўжамиз.

Г у л о й и н

Дабдабали масчид солди бетамиз.

О т а ш

Энди унинг масчидига бежанжал  
Борган одам яшар эмиш беҳалал.  
Улар ҳатто пул берармиш жума кун  
Намозгоҳга ўзи келган халқ учун.

## Гулобод

Биз ҳам бориб пул олайлик бўлмаса:

## Гулойин

Агар менинг пулга кўнглим тўлмаса,  
Унда нима? Ё бўлдингми мусулмон?  
Босқинчига келтирдингми сен имон?

## Гулобод

Йўқ, ҳали йўқ. Ҳали тоза виждоним,  
Оташгоҳнинг оловида бу жоним.

## Гулойин

Оташ десанг кўнглим тушар бир ғайшга.

## Оташ

Биз ҳали ҳам топинамиз оташга.  
Сенчи, қизим?

## Гулойдин

Нима қила олар эдим мен ўзим?  
Қанча баланд учса ҳамки чумчуқ қуш  
Уясида ўргангани ўқирмиш.  
Еш чоғимдан ўтга томон сен тортдинг,  
Сен оташга топинмоқни ўргатдинг.  
Нима қилай. Мен нимани билардим?  
Еш болани йўлга бошлар аввал ким?  
Ота-она. Шундаймасми? Ўзинг айт!

## Оташ

Ешлик ўзи бўлар экан қизиқ пайт,  
Бола ёлғиз ўрганишни биларкан.

(Пауза.)

Ихтиёрни ҳозир санга берганман,  
Еш эмассан, қизим, энди йўлингни  
Ўзинг танла; ҳеч ким тутмас қўлингни.

## Гулойин

На оташдан, на Муҳаммад динидан  
Фойда кўрган бир кимсани билмайман.

Шунча йидлар оташгоҳга топиндим  
Ва билмадим илоҳим ким, тангрим ким?  
Қайғуси йўқ бирор кунни кўрмадим,  
Бирор соат мен бахтиёр бўлмадим.  
Исинмадим оловига ҳеч қачон,  
Еримадим, бўлолмадим чароғон.  
Утинидан толедари шўр бўлдим,  
Тутунидан икки кўзи кўр бўлдим.  
Ихтиёрни берсанг агар менга сан,  
Озодликка топинардим ёлғиз ман.

Гул о б о д

(ташқарига қараб)

Оқ кийинган биров келди эшикка.

О т а ш

Бизнинг уйга келяпти у тиққа.

Гул о й и н

(қарайди)

Оққа бунча беланибди у одам?

Гул о б о д

Оқ ичида оёғи ҳам, боши ҳам.  
(Фирдақ киради. Кийимлари тамом оқ.)

О т а ш

Э, Фирдақ-ку, бу оқ кийган фаришта!

(Кўришадилар.)

Ф и р д а қ

Бир аломат бўлар экан ҳар ишда,  
Исён қилдим. Муқаннага топиндим.

Гул о й и н

Арабларчи? Нима учун оқ кийим?  
Муқанна ким? Қайдан чиқди бу хил ном?

Ғирдак

Кимлигини сизга қилай мен эълон:  
{ Хошим ибн Ҳаким деган бир одам,  
Хурланганлар унинг учун муҳтарам.

Гулобод

Бир ниқобдор, афсоначи, сеҳргар.

Ғирдак

(кулиб)

Янги чиққан бир найрангбоз пайгамбар.  
Шундайми? Йўқ! Сеҳргармас, донишманд!  
Араб айтган пайгамбардан ҳам баланд.  
У, одам у. Одамларга раҳнамо,  
Бошин силар қайда бўлса бенаво,  
Фақирпарвар йўлбошчи у. Ва, аммо.  
Душман бўлса кўринмасин кўзига,  
Уни кўрган душман келмас узига.

Оташ

(ҳаяжон ичида)

У, қайда у?

Гулоин

Уни кўрсак мумкинми?

Ғирдак

Оқ кийим кий, кўрмоқ бўлсанг сен уни.  
{ Оқ кийинар уни кўрмоқ бўлганлар,  
Юрак-бағри ғусса билан тўлганлар.

(Чиқиб кетди.)

Оташ

Оқ кийинар уни кўрмоқ бўлганлар?

Гулоин

Юрак-бағри ғусса билан тўлганлар?

Гулобод

(яна ташиқарига қарайди)

Дарвозага қадам қўйди яна ким?

Гулойин

Қара, борми устларида оқ кийим?

Оташ

(қарайди)

Аллақанча қилич таққан араблар.

Гулойин

Кеча-кундуз санқишади дарбадар.

(Эшик очилди. ~~Жалойир Сайидбаттол~~ ва бир печа асқар киради.)

Жалойир

Салом, Оташ!

(Оташнинг газабланганини кўриб)

Нима, ҳалал бердикми?

Баттол

Нега жимсан, ё бефурсат келдикми?

Оташ

(секин, киноя билан)

Ҳалал бермас сиздай азиз меҳмонлар!..

Гулойин

(ўз-ўзига)

Оқ кийиннар уни кўрмоқ бўлганлар!..

Оташ

(киноя билан давом этади)

Бу хомуш уй букун бўлди бир бозор,  
Кириб-чиқар ҳар кун минг хил харидор.  
Сўз бўлади ҳар хил икир-чикирлар,  
Халофатдан бунда келар фикрлар.  
Бутун жаҳон сиёсати, дин, қуръон,  
Сўз бўлади ким кофир, ким мусулмон!

Рухонийлар, қўмондонлар келади,  
Сеҳргарлар, билимдонлар келади.  
Етмасинми, бу бошимиз осмонга?  
Шундан ортиқ бахт бўларми инсонга!  
Салом бўлсин, уй тўримиз сизники.

Ж а л о й и р  
(Баттолга)

Кўрдингизми, газабининг йўқ чеки,  
(Оташга)

Раҳмат ўғлим, бизга ўзинг кераксан.  
О т а ш

Тақсир, ҳали мен мусулмон эмасман.  
Ж а л о й и р

Энди бас қил, юрма бундай беймон,  
Бизга топин, бўлгил энди мусулмон!

Б а т т о л  
(Гулойинга нāзар ташлаб)

Қизингни хам қўйма бундай дарбадар!

Г у л о й и н  
(Баттолга қараб)

Оқ кийинар уни кўрмоқ бўлганлар..

Ж а л о й и р

Зарафшонда кофир ёлғиз сен қолдинг.

О т а ш

Ёлғиз қолсам бўлар экан дунё кенг,  
Дунёни кенг кўрмоқ — тилак шул эди.

Б а т т о л

Очилади бу кун хўжанг масчиди.

Ж а л о й и р

Жаҳолатда кетмай десанг бекафан  
Сен қуръонга топинмоққа мажбурсан!



Б а т т о л

Қани, кетдик!  
(*Оташни судрайдилар.*)

О т а ш

О, душманлар, душманлар!

Г у л о й и н

Оқ кийинар уни кўрмоқ бўлганлар.  
(*Оташ, Гулобод ва Гулойинни судрайдилар.*  
*Улар қаршилик кўрсатадилар, дод чекадилар.*)

О т а ш

Кимга дод айлаб чекайлик биз фиғон?

Г у л о б о д

Тарқаларму бошимиздан бу туман?

Г у л о й и н

Барча эл бу зулм ила бўлди адо,  
Хору, зору, мубгало-ю бағри қон!

П а р д а .

## БИРИНЧИ ПАРДА

### ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Феруз солган масчиднинг очилиш маросими. Зур ҳашаматли бино. Гўзал нақшлар, ўймакор эшиклар билан яна ҳайбатли кўрибарди. Масчиднинг олди саҳни. Одамлар тўпланмоқда. Дехдонлар, қуллар, боёнлар келмоқда. Арабларнинг ҳаммаси қуролланган. Фирдак ўз кишилари ўртасида гап қўзғаб юрибди.

Фирдак

Оқ кийинар уни кўрмоқ бўлганлар,  
Юрак бағри гусса билан тўлганлар.

Хишрий

У киради ҳар кун менинг тўшимга,  
Куни бўйи келолмайман ҳушимга.  
У, қайда у?

Фирдак  
(секин)

У шу ерда, шаҳарда.  
Боши билан юзида сабза парда.  
У бизларнинг орамизда кезмакда,  
Халқ ичидан кўп сирларни сезмакда.  
Мана унинг сизга қилган ҳитоби:  
(Кўйнидан варақа чиқаради.)  
Босқинчига қарши ёзган китоби.

(Уқийди.)

«Душманларнинг босқинидан қутилмоқ  
Бўлган ҳар ким, ўз устига кийиб оқ  
Келиб қабул этсин менинг йўлимни,  
Фақирларга узатаман қўлимни.»

Менга келсин барча жабр кўрганлар,  
Уйи куйиб, кўча-кўйда юрганлар.  
(Муҳаммади, Исоси ҳам ўзимман,  
Иброҳими, Мусоси ҳам ўзимман...)

Боғий

Тўхта, бас қил.  
(Ташқарини кўрсатади.)  
Жалойирлар келмоқда.

Хишрий

Ферўзлар ҳам чиқяпти бу ёқда.  
(Фирдак, варақани йиғиштириб чўнтагига солади.)

Фирдак

Эсиз, қизиқ ери қолди ўқилмай.

Боғий

Бўлди, кўрса қутулолмассан ўлмай.  
(Ташқаридан Жалойир, Баттол киради. Ичкаридан  
Ферўз, мулозимлари ва араблар чиқадилар. Улар кетидан  
Оташ, Гулобод ва Гулойинни олиб кирдилар.)

Баттол

(масчидга тикилиб)

Бу мукофот Халофатга лойиқдир,  
Халофатдан мукофотга ёғар нур.  
(Ферўзга қарайди.)

Салом, Ферўз!

Ферўз

Салом, азиз Жалойир!  
Салом, Баттол, салом сенга баҳодир!

Найим

Салом, Ферўз!

Салим

Салом, Ферўз!

Араблар

Марҳабо!

Ғирдак  
(киноя билан)

Салом дейди қанча фақир бенаво.

Жалойир  
(Ферўзни хушлаган бўлиб масҷидга қарайди)  
На гўзалдир бул мухташам бир ижод!

Ферўз  
Каминадан Халофатга мукофот.  
Масҷид солдим буйин эгиб тангрига,  
Қулоқ солдим ҳарна деса амрига.  
Ўз элимни йўлга солдим шу томон.

Оташ  
(секин)  
{ Ҳар ташлаган қадмингдан оқди қон.  
(Жалойир минбарга чиқди.)

Жалойир  
Яқинроқ, кел, Оташ, гўзал Гулойин  
Имон кирсин дилингизга, кетиб кин.  
Сиз қолдингиз Зарафшонда худосиз.

Оташ  
(илгари чиқади)  
Бизми қолдик?

Гулойин  
(одамларга қарайди)  
Зарафшонда ёлғиз биз?

Жалойир  
(Гулойинга)  
Гўзал қизим, инсофга кир бу сафар.

Гулойин  
(эшитмагандай бўлиб)  
Оқ кийинар уни кўрмоқ бўлганлар.

Ж а л о й и р

Кел, такрор эт:  
Лоилоҳа иллоллоҳу муҳаммадин расуллилоҳ.

Г у л о й и н

Англaт менга, нима деган сўзинг бу?

Ж а л о й и р

Лоилоҳа иллоллоҳу муҳаммадин расуллилоҳ.  
Иқрор қиламанким, оллодан бошқа худо йўқ-  
дир,  
Ва яна иқрор қиламанким, Муҳаммад унинг  
расулидир.

Г у л о й и н

Оллоҳинг ким? Қилгил бизга ҳикоят?  
Тили борми? Эшитарми шикоят?

Ж а л о й и р

Кулҳуоллоҳу аҳад оллоҳу самад ламялид ва-  
ламюлад валам якунлаҳу куфвон аҳад.

О т а ш

Бизга англaт, нима деган сўзинг бу?

Ж а л о й и р

Қуръон сўзин туркча айтмоқ мумкинмас.

Г у л о й и н

Эса бизни қийнамоқни қилгил бас.  
Тушунмагаң йўлга бизни бошлайсан,  
Жабрлайсан, бағримизни ешлайсан.  
Қийнаш нега одамларнинг виждонин?  
Дарё-дарё тўкиш нечун эл қонин?  
Қандай маъно, нималарга биз иқрор —  
Бўлишликқа мажбурдирмиз, айт зинҳор?  
Бўлмаса қўй, элни қийнаш надаркор?

Ж а л о й и р

Гуноҳимни ўзинг кечир бирубор.

(П а у з а.)

Кулхуоллоху аҳад — ё Муҳаммад айтки, ул оллоҳ  
Таолоҳки, мен унга топиндим, бирдир, шериги  
Йўқдир, — оллоху самад — емас ва ичмас,  
ламядид —  
Кимсани туғдирмадиким, мулкени мерос ол-  
са —  
Валамюлад — яна кимсадан туғилмадики, отаси  
Улиб унга мерос қолса, — валам якунлаху  
куфвон  
аҳад — ва унга ўшар кимса йўқдирки, улуғ-  
ликда  
Унга ғалаба қилса. Имон келтир Гулойин!

### Г у л о й и н

Нега мунча чуводибсан, эй дунё,  
Гирдобингга тортиб мени бир дарё  
Сингари сен чуволтирдинг фикримни.  
Қайга борай, раҳбар қилай мен кимни?  
Мана букун мен оташдан қутилдим...

(Пауза.)

Лекин қуръон оллоҳига тутилдим.  
Имон келтир, дейди менга Жалойир,  
Нима қилай?

(Оташ ва Гулободга.)

Ота-она, жавоб бер?

### О т а ш

Имон келтир, ўз виждонинг бўлсин соф,  
Хурсанд бўлсин шу Жалойир ноинсоф.  
Имон келтир, эҳтиёт бўл, сен шошма,  
Ўзинг севган хурриятдан адашма.

Ж а л о й и р

(Гулойинга)

Яна нега тўхтадинг жим, айтиб бер?  
Сени йўқдан яратган ким, айтиб бер?  
Дунё ўзи пайдо бўлди қаёқдан?

Гулойн  
(секин)

Мен не билай, уни хам сен биларсан.

Жалойир

Тингла мени, имон келтир, дунени  
Оллоҳ роса олти кунда яратди.  
У олти кун бу жаҳоннинг олти минг  
Йиличадир. Ҳар соати йилга тенг.  
Якшанба ва душанба кун дафъатан  
У, ерларни барпо қилди йўқликдан.

Араблар

Манфаатдан нима бўлса яратди,  
Мазарратдан нима бўлса яратди.

Жалойир

Ундан сўнгра ташлаб буюк назарни,  
Сешанба кун барпо қилди тоғларни.

Араблар

Манфаатдан нима бўлса яратди,  
Мазарратдан нима бўлса яратди.

Жалойир

Чоршанба кун оғочларга, сувларга  
Навбат етди. Жон киргизди уларга.

Араблар

Манфаатдан нима бўлса яратди,  
Мазарратдан нима бўлса яратди.

Жалойир

Пайшанба кун барпо қилди осмон,  
Арши-аъло деган олий бир макон.  
Сўнг жумъага назарини қаратди,  
Ҳам ўша кун юлдузларни яратди.  
Кўп нарсалар барпо қилди дамодам.  
Кун сўнгида бино бўлди ҳам одам.  
Бермак учун бизга оллоҳдан кабар,  
Уни қилди ҳаммамизга пайғамбар.

## Халойиқ

Сан айтмадинг, нима қилди шанба кун?

Жалойир

Шанба кун олам топди бир якун.

Оллоҳ уни яратишни тугатди.

Гулоийн

Нима қилдим, энди бошим ҳам қотди?

Халқ ичидан юзига парда тутган Муқанна кўтарилди. Муқанна ва унинг орқасидан Кулартакин илгари ўтди. Одамлар орасидан чиқиб Гирдак ҳам уларга яқин келди. Ҳамманинг диққати уларда. Жалойир ва Баттол ҳам уларга қаради. Оташ, Гулобод, Гулоийн ҳам ҳайрон бўлиб уларга қарадилар.

Муқанна

Бутун халқнинг боши қотган бу ишдан,

Ҳатто қуёш музламоқда бу қишдан.

Элни гадо қилган закоту бож ҳам,

Қамбағалга бало бўлган хирож ҳам,

Бу кўзларни кўр айлаган ёлғон, дин —

Олти кунда пайдо бўлди, офарин!

(Жалойирга.)

Тушунмадим, менга англаб улур зот,

У қайси кун қулликни қилди ижод?

Жалойир

{ Жаҳаннамнинг ўти чиқар тилинган,  
Қай дўзахдан пайдо бўлдинг? Сен кимсан?

Муқанна

Танир эдинг доно бўлсанг сан агар.

Гулоийн

Оқ кийинар уни кўрмоқ бўлганлар.

Жалойир

Ҳалал берма, топинмоқда эл хаққа:

Муқанна

Саволим бор ҳам сангаю, ҳам халққа:

Нима учун элни балога тутдинг?

Нима учун босқинчилик касб этдинг?

Нима учун Аму оққан ўлкада

Бирор дарахт кўкармади юз йилда?



Элга хаёт берган олтин Зарафшон,  
Нима учун бошдан-оёқ бўлди қон?

Ж а л о й и р

Бас қил дейман, тилингни торт, эй беор!

Б а т т о л

Қўй, гапирсин бу сеҳргар ниқобдор!

М у қ а н н а

Юз йилларким сўзлайсан доиллоҳдан.  
Жуда оддий бир нарсага ҳайронман:  
Нима учун юрт чиқмайди оловдан?  
Нима учун эл қутулмас таловдан?  
Нима учун элни босган ҳашарот  
Дин, хирож деб ўз-ўзига қўйди от?  
Нега қилди элни бунча гадой, хор?  
Нега бўлди ҳамма сенга отбоқар?  
Қиз онадан, хотин ердан ажралди,  
Косиб уйдан, деҳқон ердан ажралди?  
Нима учун?

Ж а л о й и р

Сўзларингни қилғил бас!

О т а ш

Тақсир, сен ҳам сабр қилғил бир нафас!  
Қўй, тингласин дили ғамга тўлганлар.

Г у л о й и н

Оқ қийинар уни кўрмоқ бўлганлар.

Б а т т о л

(ўз қўшинларига)

Тутинг уни, чиқармангиз бу ердан!

М у қ а н н а

(Баттолга)

Саволимга, мана, жавоб бердинг сан.

(Гулоинга)

Имон келтир, юз йилдирқим араблар...

Гулойин  
(ҳаяжон ичида)

Оқ кийинар уни кўрмоқ бўлганлар.

Муқанна

...Бу ўлкани қилолмади мусулмон.  
Қор қилолди на-да қилич, на қуръон.  
На намозга келганларга кетган пул,  
На-да ёнган оташгоҳдан қолган кул.  
Шу кичкина ҳуррият ҳам нес, ғорат  
Бўлсин десанг, имон келтир шу соат.  
Имон келтир, такрор айла, йўқ чора,  
Тинсин десанг, шу Жалойир бечора.  
Юз йилдан сўнг шу исломнинг қиличин  
Сен шўрликнинг бошинг узра солди чин.  
Қаттиқ тушди бир шўрликнинг изидан,  
Мамлакатнинг энг бокира қизидан  
Бошламоқчи қабул ислом ишини.

Оташ

Сўзларинг кўп ҳайрон қилар кишини,  
Ўзинг кимсан?

Баттол

Ким бўлди бу ниқобдор?  
Тутинг дейман, уни дәрҳол кишанланг!

Фирдак

Эй қўмоқдон, бунча бўлмагин тажанг.

Гулойин

Ўзинг кимсан, қайси юртдан, эт изҳор?

Фирдак

Оқ кийинар уни кўрмоқ бўлганлар,  
Юрак-бағри ғусса билан тўлганлар.

Босқинчилар Муқаннани тўхтатмоқчи бўладилар. Халқ Муқанна-  
ни ураб, босқинчиларга йўл бермайди

Гулойин

Кимсан ўзинг?

Х а л қ

Кимсан ўзинг? Сен кимсан?

М у қ а н н а

Сизни босган жароҳатларга малҳам,  
Агар худо керак бўлса худо ҳам,  
Одам ҳам ман, озодликдир шиорим,  
Хурриятдир топинажак оллоҳим!  
Томиримда қолмагунча қатра қон,  
Қуръонига топинмайман ҳеч қачон.

Ж а л о й и р

Бу қабоҳат, бунинг жойи жаҳаннам!

О т а ш

О, нақадар баҳодирдир бу одам.

М у қ а н н а

Душманларнинг босқинидан кутулмоқ..  
Бўлган ҳар ким, ўз устига қийиб оқ,  
Келиб қабул этсин менинг йўлимни,  
Фақирларга узатаман қўлимни.  
Менга келсин барча жабр кўрганлар,  
Уйи куйиб кўча-кўйда юрганлар.  
Муҳаммади, Исоси ҳам ўзимман.  
Иброҳими, Мусоси ҳам ўзимман.

Х а л қ

Бу Муқанна.

О т а ш

Муқанна бу.

Ж а л о й и р

Муқанна!

Бу қабоҳат қайдан кирди бу ерга!

Г у л о й и н

(хурсанд, кўзида ёш)

Салом бўлсин, Соҳибқирон бу ерга!

## О т а ш

Муқанна, кел. Гулойинни ўзинг ол,  
Ҳаммамизга раҳбар бўлу йўлга сол.  
Қутқар бизни Жалойирнинг зулмидан,  
Қуръонидан, каломидан, илмидан.

### Г у л о б о д

Кел, баҳодир, она бўлай санга ман.

### Қ у л

Келаркан-ку, ўшани ҳам кўрар кун.

### Г у л о б о д

Гулойиннинг қора кўзи ҳаққи-чун,  
Бизни бошла, элимизни озод қил,  
Хароб бўлган юртимизни обод қил.

### Ж а л о й и р

Аҳмоқ бўлманг ва инонманг сира ҳам,  
Бү кофирдир, жойи унинг жаҳаннам.  
Олов уни чодир каби ўрайди,  
Азройиллар ундан ҳисоб сўрайди.  
Ўт ичида қичқирганда жонсарақ,  
Тепасидан эриб турган маъдандақ  
Қайноқ сувни пақир-пақир тўкарлар,  
Юзи куяр, кўзи куяр, баданлар.

### М у қ а н н а

(халққа)

Яшил кийди умовия эрлари.  
Қора кийди Абумуслим шерлари.  
Оқ кийинар Муқаннани деганлар,  
Босқинчининг ҳақоратин еганлар.  
Чунки фақат мен оқ йўлга бошлайман,  
Жаҳаннамга Жалойирни ташлайман.  
Лекин, қани кўрсатингиз оқ кийим?  
Қаттиқ жангга чиқа олар қани ким?

## Ҳамма

Биз, мана биз!  
Оташ, Гулойин

Биз ҳаммамиз!

Муқанна

Оқ кийингиз!

Муқанна, Кулартакин чиқиб кетди. Халқ таажжуб ва ҳайрат ичида. Оташ, Гулойин ўзини йўқотган. Жолойир бақиради.

Жалойир

Тез тутинглар, тез тутинглар, тутинглар!

Баттол

Тез тутинглар, илон бўлиб ютинглар!

Бир неча қўшин Муқанна орқасидан чиқади. Уларнинг қиличлари яланғочланган. Баттол кўлида ҳам қилич яланғоч. Жалойир сўнг марта Гулойинга мурожаат қилади.

Жалойир

Ғазабингдан ўзинг сақла, ё оллоҳ!  
Имон келтир: лоилоҳо иллоллоҳ.

Гулойин

Ҳикматингни мақтайдиган тилим йўқ,  
Ҳақоратга кўнадиган дилим йўқ.

Жалойир

Жиндак ўтга чўқинмоқдан, наҳотки,  
Ёмон бўлса бу сенга?

Гулойин

Розимасман ёниб турган ўтдан ҳам,  
Розимасман маъбад билан бутдан ҳам,  
Розимасман малак, арвоҳ ва жиндан,  
Розимасман сен олиб келган диндан!

## Ж а л о й и р

Энди қизим, гинанг қолсин ўзингдан,  
Ақлинг кириб қайтунингча сўзингдан,  
То мусулмон бўлгунингча қатъиян,  
Сен Баттолга хотин бўлиб яшайсан!

Баттол одамлари Гулойинни судрайдилар. Ҳаммада газаб ва қаяжон.

## П а р д а

## ИККИНЧИ ПАРДА

### учинчи кўриниш

Араб қўшинининг қўмондони Сайидбаттол ўрнашган уй. Қўшин бошлиғига ҳос жиҳозлар билан безалган. Деворда араб қиличи, Бухоро сунгиси, темир куйдаклар, совут, қадқонлар осилган. Кеч. Уйга чўмиб ўлтирган Сайидбаттол ёнига Мулозим киради.

Мулозим

Қишлоқилар сизга арзга келибди.

Баттол

(секин бошини кўтаради)

Кимга арза қилишни ҳўб билибди.

Сўраб кўрчи, Муқанна нима дебди,

Қишлоқларда нима гаплар бор экан?

Бир суҳбат қил, аста-секин сўра сан.

Ундан сўнгра, Сайидбаттол устоди

Арз тинглашни ўргатмабди экан, де.

Яна айтки, бизнинг буюқ кўмондон

Бу ўлкада беради ёлғиз фармон,

Фармонини бажармаслик жиноят,

Сўзи ҳам бир, худоси ҳам. Шикоят

Қилганларни тингламайди. Шундай де.

(Мулозим чиқа бошлади. Баттол уни тўхтатди.)

Мен Ферўзни чақирувдим, келдимиз?

Мулозим

Йўқ, ҳали йўқ. Яна чиқиб қарайман.

(Чиқади. Сайидбаттол ёлғиз.)

Баттол

Мен бу халққа жуда-жуда ҳайронман.

Ҳар кун минг арз, ҳар кунни минг шикоят.

Қим тинглайди уни бунда. Ниҳоят,  
Баттол шафқат маҳкамаси эмас-ку?!  
Арз, шикоят! Ҳамма ерда аҳвол шу.  
Тинглай берсанг, бутун ўлка қошингга,  
Ясов тортиб келар эди бошингга,  
Не балолар солар эди. Самарқанд  
Шикоятга тўлиб кетди. Бой Пайканд  
Шикоятнинг ўтларида кул бўлди.  
Фарғона ҳам арз ичида кул бўлди.  
Ўлка тўлди шикоятга ниҳоят.  
Жайхун билан Сайхун эмас, шикоят  
Дарёлари оқмоқдадир бу элда,  
Ўлка оқар шикоят номли селда.  
{ Шикоятда қоврилмоқда Бухоро.  
Арзачидан ўзинг сақла, ё олло!  
(Бирдан эшикка қарар.)  
Йўқ, қабул йўқ. Яна айтки, қўмондон  
Бу ўлкада беради ёлғиз фармон.  
Мулозим кирди.

Мулозим

Ферўз келди. Рухсат...

Баттол

Айт.

Мулозим чиқди. Ферўз кирди.

Мана ёлғиз сен шикоят қилмайсан.

Ферўз

Нима бўлди, тушунмадим бунга ман.

Баттол

{ Елғиз ўзинг бахтиёрсан бу элда.  
Олтин қамар, пўлат ханжар белингга.

Ферўз

Қўмондонга ўзинг бахт бер, ё раҳмон!

Баттол

Бугун ўзга ҳолатдадир қўмондон.  
Бахт тилашинг пуч ёнғоқдир ул учун.



Чунки Феруз кўрсатмайди ўз кучин!  
 Мана Нақшаб бош тортибди хирождан,  
 Мазза кетди ҳам хирождан, ҳам бождан.  
 Биз, Қутойба бунда йиққан хирожнинг.  
 Ярмини ҳам туплолмадик. На дединг!

### Ф е р ў з

Бунда бошлаб келганида Қутойба,  
 Жуда ҳам бой, маъмур эди бу ўлка!  
 Хитой ёқдан келар эди карвонлар,  
 Тилла ортган туяларни сарбонлар  
 Келтирарди Самарқанддан Пайкандга,  
 Фарғонадан йўл бор эди Ерқандга.  
 Қишлоқилар экин экар эди тинч,  
 Озод эди, қилмасди ҳеч ким нотинч,  
 Четдан келган ҳукмдорлар йўқ эди,  
 (Ташқаридаги қишлоқиларга ишора қилади)  
 Шикоятлар, оҳу-зорлар йўқ эди.  
 Шунинг учун Қутойба ҳам шу ерда  
 Топган эди дунё қадар ҳазина,  
 Топган эди у, бу ерда кабутар  
 Тухумича келадиган инжулар.  
 Ҳаммасини айлантириб хирожга,  
 Жўнатганди Боғдоддаги Хажжожга.  
 Шундан сўнгра хароб бўлган ошиён  
 Каби ўлка бўлиб қолди паришон.  
 Ўз юртини ташлаб қочди одамлар,  
 Савдогарлар бўлиб кетди беҳабар,  
 Хароб бўлди Пайканд, Нақшаб, Бухоро,  
 Самарқандда ҳар қуни минг можаро.  
 Осойиш иш, тинч турмуш ҳам йўқолди.  
 Шаҳарларда одам зоти йўқолди,  
 Қишлоқларда ёлғиз қашшоқ эл қолди.  
 Бутун хирож қашшоқ халқнинг бўйнида.  
 Нима қилсин аҳволи оғир жуда,  
 Хирож учун тўлайдиган моли йўқ,  
 Ўзини ҳам боқишликка ҳоли йўқ.  
 Шунинг учун у, хирожнинг ўрнига,  
 Ўт ташийди арабларнинг отига.  
 Юз йилдирким, бу ўлкада шу аҳвол,  
 Қайдан келсин шундан сўнгра хирож, мол.  
 Қор ёғмаса дарёда сув қурийди,

Сув бўлмаса ҳатто балиқ чуриydi.  
Шунинг учун чувалишлар чиқмоқда,  
Исёнчилар, оқ кўйлақлар чиқмоқда;  
Қашқадарё Муқаннага ўтибди,  
Зарафшонни оқ кўйлақлар тутибди.

Эшик очилди, Мулозим кирди.

### Мулозим

Қишлоқилар кирамиз деб тўполон  
Қилмоқдалар. Нима қилай, қўмондон?

### Баттол

(Ферўзга аччиқ ва киноя билан)

Йўқ, қабул йўқ. Бор, яна айт: қўмондон  
Бу ўлкада беради ёлғиз фармон.  
Яна, сенлар айтадиган бор гапни  
Ферўз кириб қўмондонга айтди, де.

Мулозим чиқди.

(Баттол Ферўзга сўзлар)

Халқни босиш келмайдими қўлингдан?  
Сен уларнинг вакилига ўхшайсан.

### Ферўз

Йўқ асло. Ундан худо сақласин,  
Лекин менга халқнинг ҳоли кўп аён.

### Баттол

Кўп мукамал қилдинг уни сен баён.

### Ферўз

Бу камина бўйнидаги буюк қарз.

### Баттол

Лекин албат, халқчи бўлмоқ эмас фарз.  
Хўш, қандайин фикр берар эдинг сан?

### Ферўз

Менча, ҳозир кечиш керак хирождан,  
Қўзғолондан қайтар шунда одоман.  
Бу бўлмаса халқнинг руҳи кўп ёмон.  
Қишлоқилар шунда қайтар ишига.

## Баттол

Фикрларинг малол келар кишига.

## Ферўз

Бу сиёсат учун керак, қўмондон,  
Бўлмаса ҳеч тинчимайди оломон.  
Халқ денгиздай ҳозир қалқиб турибди,  
Эл ичида минг хил фитна юрибди.  
Сўзлашиб кўр яна келган халқ билан.

## Баттол

Бўлмаса чиқ, улар сени тингласин,  
Халқ ичида эътиборли кишисан.

## Ферўз

Халқ обрўни танимай қўйди кўпдан.

## Баттол

Шуни билки, халқ мисоли бир пода,  
Хоҳи отда, хоҳи бўлсанг пиеда,  
Ҳайдай олиш агар келса кўлингдан,  
Пода юрар сен бошлаган йулингдан.  
Сен бу ерда ўз одамсан. Обрўйинг  
Бир ҳукмдор обрўйига тўла тенг.  
Халқ арзийди қулоқ солса Ферўзга.

## Ферўз

Қулоқ солмай қўйди ҳозир у бизга.  
Душманларни ҳайдар экаң дея эл  
Муқаннага оқаётир гўё сел.  
Кимни кўрсанг, ҳамма Муқанна дейди.  
На ҳукумат, на фармонни танийди.

Мулозим кирди.

Мулозим

Қишлоқилар кетмай гавго қилмоқда.

## Ферўз

Қани, қандай фармон бўлар бу ҳақда.

## Баттол

Уларга айт, ҳозир Ферўз чиқади.  
Қўмондоннинг амрин эълон этади.

Мулозим чиқди.

(Баттол Ферўзга.)

Қилич билан кирдим мен бу тулпроққа.  
Яна қилич чиқаради қирғоққа.  
Шикоятни ман этаман. Шу фармон!  
Хирождан ҳеч кечолмайди кўмондон.  
Қулоқлининг қулоғига хирожим,  
Мўйловлининг мўйловида бор божим.  
Бор шунга айт, фуқаронгни тинчлангир,  
Тасалло бер, уйдирмалар сўзлаб кўр.  
Балки агар даф қилинса бу офат,  
Хизматингни унутмайди Халофат.

Эгилиб салом қилиб Ферўз чиқди.

(Баттол ёлғиз.)

Баттол

Уф чарчадим, жин-парилар қошимда.  
Алвастилар ўйин қилар бошимда.  
Бир буюк тоғ кўтарганга ухшайман...

(Мулозимни чақиради.)

Хў, қайдасан?

Мулозим киради.

Мулозим

Лаббай.

Баттол

Гулойинни олиб кир.

(Мулозим чиқди.)

Е оллоҳим кофир қизга инсоф бер.

Мулозим Гулойинни олиб кирди. Гулойин юрени ва қайғули  
Мулозим чиқди. Баттол ва Гулойин ёлғиз. Баттол унга ўрин  
кўрсатди.

Мовароуннаҳр гўзалига олқишлар!

Гулойин

Шунинг учун юрагимда ғам қишлар.

Баттол

{ Ишқ хақида икки оғиз сўзлаб бер.

Гулоийн

{ Ишқ ўлади қаерда бўлса занжир.

Баттол

Бўйсунмоқлик бор сенинг ҳам тақдирда.

Гулоийн

Лекин тақдир осмонда, мен ерда,  
Мен ердаги офатларга қоврулдим,  
Хазон бўлдим, сомон каби соврулдим.

Баттол

Гул қилмоқлик келар менинг қўлимдан.

Гулоийн

{ Гул кўкармас бевақт келган ўлимдан.

Баттол

Булбул қилиб сайратаман шохимда.

Гулоийн

Кул бўларсан қайғу билан оҳимда.

Баттол

Сен Баттолга хотинликка мажбурсан!

Гулоийн

{ Шунга гапир, нега келдинг севгидан?  
Севги доим ихтиёрни истайди,  
Зўрлик эмас, мунис ёрни истайди.

Баттол

Кўп хайронман, жасоратинг ақлингга,  
Доноликни берди экан ким сенга?  
Биз томонда хотин аҳмоқ бўлади,  
Жасоратсиз ҳамда қўрқоқ бўлади.  
Ва ҳолбуки келган чоқда Қутойба,

Бухорода подшо экан Тўғшода,  
Эркаклардай юргизаркан ҳукмини.

Гулоин

Иўлбошчи деб танир экан халқ уни.

Баттол

Хотинларнинг соchi узун бўлади,  
Сочи узун, ақли қисқа бўлади.  
Шу тушунча ҳоким бизнинг томонда,  
Ноқисул ақл деб ёзилган қуръонда,  
Ақли қисқа — ноқисул ақл дейилган.

Гулоин

Арабларда Лайди деган қиз бўлган.

Баттол

Аҳмоқ бўлган, бир Мажнунни деб ўлган.

Гулоин

У аҳмоқлар ўртасига сиғмаган.  
Икковининг кўп зўр бўлган юраги,  
Нима қилсин поймол бўлган тилаги.

Баттол

Сен буларни била қолдинг қаёқдан?

Гулоин

Эшитканман онамдан кўп ҳикоя.

Баттол

Эртақларда аҳмоқлик бениҳоя.  
Шу чоққача ҳеч кимни севганмидинг?

Гулоин

Иўқ, кўз очиб кўрган кишим сен бўлдинг!  
Толеимнинг шумлигига ҳайронман,  
Бахти қора ҳамда бағри гирёнман.

Баттол

Кел бўлмаса энди мени сева қол!

## Гулойин

(Саҷраб тушиди. Ҳаяжон ичида).

Юрагимни парчалама, тез йўқол.  
Хурсандликка умидим бор менинг ҳам.

## Баттол

Бу дунёда ёлғиз умид ўзи кам.  
Қудрат керак, хушнуд ўтсин вақт десанг.  
Қилич керак, қалқон керак, бахт десанг.  
Ожизасан, қайдан хушнуд вақт бўлсин.  
Сен асирсан — қайдан сенга бахт бўлсин.  
Шодликка ҳам керак ахир — уй-ватан,  
Сен тақдирга бўйсунмоққа мажбурсан.  
(Гулойинга ёпишди.)

Гулойин итариб ташлади.

Мулозим кирди. Гулойин ҳам Баттол газаб ичила

## Мулозим

Келаётир сизга ҳазрат Жалойир.  
(Жонланиб)

Айт, буюрсин.

## Гулойин

Ҳазратингни ютсин ер.

Мулозим чикди

## Баттол

Буюрсинлар, қандай шамол учирди?

## Жалойир

Шамол эмас, зўр бир тўфон қўчирди.  
Бу кофирлар яна қилди зўр исён.  
Қиёматнинг ўтларида Зарафшон  
{ Енмоқдадир. Ҳар ёқда оқ кўйлақлар...

## Гулойин

(жонланиб)

Оқ кийинар уни кўрмоқ бўлганлар.

### Ж а л о й и р

...Тўда-тўда бўлиб исён қилмоқда,  
Кўча-кўйлар оломонга тўлмоқда.  
Тўкмоқдалар қуръончилар қонини,  
Таламоқда бари молу жонини.  
Ҳамма кетди Муқаннанинг изидан.

### Б а т т о л

Уч оламан Мовароуннаҳр қизидан.  
Қиличимнинг дамларидан ўтар эл,  
Қонлар оқар тўхтамасдан гўё сел.  
Муқаннанинг боши учун минг дирҳам  
Пул бераман.

### Ж а л о й и р

Бу мукофот жуда кам.

### Б а т т о л

Уч минг дирҳам!

### Ж а л о й и р

Жуда кам!

### Б а т т о л

Беш минг дирҳам!

### Ж а л о й и р

Жуда кам!

### Б а т т о л

Ун минг дирҳам!

### Г у л о й и н

(сўзга аралашади)

Жуда кам.

Оқча билан ўлчаб бўлмас у бошни,  
Танга билан тўсиб бўлмас куёшни.  
Бу иш учун энг муқаддас мукофот  
Сайидбаттол боши бўлур...



Баттол Гулойин юзига шартга қамчи туширди. Гулойин чаккасида қон, йиғлайди.

Оҳ... Ҳайҳот!

Баттол  
(қичқиради)

Ҳа, қайдасан жаллод!  
Жаллод

(киради)

Фармон бергин, косаларга қон тўлсин.

Баттол

Олиб чиқиб тилини кес, жим бўлсин.  
Кўрагига худди юзта таёқ ур,  
Баданини битта қўймай қавартир.  
Сочини қирқ, утмас пичоқ билан сўй,  
Сўнг бошини ўрта йўлга осиб қўй.

Жаллод судрайди. Мулозим ўзини йўқотган ҳолда ҳовлиқиб киради.

Мулозим

Ҳамма ёқни босди кофир оломон!

Ҳаммада шошқинлик. Гулойин орқага тисланади. Муқанна, Кулартайкин, Фирдак ва бошқа оқ кўйлақлар қирдилар. Ҳали Баттол қабул қилмаган деҳқонлар ҳам киришади. Гулойин отасига ташланади. Баттол билан Жалойирни тутадилар.

Муқанна

Муқаддасдир ҳақлик учун оққан қон

(Кулларга.)

Куллик тамғасин олинг бўйиндан!  
Сиз озодсиз!

Боғий  
(Баттолга)

Мана ҳали бизни қабул қилмадинг,  
Энди бизга арз қиласан сен ўзинг.

**Муқанна**  
**(Жалойир билан Баттолга)**

Қани энди, сиз муҳтарам азизлар,  
Масҷид томон марҳамат қиласизлар.  
Сизга менинг берадиган дарсим бор,  
Икки оғиз сўзлашгани эдим зор.  
Дарс бераман диний, ҳақдан, қуръондан,  
Қасос, имон, инсоф билан виждондан,  
Ҳақоратдан, асөратдан, илмдан,  
Саҳоватдан, таҳоратдан, ҳилимдан.  
Арз этаман, сеҳр, ҳикмат китобин,  
Арз этаман пайғамбарлар хитобин;  
Дуосидан, каломидан сўзлайман,  
Қарғишдан, саломидан сўзлайман.  
Жаннатидан, роҳатидан ишорат,  
Дўзахидан, азобидан башорат,  
Ҳикматидан, азройилнинг ишидан,  
Фаришталар, малакларнинг тушидан,  
Таваккали, тавбасидан сўзлайман;  
Қиёмати, ғовғасидан сўзлайман.  
Нони насиб, қисмат билан тақдирдан,  
Қазо, фазо ҳам осмон, ҳам ердан,  
Одамларнинг ватанидан сўзлайман,  
На сен, на у, на оллоҳинг, мана мен  
Оташланган темир босиб танларга,  
Адолатдан дарс бераман санларга.

Олиб чиқдилар.

Парда

## ИККИНЧИ ПАРДА

### ТўRTИНЧИ КЎРИНИШ

Ферўз масчиди. Жумъа намоз куни. Масчидга Муқанначилар келмоқдалар. Уларнинг ҳаммаси оқ кийинган. Уртада Гирдак юрибди. Ташқаридан Боғий билан Хишрий кирди.

Боғий

Бугун бунда нима бўлар, бизга айт!

Гирдак

Бугун сенинг ҳаётингда қизиқ пайт:  
Жалойирдан ўзинг сўроқ сўрайсан.

Боғий

Қўй-э, сўроқ сўрашликни билмайман.

Гирдак

Ургатаман ўзим туриб ёнингда.

Боғий

Бир бало бор сенинг қайноқ қонингда.  
Кабоб қилсанг майли шерик бўлармиз.  
Сўроқни қўй, яна сўзлаб бетамиз  
Эл ичида кўп шарманда бўларман.  
Ўзингни ҳам уялтириб қўярман.  
Ҳеч қачон ҳам мендан подшо чиқмайди.

Хишрий

Давринг кепти. Суриб қол-да, эй дайди.

Боғий

Кучук бўлса, тухумигача қурутсанг.

Фирдак

Ҳой, бурга деб сен тўшакни куйдирма,  
Арабда ҳам мусичадай бегуноҳ,  
Сенга ўхшаш бечоралар жуда кўп.  
Жалойирга ёғдир барча қаҳрингни,  
Баттолга соч қанча бўлса заҳрингни.  
Кимки босиб кирган бўлса юртингга  
Шуни қурит!

Хишрий

Жалойирнинг оляб бунда жонини,  
Қабоб қилсанг, ўзимга бер қонини,  
Шароб каби коса-коса ичаман,  
Ўзингни ҳам гуноҳингдан кечаман.

Боғий

(йўлга қарар)

Қўй, одамлар келиб қолди ҳисобсиз

Хишрий

Ҳаммасидан бизлар олдин келибмиз.

Фирдак

Ҳаммаси ҳам тоза оқ кийинган-а?

(Қарайдилар.)

Қани ким зўр? Душманми ё Муқанна.

Саҳнага оқ кўйлақлилар киради. Ҳаммаси қилич, қалқон, найза, сунгилар билан қуроланган. Боғий яна ташқарига қарайди.

Боғий

Гулойин ҳам келяпти шу ёққа.

(Ҳамма қарар.)

Фирдак

Ҳаммадан ҳам кўмилибди у оққа.  
Баттол уни одамликдан чиқарди.

Б оғ и й

Бечорани халқ ўлимдан қутқарди.

Х и ш р и й

Ҳамон гўзал, ўтдай ёниб келмоқда.

Ф и р д а к

Тоғ доласи оппоқ, ҳарир кўйлақда.

Х и ш р и й

Энди уни ким ҳам хотин қиларди?

Ҳ а к и м

Бир замоңлар уятидан ўларди  
Номусидан ажралганлар бу юртда.  
У қиз, тўғри йиғин томон келмоқда.

Х и ш р и й

Чиройли-да! Ҳеч нарсадан ғами йўқ,  
Чиройлининг номусдан ҳеч қами йўқ.

Б оғ и й

Номус қаттиқ бўларди-ку қулларда?

Ф и р д а к

Гап қулларда эмас, қаро қуңларда.  
Бошга бало ёққан бўлса, не қилсин?

Битта-битта юриб Гул ойин қирди. Ҳамма уни ерга  
қараб жимжитлик билан қарши олди. Гул ойин орқасидан  
Оташ, Гулобод кирдилар.

О т а ш

Қани, Фирдак, нима билан хушлайсан?

Ф и р д а к

Мен бошлайман, сен қўлимдан ушлайсан.  
Жалойирни туширамиз ўйинга.

О т а ш

Пуч ёнғоқни сола берма ўйинга,  
Жамоат жам. Ахир қани Жалойир?

## Фирдак

Пуч ёнғоқни чақолмайди асил эр,  
Ҳа, Жалойир фармонимни кутмакда,  
Баттол бўлса, қип-қизил қон ютмоқда.  
Бир нафасда ҳозир бўлар буюрсам.

## Оташ

Бу ишларда ёлғиз буйруқ ўзи кам.  
Сен иш кўрсат, ҳақиқатан мард бўлсанг.

## Фирдак

Бундан ортиқ бўладими ҳоли танг,  
Қамоғингда фармон кутиб ўтирса.  
Ўтир десанг ўтирса, турсанг турса,  
Фақат Ферўз қайда қолди билмайман,  
Сен ўшани топишликка қарздорсан.

## Оташ

Қўп қидирдик, тополмадик ҳеч дарак.  
У муттаҳам бир кавакка илондек  
Яширинганга ўхшаб қолди.

(Ташқарига қарайди.)

Ҳов ана —

Азизлар ҳам келиб қолди.

## Ҳамма қарайди

Тантана —

Бугун жуда катта тўй бўлар ўхшайди,

Кўрарканмиз душманнинг ҳам тўйини.

Муқанначилардан бир гуруҳи Жалойир ва Баттолни олдиб кира-  
дилар. Жалойир ва Баттол илгарига ўтди. Фирдак уларга қараб  
сўзлайди.

## Фирдак

Тўй муборак, бошлайликми ёр-ёр?

## Жалойир

(ўзини ўраб олган одамларга қарайди)

Қофирлардан ўзинг сақла бирубор!

Ҳар бир ишга сеинг ўзинг қодирсан,

Ўзинг якка, ўзинг поксан, нодирсан.

(Фирдакка)

Иўқол бундан, сен эмассан менга тенг,  
Қани сенинг ниқоб кийган худойинг.  
Уша билан икки оғиз сўзим бор.

Фирдак  
(одамларга)

Бу биз билан сўзлашгани қилар ор

Оташ

Биласанми, бошга тушса кўз тортар,  
Кези келса ғам устига ғам ортар,  
Сенинг билан айтишгани мулломиз  
Иўқ бизларнинг. Сўзлашамиз ўзимиз.

Фирдак

Қилар сени мана бугун шү сўроқ,  
Одилликда подшолардан яхшироқ.  
(Боғий Жалойирга жиддий қарайди.)  
Қани бошла, нега бунча қарайсан.

Боғий  
(Жалойирга)

Қани бошла, нега бунча қарайсан.  
Ҳамма кулиб юборди. Фирдак Боғийни четга тортди.

Фирдак

Бошлагин деб сенга айтдим, эй жинни.

Боғий

Қўй қийнама, мендан подшо чиқмайди.  
Узим айтиб тураман ҳам девдинг-ку?

Фирдак

Сўнг айтаман. Ўзинг сўра, қизиқ бу.  
Боғий яна илгари чиқади, Жалойирга қараб жиддий  
сўрайди.

Боғий

Қанча кабоб чиқади, айт, гўштингдан?  
Неча чопон булади, айт, пўстингдан?  
(Кулғи кўтарилади, Боғий ҳамон жиддий.)

## Ж а л о й и р

Астоъфурулло, астоъфурулло.

## Б о г и й

Улоқ қилса неча кунга ярайсан?  
Тез жавоб бер, нега менга қарайсан?

## Ж а л о й и р

Астоъфурулло, астоъфурулло.

## Б о г и й

Нима дединг, тушунмайман тилингга?  
(*Фирдакка қарайди.*)

Ҳой айтсангчи, нима девдим мен сенга.  
Қўй бўлмади, қилолмадим. Донолар  
Чумчуқни ҳам қассоб сўйсин, деганлар.

Муқанна ва Кулартакни кириб келдилар.  
Ҳамма жим. Улар юқорига кўтарилдилар. Фирдак бир-  
данига ташқарига қараб, чопиб қолди ва дарҳол қай-  
тиб кирди.

## Ф и р д а к

1 Ферўз! Ферўз тутилди!

Бир деҳқон Ферўзни судраб кирди. У жанда кийган.

Қайдан тутдинг, буни сан?

## Д е ҳ қ о н

1 Қизиқ ердан тутиб олдим уни ман.  
Бу Оташнинг қулбасига яшринди,  
Ҳали ҳам жон сақламоқчи бу жинни,  
Тутиб олиб намозгоҳга келтирдим,  
Бир каромат кўрсат, қани юр дедим.

## Ф и р д а к

(*Муқаннага мурожаат қилади.*)

Жамоат — жам, мунтазирдир дарсингга,  
Раҳномамиз, қани бошла, сўз сенга!



Муқанна  
(Жалойирга)

Узинг сўйла, қай ҳикматга хушинг бор?  
Нималарга бўлганингни сазовар?  
Нима жазо хуш келади кўнглиннга?  
(Баттолга.)  
Қандай азоб берай энди мен сенга?  
(Ферўзга.)  
Ғазабда ҳам, жазода ҳам одилман,  
Узинг сўйла сен нимага арзийсан?

Боғий

Қандингни ур, чинакамми бу сўроқ,  
Сўроқ қилар подшолардан яхшироқ.

Муқанна  
(давом этади)

Қилиб юрма сўнгра яна маломат,  
Узларинг айт кўрсатай не қаромат.  
Ҳар иш қилсам келар ҳозир кўлимдан,  
Қанча лашкар чақирайин ўлимдан.  
Ферўз ва Баттол маккорона сўзга қиршадилар.

Ферўз

Мени кечир, юзи қурсин худонинг,  
Худосиз ҳам эди менга дунё кенг.  
Эл ичида эътиборим бор эди,  
Шон-шарафим, номус-орим бор эди.  
Булар бунда ўрнатар деб бир низом,  
Ўз юртимда мусулмон деб олдим ном.  
Булар ҳукми доимий деб ўйладим,  
Уни мақтаб афсоналар сўйладим.  
Садоқатим, дўстлигимни баҳона  
Қилиб мана, масчид солдим шоҳона.  
Жалойирга ошна бўлдим ва бироқ  
Билмагандим бўларини ўйинчоқ.  
Қим ўйлабди, Баттолдай бир кўмондон  
Бўрдоқи кўй каби бўлар деб қурбон.  
Пушаймонман барча қилган ишимга,  
Очдим кўзим, энди келдим ҳушимга.  
Тарк қиламан мусулмонлик мақомин,

Ҳеч демасман на бисмилло, на омин.  
Муҳаммаднинг оллоҳидан қайтаман,  
Нима десанг мен ҳам шуни айтаман.  
Кечир мени!

### Багтол

Мен аскарман, жангу жадал шиорим,  
Уруш куни бошланади баҳорим.  
Қилич ва қон ётар менинг йўлимда,  
Қуръон эмас, қилич бордир қўлимда.  
Қилич тутган қулбаччаман,  
(Жалойирни кўрсатиб)

Хўжам — ул,

Лойиқ кўрсанг доим бўлай сенга қул.  
Хўжайиним олмашади, шул халос,  
Қулдан фарқим, от минаман, шул халос.  
Бор бўлман от устида чопганда,  
Тўзонларим кўк юзини ёпганда.  
Қиличимдан қон оққанда мен борман.  
Қалқонларим ўт ёққанда мен борман.  
Ўтга солсанг мисоли бир саксовул  
Енаман-у бўламан бир ҳовуч қул.  
Менга эрк бер, худойимдан тонаман,  
Енгсанг енгиб, ёнсанг агар енаман.  
Жанг соати бирга бўлиб ёнингда,  
Ғайрат билан жўш ураман қонингда.

### Муқанна

(Жалойирга)

Айтадиган гапинг бўлса айтиб қол,  
Жаҳаннамми, жаннат берай, тилаб ол?

### Жалойир

Раҳм шафқат сўрамайман ҳеч қачон.  
Жаҳаннамга мен ҳаммангни тортаман,  
Гуноҳингни тоғ-тоғ қилиб ортаман.  
Омбир билан узиб олиб тилингни,  
Болта билан майдалайман қўлингни,  
Сен ўзингнинг қисматингни мендан сўр.  
Кўнглиннга хуш келганини қилиб кўр.

Муқанна  
(ўз дўстларига қараб)

Не қиламиз уламолар, вазирлар,  
Маслаҳат бер аллома беназирлар:  
Не қилардинг агар касбинг ов бўлса?  
Тириклайин тутган кушинг ёв бўлса?

Оташ

Тирик тутган кушни сўйиб ер эдим,  
Мен билмадим бу калхатни еяр ким?

Хишрий

Кийик бўлса уни сўйиб еярлар,  
Тулки бўлса терисини киярлар.

Оташ

Ит ўлганда сасиб бузар ҳавони.

Фирдак

Ўзим сенга қўрсатаман давони.  
Ҳазар қилиш лозим сенга бу овдан,  
Қутулмоқлик керак буткул бу ёвдан.

Боғий

Ўтга ташлаб кабоб қилмоқ лозимдир.

Фирдак

Шундай қилгин ҳақиқатан бўлсанг зўр.

Кулартакин

Менга қўйсанг, улоқ қилиб чопардим,  
Одам бўлиб мен ҳам бир кайф топардим.  
Душманларнинг ёрар эдим юрагин,  
Боғдод томон чопар эдим олмай тин.  
Юртда бўлган чавондозни йиғардим,  
Қалқон**бозни**, қилич**бозни** йиғардим,  
Тириклайин овни босиб тақимга  
Кирар эдим кишнаб турган оқимга.  
Ким тўдадан уни олиб чиқолса,  
Қайси тулпар қанот боғлаб учолса,

Қирғоқ томон олиб бориб бу овни,  
Зарафшонга оқизардим бу ёвни.

Муқанна

Қандай фикр берар экан Гулойин?

Оташ

Қани сўйла, эй муқаддас, қасос, кин!

Гулобод

Қани элга кенгаш кўрсат доно қиз,  
Маслаҳатни кўрсатмадинг сен ёлғиз.

Гулойин ўртага чиқади, ҳамма диққат билан тинглар, Баттолни кўрсатиб.

Гулойин

Беқилич бахт йўқ деб эди бу менга.

Муқанна

Кулартакин, қилич бер Гулойинга.

(Кулартакин қилич келтирди. Муқанна қилични Гулойинга берди. Гулойин қилични олиб қаддини ростлади, кўкрагини кўтариб Жалойирни кўрсатиб сўзлай бошлайди.)

Гулойин

Буни ўлдир, бундан фақат зиён бор,  
Миясида бунинг ёлғиз чиён бор.

(Ферўзни кўрсатиб.)

Бунга бўлса ўлим ҳам хайф. На инсон  
Ундан бирор фойда кўрар, на хайвон.

(Жалойирни кўрсатади.)

Унинг ёлғон ваҳмасига ишонма,  
Сўнг пушаймон оловида хўп ёнма.

(Ферўзни кўрсатиб.)

Бу одамлар ичидаги ҳашарот,  
На ит уни ялчиб ейди, нада от.

(Жалойирни кўрсатиб.)

Ичи унинг гўё мудҳиш жаҳаннам,  
Кўп яхшидир бир фитнакор бўлса кам.

(Ферўзни кўрсатиб.)

Уни ҳаром давлатидан жудо қил,  
Саргардонлик, сарсонликка худо қил!  
(Пауза. Муқаннага.)

Бошим эгиб ялинаман мен сенга,  
(Баттолни кўрсатиб.)

Мана бунинг ихтиёрин бер менга!  
Менинг узим ундан қасос оламан,  
Бошларига ғаму кулфат соламан.  
Мана бу кун қилич олдим қўлимга,  
Амр этаман юриб кўрсин йўлимга.  
Эшигимни шипирсин бу кўмондон,  
Бўлсин барча қилмишига пушаймон.  
Қулдай юрсин ҳам садоқат кўрсатсин,  
Сўнгра бизга қиличбозлик ўргатсин.  
Шунинг учун буни ҳозир ўлдирма.

#### Ҳ а к и м

Бир неча кун паймонини тўлдирма.  
Юриб кўрсин, нима бўлар, кўрамыз.  
Бошларига минг хил найранг қурамыз.

Халқдан биров  
(таёқ кўтариб ўртага чиқиб, Баттолга ҳужум қилади)

Бекор дебсан, ўлдирамыз шу замон,  
Кўз олдимда бўғозидан оқсин қон.

Муқанна  
(унинг таёғини қўлидан олиб синдиради)

Ёвга қарши шу ҳам қуроли бўлдимиз,  
Шу чўп билан енгиб бўларми ёвни.

Халқдан биров  
(қўлида тош ўртага чиқди)  
Шу тош билан парчалайман бошини,  
Кўзларидан оқизаман ёшини.

Муқанна  
(тошни унинг қўлидан олиб отиб юборади)

Кесак отиб ёвни енганми ҳеч халқ,  
Қилич таққил, бўлмай десанг қонга ғарқ.  
(Ферўзни Ғирдакка кўрсатиб.)

Бу аблаҳдан ҳеч бир зотга фойла йўқ,  
Буни элдан сарсон қилиб ҳайдаб чиқ.  
Мол-мулкини бутун элга бўлиб бер.

(Пауза. Гулойинга.)

Тўғри, жуда оғир жафо тортдинг сен.  
Сен ўртанган азобларни биламан.  
Сўзларингни қайтармоқ жуда оғир.

(Баттолни кўрсатиб.)

Майли, ҳозир ўлмай турсин бу олғир.  
Якка ўзи ҳеч бир ёққа боролмас,  
Чумчуқнинг ҳам уясини бузолмас.  
Бу корчалон бўлса менинг қўлимда,  
Тани гўрда, боши доим ўлимда.

Фирдак

Бир кун бориб тузин ичган жойингга  
Садоқату, қирқ кун салом эканда.

Муқанна

(Жалойирни кўрсатиб Кулартакинга)

Буни ўлдир, тилагига қонсин бу,  
Ғазабимиз оловида ёнсин бу.  
Билиб олсин чиқар шундай ҳикмат, фан  
Узга юртга босиб кирмоқ айшидан.

Ҳамма

Улим!.. Офарин, офарин..  
(Жалойирни ўлимга олиб чиқадилар.)

Парда

## УЧИНЧИ ПАРДА

### БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

Сом тоғида Муқанна ва унга қўшилган халқ жойлашган қалъа. Муқанна билан Гулойиннинг тўй кечаси. Ҳамма ёқда машъаллар ёқилган, Муқанна ўз хонасида ёлғиз ўйчан ўлтирибди.

#### Муқанна

Жуда ёмон таъсир қилди бу менга:  
Ғирдак бир кун тузин ичган жойингга,  
Қирқ кун салом қиляпсан, деб қўйди.  
Бу сўз ўқдай менинг бағримни ўйди.  
Нақадар ҳам поклик истар севганлар,  
Севган юрак таъсирчандир нақадар,  
Ел елпинса тегиб ўтар торига,  
Сабаб бўлар фиғонига, зорига.  
Гулойин ҳам қиличимни қўлимдан  
Олиб, уни сақлаб қолди ўлимдан.  
Мен ҳам унга амал бердим, ишондим,  
Шундай қилар деб ўйларди мени ким?  
Душманларга ғазабимни билганлар,  
Мен билмадим, бу ишимга на сўйлар?  
Агар жинни бўлди деса, ҳаққи бор.  
Минг ҳаққи бор Ғирдак мендан қилса ор!

#### Қоровул (киради)

Баттол келди, у ижозат сўрайди.

#### Муқанна

Айт, майли.

Қоровул чиқди. Баттол кирди.

Буюр, Баттол, марҳабо!..

### Баттол

Салом бўлсин. (Четга.) Ё оллоҳ.

### Муқанна

Нима дединг? Оллоҳнинг ким? Эт баён!

### Баттол

У ёлғиздир, у яккадир, бу аён,  
У ҳар қандай олдий кўзга кўринмас,  
У ҳар кимга ҳам ҳеч кимга билинмас.

### Муқанна

У ёлғиздир, у яккадир, бу аён,  
Лекин асло пинҳон эмас, намоён.  
У доимо кўринади кўзингга,  
У ҳар доим йўл кўрсатиб ўзингга,  
Ҳалокатдан, фалокатдан сақлайди.  
Ғуноҳингдан кечиб сени сақлайди.  
Бу қалъада, бу ўлкада бўлганлар,  
Ҳаммаси ҳам оппоқ кийим кийганлар  
Бир одамни танийдилар бериё.  
Бунга сенинг фикринг надир, ажабо?

### Баттол

Хато қилдим, ўзинг кечир, ё жаббор.  
Ғуноҳимдан бир марта ўт бирубор.  
Бандам десанг топинаман ўзингга,  
Кечир мени, барча айтган сўзингга  
Жоним-танзим билан тамом розиман.

### Муқанна

Шуни билким, ҳозирдирман қошингда,  
Қиличларим яланғочдир бошингда.  
Гўрга кирсанг қулоғингдан тортарман,  
Кўкка чиқсанг оёғингдан тортарман.  
Алдар бўдсанг ярангга туз сепарман,  
Ҳам устидан товон билан тепарман.

### Баттол

Нега бўлдим ғазабингга сазовар,  
Тингла мени, айтадиган сўзим бор.



## Муқанна

Сўйла.

### Баттол

Машқни ҳозир қила бошладик,  
Қўшинингда хурсандликка ҳеч йўқ чек.  
Урганмоқда сунги, совут ва қалқон,  
Қайси ерга найза тегса оқар қон.  
Қилич билан ёв бошини топмоқни,  
От устида учган қўшни чопмоқни  
Урганмоқда. Зўр маҳорат барида,  
Ҳавас чексиз ҳам ёшда, ҳам қарида,  
Мен ҳайронман қайдан бунча иштиёқ?  
Бизнинг қўшин бедағдаға, бетаёқ  
Уз жойидан силжимасди ҳеч қачон.

## Муқанна

Англамайсан сен уларни ҳеч замон.  
Икки сезги бу ҳавасга зўр асос,  
Улар истар ҳам хуррият, ҳам қасос.  
Сен мана бу бой ва гузал элга боқ,  
Нақадарлик севимлидир бу тупроқ,  
Тепаси қор, таги баҳор бу тоғлар,  
Жангга ташлар ҳар бир жонли одамни,  
Одам эмас, севги ташлар қадамни.

(Пауза.)

Гулойиндан гапирмадинг сен нечун?

### Баттол

Бир маҳорат кўрсатмакда у ҳар кун,  
У ҳозир зўр йигитлардай қиличбоз  
Бўлиб олди.

## Муқанна

Бу айтганинг жуда соз.  
Энди уни асир қилиб бўлмайди,  
Шундаймасми? Бу мақташга арзийди.  
Мана энди жиндак инсон бўлибсан,  
Фақат энди, сенда бўлган ҳунар, фан  
Одамзодга бир оз ёрдам берибди.

## Баттол

Гулойин ҳам ниҳоят раҳмат дебди.

## Муқанна

Қондошларинг аҳволидан сўзлаб бер.  
Кайфи қалай? Мен тўғрида налар дер?

## Баттол

Мовароуннаҳр барчамизга тор бўлди,  
Улар учун ҳар бир дарахт дор бўлди.  
Қутулолмайд қудратингдан, дмингдан,  
Эшитгани қалтирайди номингдан.  
Қочмоқдалар сақлай олган бўлса жон,  
Келганига бўлиб минг-минг пушаймон.  
Мен халосман елғиз хавфу хатардан,  
Бу ўлкада бахтли араб елғиз ман.  
Агар шундай кета берса тез қунда,  
Мендан бошқа араб қолмас бу элда.

## Муқанна

Соз сўзладинг, гўзал дединг, офарин!  
Ҳар бир сўзинг олтинга тенг, офарин!  
Бор бўлмаса, кечкурун кел, бу ерда  
Тўй бўлади.

## Баттол

Ихтиёр енгган эрда.  
Келгин десанг, жоним билан келаман.  
(Кетди.)

## Муқанна

Қўп хайронман сенинг садоқатингга,  
Бу садоқат жуда мубҳамдир менга.  
Бироқ Ғирдак ҳақли бўлиб чиқмасин.  
Гулойин кирди. У энди қилич таққан. Муқанна юзидан  
пардасини олди.

Марҳабо, кел, Гулойиним, ҳаётим,  
Жигарпорам, учар бўлсам қанотим.  
Марҳабо, кел, қалбимдаги қайноқ соз,

Кўз нурларим оёғингга поёндоз.  
Капалакдай очилибсан нақадар.

Г у л о й и н

Оқ кийинар сени кўрмоқ бўлганлар.

М у қ а н н а

Ўткир қилич ярашибди бўйингга...

Г у л о й и н

Оқ кийиндим, тушар экан йўлингга,  
Ҳаётимни олиб тутдим қўлингга.  
Бир тор уйда унутилган қиз эдим,  
Икки оёқ, ёлғиз икки кўз эдим.  
Жанжал қилар мажолим ҳам йўқ эди,  
Утар экан умрим шундай қишу ёз,  
Сени дедим, мана бўлдим қиличбоз.  
Жангга кирдим аскар бўлиб эл билан,  
Оқмоқдаман шундай азим сел билан.

М у қ а н н а

Ўткир қилич ярашади бўйингга,  
Қиличинг бор — ёвинг тушар йўлингга.  
Ҳазабингдай кескир бўлса қиличинг  
Ҳеч бир душман кела олмас сенга тенг.

Г у л о й и н

Ўликни ҳам тирилтирар сўзинг бор.

М у қ а н н а

Бахмал каби икки қора кўзинг бор.  
Сени кўрсам ақлу ҳушдан шошаман,  
Шодлигимдан дарё каби тошаман.  
Сени кўрсам яшаради юрагим.

Г у л о й и н

Сени кўрсам гул ёзади тилагим.  
Олам гўзал кўринади кўзимга.  
Узоқ вақтлар келолмайман ўзимга.

М у қ а н н а

Олам ўзи гўзал ёлғиз сен билан.

## Гулойин

Букун бирдам ошинамен бахт билан.

## Муқанна

Бахт оқади сенинг тоза қонингда,  
Лекин доим қилич бўлсин енингда,  
Томошага қўйма унча иштиёқ,  
Эсингда тут: бўлма асло ўйинчоқ.  
~~Аёлларни кўғирчоқ деб қараган~~  
~~Эркакларни асло одам демайман.~~  
Ҳар бир ерда хотирингда тут шуни,  
Шу кўксимни ёриб агар бағримни  
Керак бўлса узиб берай қўлингга,  
Қоним билан гуллар экай йўлингга,  
Лекин менинг ёнимда бўл жанговар,  
Жанг чоғида солиш бир мард эр қадар.  
Жон бераман эрлардай чопсанг отда,  
Маъно бўлар ана шундай ҳаётда.

## Гулойин

Кўрганларим хотиримдан бир умр  
Кўтарилмай тушунчамга ташлар нур.  
Айтганларинг яқин менга жон қадар.

## Муқанна

Душманларинг, ожиз бўлсанг сен агар,  
Меҳмон бўлиб келиб сенинг уйингга,  
Кўкрагингга тегиб кирар туйингга.  
Ҳақоратга кўмар сени у тоза,  
Туй ерида ўқий бошлар жаноза.  
Кўмак топмай на осмон ва на ердан,  
Фарёд дейсан заиф, ожиз тақдирдан.

## Гулойин

Шуниг учун қилич олиб қўлимга,  
Жангга кирдим кўкрак кериб ўлимга.  
Қайда бўлсанг қанотингда бўламан,  
Ўлганда ҳам қон ичида ўламан.

## Муқанна

Юракларни шер қилади сўзларинг,

Гул о й и н

Ҳеч бир нарса бўлмайди сенга тенг.  
Мени ёлғиз сен англадинг, азизим!

Му қ а н н а

Ўзинг сўйла, тенг бўлади сенга ким?

Гул о й и н

Сен бир дунё, мен унда бир наҳрман.

Му қ а н н а

Кўкаради дунё ўша наҳрдан.

Гул о й и н

Сен бир боғсан, менчи? Унда битта гул.

Му қ а н н а

Ўша боғни яна гўзая қилар ул.

Гул о й и н

Мен сўламан, бор бўласан сен доим.

Му қ а н н а

Ўзинг сўйла, қуруқ чўлда яшар ким?

Гул о й и н

Сен тенги йўқ боғбонсан бу чаманда.

Му қ а н н а

Шунинг учун мен сендаман, сен менда.

Гул о й и н

Иккимизни бўлиб бўлмас ҳеч қачон,

Му қ а н н а

Чунки бизда икки тану битта жон.

Гул о й и н

Сўзларингда нақадар зўр аданга,  
Гапира бер, оташингда ёнайин,  
Ўтга ўзим ташна эдим, қонайин.

Икки оғиз ширин сўзга эдим зор,  
Устим ёмғир эди, сўрсанг, ичим қор.  
На қилардим хўрсандликни мен хаёл,  
На севгидан очар эдим бирор фол.

#### Муқанна

Инсон бўлсанг умид билан яшай бил,  
Ноумидни шайтон дейди, билсанг, эл.

#### Гулоин

Еш кўнгилга дунё тез тор кўринар,  
Сал қийналдинг, кўзингга дор кўринар.

#### Муқанна

Қийналмайсан кўнглинг агар кенг бўлса,  
Кўнглинг шундай зўр дунёга тенг бўлса.  
Келганмиди шундай бир бахт ўйингга,  
(*ташқарига ишора қилади*)  
Ана бутун халқ келибди тўйингга.

#### Гулоин

Туш кўргувчи бир гўдакка ўхшайман,  
Мен билмадим бу бахт келди қаердан,  
Кўнглим тиниқ осмон каби мусаффо,  
Э толеим, ўзинг доим қил вафо.

•Қоровул киради.ʼ

#### Қоровул

Ҳозир бўлди барча тўйга келганлар,  
Ўйинчилар, қиличбозлар, мерганлар.

#### Муқанна

Ижозат бер, кирсин бари оломон,  
Шундай кунда ўйнаб олсин беармон.

Қоровул чиқди.

(*Муқанна юзига парда кийди.*)

#### Гулоин

Бечора халқ тўй кўрмади неча йил.

Кулартакин, Ғирдак, Оташ, Гулбод,  
Боғий, Хишрий, Ҳаким кирдилар. Уларнинг  
?орқасидан барча тўйга йиғилганлар кирдилар. Ҳамма-  
сининг қўлида гуллар, ҳадялар, совғалар бор. Совға-  
ларни олиб келиб Гулоин билан Муқаннага топшир-  
дилар. Гуллар Гулоин билан Муқанна устига сочилди.

## Гулобод

Тўйингизга йиғилибди бутун эл,  
Халқ келмоқда тўйга оқиб гўё сел.

## Оташ

Сом тоғида қутлуғ бўлсин тўйингиз!

## Фирдак

Шу мустаҳкам қалъа сизнинг уйингиз,  
Уни асло ёвлар босиб киролмас.

## Кулартакин

Буқун арзир шароб ичиб бўлсак мас.  
(Фирдакка мурожат қилади.)

Қани, Фирдак, ўзинг бошла ўйинга.

Баттол бир қучоқ гул кўтарган ҳолда чоғиб киради.

## Баттол

Кечир мени, кеч қолибман тўйингга.  
Ижозат бер, чин кўнгилдан қутлайин.

## Фирдак

(Баттолни қўлидан ушлаб ўртага олиб чиқди.)

Қутлашингни ўйин билан кўрсат сен.  
(Боскинчилар ўйинига ишқим бор.)

## Баттол

Мен ҳам шундай хурсандликка эдим зор.

## Фирдак

Қани ўйна Гулойиннинг тўйида.

## Кулартакин

Меҳмон учун келишади бу жуда.

## Баттол

Жоним билан... мен ўйнашни билмайман.

## Ғирдак

Сен бу юртга ўйнаш учун келгансан,  
Кўп қарздорсан, ростин айтсам мен сенга,  
Ахир, бир кун тузин ичган жойингга  
Қирқ кун салом, деган машхур гап ҳам бор.  
Хунарингни кўрсат энди қилмай ор.

## Баттол

Гулойиннинг бахт тўйида ўйнасам,  
Кўп арзийди булбул бўлиб куйласам.  
Мен мард қизга миннатдорман беҳисоб,  
Лекин маззам йўқроқ букун, қочиб тоб  
Бошим жуда қаттиқ оғриб турибди.

## Оташ

Қўй қийнама, ўзи зўрға юрибди.  
Ўйнашга ҳам кўнгил керак, шубҳасиз.

## Боғий

(ўртага чиқади)

Қанча ўйин керак бўлса ўзимиз  
Ўйнаверамиз. Қуш шод бўлса инига  
Сигмагандай, юрак сигмас қинига.  
Кифтим қушнинг қанотидай силкинар,  
Ўзим ҳозир кўп енгилман, гўё пар,  
Учаламан жиндай шамол кўзғалса,  
Ҳеч ким қараб улгуролмас кўз солса.

## Гулойин

(Ғирдакка)

Баттол фақат томошага ўрганган,  
Уни зўрлаб ҳеч бир фойда топмайсан.  
У ўйнашга номус қилар, эҳтимол.

## Ғирдак

Мумкинмикан ундан қилсам бир савол?

## Муқанна

Йўқ, Баттолга букун сўроқ кунимас,  
Ўйинингни бошла, сўзни қилгил бас.



Ғирдак

(Баттолни чақиради)

Боғий

Қани энди бир ўйнагил бўлмаса.

Ғирдак

Ҳа-ҳа, қани калхат бўлиб учиб кет.

Боғий

Қовоғидан қор ёғади ўйнаса.

Ғирдак

Ҳа-ҳа, қани булут бўлиб кўчиб кет.

Боғий ўртага чиқади. Уйни бошлайди. Ҳамма чапак чалади. Уйин тамом бўлгандан сўнг Баттол Гулоини ва Муқанна олдига келиб, касалигини баҳона қилиб кетishга рухсат сўрайди.

Баттол

Иккингишга бахт тилайман юракдан,  
Агар сиздан рухсат бўлса, кетсам ман.  
Бошим жуда қаттиқ оғриб турибди,  
Иситмам бор, ҳалқумум ҳам қурибди.

Муқанна

Бор бўлмаса, дамингни ол, ухла, ёт.

Баттол

Бутун умр миннатдорман улуг зот.

(Кетди)

Оташ

Келиб-келиб шу кун касал бўлибди,

Боғий

Кўп ҳам эмас, ўзи ҳам сал бўлибди.

Оташ

Кўшилмайди қони — бари гап шунда.

## Кулар такин

Етлар каби юради у қўшинда.

Муқанна Гирдакин имлади. Гирдак унинг ёнига борди. У нима-лардир пичирлади. Гирдак келиб, Боғий билан Хишрийни бир чеккага олиб чиқиб сўзларди.

### Гирдак

Сездирмасдан орқасидан боринглар,  
Яна қолманг бирор гапдан беҳабар.  
Бир кун тузин ичган жойга у қирқ кун  
Саломини нася қилиб кетмасин...  
Эдим Баттол ўйинига ишқибоз,  
Ўйнамади қурғур жаллод, қилди ноз.

### Боғий

Хафа бўлма ўйнамади деб жуда,  
Минг бир маймун, ҳар бири ҳам қиличбоз,  
Юрагини тепиб ўйнар, қилмай ноз.  
Чиқиб кетдилар.

### Оташ

Ўзинг бошла, хурсанд бўлсин элимиз,  
Ўйинингдан маҳкам бўлсин белимиз.  
Кўп йиллардир ўйинни кўрмаганлар,  
Бу ердадир шодликни билмаганлар.  
Ўйнаб қолгил шодлик топган кунингда,  
Ўйнаб қолгил жангда енгган тунингда.

(Ҳаммага.)

Кўнгиллардан кўтарилсин бу ғубор,  
Хурсанд бўлсанг барчанг бошла ёр-ёр.  
Душманларинг оёқ ости йўлингда,  
Яйра, қувон, ўз юртинг ўз қўлингда.

(Муқаннага.)

Кўнглимиз тўқ, тепамизда ўзинг бор.

(Гулойинга.)

Нуридийдам, бахтинг бўлсин барқарор.

Зўр ўйин бошланади. Ўйин давом қилмоқда экан, ташқаридан шовқин кўтарилди. Ўйин тўхтади. Ҳамма ташқарига қаради. Ташқаридан қочди-қочди деган овоз эшитилади. Саҳнага нафаси қисилиб, чопиб Боғий билан Хишрий киради.

Боғий

Баттол билан Ферўз қочди, қиззағар.

Хишрий

Ғафлат босиб қола бердик беҳабар.

Боғий

У дарёдан сузиб ўтди қайиқда.

Ғирдак

Эҳ, олинмаган ўчим қолди айиқда.

Гулойин ўзини йўқотди. Муқанна жим. Ҳамма ҳайрат ва  
ғалаён ичида.

Парда

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА

### ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Сом тоғидаги калъа майдони, оқ кўйлаклилар Муқаннани кўриш учун тўпланганлар. Майдон тўла одам.

Хишрий

Ҳар бир ерда эшитамиз сўзини,  
Жонимиздан азиз деймиз ўзини.

Ҳаким

Аммо, лекин дийдорига кўп зормиз.

Боғий

Уни дедик жондан кечдик барчамиз.

Ҳаким

У-чи, юздан ниқобини олмайди.  
Юзин очсин, қачонгача алдайди.  
Ман бировдан моховмиш деб эшитдим.

Ҳамма унга қарайди

Боғий

Ким айтади?

Хишрий

Ким айтади?

Боғий

Сўйла, ким?

Ҳаким

Бухоролик бир савдогар.

Б оғ и й

У қайда?

Х и ш р и й

Сўйлаб бер-чи?

Ҳ а к и м

Бекор гапдан не фойда.

Б оғ и й

Бир бошладинг, гапир энди, давом қил.

Х и ш р и й

Ичга ютган дард — кишини қилар сил.

Ҳ а к и м

Мохов эмиш саркардамиз, кўзи кўр,  
Чидай олмас эмиш тушса зарра нур.  
Шунинг учун юзни очмай ёзу қиш  
Юз-кўзига ниқоб тутиб юрармиш.  
Одам қараб бўлмас эмиш юзига,  
Йиқилармиш ёруф тушса кўзига.  
Узи дою, каромати зўр эмиш,  
Лекин афти хунук, кўзи кўр эмиш.

Х и ш р и й

Кўрмаганми унинг юзин Гулойин?

Ҳ а к и м

Бечорани қизғанаман, жуда мен:  
Фариштадай бир қиз увол бўлибди,  
Баҳор гули куз етмасдан сўлибди.

Б оғ и й

Бу сўзларинг, ростин айтсам, бемаза,  
Агар унинг кўзи асло кўрмаса,  
Гулойиндай гўзал қизни қаердан,  
Кўрмай-нетмай топа олди у бирдан?

## Ҳ а к и м

Каромати жуда зўрмиш дедим-ку!  
Ҳеч назарга илмас экан кўзни у.  
Қилар эмиш ҳар бир ишни беимо,  
Дунё унга аён эмиш доимо.  
Ойна каби равшан эмиш ҳар бир сир,  
Таниш эмиш ҳар бир хотин, ҳар бир эр.  
Гулойинни тушда кўриб билармиш,  
У хоҳласа ҳар бир ишни қилармиш.

## Х и ш р и й

Гулойиндан сўраш керак бу сирни.

## Ҳ а к и м

Хотин деган фош қиларми ҳеч эрни?  
Ҳамма дардин у ичига ютади.

## Х и ш р и й

Унда шўрлик хўб сил бўлиб ўтади.

## Ҳ а к и м

Хотин деган кўп хийлагар бўлади,  
Кунда у минг тирилиб, минг ўлади.  
У ишқилиб эрига сир бермайди,  
Эр кўрсатган йўлдан асло юрмайди.  
Гулойин ҳам шундай бўлиб чиқди-ку,  
Ҳам чиройли, ҳам хийлагар экан у.  
У Баттолдан узолмади кўнгил ҳеч,  
Муқаннанинг олдида ҳам эрта-кеч  
Гапиргани Баттол бўлди тинмасдан,  
Муқанна ҳам гапнинг тагин билмасдан  
Амал берди, унга қилич тутқизди.

## Б о ғ и й

Тўғри. Бунда саркардамиз ютқизди.

## Х и ш р и й

Тўйига ҳам чақирди-я ўшани!  
У ҳам хилват топиб ўша кечани  
Қочиб қолди, ғафлат бизни беомон  
Босиб оғир сабоқ берди кўп ёмон.

Ҳ а к и м

Ит вафою хотин жафо деганлар.  
(Иулга қарайди. Гулойинни кўради.)  
Ана келди, бир-бир босиб фирибгар.

Х и ш р и й

Тилингни тий, айб бўлади, биродар.

Ҳ а к и м

Оёғини яла, югур, бу ҳунар  
Ўлганда ҳам менга тўғри келмайди.  
Секин-секин юриб Гу л о й и н киради.  
Ҳеч кимни ҳам назарига илмайди.  
Улар тарқалишадилар. Боғий Гулойинга яқин келди.

Б оғ и й

Салом сенга, эй қадрдон маликам.

Г у л о й и н

Эл бошига тушди яна нима ғам?  
Бунча чуваб, улар нима қилмоқчи?

Б оғ и й

Саркарданинг дийдорини кўрмоқчи.  
Нима учун ниқоб тутган, билмоқчи.  
Йўлбошчимиз юзин очсин, дейди, эл,  
Ана қара, келяпти гўё сел.

Г у л о й и н

(қарайди)

Сўнги жангга чиқмоқ керак-ку эрта,  
Бу қандай гап шундай нозик бир пайтда.

(Пауза.)

Соз бўларди элнинг кўнгли бўлса тўқ,  
У ҳам юздан пардасини кўтарса.

Б оғ и й

Бутун элни ҳайрон қилар шу нарса.  
Ҳамма ёққа моҳов деб гап тарқабди,  
Қай бировлар кўзи кўр деб гап собди.

Г у л о й и н  
(чўчиб тушди)

Е оташим, нималарни эшитдим?  
Қандай оғир маломатга юз тутдим.

Б оғ и й

Баттол қатта қўшин тўплаб беомон  
Хужум қилиб келяпти биз томон.

Х и ш р и й

Саркарда ҳам бизга юриш амр этди,  
Лекин амри тамом шамолга кетди.  
Булар ҳар хил миш-миш билан овора.

Б оғ и й

Баттол қочиб, ишлар яна пес бўлди.

Г у л о й и н

Қўй гапирма, юрагимга ғам тўлди  
Бу жиноят мендан бўлди. Гуноҳқор  
Фақат менман эл олдида шармисор.  
Мен аёллик, ожизалик кўрсатдим,  
Йўқса уни тўйга чорлар эди ким?  
Ким қўлига унинг қилич берарди?  
Ким аблаҳга раҳм билан қарарди?  
Оч бўрини ёввош қўй деб билдим ман,  
Гуноҳқорман, кўнгли бўшлиқ қилдим ман.  
Муқанна ҳам қилиб менинг юзимни,  
Уша замон қайтармади сўзимни.  
Уятликман мен унинг ҳам олдида,  
Тириклайин ерга кирдим қайғуда.

Муқанна ёлғиз ўзи кириб келди. Гулоийн уни кўриб чўчиб  
тушди.

Нега ёлғиз, нега танҳо юрибсан?

М у қ а н н а

Ёлғизликни ҳавас қилдим бир оз ман,  
Ўзим билан бир оз ёлғиз сўзлашдим,  
Ўзим билан кенгаш қилдим қолиб жим.



Г у л о й и н

Бошга келди яна қандай фикрлар?

М у қ а н н а

Бу кун яна аён бўлди кўп сирлар.  
Сўйла, нечун эл тўпланган бу ерга?  
Нима бўлди? Нега бунча эл тарқоқ?  
Нега лашкар чуваб кетди бесўроқ?  
Нима бўлди, уруш битиб кетдими?  
Еки юртда душман тамом битдими?  
Нима гап бор?

Г у л о й и н

Муштоқ эмиш эл сенга.

- М у қ а н н а

Нечун?

Г у л о й и н

Сўра уни, ана оғадан.

М у қ а н н а

(Ҳакимга)

Айтмасанг ҳам менга аён у савол,  
Марҳамат қил, қандай мудҳиш сўзинг бор?

Ҳ а к и м

Мудҳиш эмас, сардоримиз, дийдорингга бўлди зор,

Сени дедик, оқ кийиндик ҳаммамиз,  
Мурид бўлди сенга эркак, хотин-қиз.  
Бутун ўлка бирдан кирдик йўлингга,  
Ҳам топширдик ўзимизни қўлингга.  
Ёрди душман ўтакасин оқ кийим,  
Мамлакатда оқ киймаган қолди ким?  
Душман эди бўлганига пушаймон,  
У йўлиқди қаҳримизга беомон.  
Бир оз эркин нафас олди сен билан,  
Бағримизга қуёш тегди яйраб тан.  
Лекин фақат дийдорингга бўлиб зор  
Тўпланишдик, ҳамма ортиқ беқарор.

## Муқанна

Дунёда бор одамларга нима хос  
Бўлса менга ҳам шу.

## Ҳаким

Бу гап ҳаққос рост.  
Лекин сени, лекин сени бировлар  
Мохов дейди, сен бу гапдан беҳабар,  
Қулоғинг кар, икки кўзинг кўр эмиш,  
Юзни очсанг, толеларинг шўр эмиш.  
Шунинг учун ниқоб тутар эмишсан,  
Ўз ичиңда заҳар ютар эмишсан.  
Қароримиз тамом тугаб шу учун,  
Юзни оч деб тўпланишдик биз бутун.  
Шунинг учун ҳолимизни қилмай танг,  
Мумкин бўлса ниқобингни кўтарсанг,  
Ҳар хил гапни тинглай бериб безовта,  
Зада бўлган кўнглимиз бир тинчиса.

## Муқанна

Душманларни қувмай туриб тинчиган  
Кўнгилларга, ҳақиқатан, ҳайронман.  
Тинчийсизми ниқобимни кўтарсам?  
Кетадими шунда душман солган ғам?  
Ҳеч қайсингиз биласизми мен кимман?

## Ҳамма

Ҳа, биламиз.

## Хишрий

Иўлбошчимиз.

## Богий

Одамсан.

## Муқанна

Йўқ, мен — сизман, худди сизнинг ўзингиз.  
Бу кўзларим худди сизнинг кўзингиз.  
Сизни йўлдан агар оздирса жинлар,  
Пешонамда пайдо бўлар ажинлар.  
Ақлингизга тараддуд солса чангал,  
Билинг — кўзим кўр бўлади шу маҳал.  
Агар сизни гафлатаро қўйса ёв,

Уша замон бўлажакман мен мохов.  
Агар жангдан тўхтасангиз кетиб эс,  
Уша замон бўлажакман мен ҳам пес.  
Мени кўрмак истасангиз сиз агар,  
Бир ташлангиз ўзларингизга назар.  
Тўхтайсизми ярим йўлда, жанг қилмай,  
Босқинчининг аҳволини танг қилмай?  
Нима учун сизга очай юзимни?  
Қандай қилиб кўрсатайин кўзимни?  
Нима учун кийдингизлар оқ кийим,  
Айтинг, Баттол ва Ферўзни тутар ким?

### О т а ш

Кечир бизни, одабсизлик қилибмиз.

### Ҳ а к и м

Энди билсак саволимиз бетамиз.

### М у қ а н н а

Босқинчининг бутун моли-мулкини  
Сизга бердим, қани қувланг сиз уни.  
Ўлигини оқизинг унинг селга,  
Сиз ўзингиз хўжайинсиз бу элга,  
Юртга келган босқинчини мажақланг,  
От солдириб бошларини пачақланг.  
Халиф ўзи қалтирасин Бағдолда,  
Етти пушти қолсин унинг фаредда.  
Ев гуноҳин фақат ўлим оқлайди,  
Сизни ёлғиз кураш омон сақлайди.  
Мана эрта жанг бошлаймиз сўнгги бор,  
Ҳар душманга тикамиз биттадан дор.  
Менинг ўзим Бухорога қираман,  
Душман зотин битта қўймай қираман.  
Кулартакин Шаҳрисабзни олади,  
Фирдак бўлса Нақшабга от солади.  
Дарё бўйин қўриқлайди Гулойин,  
Ҳаммангизга ёр бўлади қасос, кин.  
Қиличларни қонга ювган кунимиз,  
Босқинчини тамом қувган кунимиз,  
Синган куни зулм, даҳшатнинг тоши,  
Чиққан куни ғолибият қуёши  
Элга очиб кўрсатаман юзимни.

Кўзингизни равшан қилган кўзимни  
Офтоб каби шунда қилиб намоён,  
Ер юзини айлағайман чароғон.  
Қани, олға, ғалаба арслонлари,  
Қани олға ватан қаҳрамонлари.

Халқ қайтадан тўпланади. Яқдид, зўр қувват ҳосил  
бўлгандай бўлади. Ҳақимни суриб чиқадилар. Бутун  
халқ туғ кўтариб чиқади.

П а р а

## ТҮРТҮНЧИ ПАРДА

### ЕТТИНЧИ КҮРИНИШ

1 Бухоро бўсагаларидан бирида жанг майдони. Қирнинг бир чеккасида Муқанна чодир. Ташқаридан майдонда кетган жангнинг шовқини эшитилиб турибди. Чодир олдидан оқ кўйлаклилар ўтиб турибдилар. Саҳнанинг бир чеккасида қуроллар уюми — қилич, сунги, хаңжар, болта ва бошқалар. Чоллар ва аёллар тинмасдан қурол келтириб уймоқдалар. Муқанна баланд руҳ билан уларга, сўнгра жанг шовқини келиб турган томонга қарайди.

### Муқанна

Чигирткадай қирилмоқда инсонлар,  
Дарё каби қуйилмоқдадир қонлар.

(Пауза. Баланд овоз билан.)

Шунқорларим, парвоз қилиб учинглар,  
Булут бўлиб ёв устига кўчинглар.  
Арслонларим, ҳамла қилинг беомон,  
Кўзингизни равшан қилсан оққан қон,  
Файрат қилган — аждаҳони ютади,  
Полвонларим, сизларни бахт кутади!

Орқа томондан Кулартакин ва яна бир неча оқ кўйлаклилар киришиб келишди. Кийимлари қон, жангдан чиққанлари биллиниб турибди. Кулартакиннинг қиличи қон. Муқанна унга мурожаат қилади.

Гулойиндан дарак борми? У қайда?

### Кулартакин

Жуда қаттиқ урушди у тўқайда.  
Ҳозир бўлса қир остида юрибди,

Б оғ и й

Якка ўзи кўп душманни қирибди.  
Жанг ичида чақмоқ каби учади.

М у қ а н н а

(хурсанд)

Чақмоқ каби учган бахтни қучади.  
(Кулартакин қиличидаги қонни кўриб.)  
Қутлуғ бўлсин қиличингдаги қонлар.

К у л а р т а к и н

Ризо бўлсин бевақт кетган қурбонлар.

М у қ а н н а

Йигитларнинг руҳи қалай майдонда?

К у л а р т а к и н

Ҳеч бир йигит қолмади кечмай қонда.  
Ҳаммаси ҳам пақир-пақир қон тўкди.  
Пишиб турган тутдай қилиб жон тўкди  
(Пауза.)

Б оғ и й

Ўзимиз ҳам тутдан баттар тўкилдик,  
Биздан кетган қурбонга ҳам ҳеч йўқ чек.

К у л а р т а к и н

Душманлар ҳам қараб тургани йўқ тек,  
Бир минг беш юз йигитни биз йўқотдик.

М у қ а н н а

Душманлардан қанча ўлди? Сўйла рост!

К у л а р т а к и н

Душманлардан ўлган одам минг халос.

Б оғ и й

Лекин бизнинг йигитларда тўхташ йўқ.  
Ҳаммаси ҳам отилади гўё ўқ.

(Пауза.)

## Кулартакин

Фақат жуда қурол озлик қилмоқда,  
Менинг шундай фикрим борди бу ҳақда:  
Қурол йиғсак, жангни тўхтатсак бир оз?

Муқанна  
(заҳарханда билан)

Эй офарян, фикринг сенинг жуда соз,  
Душман оқшом янги кучлар ташлайди,  
Эрта Ибн Муоз ҳужум бошлайди,  
Эшитганми эдинг уни ҳеч қачон?

## Кулартакин

У арабда ҳозир энг зўр қўмондон.

Муқанна

Кўп жойларни у забт этган беқурол,  
Пошнасига арзимайди минг Баттол.  
Урушларнинг ўти ёнар қонда,  
Энг танланган бошкесарлар ёнида.  
Бизга қарши унинг ўзи келибди,  
Орқасида минг-минг лашкар турибди.  
Айтчи, тўхтаб бўладими шу дамда?  
Тўхтадингми? Қолдинг доғу аламда.  
Фойда йўқ бизга жангдан тўхташдан!  
Тўхтатмасга ҳужумни амр этаман.  
Ҳар дақиқа бизнинг учун ғанимат,  
Тўхташликни ёқтирмайди бу санъат.  
Тўхташликдан гапирма ҳеч бир менга,  
(қуролларни кўрсатади)  
Ана қурол, керак бўлса ол сенга.

## Боғий

Бор-йўғини таширмоқда халойиқ,  
Пичоқ, ханжар, сунги, совут, ҳатто мих.  
Хунармандлар ясамоқда қидичлар,  
Болта, теша келтирмоқда беҳунар.

Муқанна

Бундан сўнгра равшан бўлсинким сенга,  
Қуролимиз кўплигидан биз жангга

Кирганимиз йўқ, ватанни қутқариш  
 Бизнинг учун қуролсиз ҳам мажбур иш!  
 Чумолига ерни тешган қуролмас,  
 Шерга куч ва даҳшат берган қуролмас.  
 Ғазаб ўзи бизни арслон қилади,  
 Ғазаби зўр ўзни шер деб билади.  
 Уқ тугаса, тош отамиз душманга,  
 Тош тугаса бош отамиз душманга,  
 Қилич синса, болта билан урамиз,  
 Болта синса, таёқ билан қирамиз;  
 Таёқ синса, тирюқ билан тирнаймиз,  
 Кўкрагидан тишлаб олиб қийнаймиз.  
 Ҳамма нарса тугаганда, қонимиз  
 Оқа-оқа пайдо бўлар бир денгиз,  
 Қонимизга душманни ғарқ этамиз,  
 Ёвни енгиб, сўнг мақсадга етамиз!  
 Жиноятдир шундай пайтда турмоқ тек,  
 Қуролларни олинг, жангга чиқайлик!

Қуролларни оладилар. Муқанна ўз қиличини яланғочлайди. Чиқадилар. Бир оздан сўнг саҳнага Гулоин киради. Ҳамма ёғи қов, қўлида қилич.

### Г у л о й и н

Бир қултум сув... ичимда ўт ёнади,  
 Унинг орқасидан совут-қалқон кийган Б а т т о й кириб келади,  
 қўлида қилич.

### Б а т т о л

У ўт энди қонингга ҳам қонади.  
 Гулоини сачраб орқасига қаради.

### Г у л о й и н

Қайдан пайдо бўлдинг, хоин, кўзимга.

### Б а т т о л

То ўлдирмай келолмайман ўзимга.

### Г у л о й и н

Кеча-кундуз ўт ичида юраман,  
 Не учунким, сени ёмон кўраман.



Кўр асони йўқотади бир марта,  
Ўлдирмасам чиқмайман ҳеч аламдан.

Баттол қиличини тўғрилаб ҳужум қилмоқчи бўлади

### Б а т т о л

Азройилдек жон олмоққа келганман.

Баттол ва Гулойин қилич солишадилар. Ферўз  
бирдан орқадан кириб, ўзини Гулойин устига ташлайди.

### Ф е р ў з

Сен ўлмасанг, Муқанна ҳеч ўлмайди.

### Г у л о й и н

О, сени ҳам кўрар кун бор экан-ку,  
Биринг тулки, биринг заҳарли илон,  
Биринг бўри, биринг лаънати чиён.

### Ф е р ў з

Қон ичмакка бунда келдим шу замон.

Гулойин Ферўзни ағдариб ташлади. Қилич солиб ўлдирди.  
Баттолга юз ўғирар экан, Баттол унинг кўкрагига қилич санчди.  
У йиқилди. Чопганича Муқанна кириб келди.)

### М у қ а н н а

Адолат хўп ташна бўлди қонингга.

### Б а т т о л

Менинг ўзим чанг соламан жонингга.

Оқизолдим қатор-қатор ёшингни,

Ўзиб олиб кетоламан бошингни.

Қул бўлишни истамадинг, энди сан

Бир чуқурга кўмиласан бекафан.

Қул бўлади ҳам халқинг, ҳам ватанинг,

Қул бўлади уруғ-авлодинг санинг.

Сўнг бўлади бир ниқобдор қилган жанг.

### М у қ а н н а

Мана, сенинг бир умрлик насибанг.

Қилич солиб ўлдирди. Ташқаридан одамлар кириб, Баттол  
билан Ферўзнинг жасадини олиб чиқдилар. Муқанна Гудойини  
тепасига келиб тиз чўқди. Гулойин азоб чекиб фиғон тортди.)

Гуло й и н

(Ўз-Ўзича)

Кеча-кундўз ўт ичида юраман,  
Не учунким, сени ёмон кўраман.

Му қ а н н а

Гулойиним, юрак бағрим, малагим.

Гулойин унга қараб талпинади.

Гуло й и н

Излай-излай охир топган тилагим,  
Мен ўламан, сен қоласан дунёда.

Му қ а н н а

Қилма, жоним, аламимни зиёда,  
Сенсиз менга дунё кўп тор бўлади.

Гуло й и н

Мен ўламан, дунё гулга тўлади.

Му қ а н н а

Бу дунёнинг гули ёлғиз сен ўзинг,  
Коинотга жон беради ҳар сўзинг,  
Бутун борлиқ ёруғ олар кўзингдан,  
Осмонда ой тўлишади юзингдан.  
Сен кетганда боғ булбулсиз қолади,  
Боғ булбулсиз, чаман гулсиз қолади.

Гуло й и н

Кўзим очдинг, мен дунёни кенг кўрдим,  
Ўзимни ҳам одамларга тенг кўрдим,  
Сенинг билан бирга ёздим қанот ҳам,  
Кўзларимга гўзал бўлди ҳаёт ҳам.  
Бир неча кун ҳавас билан яшадим,  
Хатто эркин нафас билан яшадим.  
Армоним шу: кўролмадим элни шод,  
Кўролмадим ватанни ёвдан озод.  
Тез тўкилди менинг бир коса қошим,

Юрагимда қолди барча армоним.  
Битта қўймай ёвларнинг кўзини ўй,  
Отам билан онамга салом деб қўй!  
Хайр энди, ёлғиз қолиб омон бўл..

Улади. Муқанна йиғлайди. Унинг юзидан ўпади.

### Муқанна

Гулойиним, юрак бағрим, кўзинг оч,  
Бутун жаҳон сенга муштоқ, назар соч.  
Кўпни кўриб адо бўлган бу олам,  
Сендан бугун ажралмас сира ҳам.  
Ўлмак учун сен туғилган эмассан,  
Зах тупроқнинг бағрига сен уволсан.  
Наҳотки сен, бир умрга кўз юмсанг,  
Наҳотки сен, оғир уйқуга чўмсанг,  
Ва наҳотки сенинг тоза гул танинг  
Букун бўлса қора тупроқ билан тенг,  
Ўрнингдан тур, эй сен менинг ҳаётим,  
Ўрнингдан тур, учар бўлсам қанотим.  
Ажралмасман асло сендан бир умр,  
То бор экан танимда жон, кўзда нур,  
Сен бўларсан ҳар доимо ёнимда,  
Тирик бўлсам сақланарсан жонимда.

Муқанна боши ерда экан унинг тепасига қурол-аслаҳа олиб келган аҳоли, жангдан чиққан оқ кўйлақлилар тўпланишиб қолдилар. Муқанна секин бошини кўтариб ёшини артди. Уларга боқди. Ҳамманинг боши эгилган эди. Сўнгра Муқанна япа эгилиб Гулойинни қўлига кўтарди.

Қани жангга, жангга чиқинг, арслонлар,  
Жангга чиқинг, эй азиз қаҳрамонлар!  
Гулойиннинг қиличи қўлимизда,  
Бу муқаддас қасоси дилимизда,  
Бир парча ўт, бу туганмас аланга  
Чақиради сизларни сўнгни жангга!

Ҳамма чиқади.

Парда

## ТҮРТІНЧИ ПАРДА

### САККИЗИНЧИ КҮРІНИШ

Ички қалға. Уфқда ботаётган қуёшнинг қизғиш шуълалари оп-поқ булутларға акс этиб турибди. Оташ, Гулобод ва бир неча ярадор жангчилар сұзлашмоқдалар. Оташ шаҳарға қараб турибди.

#### Оташ

Гирдак тамом дом-дараксиз йўқолди,  
Билмадимки, шўрлик қайларда қолди.  
Бир ойдирким шаҳар тинмай куймоқда,

#### Гулобод

Душман энг сўнг бу элда кул уймоқда.

#### Оташ

Исён ўти, демак, асло сўнмайди,  
Демак бунда душманға гул унмайди,  
Демак халқ зўр, демак унда зўр қасос.

#### Ярадор

Қасос учун унда жуда зўр асос.  
Босқинчига бўйсунидан кўра халқ  
Улса рози, ўз қонига бұлиб ғарқ.

#### Оташ

*(кўзи ҳамон шаҳарда)*

Еру кўкни қора тутун босибди.

#### Ярадор

Муоз кеча кўп одамни осибди.

*(Гулободға.)*

Гулойинни соғинмадингми, она?

## Гулобод

Ундан бошқа кимим бор менинг яна?  
Кўз олдимдан асло кетмас, у — тирик.  
Бир йил бўлди, ҳамон кеча ўлгандек.

## Оташ

Айтганлари эсга тушиб бир ўзим,  
Бир ой бурун мазорига борувдим.  
Қабри энди кўкатларга чўкибди,  
Атрофини гуллар тамом кўмибди.

## Гулобод

Дунё ўзи кўп тескари юради.

## Оташ

У бошингга минг хил ҳийла қуради.  
Ўлимни сен кутасан-у, у аввал  
Фарзандингга чанг солади бемаҳал.

## Гулобод

Ўлим ҳам бир бахт сингари ноҳасдан,  
Бирдан келиб қоладиган гап экан.

## Ярадор

Ким ўлимни кутса, узоқ яшайди.

## Оташ

Қари ўлиб, ёшлар қолса бўларди.

## Гулобод

Лекин ёшлар худди тутдек тўкилди,  
Шўрлик элнинг қадди тамом букилди.  
Муоз бўлса қутурмоқда тобора.

## Ярадор

Қутурмоқдан бўлак унга йўқ чора.

Боғи й ва яна якки киши яраланган Хишрийни олиб кирдилар.

## Оташ

Бу ким бўлди?

## Боғий

Хишрий,  
Жанг чоғида хушдан кетиб йиқилди.

Хишрий  
(секин бошини кўтаради)

Яраландим, парча-парча бўлиндим,  
Гўёки мен тўғрам-тўғрам тилиндим.  
Лекин жангдан қайтганим йўқ ҳеч қачон.

Гулобод

Кўзни равшан қилар сендан оққан қон.  
Унинг яраларини боғлайдилар.

Боғий

Энди ётиб ўзингга кел, ором ол.

Хишрий

Бошларимга ёстиқ келар кўп малол.  
Танамдаги бутун қоним оқса ҳам,  
Жангдан нари кетолмайман бир қадам.  
Қани чиқинг, бизнинг тўшак майдонда,  
Ким ётади ватан бўлганда қонда?!

Хишрий билан Боғий, уларнинг орқасидан ярадорлар майдонга чиқадилар. Иккинчи томондан Муқанна киради. У ҳам яраланган. Оташга қараб сўзлайди.

Муқанна

Нега жимсан? Нега туриб қолдинг жим?  
Е ўлимни ўйлаб қолдингми сен ҳам?

Оташ

Мен қаридим. Энди қолиб нетаман.  
Лекин, мана, сен яшасанг арзийди.  
Юрт бошида сен қуёшдай турибсан!

Муқанна

Душман бизни ўраб ётиб кўп замон..

Оташ

Тинкамизни тоза ҳам хўп қурутди.

Муқанна

Очлик жуда қўшин жонидан ўтди.

Гулобод

Олдимизга кела олмайди биров.

Муқанна

Бизни халқдан узиб қўйди ёвуз ёв.

Гулобод

Халқ бошига тушди жуда оғир ғам.

Муқанна

Лекин, таслим бўлгани йўқ ҳали ҳам.

Оташ

Ўт ичида пўлат каби пишмоқда,  
Ўлгани ҳам ёв билан олишмоқда.  
Ажаб эмас, бор кучини қилиб жам  
Фирдак келиб озод қилса бизни ҳам.

Ҳовлиққан ҳолда Боғий ва яна икки жангчи киради.

Муқанна

Сўйла, яна олиб келдинг не хабар?

Боғий

Яна ҳамла қилаётир душманлар.  
Дарвозани бузмоқдалар кўплашиб,  
Тушмоқдалар деворлардан ҳам ошиб.

Оташ

Сўйла, ҳеч бир дарак борми Фирдакдан?

Боғий

Уни душман тутиб олди, афтидан.

Оташ

Кулартакин қайда қолди, кўрдингми?

## Боғий

У зўр бериб бошқармоқда қўшинни.  
Тарақ каби тирқирайди лекин у,  
Овқати йўқ, нон қолмади, ҳатто сув...

### 1-жангчи

Одамларда асло мажол қолмади,  
Қимирлашга заррача ҳол қолмади.

### 2-жангчи

Энди асло ярамайди урушга,  
Дармони йўқ ўрнидан ҳам туришга.

Ташқарида шовқин. Муқанна саҳна бурчагида уларга мурожаат қилди.

## Муқанна

Таслим бўлиш мумкин эмас, йигитлар!  
Қаҳрамонга тамом ётдир бу хунар.  
Қаранг, ватақ кул бўлиб соврилмоқда,  
Ота-она оташда қоврилмоқда.  
Элу уруғ, қариндош хонавайрон,  
Бола-чақа оч-яланғоч, саргардон.  
Эл бир умр разолатга буксинми?  
Уз ёвига кул бўлиб тиз чуксинми?!

Шовқин. Ташқи қўрғондагиларнинг ҳужуми зўраяди Боғий чиқади. Бир оздан сўнг Боғий яна қайтиб киради.

## Боғий

Душман томом босди ташқи қалъани.  
Элчи келди, кўрмоқ истайди сени.

## Муқанна

Айтчи, кирсин, яна нима дер экан!  
Боғий чиқди. Элчилар кирди.

## Зайд

Элчи бўлиб келдим Ибни Муоздан,  
Улуғ сарҳанг сенга нома юборди.  
(*Номани беради.*)



## Муқанна

Қани ўқи, нимада экан дарди?  
(Қайтиб берди.)

Зайд ўқийди.

### Зайд

«Қўшинларинг бўлди ер бирла яксон,  
Исёнкордан қолмади ҳеч ким омон.  
Қалъангни ҳам ҳар ёқдан ўраб олдик,  
Фитначининг барига кишан солдик,  
Таклифимиз шуки, энди таслим бўл,  
Бўйсунишдан ҳеч қолмади бошқа йўл!»

Муқанна жим. Оташ ўзини тутолмайди.

### Оташ

Бўйсунмасак Муозинг на қиларди?

## Муқанна

Ота!

### Зайд

«Ўраб ётар овқатинг қуригунча,  
Токи барча кийиминг чиригунча  
Бир-бирингнинг гўшгларингни егунча,  
То йиқилиб тавба қилдим дегунча;  
То бўлгунча бошдан-оёқ яланғоч,  
Тил тортмасдан ўлгунигча токи оч,  
То ер узра судралгунча иягинг,  
Токи чириб кетгунича суягинг».

### Боғий

Қўппак итдир сенинг Ибни Муозинг.

## Муқанна

Боғий!

(Муқанна ғазаб ичида Гулободга дейди.)

Бир гулхан қил, волидаий муҳтарам,  
Бир ўт ёқки, ёрисин еру олам.

Гулобод ўт ёқди. Одамлар ўтин келтирадilar. Зайд ўқишини давом қилдиради.

## З а й д

«Бизнинг барча айтганимизга кўнсанг,  
Сени тирик қолдирамиз бўйсунсанг.  
Сенга ҳатто берамиз катта амал».

*(Номани узатди).*

Муқанна олиб жавоб қилади.

## М у қ а н н а

Муозга айт, қичқирибди бемаҳал!  
Муозга айт, бу халқ таслим бўлмайди!  
Муозга айт, бу халқ асло бўлмайди!  
Яна айтки, ўлиб ҳам соб бўлмайди.  
Яна айтки, курашиб жангда ўлмак,  
Муоз билан яшашдан афзал бешак.  
Яна айтки, Муозга бўлгунча қул,  
Минг афзалдир бўлмоқлик бир ҳовуч қул!

*(Гулхан кўтарилади. Муқанна номани оловга ташлайди. Нома ёнади. Муқанна элчига айтади.)*

Бор, бора бер, кўнглимга солмагин ғаш.

Бор, бора бер, қиличинг билан гаплаш.

Элчилар чиқиб кетди. Муқанна ташқарига чиқди. Саҳнага чопганича Боғий кирди.

## Б о ғ и й

Гирдак келди тоғ тагига эл билан,  
Қуролланган болта, ўроқ, бел билан.  
Тепасига Муоз қўшин ташлади.

## О т а ш

*(хурсанд)*

Зарафшондай тўлиб оққанда ҳам қон,  
Эрк севган эл таслим бўлмас ҳеч қачон.

Боғий Муқаннани сўрайди. Оташ Муқанна чиққан томонни кўрсатади. Саҳнага кийимлари йиртиқ, яраланган бир неча киши кирди.

## 1-к и ш и

Қўрғондаги қўшин тамом қирилди.

## 2-к и ш и

Душман ички қалъа томон сурилди.  
*(Улар Боғий чиққан томонга чиқадилар.)*

Саҳнага Ҳаким бошлиқ уч-тўрт одам кириб келди. Иккинчи томондан Муқанна билан Боғий кирди. Муқанна Ҳакимдан сўради.

Муқанна

Қани, сўйла, сен нима гап келтирдинг?

1-киши

(Ҳакимга)

Айт!

Ҳаким

Сен ўзинг.

2-киши

Сен ўзинг айт!

1-киши

Ўзинг айт!

Ҳаким

(ўртага чиқди)

Учмоқликка энди қанот қолмади,  
Қутулмоққа ҳеч бир нажот қолмади.  
Ҳеч бўлмаса жонни сақла энди сан,  
Бир йўл топиб қочмоқ керак бу элдан.

Ҳамма ҳайрон. Муқанна жавоб беради.

Муқанна

Нима дединг? Мени қочгин дедингми?  
Аблаҳ, ҳали шунча ботир эдингми?!  
Шу жон билан тушибмидинг йўлимга.

(Пауза.)

Хоин билан кўрқоқ маҳкум ўлимга!

(Оташга.)

Буни ўлдир. Бу қутулсин ташвишдан,  
Жарга ташла, қолиб кетсин бекафан.

Оташ олиб чиқди. Узоқ пауза.

Менинг онам шу тупроқда туғилган,  
Боболарим шу тупроққа кўмилган.

Шу тупроқда киндигимнинг қони бор,  
 Шу тупроқда авлодимнинг қони бор.  
 Шундан кешиб бўлайинми муттаҳам?  
 Бир қарич ер топилмасми менга ҳам?  
Ғамга ботган элим йиғлаб қолсинми?  
 Қаёққа, деб тоғлар фарёд солсинми?  
 Хоин дея қичқирсинми авлодлар?  
 Қувласинми мени дарёлар, додлар?  
 Йўқ. Асло йўқ. Бу айтганинг мен эмас!  
 Жон сақлашга чақирмагин мени, пас!  
 Бир бошимга юз минг бало келса ҳам  
 Шу тупроқдан силжимайман бир қадам.  
 Бир минут ҳам ажралмайман элимдан,  
 Ўлганда ҳам чекинмайман еримдан.

Ташқарида шовқин. Гулханда олов ловиллайди.

### О т а ш

Адолат ҳам баъзида енгилади.  
 Баъзан булут ортида қолади кун,  
 Кўмилади тупроққа кўп вақт олтин,  
 Лекин асло адолат ҳеч ўлмайди:  
 Кўмилса ҳам олтин ниҳон бўлмайди.

Гулханда олов ловиллайди. Душманлар кўрғонга ўт қўядилар.

### М у қ а н н а

Бир ўт ёқки, волидайи муҳтарам,  
 Бир ўт ёқки, ёрсин еру олам.

(Пауза.)

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,  
 Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ,  
 Мен элимнинг юрагида яшайман,  
 Эрк деганининг тилагида яшайман.  
 Қуллик билан туролмайман бир ерда,  
 Душман билан ётолмайман бир гўрда.  
 Халқ тангрини ахтарганда мен унга  
 Хурриятнинг оллоҳини келтирдим,  
 Йўл бошловчи бир доҳийни келтирдим  
 Ва кўрсатдим озодликнинг зўр роҳин,  
 Гулойиндек муҳаббатнинг оллоҳин.  
 Букун сизни чақиради у жангга,

Хужум эт деб юртни босган душманга;  
Қалбингизда нафрат ўти ёнсин дер,  
Нафрат ўти ёв қонига қонсин дер.

(Пауза)

О, Гулойин, ёдимдасан бир умр,  
Эслаганда кўзларимда ортар нур.  
Сен ишқ каби абадийсан, эй санам,  
Озодликдек мангу яшарман мен ҳам.

Пауза. Ташқи қўрғондаги ўт зўраймоқда.  
(Муқанна ўзининг сўнгги сўзларини айтмоқда.)

Яна кўрмоқ бўлганларга юзимни,  
Қулоқ солинг, танитайин ўзимни:  
Очилар у ғалабанинг тонгида,  
Жангга кирган одамларнинг онгида.  
Яна мени кўрмакка зор бўлганлар,  
Қулартакин ва Фирдакка боқсинлар.  
Яна кимки, ватан учун жанг қилса,  
Яна кимки, ёв ҳолини танг қилса,  
Яна кимки, ёвни қувса ватандан  
Менинг чеҳрам кўринади ўшандан.

(Пауза)

(Гулободга)

Оловни ёқ, волидаий муҳтарам,  
Оловни ёқ, ёрисин еру олам.  
Букун мен ҳам оловга қўшиламан,  
Букун мен ҳам мангулик ўт бўламан.  
Нафрат ўти каби ёниб қонларга,  
Қўшиламан миллион-миллион жонларга.  
Ёвни жондан ёмон кўрганлигим рост,  
Бундан сўнгра номимни қўйинг: қасос!

Ҳ а м м а

Муқанна—қасос!

М у қ а н н а

Тириклайин тушмаймиз ёв қўлига!  
Шу сўзлар билан дўстлари-ла қучоқлашиб хайрлашади.

Уларнинг ҳар бири ҳам Муқанна билан қучоқлашар экан «Тириклайин тушмаймиз ёв қўлига!» ва «қасос» сўзларини такрор қиладилар. Улар хайрлашиб бўлдилар. Гулханда олов ловиллайди. Бутун атрофда олов. Муқанна ўзини гулханга ташлади, дўстлари ҳам ўзларини бирма-бир оловга ташлай бошладилар.

П а р д а

Т а м о м.

# ЖИНОЯТ<sup>1</sup>

(Яқин кечмишдан бир лавҳа)

1944

5 ПАРДА, 10 КЎРИНИШЛИ  
ЛИРИК ДРАМА

---

<sup>1</sup> Ҳамид Олимжоннинг «Жиноят» номли драмаси биринчи марта нашр қилинмоқда. 1944 йилнинг мартида тугатилган бу асарнинг қўлёзмаси ёзувчининг архивида сақланади. (Ред.)

## ИШТИРОК ҚИЛАДИЛАР

1. Шаҳриёр.
2. Бўстон — Шаҳриёрнинг хотини.
3. Дилшод — қизи.
4. Ифтихор — ўғли.
5. Қаландар —
6. Зулайҳо — Қаландарнинг хотини.
7. Гулзор — қизи.
8. Хумор — Ифтихорнинг севгилиси.
9. Қуёш — Ифтихорнинг дуси.
10. Ислом.
11. Қариндошлар, қўшниллар.



## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КҰРИНИШ

Баҳор. Боғ, Гулзор кезиб ўтади. Унга Шаҳриёрнинг кўзи тушиб қолди. Гулзор қайрилиб қаради ва эгилиб салом қилди. Шаҳриёр алик олди. Гулзор ўтиб кетди. Шаҳриёр соқолини ушлаб ҳирс билан тикилиб қолди.

### Шаҳриёр

Кўзларимга не кўрсатдинг, ё рабб!  
Куппа-кундуз туш кўрганга ўхшайман...  
Пайдо бўлди гўё бир малак каби,  
Қайга кетди, келган эди қаердан.

Ислом кирди.

Ановини кўрдингми?

Ислом

Ҳа, қиёмат!  
Қора қошу шахло кўз, сарв қомат.  
Томоғидан кўринади сув ичса,  
Гард юкмайди умр бўйи лой кечса.

### Шаҳриёр

У фаришта, у жаннатдан нишона,  
Кўрган одам бўлмай қолмас девона.

Ислом

Ҳа, фаришта, унинг турган битгани  
Бир парча ўт, кул бўлади тутгани.  
Тақсирни ҳам урибди-ку жигардан,  
Мажнун бўлиб кетманг яна саҳрога.

## Ш а ҳ р и ё р

Саҳро эмас, у жаннатулмаъвога  
Етаклайди кимки тушса изидан.

### И с л о м

Эсингизни бир оз йиғинг, эй тақсир,  
Еш боладай бўлманг бунча бесабр.  
Жуда арзон бўб кетди-ку жаннат ҳам.

## Ш а ҳ р и ё р

Сен дунёдан хабарсизсан, эй беғам,  
У турганда қимга керак жаннатинг?  
Қайси жаннат бўлолади унга тенг?

### И с л о м

Жаннат ўзи юриб бунда келди денг!

## Ш а ҳ р и ё р

Шундай бўлди, шундай бўлди, эй нодон,  
Кўзларимга тўғри қилди уни ким,  
Бир кўрдим-у ўзни тамом йўқотдим.

### И с л о м

Ҳамма ўша: жаннату, дину, имон.

## Ш а ҳ р и ё р

Худди шундай. Бошқанинг бари бир пул.  
(*Кўрсатади.*)  
Уни қара!

### И с л о м

(*қараб*)

Узяпти қизил гул.

## Ш а ҳ р и ё р

Қара, худди юришлари товусдай.

### И с л о м

Ҳой, бери кел, қоматингдан ўргилай...

## Ш а ҳ р и ё р

Ҳой, қичқирма, деворда ҳам қулоқ бор.

## И с л о м

Эй тақсирим, ёққан бўлса қилманг ор,  
Хотиржам, иситмаси ошкора.

## Ш а ҳ р и ё р

Топмоқ керак энди бунга бир чора.  
Биласанми, у ўзи ким, қаердан?

## И с л о м

Қаландарнинг қизи, ўзи шу ердан.

## Ш а ҳ р и ё р

Бу ёққа юр, бир яхшилаб кўрайлик.

## И с л о м

Қани юринг, қараб бир кайф сурайлик.

Гулзор кетган томонга чиқдилар. Улар чиқиши билан Хумор  
ва Ифтихор кирдилар.

## Х у м о р

Нима учун сен севасан баҳорни?

## И ф т и х о р

Чунки баҳор яқин қилади ёрни.  
Бинафшадай ётиб қишларда қорда  
Кўнгиллар ҳам гул очади баҳорда.  
Баҳор чоғи бутун табиат гуллар,  
Ғунча қаби очилади кўнгиллар.  
Сайр этади кушлар салқин самода,  
Булбулларнинг куйи кезар ҳавода.  
Осмон узра кўпаяди юлдузлар,  
Бир ўт бўлиб сендаги қора кўзлар  
Ендиради юракларни беомон;  
Қил устида титраб турар гўё жон.  
Ер куйида тинмай кезиб субҳу-шом  
Тунларингдан тамом кетади ором.

## Х у м о р

Эса баҳор нуқул ташвиш экан-да?

### И ф т и х о р

Агар билсанг, ҳамма гап ҳам ўшанда.  
Шу ташвишга қул бўлади ҳар ким ҳам,  
Лекин ҳеч ким пушмон бўлиб чекмас ғам.

### Х у м о р

Иўқ, бу ёлғон. Пушаймонлар оз эмас.

### И ф т и х о р

Улар учун севмоқ ёлғиз бир ҳавас.  
Тамошага келиб дарё бўйига,  
Сел келдими, қоча берар уйига.  
Бардоши йўқ қилар дарров пушаймон,  
Ҳижрон тушиб ораликқа, ичар қон.

### Х у м о р

Ифтихорда жуда кўпмикин бардош?

### И ф т и х о р

Хумор дейман бошимга ёғса ҳам тош.

### Х у м о р

Хўп қочарсан селни сен ҳам бир кўрсанг?

### И ф т и х о р

Тоғларни ҳам қулатаман буюрсанг.

### Х у м о р

Чидолмассан жиндай жабру ситамга?

### И ф т и х о р

Иўлларингда тайёрман ҳар бир ғамга.

### Х у м о р

Қўйиб берса азонгача сайрайсан.

### И ф т и х о р

Мен сайрайман, сен куйимда яйрайсан.  
Узинг ҳам кўп тегажаксан, Хуморхон,  
Қитиклайсан топсанг гапнинг жойини.

## Х у м о р

Чиқарасан сен ҳам гапнинг мойини.  
Сендан қочиб гап қутулмас ҳеч томон.

## И ф т и х о р

Бу гапни қўй, қачонгача юрамиз?

## Х у м о р

Баҳор ўтсин, сўнгра ўйлаб кўрамиз.

## И ф т и х о р

Бу баҳордан ҳеч қолдириб бўлмайди.

## Х у м о р

Сен шошилма, севги гулмас, сўлмайди,  
Пок бўлади у қанча кўп тобланса.

## И ф т и х о р

Кул бўлади юрак бундан кўп ёнса.

## Х у м о р

Сув сепиб қўй, бир оз ўти пасайсин,  
Сен севгингни бунча ҳам тез кул қилма.

## И ф т и х о р

Ялинаман, кўп алдама, сўйла чин,  
Кўп қийнама, юрагимни сил қилма.

## Х у м о р

Ҳой, ўзингни бир озгина тутиб ол,  
Бирданига шунча куймоқ кўп увол.  
Ҳар нарсага ёна бермоқ яхшимас.

## И ф т и х о р

Бўлди энди, қийнашингни қилгил бас,  
Ахир айтчи, севасанми чинакам?

## Х у м о р

Сўрай бериб кўп кўрқитма... билмасам.

И ф т и х о р

Юрганларим тоза бекор экан-да?

Х у м о р:

Мен билмасам, нима ишинг бор манда.

И ф т и х о р

Эса нега ҳадеб кела берасан?

Х у м о р

Мен билмасам, ўзинг мажбур қиласан.

И ф т и х о р

Эса тамом ажралишиб кетайлик?

Х у м о р

Йўқ, ойимнинг олдидан бир ўтайлик.

И ф т и х о р

Майлигами, мен дадамга арз қилсам?

Х у м о р

Билмасам.

Дарахтларда қушлар чирқирайди. Узоқдан музика овози эшитилади. Улар музика овози келган томонга қараб юрдилар. Гулзор юргин қайтиб ўтади. У атрофга, гулларга тикилади. Қушлар чирқираб турган дарахтларга қарайди, сўнгра аста-секин юриб чиқиб кетди. Унинг орқасидан яна Шаҳриёр ва Ислом пайдо бўлишди.

Ш а ҳ р и ё р

Қаландарнинг шундай қизи бормиди?

И с л о м

Худо берса у кимда ҳам бўлмайди?  
Бу ҳаммаси яратганнинг иши-да.

Ш а ҳ р и ё р  
(қарайди)

Бир қалтироқ кўзғатади кишида.  
Худо катта бир саҳийлик қилибди.

Ҳеч нарсани аямапти бу сафар.  
Саховати билан дунё тўлибди.  
Бир қул эди, шоҳ бўлибди Қаландар.

### И с л о м

Шоҳларда ҳам бундай гўзал бўлмайди.  
Подшоларни қул қилади истаса.

### Ш а ҳ р и ё р

Дунёдан ҳеч кўнғил қурғур тўлмайди.

### И с л о м

Тақсир, энди не қилайлик бўлмаса?  
Шундай жонон бекорга ёт бўлмасин.

### Ш а ҳ р и ё р

Ҳа, бир иш қил, қўлдан чиқиб кетмасин.  
Фақат қандай қилсак қўлга тушади?  
Ёрдам бериб кимлар ҳам бош кўшади?  
Масаланинг шу томони кўп чигал.

### И с л о м

Сиз кўнғлимни тўлдирсангиз бўлгани,  
Қилажакман ҳаммасини ўзим ҳал.

### Ш а ҳ р и ё р

(четга)

Бу тамагир «кўнғлимни» деб ўлгани.  
(Исломга.)

Қани айтчи, қилажаксан нималар?

### И с л о м

Қўя беринг, кўрсатаман кўп ҳунар,  
Бир иш қилиб Қаландарни аврайман.  
Қўпираман, кўкка қараб говлайман,  
Агар, дейман, куёв қилсанг Шаҳриёр.  
Бутун умр сенга даноҳ бўлади.  
Уйинг нозу неъмат билан тўлади.  
Ва бўлмайсан бу дунёда ҳеч бир зор.

### Ш а ҳ р и ё р

Қиз ўртага тушиб қолса агарда?

И с л о м

Иўқ, тушмайди, у қиз эмас бепарда.  
Ота ундан сўрамайди ризолик.

Ш а ҳ р и ё р

Шаҳриёрнинг хотини бор десачи?

И с л о м

Тушган дейман ўртасига жудолик.

Ш а ҳ р и ё р

Сургун бўлган у Шаҳриёр десачи?

И с л о м

Унда, дейман, ўтган ишга салавот.

Ш а ҳ р и ё р

Баракалла, Ислом сенга ҳасанот.  
Бир иш қилиб унга тутқич бермайсан,  
Аврайсан-у тузоғига кирмайсан.

И с л о м

Илонни ҳам чиқараман инидан.

Ш а ҳ р и ё р

Иўқ, бўлмайди, илон эмас, бу билан  
Сен қилични чиқарасан қинидан.  
Яна бало орттирасан бошимга.

И с л о м

Мен ёмонлик қилганим йўқ ҳеч кимга.

Ш а ҳ р и ё р

Бу гапни қўй, ўйлаб топ бошқа чора.

И с л о м

Тақсирим ҳам қилсинлар бир ишора?

Ш а ҳ р и ё р

Бунда маҳфий бир йўл керак, тушунсанг,  
Минг йилда ҳам очилмайдиган бир сир.



И с л о м

Бунчаликка менинг ақлим қолар танг,  
Махфий ишга ожизман жуда, тақсир,

Ш а ҳ р и ё р

Махфий ишни ўргатаман мен сенга.

И с л о м

Айтинг, тақсир, жуда зорман ўшашга.  
Қандай қилиб ром қиламиз гўзални?

Ш а ҳ р и ё р

Мана бундай бошлагин сен газални:  
Совчи қилиб юборди, де, Шаҳриёр,  
Бир ўғли бор, номи унинг Ифтихор.  
Иигитмисан йигит, деб айт, доно, де.  
Боодоб, де; боши тўла маъно, де.  
Ифтихорга сўра қизни сен ундан.

И с л о м

Жон тақсирим, тоза эсдан оздим мен,  
Демак сизга у қиз энди керакмас?

Ш а ҳ р и ё р

Шу гапни ҳам тушунмайсан эси пас!

И с л о м

Ўғлингизни уйлантирмоқ истайсиз.  
Сизга эмас, ўғлингизга бўлар қиз,  
Шундайми?

Ш а ҳ р и ё р

Йўқ, минг мартаба шундаймас.

И с л о м

Қайга кетди тақсиримдаги ҳавас?

Ш а ҳ р и ё р

Ҳавас ҳеч бир ёққа учиб кетганмас.  
Ҳавас ҳудди ўтдай ёниб турибди.

## И с л о м

Шуъласи ҳам юзингизга урибди.

## Ш а ҳ р и ё р

Ақли кутох бўлиб қолдинг фақат сан.

## И с л о м

Ростин айтсам, тақсир сизга ҳайронман,  
Келин қилмоқ уни сизга не даркор?  
Бошқа хотин тополмасми Ифтихор?

## Ш а ҳ р и ё р

Менга десанг қизни бермас у асло,  
Сотиб олсанг мумкин бошимга бало.  
Ифтихорга десанг берар у дарҳол,  
Ифтихор ҳам кўнса мумкин бемалол.  
Хамирдан қил суғургандай шунда иш  
Унг келади бежаъжалу беташвиш.  
Ифтихорга деймиз, сўнгра кўрамиз...

## И с л о м

Ҳам отаю ҳам ўғлига битта қиз?

## Ш а ҳ р и ё р

Ҳа, шундай, ҳа, Ифтихорга зоҳирда  
Хотин бўлар бошқа гап бор ботинда.

## И с л о м

Ҳа, тушундим, энди ўзимга келдим,  
Тақсиримнинг ниятларини билдим.  
Ҳар бир эркак агар бурун замонда  
Икки хотин олган бўлса, энди сиз  
Икки эркак бир хотин олсин дейсиз.  
Икки эркак, яъни ота ҳам ўғил.  
Ҳа, тушундим, тақсиримнинг фикри шул.  
Лекин тақсир, бу маҳфий иш агарда  
Бир гап бўлиб юртда бўлса ошкора,  
Онамизни Учқўрғондан кўрамиз.

## Ш а ҳ р и ё р

Бас қил энди; бўлма бунча бетамиз,  
Нимадан ҳам ҳайиқасан сен бунча?  
Қўрқаркансан сал нарсадан ўлгунча.

### И с л о м

Қўрқмайману, тақсир, ўзи фикрингиз  
Жуда мудҳиш, ахир йигит — ўғлингиз.  
Мудҳишмасми ота ўз фарзандига,  
Ўз фарзанду жони, жигар бандига  
Келиб-келиб шундай ёмон кун солса,  
Шундай оғир жиноят қила олса?

## Ш а ҳ р и ё р

Ҳа, жиноят, ҳа, жиноят, зулм, қон;  
Жиноятдан қўрққаним йўқ ҳеч қачон.  
Бу дунёнинг ўзи жиноятхона,  
Ҳар бир ният жиноятга баҳона.  
Мана эшит, йстаганинг шу бўлса:  
Сенга агар биров жиноят қилса,  
Сен бошқага жиноят қил ва сенинг  
Шундай қилсанг қолмас ҳеч кимда ҳақинг.  
Ота қилса ўз ўғлига жиноят,  
Ўғил қилар авлодига хиёнат.  
Шунда қолмас ҳеч кимда зору армон  
Оққанда ҳам дарё-дарё бўлиб қон.  
Қонуни шу бу яшашнинг сен билсанг.  
Агарда сен ҳеч жиноят қилмасанг  
Сичқон каби яшайсан қўрқоқ, ожиз,  
Бундан кўра ўлмоқ яхши шубҳасиз.  
Жиноятдан қўрқма; уни қила бил!  
Очилмайди ўтганда ҳам минглаб йил.

### И с л о м

Агар бу сир бўлиб қолса ошкора?

## Ш а ҳ р и ё р

Ким бўлса ҳам ўлдирамиз, шу қарор.

### И с л о м

Агар уни ошкор қилса қиз ўзи?

Шаҳриёр

Уша замон юмилажақдир кўзи.

Исло м

Билиб қолиб гаваъ солса Ифтихор?

Шаҳриёр

Жиноятдан тўхтамаймиз, шу қарор.

Исло м

Агар бизни ўлдирсалар?

Шаҳриёр

Қўрқма сан,  
Бир ўлмоқ бор ҳар кимга ҳам азалдан.  
Бор ишга туш, ҳунарингни бир ишлат!

Исло м

Совчиликни қилоламан беғалат.

Шаҳриёр

Бор, маҳкам бўл, олу, лекин олдирма.

Исло м

Мана кетдим.

Шаҳриёр

Ё тавба.

Исло м кетди, Шаҳриёр қаҳ-қаҳ уриб кулиб қолди. Яна музика овози эшитила бошлади. Ҳали кетган томондан Ифтихор кириб келди. Отасини кўрди, эгилиб салом қилди.

Шаҳриёр

Очилади баҳрим сенга қарасам.

Ифтихор

Бахтиёрман қарашликка ярасам.

Шаҳриёр

Мадоримсан, сен суяган тоғимсан,  
Қариганда яйраб қирар боғимсан;  
Сендай ўғил кўрган ота бахтиёр!

### И ф т и х о р

Бошим кўкка етар, отам Шаҳриёр.  
Ўғил бўлиб унга қуллик қилолсам,  
Белга қувват, жонига жон бўлолсам.  
Шундан буюк шараф бўларми менга?!

### Ш а ҳ р и ё р

Иигит бўпсан, ўғлим, энди чинакам,  
Тўй қилмоқлик, уйланмоқ керак сенга.

### И ф т и х о р

Сизга қарши мен дер эдим нима ҳам,  
Уйланмоқ ҳам ўғил билан қизга хос,  
Оталардан қолиб келган бир мерос.

### Ш а ҳ р и ё р

Агар ўғил уйланмаса ёш кетиб,  
Агар эрга чиқмаса қиз бўй етиб  
Ер юзида тўхтар эди ҳаёт ҳам,  
Шодлик битиб чўкар эди тамом ғам.  
Ўғлим энди уйланмоқчисан кимга?

### И ф т и х о р

Уялтирманг, дада, ҳали ҳеч кимга.

### Ш а ҳ р и ё р

Бунисига ишонмайман, эҳтимол,  
Бу режангга қўшилмоғи отанинг  
Ишларингга халал ҳам берар сенинг?  
Сўзларим ҳам эҳтимол келар малол?

### И ф т и х о р

Бү сўзларни сўзладингиз на учун?

### Ш а ҳ р и ё р

На учунки, бу замонда ўғил-қиз  
Иш қилади отасидан рухсатсиз.  
Ўғил-қизлар расво бўлди бус-бутун.  
Қиз ўзича топиб келади кув,в,  
Ўғил бўлса уйланади бесўров.  
На отага, на онага бир ҳурмат,

На қиз билан куёвда-бир муҳаббат,  
Ва на бугун оилада бир низом,  
Болаларга меҳрибоним деган ном,  
На турмушга ҳавас, на бир иштиёқ;  
Қарабсанки, ажралибди бесўроқ,  
Шу ҳам яшаш, шу ҳам севги бўлдимиз?  
Элдан қолган расму одат ўлдимиз?

### И ф т и х о р

Элдан қолган расму одат ўлмайди,  
Уғил-қиз ҳам элдан чиқса бўлмайди.

### Ш а ҳ р и ё р

Ҳаммаси гап, эрта-индин ўзинг ҳам  
Битгасини эргаштириб келасан.  
Ота бўлиб унда нима бўлдим ман,  
Юрт олдида шармисору муттаҳам.  
Ун кун ўтмай яна ажраб кетарсан,  
Яна мени тупроққа тенг этарсан,  
Қўялмасман кўчага ҳам бир қадам.  
Не келади ҳозир фарзанд кўлидан,  
Чиққан бўлса тамом ота йўлидан?  
Қани сўйла, кимга уйланмоқчисан?

### И ф т и х о р

Уни сўранг отам билан онамдан!

### Ш а ҳ р и ё р

Ота-она агар қаллиқ топсачи?

### И ф т и х о р

(чўчиб тушди)

Ота-она рози — худо ҳам рози.  
Ножўй бўлар фарзанднинг эътирози.  
Боласига ота ёмон соғинмас,  
Она бўлса хасни ҳам раво кўрмас.  
Иштиёрим отам билан онамда,  
Оёғида бошим ҳар бир қадамда,  
Босиб ўтса ҳаттоки чурқ этмайман,  
Қувласа ҳам эшигидан кетмайман.  
Қарғишини дуо дейман доимо,  
Айтганини тинмай қиламан бажо.

Бош эгаман ҳар қандайин ҳукмга.  
У буюрса қарши чиқай мен нега?  
Шунинг учун ўстирганми мени ул?  
Ота—хўжа, она—хўжа, ўғил—қул.

*(Эгилади, қайғули ва лекин сездирмайди. Шаҳриёр  
ўзида йўқ хурсанд.)*

Шаҳриёр

Раҳмат ўғлим, ўзим сенга дунёда  
Ёр топайки, малаклардан зиёда.  
Ухшаши ҳам топилмасин ҳеч қачон.  
Келин кўрсин отанг ҳам бир беармон.

Парда

## БИРИНЧИ ПАРДА

### ИККИНЧИ КҰРНИШ

Қаландарнинг уйи. Қаландар, унинг хотини Зулайхо  
ва Ислом. Ислом уларни унатиб турибди.

### И с л о м

Баракаллоҳ, Қаландар ҳимматингга!  
Умид билан остонангга мен қадам  
Қўйган эдим, ноумид қилмадинг сен.

### Қ а л а н д а р

Баракаллоҳ, сенинг ҳам санъатингга.  
Улаб доим ҳаётнинг ипларини,  
Шод этасан ўзинг ёшу қарини.  
Қилиб ҳаёт ниҳолига сен пайванд,  
Ўстирасан янги-янги мевалар.  
Қизларимиз топар ўзига монанд,  
Бошларига паноҳ топар бевалар.

### И с л о м

Яшамоқни тинмай давом эттирмақ  
Амри илоҳ бўлди ҳар бир бандага.  
Шоҳми, ёки ўралганми жандага  
Бу амрга бош эгади бесўроқ.  
Шаҳриёрнинг ўғли доно Ифтихор  
Қизингизга бугун бўлди харидор.  
Сабаб бўлдим мен уларнинг бахтига,  
Бир неча сўз қўшдим улар аҳдига.  
Ота-она сиз ҳам бунга қўшинг бош,  
Бириксинлар тезликда ою-қуёш.

(Зулайхога.)

Қани синглим, нима берсин Шаҳриёр?



### Зулайхо

Қизимизга олмаймиз кимсадан мол.

### Ислом

Қуй берсинми, сигирми, ёки газмол?

### Зулайхо

Шундай қизни молга ўлчаш кўп увол.

### Ислом

Наҳот қалин керак эмас ҳеч санга?

### Зулайхо

Уни ўлчаб бўладими қалинга?  
Боқаман деб она тўккан кўз ёшни,  
Тунлар бўйи ёстиқ кўрмаган бошни,  
Айтчи, тенглаб бўладими ҳеч пулга?  
Олтинни ҳеч тенглаб бўларми кулга?  
Бу кўзларки, эдилар уйқуга ёт,  
Уша қиз деб хазон бўлган бу ҳаёт,  
Ушани деб оппоқ бўлган бу сочлар  
Ҳисоб қилчи, бўлар экан қанча зар?  
Пулу молинг керак эмас ҳеч бизга,  
Дунёни ҳам олмаймиз қизимизга.  
Ўзи бахтли бўлса, бизга бўлгани.  
Уйдан кунгли тўлса, бизга бўлгани,

### Қаландар

Агарда ғам бўлмаса қишу ёзи,  
Чиқмаса ҳеч кўча-қуйга овози.  
Бошларига ҳеч тушмаса можаро,  
Ҳамма жойда гап қилмаса фуқаро,  
Эл ичида чиқармаса ёмон от,  
Қариндошни қилмаса ҳар жойда мот,  
Ва қилмаса отасини шарманда,  
Онасини номус-уятга банда  
Қилмаса у, бизга ўзи улуғ бахт.  
Керак эмас бизга бундан баланд тахт,  
Сен пул бериб қилма бизни ҳақорат.

### З у л а й ҳ о

Қизимизни агар пулга ўлчаса  
Билиб қўйки, Шаҳриёр бўлар ғорат.

### И с л о м

Қул қилади мени мана бу ҳиммат,  
Ҳимматингиз ҳатто тоғлардан баланд.  
Қани, омин, мен келдим, лекин бало  
Уйингизга қадам босмасин асло.

### Қ а л а н д а р, З у л а й ҳ о

Омин!

### Қ а л а н д а р

Қани, хотин, чиқар менинг тўнимни,  
Қийдираман уни букун Исломга.

Зулайҳо тўнни келтирди, Қаландар тутди.

### З у л а й ҳ о

Э худоё қора қилма тунимни.

### И с л о м

Ҳурматларим келар сизга саломга.

Қаландар тўнни кийдирди.

### Қ а л а н д а р

Муборак.

### З у л а й ҳ о

Муборак бўлсин.

### И с л о м

Яна омин, уйингизга бахт гўлсин.  
(Яна фотиҳа қилди, чиқиб кетди.)

### Қ а л а н д а р (Зулайҳога)

Сен Гулзорни чақир, у ҳам эшитсин,  
Бундан сўнгра шунга қараб иш тутсин.

Зулайҳо чиқди.

Бу замонда бўй етган қизни тезроқ  
Эрга бериб қутулмоқдан яхшироқ  
Ҳеч бир иш йўқ. Бу бўлмаса минг ғавго,  
Қиз бошида ҳар куни бир можаро.  
Очиқ-сочиқ кўча-кўйда юраркан,  
Ота-она қутулмайди ташвишдан.

З у л а й ҳ о, унинг орқасидан Гулзор кирди, эгилиб таъзим қилди.

Гулзор

Бошим эгиб салом қилдим, дадамга.

Қаландар

Минг шукурлар сени еткизган дамга.

З у л а й ҳ о

Қизим, сени бермоқчимиз куёвга.

Гулзор

Қайси лочин чиқибди экан овга?

Қаландар

Кўнглинг тўлар эди агар ким бўлса?

Гулзор

Не қиласиз ҳали кўнглим жим бўлса?  
Уйғонмаган бўлса ҳали ҳаваслар?

З у л а й ҳ о

Сендай қизлар ҳозир кўча-кўйларда  
Ер танлайди юриб очиқ, бепарда.

Гулзор

Фойда чиқмас ҳар қанча ҳам кезсалар,  
Қанча ожиз бўлса қизларнинг зори,  
Шунча кучли оталар ихтиёри.

Қаландар

Нима дединг, она қизим, на сўз бу?

## Гулзор

Мен дедимки, қизлар ютади оғу,  
Мен дедимки, қизларда бор фақат зор.  
Ота билан онада-чи? Ихтиёр.

Қиз интилса қанча эркин нафасга,  
Ота-она солар бир кун қафасга.  
Сўрасангиз мендан, гап шул, жон дада.  
Қанча юрган бўлсам ҳамки кўчада  
Асло назар ташламадим бировга.  
Чиққаним йўқ кўчага ҳеч мен овга.  
Модомики, уйингизга мен меҳмон,  
Нега сизни койитайин, дадажон?

## Қаландар

Қизим сени берамиз Ифтихорга.

Гулзор  
(*чўчиб тушди*)

Яна османг қизингизни сиз дорга?

## Зулайҳо

Тушунмадим, қизим, нима дединг сан?

## Гулзор

Отасини ёмон деб эшитганман.

## Қаландар

Эшитгансан яна уни кўчадан.

## Гулзор

Эшитганман кўп юрган деб сургунда.

## Қаландар

Ушани ҳам гапирганлар кўчада.

## Гулзор

Одамхўр деб эшитганман, дадажон.

## Қаландар

Уви деган кўчадаги бир ҳайвон.

Гулзор

Жон аяжон, отасидан кўрқаман.

Қаландар

Бу маърифат сенга юққан кўчадан.

Зулайҳо

Отасига сенинг нима ишинг бор?

Қаландар

Қани айтчи, одамхўрми Ифтихор?

Гулзор

Жон дадажон, унисини билмайман.

Қаландар

Ҳеч бир нарса билмадингми кўчадан?

Зулайҳо

Фойдаси йўқ кезмоқнинг кўча-кўйда,  
Гулзор қизим, энди ўтир сен уйда.  
Бўй етибсан, энди ўлтир, тўйни кут.  
Кўча-кўйда юрмоқликни сен унут.  
Кўнглингга ҳуш келмадимми Ифтихор?

Гулзор

Мен на билай? Ўзингизда ихтиёр.

Зулайҳо

Нима дейсан яқин кунда тўй қилсак?

Гулзор

Амрингизга бўйсунаман мен бешак.

Қаландар

Қизим, сўйла кўнглингда не сўзинг бор?

Гулзор

Тамом сизда кўнглимдаги эҳтиёр.

Парла

## ИККИНЧИ ПАРДА

### УЧИНЧИ КҮРИНИШ

Шаҳриёрнинг ўйи. Шаҳриёр, Бўстон ва Дилшод безов-  
талик билан Ислоннинг қайтишини кутмоқдалар.

#### Шаҳриёр

Ислон кетди жуда узоқ бедарак,  
Қариса ҳам ҳамон беғам ўлгудак,  
Қаландар на деди экан, ажабо?  
Ё Ифтихор кўриндими бебаҳо?  
Ё жирканиб отасидан қилди ор?  
Ўзни аъло, ёки бизни билди хор?  
Ёки қалин сўрадимиз бир дунё?

#### Дилшод

Дада, бунча ташвиш қилманг бесабаб,  
Келиб қолар, аниқ бўлар ҳамма гап.

#### Шаҳриёр

Агар бизни ноумид қилиб қайтарса,  
Шаънимизга жуда ёмон бу нарса.  
Қандай қилиб аканг юртда юради?  
Қандай қилиб отанг элга қарайди.

#### Бўстон

Ифтихорга хотин қуриб кетганмас,  
Бермасинчи, минг дилбарни шу нафас  
Саф қиламан, осмондаги ойни ҳам  
Унга олиб бероламан хоҳласа.

### Ш а ҳ р и ё р

Сен билмайсан, Гулзор деган бир санам  
Қаршисида ой ҳам бир сопол коса.

### Д и л ш о д

Гулзорхонни мақтадингиз-да роса.

### Ш а ҳ р и ё р

Уни кимки, худо бериб бир кўrsa,  
Насиб бўлса эшигингда бир юрса,  
Бутун умр ўтажак у беармон.

### Д и л ш о д

Келинни хўп топибсиз-да, дадажон.

### Ш а ҳ р и ё р

Ифтихорни қилсам дейман бахтиёр.

### Б ў с т о н

Ҳар на қилса арзийдиган ўғлим бор.

### Ш а ҳ р и ё р

Агар кўнгли кўнгли билан келса мос,  
Жаҳонда ҳам ўхшаши йўқ, деса рост.

### Д и л ш о д

*(ташқарига қарайди)*

Ана дада, ҳовлиқиб келди Ислом.

И с л о м кирди, устида тўн, хурсанд.

### И с л о м

Тўй устига тўйлар бўлсин, ассалом.

### Ш а ҳ р и ё р

Нима қилдинг, рози қилиб келдингми?  
Кўнглидаги барча гапни билдингми?

### И с л о м

*(тўнни кўрсатиб гердаяди)*

Кийиб келдим устидаги тўнини.

Тайин қилдим тўйнинг бўлар кунини.

Ш а ҳ р и ё р

Тезроқ гапир, қанча қалин сўради?

И с л о м

Қиз бир дунё олтинга тенг туради.

Ш а ҳ р и ё р

Униси рост, ўзи қанча сўради?

И с л о м

Нима десам айтганимга юради.

Ислом, Бўстон билан Дилшодни ишора қилди. Шаҳриёр уларни чиқариб юборади.

Ш а ҳ р и ё р

Қани айтчи, рози қилдинг қанчага?

И с л о м.

Қўя беринг, арзон тушди анчага.

Ш а ҳ р и ё р

Тез айтсангчи, қанча экан шу арзон.

И с л о м

(секин)

Ўн минг сўмга рози қилдим, тақсиржон.  
Фақат ҳеч ким билмасин деб ялинди.  
Қуда билан ҳатто учрашганда ҳам  
Қалиндан ҳеч урмасинлар деди дам.  
Уни қуда сенга берсинлар деди,  
Ўзинг менга берарсан келганингда,  
Уйимизга бир меҳмон бўлганингда —  
Деб менга ҳам шўрлик тоза ялинди.

Ш а ҳ р и ё р

Қани, тўйни қачон қиламиз энди?

И с л о м

Ишни худо ўнг келтирди, тақсиржон,  
Бир ҳафтада нозанин бўлар меҳмон.  
Яна қайта туғиласиз дунёга.



Шунча яхши тўй қанчаки тез бўлса,  
Тинчиб олса ота билан она ҳам,  
Тушган бўлар бошидаги катта ғам.

### Ш а ҳ р и ё р

Қизнинг ўзи нима деди, билдингми?

### И с л о м

Қиз симобдай эриб турди жимгина.  
Барча гапни одоб билан эшитди,  
Ота-она на деса кулоқ тутди.  
Уялгандан чиқиб кетди эшикка.

### Ш а ҳ р и ё р

Ё рабби?

### И с л о м

Уни сизга ким кўрсатди ажабо?

### Ш а ҳ р и ё р

Худо.

Бир оз паузадан сўнг.

Болаларни чақирайлик эшитсин,  
Энди ҳамма шунга қараб иш тутсин.

### И с л о м

Мумкин бўлса аввал қалин чўзилса,  
Қуда ёқдан энг аввал қарз узилса.  
Бу томонни бетўполон, бешовқин  
Бир тарафлик қилиб қўйсак биз буқун.  
Ундан сўнгра майли ҳамма келса ҳам.

### Ш а ҳ р и ё р

Силжитмайсан сен одамни бир қадам.  
(Шаҳриёр сандиқни очди, пулларни олди.)  
Мана ўн минг, олиб бориб бер аста.  
(Яна икки пачка пулни Исломнинг ўзига берди.)  
Хизматингга мана бу икки даста.

Ислом пулларни олди. Қўйнига солди, қаддини ростлади.

И с л о м

Бирон ерда оғзингиздан чиқарманг.

Ш а ҳ р и ё р

Менга ҳунар ўргатдингиз, э ҳорманг.

И с л о м

Чақирсангиз майли энди уларни.

Шаҳриёр эшикни очди. Бўстон, Дилшод кирди. Шаҳриёр  
Дилшодга.

Ш а ҳ р и ё р

Бор акангни чақир, гапни эшитсин,  
Бундан сўнгра шунга қараб иш тутсин.

И с л о м

Тўйга йиғсин ҳар қанча молу зарни.

Дилшод чиқди.

Бола эмас, кимсан қуёв у энди,  
Катта одам бўлиб юрса арзийди.

Дилшод, Ифтихор кирди.

Гўзал йигит, қоматингга ҳасанот.

Ш а ҳ р и ё р

Йигит эмас, отасига бир қанот,  
Осмонга ҳам учоламан сен бўлсанг,  
Юлдузни ҳам кучоламан сен бўлсанг.

Б ў с т о н

Отанг омон бўлсин, болам, бахтингга,

И с л о м

Менинг ўзим ўтқизаман тахтингга.

Ш а ҳ р и ё р

Гўзал ўғлим, тўй қиламиз тез кунда.

Б ў с т о н

Бир яйрайин, болагинам, тўйингда.

## И ф т и х о р

Уйланмоқ ҳам қисматда бор бир нарса,  
Бу қисматда менга тушган ким бўлса?  
(Шаҳриёрга.)

Рухсат бўлса юзингизга қарасам,  
Рафиқам ким, нишонини сўрасам?  
Менга кўнгил берган дилдор ким экан?  
Талаб қилиб чиққан у ёр ким экан?

## И с л о м

Гулзор деган малак сифат бир раъно.  
Париларга уни кўрмоқ таманно.

## Ш а ҳ р и ё р

Одамизод орасида, бил, ёлғиз  
Бекаму кўст яратилган ўша қиз.

## И ф т и х о р

Гулзорни мен эшитганман, дадажон.  
Уни кўрган кимсада қолмас армон.  
Ҳақиқатан у жаннатдан нишона.  
Уни тангри севар экан чинакам.

## Ш а ҳ р и ё р

Ҳар нарсани қилиб менга баҳона  
Кўйганингда секин юзимга қадам,  
Билган эдим кўнглингдагини мен ҳам.

## И ф т и х о р

Йўқ, дадажон, кўнглимдаги Гулзормас,  
Мендан жуда узоқ эди бу ҳавас...

Ҳамма ҳайрон.

(Ифтихор нималардир демоқчи бўлади.)

Ахир мен ҳам... Ахир мен ҳам... Гулзорга...  
Лойиқ эмас мен ўшандай дилдорга.  
Унинг бошқа бирор дегани бордир,  
Сўрамагандирлар ундан эҳтимол,  
Эҳтимолки, кўнглига бошқа ёрдир.  
Эҳтимолки, мен унга келсам малол.  
Менга ҳам бир бечораси топилар,

Мумкин бўлса бир оз шошмай турсалар.  
Гулзорни ҳам қилмасангизлар увол.

### Шаҳриёр

Тополмайсан гўзалини Гулзордан.

### Бўстон

Юз ўгирма, болам, шундай дилдордан.

### Ислому

Улиб бўлдим кўндиргунча ўзингга.

### Ифтихор (бирдан)

Ана, ўзинг жавоб бердинг сўзингга!  
Улиб бўлмоқ нега керак севганда?  
Нима керак ўртага сендай даллол?  
Демак, Гулзор рози эмас экан-да?

### Шаҳриёр

(Исломуга жаҳл билан)

Нарироқ тур, ишни буздинг, хом калла  
(Ифтихорга.)

Гулзор чиқди ўзи бўлиб талабгор.

У дунёю бу дунёда ундай ёр

Тополмайсан агар ҳозир ноз қилсанг,

Тополмайсан бутун умр югурсанг.

Яна билки, ёмон саёқ юрибсан,

Дилшодга ҳам сен ғов бўлиб турибсан.

Яна билки, сендан сўрамасдан ҳам

Ота-она кўя олади қадам.

Эсингдами, ота—хўжа, ўғил—қул.

Уйланасан Гулзорга, амримиз шу!

### Ифтихор

Нега керак унда мендан сўрамоқ.

### Шаҳриёр

Бир марҳамат қилдик сенга, шу халос.  
Душманмизми сенга, қани сўйла рост?

## И ф т и х о р

Ота-она қила олар мени оқ.  
Лекин ҳамон бўлмас менга у душман,  
Падаримсиз, бўйсунмоққа мажбурман:  
Ихтиёрим сизларнинг қўлингизда,  
Тупроқ бўлиб ётаман йўлингизда.

## Б ў с т о н

Балли ўғлим, толеинг баланд бўлсин.

## Ш а ҳ р и ё р

Кел бир ўпай, уйинг бахт билан тўлсин.

П а р д а.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Тўртинчи кўриниш

Бог. Дарахтларда қушлар сайрамоқда. Хумор билан Ифтихорнинг учрашуви.

Хумор

Утолдингми ота-онанг олдидаи?

Ифтихор

Ўзинг рухсат ололдингми улардан?

Хумор

Йўқ, негадир журъат эта олмадим,  
Кетга қараб торга берди юрагим,  
На учундир жуда қўрқдим сўзлашдан,  
Тилим худди боғлангандай туюлдим.  
Ўзим худди эриб кетгандай бўлдим,  
Ичим пишиб сенга келдим яна мен.

Ифтихор

(огир)

Яхши қибсан. Айтмаганинг маъқулроқ.

Хумор

(чўчиб тушиди)

Нима дединг? Айтмаганинг маъқулроқ?!

Ифтихор

Хар нарсанинг айтадиган вақти бор,  
Фақат шунда сўз топади эътибор.

Х у м о р  
(ҳайрон)

Бу гап тўғри. Лекин нега юрагим  
Қалтирайди тўхтамасдан бетиним?

И ф т и х о р

Не учунки, оталардан бесўроқ  
Очиқ юриб ўзингга ёр танламоқ,  
Ҳамда уни севаман деб арз этмоқ,  
Ҳам улардан тўйга рухсат сўрамоқ  
Жуда оғир, жуда катта бир қадам.  
Юрак шунда урмасинми сира ҳам.  
(Секин — оғир.)

Ва бордию ота ғазабда бўлса,  
Ва бордию она ғафлатда бўлса,  
Бенжозат сенинг қўйган қадаминг  
Тутоқтирса улар жаҳолатини,  
Ким тополар ёруғ дунёдан сеңи?  
Тилинг тўхтаб, чўкиб кетмасми даминг?

Х у м о р

Мен ҳар қалай асло сўзлай олмадим.

И ф т и х о р  
(секин)

Яхши қибсан.

Х у м о р

Ахир бориб айтар ким?  
Ё сўрамай қўшила берамизми?  
Ёки айтмай тинч юра берамизми?  
Ё бош олиб қочамизми бир ёққа?

И ф т и х о р

Тушган бўлса оёғимиз тузоққа,  
Сўйлаб берчи, у чоғда нима чора?

Х у м о р  
(ҳайрон)

Сўзинг мени қўрқитмоқда тобора,  
Юрагимга солмоқдасан ваҳима;

Қилмоқдасан бағримни қийма-қийма.  
Бир дейсанки, айтмаганинг яхшироқ,  
Кел қочайлик десам, сен дейсан тузоқ.  
(Жиддий.)

Қани айтчи, ўзинг ўта олдингми?  
Ёки сен ҳам соқов бўлиб қолдингми?

И ф т и х о р

Менинг ҳолим сеникидан баттарроқ.  
Утолмадим мен отамнинг олдидан.

Х у м о р

Нима учун? Сен ҳар ҳолда эркаксан,  
Қизлардаги журъатсизлик сенга ёт.  
Бизда журъат жуда озу, кўп уят.  
Ахир, йигит қўрқмас, ботир бўлади.

И ф т и х о р

Йигитдан ҳам баъзан тақдир кулади.  
Ота-она қаршисида йигит ҳам  
Кўп журъатсиз бўлар экан чинакам.

Х у м о р  
(тикилиб)

Шундай қилиб сен ҳам айтолмадингми?

И ф т и х о р  
(ерга қараб)

Айтолмадим. Лекин улар айтдилар.

Х у м о р  
(қизиқиб)

Не дедилар? Қаердан билибдилар?

И ф т и х о р  
(ҳамон кўзи ерга тикилган)

Йўқ айтдилар ҳеч нарсани билмасдан.

Х у м о р

Аста-секин тушунтиргин энди сан.  
Аҳдимизни баён қилсанг бўларди,  
Сезгимизни аён қилсанг бўларди.



И ф т и х о р

Улар тамом бўлак гапни айтдилар.

Х у м о р

(ҳовлиқиб)

Бўлибдими севганимиз овоза?

Мени биров ёмонлабдими тоза?

И ф т и х о р

Йўқ, йўқ. Улар сендан тамом беҳабар.

Х у м о р

Бўлмаса айт, ахир нима дедилар?

Ифтихор азоб чекади, лекин айтолмайди.

И ф т и х о р

Мен ўтгани келдим сенинг олдингдан.

Х у м о р

(ўзини йўқотиб)

Нима дединг? Эсимни йўқотдим ман.

Сен ўтгани келдинг менинг олдимдан?

Ахир мен-ку сенинг отанг эмасман?!

И ф т и х о р

(унга тикилиб)

Қошки эди отам бўлсанг бир нафас,

Кенг бўларди менинг учун бу қафас.

Қошки эди айта олсам зоримни,

Эълон қилсам Хумор деган ёримни.

Севганимни қилсам эди ошкора,

Қўлим тутиб қилсанг дардимга чора.

Х у м о р

Юрагимни қўрқитасан тобора,

Сен нимани яширмақдасан мендан?

И ф т и х о р

Айтай десам, дилим тутар тилимни,

Сендан узр сўрамоққа келдим ман.

## Х у м о р

Нима учун? Нима эди гуноҳинг?

## И ф т и х о р

Мендан қолиб сенинг чекажак оҳинг,  
Ҳижрон билан ўртанажак нигоҳинг,  
Ва Ифтихор узолмаган занжирлар...

## Х у м о р

(унинг сўзларини такрорлайди)

...ва Ифтихор узолмаган занжирлар....  
Қайси занжир? Кишанланган одам ким?

## И ф т и х о р

Кишанланган одам менман, малагим.

(Пауза)

Отам мени ўзи уйлантирмоқда.

## Х у м о р

(ғазаб билан)

Қимга?

## И ф т и х о р

Гулзорга.

## Х у м о р

Гулзорга..

Сен ҳам унга бўлиб келдингми рози?

## И ф т и х о р

Бошим қотди, оғир тошу тарози:  
Ота билан онам турар у ёқда,  
Кўнглим билан Хумор эса бу ёқда.

## Х у м о р

Бермадингми уларга шундай савол?

## И ф т и х о р

Отам тутиб тилларимни қилди лол.  
Бош кўтариб қаролмадим юзига,

Рад жавобин беролмадим сўзига,  
Сўзлайин деб озор чекдим, уриндим,  
Кўзларига яна ёмон кўриндим.

### Х у м о р

Севганингни айтиб ошкор қилишга,  
Жиндай бўлсин ишқ ўтида куйишга  
Ярамабсан. Уялибсан отангдан...  
Менинг билан юриб қилган хатонгдан  
Бўлмаса қайт. Бу осонроқ, аҳтимол,  
Эҳтимол, бу тилларингни қилмас лол?!  
Уялмасдан қароларсан кўзимга,  
Рад жавобин бероларсан сўзимга.

### И ф т и х о р

(қийналади)

Икки оташ ўртасида қолдим мен.  
Парчалама юрагимни энди сен.

### Х у м о р

Энди билдим. Шунинг учун юрагим  
Қалтираган экан уйда бетиним.

### И ф т и х о р

Бир неча кун қўйиб эркин нафасга  
Соладилар яна бир кун қафасга.  
Қанот ёзиб қила олмайсан парвоз.

### Х у м о р

Ахир сен ҳам қанотни яхшироқ ёз,  
Журъат билан кўтарилгин ҳавога,  
Эга бўлгин тиниқ ва кенг самога.  
Чиқа олсанг тамом эркин нафасга,  
Ҳеч ким тутиб сола олмас қафасга.  
Сенинг ўзинг учганинг йўқ ҳеч қачон  
Фақат шохдан-шоҳга қўниб юрибсан.  
Бундай қушнинг жойи қафас бўлади.

### И ф т и х о р

(оғир)

Жойи қафас, толеи паст бўлади.

## Х у м о р

Унисини айтолмайман. Толеинг  
Мен билгандан балки баланддир сенинг.

Пауза. Оғир жимжитлик.

Демак хайр, қутлуғ бўлсин янги ёр,  
Ва самога совурилган паймонлар.

## И ф т и х о р

Тирқирайди менинг бағримда қонлар,  
Сени ташлаб бўладими, эй Хумор?  
*(Икковларининг кўзларида ёш.)*

## Х у м о р

Энди лозим сен ҳам мени унутсанг...

## И ф т и х о р

Кеча-кундуз таниннга заҳар ютсанг..  
Бўлармиди Хумор сени унутиб?  
Бўлармиди сендан бошқа ёр тутиб?  
Сенсиз мумкин фақатгина ўртанмоқ,  
Ҳижрон, фироқ оловларида ёнмоқ.

П а р д а

## УЧИНЧИ ПАРДА

### БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

Гулзор ва Ифтихорнинг тўй кечаси. Шаҳриёрнинг ташқи ҳовлиси. Одамлар тўйга келмоқдалар. Ҳамма келини кутмоқда. Ичкарида тўй шовқини. Бир бурчакда Шаҳриёр билан Ислом сўзлашиб турибди. Шаҳриёр ясанган. Иккинчи бир бурчакда, уларга кўринмай, Қуёш кулоқ солиб, Шаҳриёр билан Исломнинг сўзини эшитиб қолди.

### Ислом

Ёмон ишга бош қўшдим-да, тақсиржон.

### Шаҳриёр

Тўй кунда қилмасангчи кўп фиғон.

### Ислом

Жуда ёмон оғир жиноят бўлди.

### Шаҳриёр

Жиноятнинг энди тамом кўмилди.  
Хурсанд бўлиб ишратингни сура бер,  
Ҳеч нарсани билмагандай юра бер.

### Ислом

Бир фалокат босиб сезиб қолсалар...

### Шаҳриёр

Унда мумкин жонимизни олсалар.  
Лекин сирдан сен ва худо хабардор.

## И с л о м

У қилмайди бандасини ошкор.

## Ш а ҳ р и ё р

Сен жавобгар, агарда сир очилса,  
Алжисангу, биров бу сирни билса,  
Жаҳаннамга жўнатаман ўша он.

Кӯеш диққат билан қулоқ солади. Ислом тамакорона дейди.

## И с л о м

Жон тақсирим, ҳали ҳам қўлларим қон.  
Шаҳриёр унга бир даста пул узатади.

## Ш а ҳ р и ё р

Ма, буни ол, қўлингнинг қонини юв.

Ислом хурсанд, пулни олади.

## И с л о м

Қонни жуда юволади тез бу сув.  
(Чўнтагига солади.)

Не бўлса ҳам зўр жиноят бўлди-да.

## Ш а ҳ р и ё р

Бас қил дейман, кўп гапирма беҳуда,  
Деворнинг ҳам қулоғи бор, гўрсўхта!

## И с л о м

Ҳадик қилманг, ишимиз жуда пухта,  
Қидирса ҳам уни юз минг қовоқбош  
Минг йилда ҳам қила олмас сира фош.

Бир оз паузадан сўнг.

Узингиз ҳам тоза куёв бўлибсиз,  
Қирчиллама йигитлардай тўлибсиз.  
Энди қайлиқ морай бўлсин, жон тақсир.

## Ш а ҳ р и ё р

Қайлиқ ҳали келгани йўқ, тўхтаб тур.

## И с л о м

Келмай энди қаёққа ҳам борарди,  
Қўлингизга худди қушдай қилдим ром.

## Шаҳриёр

Ун минг пулда экан отанинг дарди.

## Ислоъм

Энди ётиб ола берасиз ором.

Қуёшнинг бутун диққати уларда. Шаҳриёр ҳадиксираб  
у ёқ-бу ёққа қаради.

## Шаҳриёр

Гапни чўздинг. Бор йўлга чиқ, кутиб ол!  
Яқинлашган чоғда карнай-сурнай чал.

## Ислоъм

Жоним билан.

*(Чиқиб кетди.)*

Шаҳриёр ичкарига қараб юрди. Қуёш ўртага чи-  
қа бошлаган эди, ичкаридан Бўстон чиқди. Шаҳриёр ор-  
қага тисланди. Қуёш аввалги жойига қайтди. Улар сез-  
мадилар.

## Шаҳриёр

Ифтихорнинг кайфи қалай, у қани?

## Бўстон

Улиб бўлдим овитай деб ўшани.  
Жуда оғир, жуда гангиб қолибди.

## Шаҳриёр

Бирор гапи бор эканми кўнглида?  
Қандай нарса кўнглига гап солибди?

## Бўстон

Усмоқчилаб кўрдим уни мен жуда.  
Нимагадир ҳеч бир нарса айтмайди,  
Икки кунки асло таом тотмайди.

## Шаҳриёр

Бўлмасмиди ҳолин Дилшод сўраса?

## Бўстон

Билолмайди минг қилса ҳам ҳеч нарса.  
Ичкаридан Дилшод чиқиб қолди.

## Д и л ш о д

Шунча хафа бўладими күёв ҳам?  
Тушган каби бошига катта бир ғам,  
Ҳеч нарсани эшитгуси келмайди.

## Ш а ҳ р и ё р (Бўстонга)

Ўғлинг бундай қила берса бўлмайди.  
Ахир уят қуда-анда олдида.  
Мана ҳозир келин келиб қолади,  
Отдан уни ким тушириб олади?

## Б ў с т о н

Не қилишга ўзим ҳайронман жуда.

## Ш а ҳ р и ё р

- Бор, икковинг бир иш қилиб йўлга сол,  
Бир оз юпат, қандай бўлса кўнглин ол.  
У кўммасин отасини уятга.

Б ў с т о н билан Д и л ш о д ичкарига кирдилар. Шаҳриёр  
ёлғиз қолди. Қуёш ҳамон тинглаб турибди.

Гўрга эди иш пачава бўлмаса,  
Тўй ўрнига бало, мотам келмаса.  
(У бир оз хафа, ташқарига чиқиб кетди.  
Қуёш очиққа чиқди.)

## Қ у ё ш

Сиру асрор билан тўлдим бирпасда,  
Ёрилгудай бошим ҳам шу нафасда.  
Нима учун хафа экан Ифтихор?  
Ва ёки у бу гаплардан хабардор?  
Ёки бошқа севгани бор эканми?  
Ёки унинг юрагига, эҳтимол,  
Бир йўл билан аён бўлган бу аҳвол?  
Ҳам кўзига бу дунё тор эканми?

## (П а у з а.)

Ҳеч бир одам бўлмас экан Шаҳриёр!  
(Ислом кетган томонга.)  
Сен бўлсачи: эҳ сен Ислом, сен Ислом,



Ишлар тоза расво экан, вассалом,  
Балоларга дучор экан Ифтихор.

Чиқиб кетмоқчи эди, боғ томондан Ифтихор пайдо бўл-  
ди. У секин-секин юриб келмоқда.

И ф т и х о р

Қуёш, бунда нима қилиб турибсан?

Қ у ё ш

Дўстим, тўйга хизмат қилиб юрибман.  
Қани энди, тўйлар бўлсин муборақ.

И ф т и х о р

Бўйдоқ юрсам яхшироқ эди сендак.

Қ у ё ш

Жон дер эдим, агарда мен тўй кўрсам,  
Ўзимга боп қайлиқ кўрсам, уй кўрсам.

И ф т и х о р

Сен айтгандай тўйни мен ҳам кўрганда  
Ҳеч бир армон қилмас эдим ўлганда.

Қ у ё ш

Нима бўлди, севмайсанми Гулзорни?

И ф т и х о р

Отам билан онам топди у ёрни.  
Гулзор жуда ёқиб қопти отамга.

Қ у ё ш

(секин)

Ҳа, шундайми?

И ф т и х о р

Лоф уради, доим мақтайди манга.

Қ у ё ш

Ҳа, шундайми?

И ф т и х о р

Ҳеч тенги йўқ дейди унинг жаҳонда.

Қуёш

Ҳа, шундайми?  
Қаландарга бориб юрар эканми?

Ифтихор

Билолмадим.

Қуёш

Гулзор унга яхши таниш эканми ?

Ифтихор

Билолмадим уни ҳам.

Қуёш

А, Исломчи?

Ифтихор

Муттаҳам.  
У ўртада вакил бўлиб турибди.  
Совчи бўлиб тинмай санқиб юрибди.

Қуёш

Отанг билан Ислом жуда ҳам сирдош?

Ифтихор

Гўё ҳозир битта бўлган икки бош.

Қуёш

Нима учун улар бунча дўст экан?

Ифтихор

Нима учун дўстлигини билмайман.  
Лекин иши шивир-шивир донмо,  
Бир-бирини тушунади беимо.  
Қўпаяди гап иккови учрашса.

Қуёш

Ислом йўлга солар отанг адашса.

Қўчада шовқин. Ифтихор тез ичкари кириб кетди. Қуёш шовқин келган томонга чиқди. «Келин келди, келин келди» деб болалар чопишмоқдалар. Ташқаридан «ёр-ёр» овози кела бошлади.

Саҳна ўртасига ўт ёқдилар. Ифтихорни олиб чиқдилар. У Гулзорни отдан туширди. Гулзорни олиб кириб гулхан атрофидан айлантirmoқдалар. «Ер-ёр» давом қилмоқда.  
«Ер-ёр»га Ислom билан Қуёш ҳам аралашмоқда.

Х а л қ

Йиғлама қиз йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр,  
Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр.

Қ у ё ш

Ёш келиннинг юрагини сир босибди, ёр-ёр,  
Қайнатанинг юрагини кир босибди, ёр-ёр,

И с л о м

Ифтихорга Қаландарнинг қизи келди, ёр-ёр.

Қ у ё ш

Эҳтиёт бўл, Ислom бойнинг изи келди, ёр-ёр.

И с л о м

Ёш келиннинг уйлари сарo бўлсин ёр-ёр,

Қ у ё ш

Ёмонларнинг юзлари қарo бўлсин, ёр-ёр.

Б и р о в

Келин пошша йиғлайди ёт бўлдим деб, ёр-ёр.

Қ у ё ш

Шўрлик куёв йиғлайди мот бўлдим деб, ёр-ёр.

Ҳамма ичкарига кирди. Тўй-тамоша давом қилмоқда.  
Қуёшнинг ичида илон ўрмалайди

П а р д а

**УЧИНЧИ ПАРДА**  
**ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ**

Гулзорнинг уйи. Ифтихор ва Қуёш сўзлашиб турибдилар.

И ф т и х о р

Сўйла, Қуёш, бошларингда не ташвиш.

Қ у ё ш

Азиз дўстим, сенга жуда бир мудҳиш  
Ҳақиқатни айтмоқликка мажбурман.

И ф т и х о р

Тинглаганда кўнглингда ғам тўлса ҳам,  
Ҳар қанчалик уйдурма ва бўҳтондан  
У минг марта афзал мудҳиш бўлса ҳам.

Қ у ё ш

Сен Гулзорни севасанми чинакам?

И ф т и х о р

*(жуда оғир жавоб беради)*

Шуни мендан сўрайди бутун одам.  
Бирор жавоб айтмоқликка ҳайронман.  
«Севаман» деб айтсам, юраги қонман.  
«Севмайман» деб айтмоқлик ҳам кўп гуноҳ.  
Қийналаман кўзларига қарасам,  
Утга тушиб чекаман тинмайин оҳ,  
Кўнглимга ҳам тўлади янгидан ғам.  
Севаганим, севганимни билмайман.

Қуёш ,  
(Қуёш бир оз энгиллашгандай)

Гулзор сени севадими чинакам?

И ф т и х о р

Ҳар нафаси нишон берар севгидан.  
Силжмайди олдимдан у бир қадам,  
Сал кечиксам изимга бўлади зор,  
Оёғимга топинмоққа у тайёр.  
Бир севмоқлик шунча бўлур оламда.

Қуёш  
(хафа ва оғир)

Сен севмайсан, у севади беғубор.

(П а у з а.)

Гулзорни ким севар экан, у ҳолда?  
Ҳеч нарсадан борми сенинг хабаринг?

И ф т и х о р  
(тараддуд ичида)

Қўп ажойиб, дўстим, сўзларинг сенинг,  
Қайдан билай севар экан уни ким.  
Билганлар ҳам мени кўрса қолар жим.  
(Бир оз жим қолгандан сўнг.)  
Лекин севса арзигудай бир дилдор,  
Жуда ҳам кам топилади бу хил ёр.

Қуёш

Отанг қандай ният билан Гулзорни  
Сенга олиб берганин биласанми?

И ф т и х о р  
(ҳайрон)

Якка-ёлғиз ўғлин уйлантирганда  
Қандай ният бўлур эди отада?  
Бўлур эди унинг қандай ғарази?  
Бўлганда ҳам ўз ўғлидан арази,  
Елғиз боши икки бўлсин дейди-да,  
Ота бўлсин, бола кўрсин дейди-да.

Қуёш

*(жиддий)*

Яна қандай бир нияти бор экан?

Ифтихор

*(ҳамон ҳайрон)*

Бундан ортиқ ниятини билмайман.

Қуёш

*(ҳамон жиддийлашиб)*

Ҳеч бир нарса сўзламадими Гулзор?

Ҳеч бир сирдан бўлмабдими хабардор?

Ифтихор

*(нима деб жавоб беришни билмайди)*

Бутун сири унинг мени севгани,

Кўнглидаги энг эзгу асрори шу.

Ишқ ўтидир бечоранинг куйгани,

Ҳам қувончи ҳамда барча зори шу.

Гулзор фақат севганидан хабардор,

Бундан бошқа ҳар нарсдан қилар ор.

Ҳеч нарсани билгиси ҳам келмайди.

Ҳеч бир сўзни қулоғига илмайди.

Истайдики, унга ҳам бутун олам

Фақат унинг севгисидан урсин дам.

Қуёш

Сен севмасанг, Гулзор севса шу қадар,

Унинг шунча маъсум ва пок севгиси

Қаршисида ким бўлади жавобгар?

Йўқ эмасдир ахир уларнинг эси?

Қизнинг маъсум ҳисларини ҳақорат

Қилиб шундай оғир ва зўр жиноят

Қилганларнинг ниятлари на экан?

Наҳот шунда ўз ўғлига муҳаббат?

Наҳот шунда тўғри ва тоза ният?

Сен нимага фикр қилиб кўрмайсан?

Ифтихор

*(ялингандай)*

Қуёш, санчма бунча бағримга тикон.

Бор эканми бу ерда бир жиноят?

Худо ҳаққи, Қуёш, уни билмайман.  
Боболардан қолган энг қадим одат,  
Сўрамасдан ўғил-қизлардан хоҳиш  
Ҳокимлардай қиладилар улар иш.  
Баъзан биров бахтиёр ҳам бўлади,  
Баъзи бирлар заҳар ютиб ўлади.  
Лекин бундан бир жиноят қидирмоқ.  
Ҳақиқатдан, дўстим, жуда ҳам йироқ.  
Яхши бўлар эди агар шу одат  
Йўқотилса, бўлса тамоман ғорат.  
Йигит-қизлар йўли тамом нур бўлса,  
Севгисида улар тамом ҳур бўлса,  
Оталар ҳам улар йўлин тутмасдан  
Бош қўшсалар гап чиққанда дафъатан.

### Қ у ё ш

Сен дунёдан тамоман беҳабарсан,  
Гўдаклардай тамом содда фикринг ҳам,  
Болаларча қилган барча зикринг ҳам,  
Ва билмайсан нима учун Гулзорни  
Зўрлаб сенга олиб берганларини.  
Жиноятнинг барини дейсан одат,  
Биров бахтсиз, биров топиб саодат  
Яшайди деб юпатасан ўзингни;  
Сенинг ўзинг кўр қиласан кўзингни.

### И ф т и х о р (жиддий)

Айт, бу ерда қандайин жиноят бор?

### Қ у ё ш (тикилиб)

Яхши кўрар Гулзорингни Шаҳриёр.

### И ф т и х о р (ўзини йўқотган, саросима)

Танит менга, ким экан Шаҳриёринг?

### Қ у ё ш

Шаҳриёрми? Сенинг отайи зоринг,  
Қиблагоҳинг, сенинг пушту паноҳинг.

## И ф т и х о р

*(Ўзини йўқотган. Ғазаб билан Қуёшни итариб юборди )*

У йиқилиб тушди. Ифтихорнинг даҳшатда эканини кўриб лол.

Елғон! Елғон! Елғон!  
Кўзларимдан йўқол, аблаҳ, шу замон.  
Елғон! Елғон! Елғон!  
Оқизаман қора юрагингдан қон.  
Елғон! Елғон! Елғон!  
Шундай сўзга қандайин борди тилинг?  
Уялмасми у сенинг беор дилинг?  
Яна қандай қараласан кўзимга?  
Елғон! Елғон! Елғон!  
Ота шундай жиноятни қиларми?  
Фарзанд унга шунчалик ёв бўларми?  
Елғон! Елғон! Елғон!  
Оҳ, энди ҳеч келолмайман ўзимга.  
Энди лозим қулоқларим ситилса,  
Юракларим парча-парча титилса,  
Бугун бағрим эриб оқса бўлиб сув,  
Жаҳон бўлса кўзларимга қоронғу,  
Бугун ҳаво мен учун бўлса оғу.  
Елғон! Елғон! Елғон!

## Қ у ё ш

Эшитганман ўзим отанг оғзидан.

## И ф т и х о р

Аблаҳ, туҳмат қилмоқдасан унга сан.

## Қ у ё ш

*(тиз чўкиб гапиради)*

Кўзим агар кўр бўлсин ёлғон бўлса,  
Тилим ҳам кесилсин бўҳтонни деса.  
Қулоқларим ҳам бўлсин шу замон кар  
Сенга зарра ёлғон сўзласам агар.

## И ф т и х о р

*(бошини ушлайди)*

Оҳ, шўр бошим, нималар бор қисматда,  
Нималарни эшитдим бу соатда?  
Қайси тошга энди бориб бош урсам?



Қуёш  
(ялиниб)

Рухсат берсанг, дўстим, ёнингда юрсам.

Ифтихор  
(қатъий)

Йўқ, асло йўқ, менинг ўзим бораман.  
Қани менга сўзлаб берсин Шаҳриёр,  
Ўз ўғлида унинг қандай қасди бор?

Ўқдай отилиб Гулзор кирди.

Гулзор

Нима жанжал? Нима бўлди? Нима ҳол?

Ифтихор

Қора қошлар, шахло кўзлар, оҳ увол!  
Қора сочлар, бу қоматлар, бечора...

Гулзор

Нима бўлди? Юрагим пора-пора.

Ифтихор

Дардларингга даво бўлсайди зора,  
Тақдир сени қилмай бунча овора  
Не бўларди тилагингга етказса,  
Қўлларингга бахт гулини тутқазса.  
Келтирмаса бунча офат бошимга,  
Заҳар қўшиб мен шўрликнинг ошимга.

Гулзор  
(ялинади)

Ялинаман, мумкинмикан англатсанг?

Ифтихор  
(қизғаниб)

Танг бўлади ҳолинг жиндайин тотсанг.  
Шундай бўлар бало лойига ботсанг.  
Англагандан англамаган яхшироқ,

Бундай гапни тингламаган яхшироқ.  
Оҳ, наҳотки, шу мудҳиш гап рост бўлса.  
Елғон! Елғон! Елғон!

Отилиб чиқиб кетди. Қуёш жим. Гулзор оғир  
ҳаяжон ичида.

П а р д а

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА

### ЕТТИНЧИ КҮРИНИШ

Бог. Ифтихорнинг Хумор билан учрашуви, қайғули Ифтихор жуда ҳаяжон билан Хуморни қарши олди. Хумор бир оз етлашган, ўзини чет тутди.

Ифтихор

Қайда қолдинг, э халоскор фаришта!

Хумор

*(оғир ва лоқайдроқ)*

Энди сени фақат кўраман тушда.  
Энди тамом бегонамиз биз икков.

Ифтихор

*(яна ҳаяжон билан)*

Юрагимни парчалама бўлиб ёв.

Хумор

*(ҳамон ўша рўҳда)*

Ёв эмасман, бегона бўлдим сенга,  
Сен ҳам менга энди тамом бўлдинг ёт.

Ифтихор

Тушмайманми энди сира эсингга?

Хумор

Энди сени эсламоқлик ҳам уят.  
Нима фойда энди сени эшладан?  
Хотиримни қилмоққами паришон?

Тунлар бўйи бўлмоқ учунми нолон?  
Менинг учун сен энди тамом ҳечсан.

И ф т и х о р  
(изтироб билан)

Сенинг учун энди тамом ҳеч бўлсам,  
Лозим экан тезроқ энди мен ўлсам.

Х у м о р  
Улмоқ эмас, керак сенга яшамоқ,  
Бахтиёрсан, тунинг ойдин, йўлинг оқ,  
Юрт ичида номи кетган ёринг бор.

И ф т и х о р  
(ёлбориб)

Сени бир дам кўролмасам йўқ қарор,  
Дунё зиндон кўринади кўзимга.

Х у м о р  
Энди гуноҳ мен кўзингга кўринсам,  
Парвонадек атрофингда уринсам.  
Ундан сўнгра жуда огир ўзимга  
Сени кўриб ўтганларни эсламоқ  
Ва сени ҳам нега лозим ранжитмоқ.  
Ҳисларимни энди пинҳон тутмоқдан,  
Дардларимни ўз ичимга ютмоқдан  
Менинг учун энди бошқа чора йўқ,  
Юрагимда бўлса ҳам оғули ўқ.

(Пауза.)

Сендан узоқ бўлсин кимки дўст бўлса.

И ф т и х о р  
На қиламан юрагимга дард тўлса.

Х у м о р  
Дардлашкали бор-ку гўзал ҳамхонанг,  
Қола берса синглинг, меҳрибон онанг.  
Ундан сўнгра бор-ку ҳатто отанг ҳам.

Ифтихор изтироб билан тўлганиб олди. Қалбини бир оз тирнагандай ўртаниб, юзида даҳшат пайдо бўлди.

## Ифтихор

Ялинаман ўзинга ичиб қасам:  
Ушаларни солма асло ёднга,  
Сабаб бўлма фиғонимга, додимга.  
Ушаларни бир дам бўлсин унутмоқ  
Учун келдим сени излаб ёнингга.

## Хумор

Беҳудага қасд қилмасдан жонингга  
Лозим мендан ўзингни узоқ тутмоқ.  
Сенга лозим энди мени унутсанг,  
Хумор юрган кўчалардан юрмасанг;  
Кўрганда ҳам кўзни юмиб кўрмасанг.  
Кимга керак энди сен чиқарган чанг.

## Ифтихор

Азоблама, аҳволимни қилма танг.

## Хумор

Агар йўлда учраб қолганинга сан,  
Ерга қараб ўтсам лозим энди ман.  
Нима керак сенга мени қийнамоқ,  
Нима фойда хотиримни бузишдан,  
Гулзор билан аҳд ипларин узишдан.

## Ифтихор

*(бир оз тушунган бўлиб)*

Жуда оғир, олов билан ўйнамоқ,  
Лекин агар тушган жойим жаҳаннам  
Бўлгандан сўнг, қилар эдим нима ҳам?  
Фарқсизмасми қайси бир ўтда куйсам?  
Фарқсизмасми қай гулханда кул бўлсам?

## Хумор

Гулзорнинг ҳам ҳисларини ҳақорат  
Қилмоқ ўзи жуда оғир жиноят!

## Ифтихор

*(ҳаяжон ичида)*

Бу жиноят барчасидан мудҳишроқ!  
Нима чора? Не қилардим мен, бироқ!

## Х у м о р

(ўйлайди. Ифтихор ҳаётида қандайдир ҳоллар юз берганини англагандай)

Нима бўлди? Нима сабаб зорингга?  
Ҳаётингдан нега бўлдинг норизо?

## И ф т и х о р

Уни сўраб борлигимни ёндирма,  
Айтиш учун сўз ололмам тилимга.  
Мен отанинг ҳурмати деб кўп ёмон  
Бир иш қилдим, энди ичим, тошим қон.  
Тополмайман энди дардимга чора,  
Тентирайман юриб саёқ, овора.  
Ўтдан чиқиб агар жиндай юпансам,  
Сенинг дилбар хаёлинг билан қонсам —  
Шундагина ҳаётимда бир маъно  
Сезган бўлиб кўз очаман оламга.

## Х у м о р

паузадан сўнг.

Бу қандайин гирдоб тўла бир дарё!  
Фикр қилсанг чувалади, борлигинг  
Даҳшат ичра ботгандай бўлар сенинг.

(Жиддий)

Ёндирувчи ўт бўлса ҳам сўзингда,  
Қатъият йўқ асло сенинг ўзингда.  
Ажаб эмас, тушган бўлсанг ўтга ҳам,  
Жаннат бўлиб кўринган жой жаҳаннам  
Бўлиб чиққан бўлса бу ҳам эҳтимол.  
Чунки сенда ҳеч бўлмади ирода.  
Сендан содда одам бўлмас дунёда.  
Дўстларингни қилдинг доимо ўсал.  
Ҳар мақомга мумкин сени ўйнатса,  
Жаннат деса, лекин, дўзоҳга отса.  
Чунки ўзинг ўтакетган ғўр эдинг,  
Кўзинг очиқ, лекин, аммо кўр эдинг,  
Сенда бўлса йигитларча шижоат,  
Бунча аянч бўлмас эдинг бу соат.

Ифтихорнинг боши эгилган, нима деб жавоб беришни билмайди.  
Улар жуда яқин турибдилар. Узоқдан Гулзор кўринади.

И ф т и х о р

Нима қилай, сўзларинг барчаси рост?

П а р д а

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА

### САККИЗИНЧИ КҮРИНИШ

Гулзорнинг хонаси. У ёлғиз ва қайғули ўтирибди. Унинг ёнига  
Шаҳриёр кириб келди.

Шаҳриёр

Нега ёлғиз ўтирибсан, жон қизим?

Гулзор

Ёлғизликка туғилганман мен ўзим.  
Ёлғиз эдим отамнинг уйида ҳам,  
Мана сизнинг даргоҳда ҳам ёлғизман.  
Менинг ўзим толейим паст бир қизман,  
Ёлғиз эдим Ифтихор тўйида ҳам.

Шаҳриёр

(яқин келиб сочларини силайди)

Ифтихоринг қаерларда юради?

Гулзор

Уни асло сўзламайди, дадажон.  
Фарзандингиз мени ёмон кўради,  
Кута бериб юракларим бўлди қон.

Шаҳриёр

(яна яқинроқ келади)

Юрагингни беҳудага қон қилма.  
У бола-да, ҳали аҳмоқ, эси пас,  
Йигитликнинг шовқи билан тоза мас.



Парво қилма, сира хафа ҳам бўлма.  
(Гулзорнинг сочлари, қўлларини тинмасдан  
силайти.)

Гулзор

Юракларим ёрилгудай бўлади.  
Бу хонада ҳатто чибин учмайди.  
Зериккандан ичим қонга тўлади.  
Ҳу... десаму бош олиб кетсам дейман.

Шаҳриёр

(чўчиб тушади)

Йўқ, йўқ, қизим, сен бу гапни гапирма.  
Фаришталар яхши, ёмон гапга ҳам  
Омин дейди.

Гулзор

Омин деса жаҳаннам.

Шаҳриёр

Сен кўнглингни ёмон йўлларга бурма.

Гулзор

Ўғлингиз ҳеч мени яхши кўрмайди.  
Бир нафас ҳам ҳузуримда турмайди.

Шаҳриёр

(ҳамон Гулзорнинг сочларини силамоқда)  
Аста-аста кўникади, жон қизим.  
Фойдаси йўқ ҳадеб заҳрингни тўксанг...  
Ундан сўнгра... Агар жуда... зериксанг...  
Қачон десанг ёнингдаман мен ўзим...  
Эшигингнинг олдида доим борман,  
Қачон десанг хизматингга тайёрман.  
(Гулзорни ўпди. Гулзор чўчиб тушиб итариб  
юборди. Ўзи тисарилди.)

Гулзор

Ўпгани йўқ мени ҳатто ўғлингиз,  
Шундай ишга қандай журъат қилдингиз?

Ш а ҳ р и ё р  
(саросима)

Ўпдим сени, қизим, ўғлим учун ҳам.  
Тамом кетди юрагимни босган ғам.  
Минг розиман қарғасанг ҳам, сўксанг ҳам,  
Минг розиман кўкрагимга тепсанг ҳам.

Г у л з о р

Қўйинг, дада, уяламан мен сиздан,  
Энди қандай юзингизга қарайман.

Ш а ҳ р и ё р  
(ялиниб)

Хафа бўлма, ҳар ишингга ярайман,  
Эшигингни шупураман қул бўлиб;  
Оловингда ёнсам майли қул бўлиб.

Яна яқинлашмоқда эди бирдан Ифтихор кириб келди.  
У ҳайрон. Шаҳриёр саросима. Гулзор ерга қараб турибди.

И ф т и х о р

Қуёш айтган сўзлар наҳот рост бўлса!

Ш а ҳ р и ё р

Кел ўғлим, кел, баланд парвоз шунқорим!

И ф т и х о р

Қуёш айтган сўзлар наҳот рост бўлса!

Ш а ҳ р и ё р

Кел ўғлим, кел, фаҳрим ва Ифтихорим.

И ф т и х о р  
(киноя билан)

Жуда яхши кўриндим-а шу маҳал?

Ш а ҳ р и ё р

Қора тунда ёнгандай бўлди машғал.

И ф т и х о р  
(Гулзорни кўрсатиб)

Офтоб билан ўлтирибсиз. Машғалга

Сира-сира эҳтиёж йўқ эди-да.  
Ундан сўнгра шундай офтоб олдида  
Машғал тамом кул бўлиб қолади-да.

Гулзор ҳамон кўзи ерда, титраб турибди.

### Ш а ҳ р и ё р

Офтобим бор, бор яна машғалим ҳам,  
Қани айтчи, бу дунёда нимама кам?  
Айтчи, борми мендай ота бахтиёр,  
Қизи Гулзор, ўгли бўлса Ифтихор.

### И ф т и х о р

Сиздан бахтли одам асло топилмас.  
Ўғилнинг ҳам сиздан кўра бахти пас.  
(Гулзорга.)

Сен чиқиб тур, эй муҳтарам офтоб!  
Машғал қилсин Шаҳриёрга бир хитоб.

Гулзор чиқиб кетди. Шаҳриёр ва Ифтихор ёлғиз.

Ташлаб кетсам, нима дейсиз, Гулзорни?

### Ш а ҳ р и ё р

(Ифтихорнинг сирдан хабардор эканини билмайди.)

Нима дединг?

### И ф т и х о р

Ажраламан дейман, сизга, Гулзордан.

### Ш а ҳ р и ё р (жаҳл билан)

Фақат тентак ажрайди шундай ёрдан.

### И ф т и х о р

Тентакдан ҳам ҳолим хароб билсангиз.

### Ш а ҳ р и ё р

Нима бўлди? Ёқмайдими шундай қиз!

### И ф т и х о р

Қиз хўп гўзал, фариштадай, бегумон.

Ш а ҳ р и ё р

Ундай бўлса сабаб нима? Ё раҳмон!

И ф т и х о р

Қизғанаман... Севолмайман... Ёнаман...

Ш а ҳ р и ё р

Қизғанаман... Севолмайман... Ёнаман...

И ф т и х о р

Ундан тамом ажралмасам йўқ чора...

Ш а ҳ р и ё р

Эсиз Гулзор... Шундай малак... бечора.  
Жинни бўпсан сен Гулзорнинг хуснидан.

И ф т и х о р

Ажраламан, на десангиз, бари ман.  
Жинни эмас, тентақдан ҳам баттарман.  
Қўзлари кўр, гумроҳ, қулоғи карман.  
Мендан ортиқ расво бўлмас жаҳонда.

Ш а ҳ р и ё р

Шундай оғир, шундай чигал замонда  
Яна заҳар қўшасанми ошимга?  
Яна ташвиш соласанми бошимга?  
Қариганда шуми берган роҳатинг?  
Шунча қийнайдимиз ўғил падарни?  
Падаркушликмикан сенинг одатинг?  
Шу ниятда сени одам қилдимми?  
(Йиғлайди, Ифтихор яна ғазабга киради.)  
Уволмасми шундай қизни хор қилмоқ?

И ф т и х о р

Эса лозим сизга мендан ор қилмоқ.

Ш а ҳ р и ё р

Рост, ор қилмоқ лозим сендай ўғилдан.  
Сен Гулзорнинг қийматини билмайсан.

### И ф т и х о р

Рост, Гулзорнинг қийматини яна сиз  
Мендан кўра жуда яхши биларсиз?

### Ш а ҳ р и ё р

Ҳа биламан, Мен яхшироқ биламан  
Ва сени ҳам шунга мажбур қиламан.

### И ф т и х о р

Етмайдими шунча мажбур бўлганим?  
Мажбур бўлиб тириклайин ўлганим?

### Ш а ҳ р и ё р

Минг йил қидир, топмайсан ундай ёрни.

### И ф т и х о р

Ичим ёниб ташлайман у дилдорни.

### Ш а ҳ р и ё р

Сен отангининг сўзларини қайтарма!

### И ф т и х о р

Ота бўлсанг болангни қонга қорма!

### Ш а ҳ р и ё р

Оқ қиламан умрим тамом бўлгунча!  
Тўхтамасдан қарғайман то ўлгунча!

### И ф т и х о р

Қарғамоқлик шундан ортиқ бўларми?

### Ш а ҳ р и ё р

Очиқ сўйла, нима қилдим сенга ман.

### И ф т и х о р

О, нималар қилганингни билмайман.  
Кўзим очиб қаролмайман юзингга,  
Не қилганинг кўп аёндир ўзингга.

## Ш а ҳ р и ё р

Агар шундай ишлар қилиб бепарда  
Ота сўзин ерга урсанг агарда,  
Одаммасман, агар бор десам болам!  
(Эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди.)

Гулзор кирди. Ифтихор ўз-ўзича.

## И ф т и х о р

Қуёш айтган гаплар наҳот рост бўлса.

## Гулзор

Буюр жоним, нега бунча хафасан.

## И ф т и х о р

Э табиатнинг ўзи яратган малак,  
Сенинг шаҳло кўзларингдан кетаман.  
Бутун дунё кўзимга тор ўлгидак,  
Сенинг қумрол сочларингга алвидо.

## Гулзор

Нималардир сўзлаганинг? Э худо!

## И ф т и х о р

Сендан букун ажраламан, фариштам.

## Гулзор

Сўйла ахир, солдим сенга ғам?  
Наҳот етмас сени шунча севганим,  
Ёлғизликда кута бериб куйганим?  
Нима қилсам юпатаман кўнглингни?  
Нима қилсам йўқолади аразинг?  
Қандай қилиб тарқатаман бу мунгни?  
Очиқ сўйла, нимададир ғаразинг?  
Наҳот севмоқ ортиқ бўлса шундан ҳам?

## И ф т и х о р

Севмоқ бундан ортиқ бўлмас, муҳтарам.

## Гулзор

Эса нечун қарор қилдинг кетмоққа?

И ф т и х о р

Қийналаман. Сола берма сўроққа.

Г у л з о р

Рози бўлдинг на учун уйланишга?

И ф т и х о р

Хато қилдим.

Г у л з о р

Бирга яшаб, бирга куйиб ёнишга?

И ф т и х о р

Хато қилдим.

Г у л з о р

Нега кўндинг, айт, отангининг сўзига?

И ф т и х о р

Хато қилдим минг марта.

Г у л з о р

Наҳот менга ачинмасанг, э инсон?

И ф т и х о р

Ачинаман, шунинг учун бағрим қон.

Г у л з о р

Энди лозим сендан қилсам кимга дод?  
Ахир мени ўлдирмасми бу иснод?

И ф т и х о р

Шўр бошингга тушган савдо олдида  
Бу сен учун фақатгина бир холва.

Г у л з о р

Қандай савдо тушди менинг бошимга?

И ф т и х о р

Қалбинг ўзи уни сўйласин сенга.

Гулзор

Модомики шундай дардинг бор экан,  
Нима учун сўйламадинг дафъатан?

Ифтихор

Нима қилай, кўрмай босдим тиконни,  
Жароҳатга тўлдирган чоғда танни  
Билиб қолдим, кўзим мошдай очилди,  
Дарё-дарё бўлиб қоним сочилди.

Гулзор

На қилсанг ҳам ажралмайман мен сандан.

Ифтихор

Ажралмасдан туролмайман энди мен.

Гулзор

Соя каби судраламан орқангда.

Ифтихор

Эҳтиёринг, лекин чиқмас ҳеч фойда.

Гулзор

Шуни билки, агар сандан ажралсам,  
Бу ерларда турмайман бир нафас ҳам:  
Ёт элларга кетаман зор-овора.

Ифтихор

Бу сен учун бўлар энг яхши чора.

Гулзор

Ялинаман, у айтганинг на савдо?

Ифтихор

Агар уни сўзлай олсайди тилим,  
Шу қадарлик ёнмас эди бу дилим.

Гулзор

Нима учун айтолмайсан уни сан?



И ф т и х о р

Кучим етмас, айтишликдан ожизман.

Г у л з о р

Кета берасанми ўзни қутқариб?

И ф т и х о р

Бошим тегди қаттиқ тошларга бориб.

Г у л з о р

Йўқ, асло йўқ. Кетолмайсан ҳеч ерга:

Улик бўлсак бир қабрда ётамиз,

Тирик бўлсәк бўламиз доим бирга.

Етиммасмиз, бор-қу ахир отамиз.

И ф т и х о р

Оҳ...

*(Иккови ҳам йиғлайди.)*

П а р д а

## БЕШИНЧИ ПАРДА

### ТУҶҚИЗИНЧИ КУРНИИШ



Дарё бўи. Ифтхор ва Хумор.

#### Ифтхор

Кел, даво бўл, бу оғриган бошимга,  
Бир оз ачин кўздан оққан ёшимга.  
Сендан узоқ яшолмайман, эй Хумор!  
Тезроқ келгил, изларинга бўлдим зор.

Секин-секин юриб Хумор кириб келди.  
Сенсиз асло яшолмайман, фариштам.

#### Хумор

Сени кўрсам йўқолади сариштам,  
Фикрларим чувалади бутунлай,  
Кезган билан менинг орқамдан тинмай  
Энди ҳосил бўлармиди ҳеч мурод?  
Узинг ўйла, ахир энди бўлдик ёт.

#### Ифтхор

Сенинг сўзинг мени доим қилар лол.

#### Хумор

Гулзорни ҳам хўрлаш ахир кўп увол.  
Нечун бунча қила бердинг оҳу-воҳ?  
Наҳотки у қилиб қўйди бир гуноҳ?

#### Ифтхор

Гуноҳ кўзи уни ҳали кўрмаган,  
У баҳорги чечак каби ҳали пок,

Хазон ели ҳали уни урмаган,  
Фақат мумкин мени қилса у ҳалок..

Х у м о р

Фақат мумкин сени қилса у ҳалок?..  
Модомики Гулзор шунча пок экан,  
Нега бунча ҳазар қилдинг сен ундан?  
Нима учун? Сабаб нима? Қил изҳор!

И ф т и х о р

Айтолмайман, кўзларимга фақат дор  
Кўринади уйга қадам ташласам.  
Ажраламан. Сени деб ичдим қасам.

Х у м о р

Сен Гулзорга қиляпсан жиноят.

И ф т и х о р

Тўғри, менинг гуноҳим оғир ғоят.

Х у м о р

Сен бир умр соласан унга иснод,  
Бечорани кўмасан маломатга.

И ф т и х о р

Иснод солсам кирай дарҳол лаҳатга.  
Мен ўзим ҳам савдога тушдим, ҳайҳот.

Х у м о р

Эса гапир, ким бўлди у гуноҳкор.

И ф т и х о р

Сўзлолмайман. Тилларимда занжир бор.

Х у м о р

(тутоқиб кетди)

Занжирни уз, йигит бўлсанг, ёр севсанг.  
Ҳам ўзингнинг ҳам бировнинг ҳолин танг  
Қилиб бундай юрганингдан фойда йўқ.  
Шундан сўнгра ёр бўлади ким санга?  
Сен ҳамманинг бағрига санчасан ўқ.

И ф т и х о р

Бардошим йўқ ортиқ бунча таънангга,  
Журъатсизман. Мана менинг гуноҳим.  
Шунинг учун фалакка чиқди оҳим.

Х у м о р

Айт, Гулзорга бу савдони солган ким?

И ф т и х о р

Билмайман.

Х у м о р

Шундай савдо солсанг мумкин менга ҳам.

И ф т и х о р

Бошим кетсин сенга шуни истасам.

Х у м о р

Бу ўртада қандай сир бор билмайман.  
Биласан-ку севганимни юракдан.  
Лекин Гулзор хўрлашга ҳеч лойиқмас.

И ф т и х о р

Кўр бўлайин унга раво кўрсам хас.

Х у м о р

Уни хўрлаш кимга керак бўлмаса?

И ф т и х о р

Ҳеч кимга.

Х у м о р

Йигит бўлиб келмас сенинг қўлингдан  
Наҳот уни ҳалокатдан қутқармоқ?

И ф т и х о р

Нима қилай, ўзинг ўйла, ожизман.

Х у м о р

Тўсиқларни олиб ташла йўлингдан,  
Йигитсан-ку, кўзни оч, оламга боқ.

### И ф т и х о р

Кўзни очсам тоқатларим бўлар тоқ.

### Х у м о р

Ўзинг ўйла, ҳеч номус борми сенда?  
Қиз бошига бирор жафо тушганда  
Кета берса йигит жонни қутқариб,  
Кета берса хотинни қонга қориб?  
Уятмасми, ўйлаб кўргин танангга?  
Ким айтади шунда одам деб санга?  
Шуми ҳали сенинг одамгарлигинг?  
Сен мени ҳам қилсанг мумкин муттаҳам,  
Юрт олдида бир кун тупроқ билан тенг.  
Ёмон кўрдим, ҳар қанчалик севсам ҳам,  
Бор нарироқ, кўз олдимдан тез йўқол,  
Ўзингга боп бир номардни топиб ол.  
Ор қиламан сендай латта, ожиздан.

### И ф т и х о р

*(қийналиб, оғир жавоб беради у, бир нарсага қарор қилгандай.)*

О, қийнама, нима десанг қиламан.

### Х у м о р

Қутқарасан Гулзорни бу ситамдан!

### И ф т и х о р

Қарор қилдим: айтганингни қиламан.

### Х у м о р

Агар барча тўсиққа қарши борсанг,  
Агар уни ҳалокатдан қутқарсанг,  
Агар барча айтганларимга кўнсанг,  
Оёғини ўпиб унга ялинсанг,  
Рози қилсанг бечорани ўзингдан —  
Ана шунда ёр бўламан сенга ман.  
Бўлмаса бор, сенга — оқ йўл бир умр.  
Йўлинг очиқ, ўзинг менсиз умр кўр.  
Нима дейсан?

И ф т и х о р

(бошини баланд кўтариб )

Хўп, қиламан.

Улар бирга-бирга чиқиб кетдилар. Иккинчи томондан Исло м билан Қуёш кириб келди. Қуёш Исло мни сўроқ қилмоқда.

Қуёш

Сен Гулзорни кимга олиб берувдинг?

Исло м

(ўзини соддаликка солиб )

Ифтихорга.

Қуёш

Қонга ботган қўлларингни ювмоққа  
Тўй куни пул берган одам ким эди?

Исло м

(ўзини йўқотиб, чўчиб тушди. Унинг миясида яшин чаққандай бўлди.)

Нима дединг?

Қонга ботган қўлларингни ювмоққа...

Қуёш

Ҳа, қонга ботган қўлларингни ювмоққа  
Тўй куни пул берган одам ким эди?

Исло м

Э, жинни-пинни бўлдингми? Дуохонга бор,  
ўқиб қўйсин.

Қуёш

Йўқ. Сен ўзингни тентакликка солма. Қонга  
ботган қўлларингни ювмоққа тўй кунда пул  
берган ким эди?

Исло м

Ё тавба! Бунга бир бало бўлдимми?  
Қаёқдан ҳам учраб қолдинг сен менга?

Қуёш

Қонга ботган қўлларингни ювмоққа  
тўй кунда пул бегран ким эди?

И с л о м

Астоъфурулло, тушимми бу, ўнгимми?

Қуёш

Ўнгинг, Ўзинг ҳам уйқуда эмассан. Жуда  
хушёрсан.

И с л о м

Ўзинг жинни пинни эмасмисан?

Қуёш

Эмасман.

И с л о м

(энди ўзини тиклаб Қуёшга шиддат қила бошлади )

Нега бировга туҳмат қиласан? Ғаразинг нима  
тентак?

Қуёш

Туҳмат эмас, сен қўлингни қонга ювдинг,  
жиноят қилдинг демоқчиман.

И с л о м

Қандай жиноят?

Қуёш

Тўй куни Шаҳриёрдан нима учун пул олдинг?

И с л о м

Ифтихорга Гулзорни унаштирганим учун.

Қуёш

Шаҳриёрга унаштирамоқчи бўлганинг учун  
эмасми?

И с л о м

Шаҳриёр Ифтихорнинг отаси бўлади, кофир.

### Қуёш

Ҳа, таассуфки, шундай оталар ҳам бўлар экан.

### Исло

Шаҳриёрдай яхши одам топилмайди, худо  
беҳабар.

### Қуёш

Шаҳриёр яхши одам бўлса, умри сургунларда  
ўтармиди? У қанча одамларнинг ёстигини қу-  
ритган? Биласанми? Ватанга кечагина қайтиб  
келди, мана тагин жиноят бошлади-ку? Сен  
ўшани яхши одам дейсанми? Сен Шаҳриёрга  
шериксан!

### Исло

Астоъфурулло. Астоъфурулло. Бемаҳал ўлимдан,  
ноҳақ тухматдан ўзинг сақла, ё оллоҳ.

Шаҳриёр кириб келди. Исло ҳам, Қуёш ҳам жим. Шаҳриёр  
ҳайрон.

### Шаҳриёр

Нега бунча таёқдай қотиб қолдинглар?

### Қуёш

Бу жиноят ҳар қандай одамнинг ҳам тилини  
боғлайди-да.

### Шаҳриёр

Қандай жиноят? Қандай тил?

### Қуёш

Гулзорни Ифтихорга олиб бериш ниқоби остида  
қилинган қонли жиноят.

### Шаҳриёр

(ҳамма нарсани англади)

Нима?

### Қуёш

Гулзорни Ифтихорга олиб бериш ниқоби остида  
қилинган қонли жиноят.



Шаҳриёр

Ё оллоҳ.. Бундай оғир жиноятни ким қилибди?

Қуёш

Тақсир, жанобингиз.

Шаҳриёр

Нима?

(Исломига.)

Сен туҳмат чиқардингми?

Исломи

Худо сақласин. Туҳматни Қуёш чиқармоқчи.

Қуёш

Мен туҳмат тўқимоқчи эмасман, тақсирлар.

Шаҳриёр

Нима демоқчисан бўлмаса?

Қуёш

Иккингиизнинг мудҳиш жиноятингизни халққа  
ошкор қилмоқчиман, халос.

Шаҳриёр

Туҳмат... Туҳмат... Бўхтон... Нақадар оғир  
бўхтон.

Исломи

Тилини кесмоқ керак бу туҳматчининг.

Қуёш

О, менинг тилимни кесиб бўлмайди, тақсирлар.

Шаҳриёр

Сен жинни бўлибсан, эсингни йиғ!

Қуёш

Сирингизни бутун халққа ошкор қиламан. Бу  
оғир жиноятни одамлар билсин. Ибрат бўлсин.  
(Хурсанд) Эсим жойида.

Учиб чиқиб кетди. Ислон ва Шаҳриёр ўзини йўқотган. Улар секин-секин бир-бирларидан узоқлашдилар. Сўнгра яна яқин келишиб бир-бирига қарадилар. Шаҳриёр этигининг қўнжидан пичоқ чиқарди.

Ш а ҳ р и ё р  
(Ислонга)

Бор. Бу дунё жиноятхона. Бу йўлга бир кирдингми, тўхташ йўқ. (Пичоқни берди.) Бор, унинг ёстигини қурит!

Ислон Қуёш орқасидан чиқди.

П а р д а

БЕШИНЧИ ПАРДА

унинчи кўриниш

Гулзорнинг хонаси. Кеч. У ёлғиз ўлтирар экан онаси Зулайҳо  
кириб келди.

Зулайҳо

Нима бўлди қизим, сени Ифтихор  
Ташлармиш деб эшитдим, ё бирубор!

Гулзор

Ҳа, ажрашга берган эмиш у қарор.

Зулайҳо

Билмадингми, нима учун ташларкан?

Гулзор

Билолмадим ҳар қанча уринсам ҳам.

Зулайҳо

Етмабдида қадрингга у муттаҳам.

Гулзор

Қўй қарғама, урма бағримга тикан.  
Менга ёмон сўзламайди битта ҳам,  
Ҳолати йўқ ранжитгиси келгудак.

Зулайҳо

Саргайибди ўзи ҳам хўп ўлгудак.  
Билмадингми, нима дарди бор экан?  
Ё бордию ёқмай қолибсанми сан?

Гулзор

Қўлимни ҳам ушлагани йўқ ҳали.  
Бир тикилиб қараганмас кўзимга.  
Эрта кетиб қайтар азон маҳали.  
Бирор қаттиқ сўз айтмади ўзимга.

Зулайҳо

Отасичи? Сенга қандай қарайди?

Гулзор

Қариганда тоза жинни бўпти у:  
Қачон кўрсанг соқолини тарайди,  
Ва ҳолбуки тупрөк еғар юзидан.  
Жинимдан ҳам бадтар ёмон кўраман.

Зулайҳо

Ҳар ҳолда у сенга қандай қарайди?

Гулзор

Ёмон эмас. Худо урсин муттаҳам.  
Бир кун кириб юзимдан бир ўпувди,  
Жоним чиқиб кўкрагидан итардим.

Зулайҳо

Нима бўпти, ота-ку, қайната ҳам?

Гулзор

(ғазаб и келиб)

Менинг билан бордир унинг на иши?  
Нима керак менга унинг ўпиши?  
Қайнатага берганмидинг, айтсангчи?

Зулайҳо

Болагинам тутоқмай тур сен пича.  
Бошим қотди гап тагига етмасдан.

Гулзор

Етолмайсан менинг умрим битмасдан.

Зулайҳо

Бу гапни қўй, сўрагин Ифтихордан.

Гулзор

Узинг сўра. Сўрай бериб муттасил,  
Ялинмоқдан, қайғурмоқдан бўлдим сил

Зулайҳо

Нима деди, ахир, ундан сўрасанг?

Гулзор

Қилма,—дейди,—аҳволимни бунча танг.  
Яна дейди: айтишликка тилим лол.  
Сомон бўпти у ҳам. У ҳам кўп увол.

Зулайҳо

Нима қилсам. Ҳеч бир чора йўқ менда.

Гулзор

(маломат қилади)

Нима учун энди шунча ожизсан?  
Сенмасмидинг мени тоза кўрқитган?  
Мен тегмайман, кўрқяпман деганда  
Кўп эдику чоралар жуда сенда?  
Юракларим орқасига тортганда  
Эмасмиди барча ботирлик сенда?

Зулайҳо

Наҳот сенга ёмон соғинган бўлсам,  
Минг розиман бу кундан кўра ўлсам.  
Қандай кунлар солдинг менга, ё оллоҳ.

Гулзор

(қаттиқ)

Менинг учун сиртмоқ бўлди бу даргоҳ. ✓ + →  
Ҳовлиқиб Шаҳриёр кирди. Узоқ пауза. Гулзор давом қилади.

Мени ёмон кўрган ёрнинг отаси  
Маслаҳат бер, энди лозим на қилсам?

Зулайҳо

Бўлар экан ҳар кимнинг ҳам хатоси.

Гулзор

Айтгин, ўглинг рози бўлар на бўлсам?

Шаҳриёр

(айёрларча)

Аста-аста кўникади, тутоқма,  
Узингни ҳам, мени ҳам ўтга ёқма.

Гулзор

Энди бас қил, тасалли вақти ўтди,  
Энди бориб пичоқ суякка етди.  
Даргоҳингда айтчи нима кўрдим мен.  
Келин бўлиб сенга нима бўлдим мен.  
Қай разолат ўраб олди мени, айт,  
Қайси ифлос бахтимни қилди қаро?  
Қай беномус умримни мотамсаро?  
Сен билмасанг, ким билади, қани айт?

Шаҳриёр

Беҳудага бунча ёнма, жон қизим.

Гулзор

Аллақачон ёниб бўлдим мен ўзим.

Шаҳриёр

Ҳеч бир гап йўқ, сени севар Ифтихор.

Гулзор

Кўзларимга кўринади фақат дор.

Шаҳриёр

Мен ҳам сени азиз дейман жонимдан.

Гулзор

Бас қил дейман, бор, кўзимга кўринма!  
Ерга қирсин муҳаббатинг, жонинг ҳам,  
Куйиб кетсин барча хону монинг ҳам.  
Йўқол бундан, остонамда уринма.

Ислоом кирди.

(Гулзор уни Зулайҳога кўрсатиб гапиради.)  
Мана кирди яна бир қадрдонинг,

Мана кирди яна бир севган жонинг.  
Сен шуларга мени қилдинг хомталаш.  
Ана қара тўн кийгизган меҳмонинг.  
Нега бунча бағринг экан сенинг тош.

И с л о м

Нима бўлди яна бунча, жон келин?

Г у л з о р

Келин деган тилларингни чалсин жин.

Ш а ҳ р и ё р

(Исломга)

Сен на учун юрибсан бу ерларда?

И с л о м

Сизни излаб, жон тақсир, қилманг зарда.

Ш а ҳ р и ё р

Буйруғимни, нима, бажо қилдингми?

И с л о м

Йўқ, тополмадим.

Ш а ҳ р и ё р

Бир одамни тополмасдан ўлдингми?  
Бор, шу замон тинмасдан ахтариб топ.

(Уни итариб чиқаради.)

Бунда юрма, вақт кетади, югур, чоп!

(Шаҳриёр ҳам чиқди.)

З у л а й ҳ о бир шубҳа ичида экан, уларни таъқиб этиб орқадан  
чиқди. Гулзор ёлғиз.

Г у л з о р

Менинг учун сиртмоқ бўлди бу даргоҳ,  
О, Ифтихор, билки менда йўқ гуноҳ. ✓  
Гарчи сенинг назарингда тупроқман,  
Лекин билки, худди қоғоздай оқман.  
Юқтирмадим мен ўзимга гард сира.  
Гунча каби пардаларнинг ичида,  
Сенга бўлган муҳаббатим беғубор,  
Наҳот мени ташлаб кетсанг Ифтихор.

(Қатъий.)

Йўқ, асло йўқ. Бизни ҳеч ким, ҳеч қачон  
Ажратолмас, тўкса ҳам ҳар қанча қон.  
(Май турган шишани олиб захар аралаштиради.)

Ва агарда ажрата олса ҳаёт,  
Иккимизни ўлим қўшар умрбод.  
Эшик секин очилди. Ифтихор кирди. Гулзор унга қаради.  
Шунчалик ҳам қиласанми интизор?

Ифтихор

(Гулзорнинг оёғига йиқилди)

Мени кечир, бўлолмадим лойиқ ёр.

Гулзор

Азобингда тоза тилинди сийнам.

Ифтихор

Мен кетаман бу даргоҳдан. Кет сен ҳам.  
Иложи йўқ бу даргоҳдан кетмасанг.

Гулзор

Ким келарди бу ерга сен бўлмасанг.

Ифтихор

Сенинг турар жойинг эмас бу даргоҳ.  
Бу даргоҳда қолмоқ жиноят, гуноҳ!  
Бу даргоҳда сенга лойиқ одам йўқ.  
Арзимаиди изинга ҳам Шаҳриёр.

Гулзор

Шаҳриёр?

Ифтихор

Ҳа, арзимас изинга ҳам Шаҳриёр.  
Тур ўрнингдан, бу даргоҳ нопок харом.

Гулзор

Қани айтчи, харомми Ифтихор ҳам?

Ифтихор

Ҳа, бу даргоҳ уни ҳам қилди бадном.  
Бу даргоҳдан тезроқ кетгин, маликам.



Ифтихорнинг гуноҳи ҳам бир дунё,  
Мана энди ялинаман бериё:  
Вақт ўтмасин ҳар соғия ғанимат,  
Бундан кетсанг сенинг иқбол, сенинг бахт.

Гулзор

Кетасанми ўзинг ҳам бу диёрдан?

Ифтихор

Сенга дейман, узоқ кет Шаҳриёрдан.

Гулзор

Шаҳриёрнинг курсин, эсимга солма,  
Шаҳриёр деб менинг жонимни олма.  
Мен сени деб яшайман бу дунёда.

Ифтихор

Аламларим борган сари зиёда.

Гулзор

Кетасанми сен ҳам бирга мен билан?

Ифтихор

Сен бундан кет, изларингни ўпаман.

Гулзор

Бўласанми менинг билан сен бирга?

Ифтихор

Ялинаман, бундан кетгин, сен тезроқ.

Гулзор

Ундай бўлса кирамиз бирга гўрга.  
(Шишани олади. Икки қадаҳга май қуюди.)

Кўп розиман, бу даргоҳдан кетмоққа,  
Бутун умр ёдинг билан ўтмоққа,  
Ва топарман хотирингдан тасалло,  
Лекин бизни ажратолмас ҳеч бало.  
(Қадаҳни узатади.)

Кел бўлмаса, яхшиликча алвидо!

Ифтихор

Сенинг тоза ва пок номусинг учун,  
Шаҳло кўзинг учун ичаман бу кун.

## Гулзор

Бир умрлик менинг обу азобим  
Сенинг бахтинг учун, эй офтобим,  
Этсанг ҳамки ўзингдан жудо  
Кел ичайлик, яхшиликча алвидо!

## Ифтихор

Алвидо!

Қадаҳларни кўтардилар. Ифтихор бирдан ичиб юборди. Гулзор унинг ичиб юборганини кўриб чиқолмади, «дод» деб юборди. Унинг қўлидаги май тўкилди, қадаҳ ерга тушиб жаранглаб синди. Ифтихор ерга йиқилди. У тўлғанади. Гулзор унинг олдида тиз чўккан.

Оҳ, на эди бу ичирган шаробинг?  
Энди нега бу қадар изтиробинг?  
Баҳорида очилмаган, эй гунча,  
Узум суви наҳот ёндирса шунча?

## Гулзор

Мени кечир, барчаси севганимдан,  
Сенинг учун дўзоҳда куйганимдан.  
Бўлганидан жаҳон кўзга қоронғу  
Шифо бўлиб кўринди менга оғу.

## Ифтихор

Аллақачон мен ажал шаробини  
Ичиб олиб тортардим азобини.  
Чунки менинг ўзим эдим гуноҳкор,  
Ожиз эдим, бежуръату беқарор.  
Толеимга чанг солганда бидъатлар,  
Мен қул бўлиб бўйин эгдим ҳар сафар.  
Килганида жиноят бағримни қон,  
Ўша замон кўтармадим мен исён.  
Ғам ўтида адо қилдим сени ҳам,  
Оғу бўлди ўзимнинг ҳам насибам.  
Яна қолди Хумор деган дилором,  
Унга тутдим букун хижрон тўла жом.  
(Ифтихор бир тўлғаниб, тушди, жон берди.) †

Гулзор кўрқиб «дод!» солиб юборди. Унинг додига ҳамма чопиб кирди. Қўшниллар, қариндошлар, ота-оналар, Қуёш, Хумор. Қуёш сўз бошлади, фақат у ҳамма нарсадан хабардор.

## Қ у ё ш

Қайда қолди Ислом' билан Шаҳриёр?  
Халқ олдида икки оғиз сўзим бор.

Ҳамма ўз атрофига қарайди. Улардан дарак йўқ. Қуёш турган-  
лардан бирига дейди.

Бор, уларни топиб келгин, сен тезроқ,  
Эл олдида мен қилайин бир сўроқ.

Одам чопиб чиқиб кетди. Ҳамма ҳайратда.

Уша нопок қурган ҳийла ва тузоқ  
Ҳаммамизнинг бағримизга солди доғ:  
Гулзор каби гўзал ва пок моҳитоб  
Осонликча тушмас эди қўлига,  
Ифтихорни қилиб олиб у ниқоб,  
Олиб келди охир у ўз уйига.  
У Гулзорни сотиб олди гўё мол,  
Ислом деган қабоҳат эски даллол  
Қизни сотиб орттирди молу дунё.  
Ифтихор ҳам, Гулзор ҳам бўлди увол,  
Муҳаббат ҳам, хоҳиш ҳам бўлди поймол;  
Инсоф эмас авжига чиқди риё.  
Бу даргоҳда ҳоким эди жиноят,  
Ифтихорни ўлдирди у ниҳоят.  
Ота эмас эди золим Шаҳриёр,  
Харом эди унга бу гўзал диёр.  
Яратаркан авлодлар букун чаман,  
Ҳаммасига бичар эди у кафан.  
Қилар эди оёқларни занжирбанд  
Жиноятлар қилганда бўлиб хурсанд.

## Ҳ а м м а

Жиноят, жиноят!

Ташқаридан бир неча одам чопиб кирди. Ҳали Шаҳриёр билан  
Исломга кетган одам ҳам қайтиб кирди. Ҳамманинг қулоғи унда.

## О д а м

Ўлдирибди ўзини у Шаҳриёр.  
Қаёққадир қочиб кетибди Ислом.

Ҳамма галаёнда. Қуёшнинг сўзларига тамом ишонган, Қуёшнинг  
овози яна жаранглайди.

Қуёш

Бошқа чора йўқ эди Шаҳриёрға,  
Уни охир адолат тортди дорға.  
Қочиб ҳеч бир қутулолмас у Ислоом,  
Қасосимиз ундан олар интиқом!

Ҳамма Ифтихор тепасида бош эгадилар.

Сўнг

—  
+

*На узбекском языке*  
ХАМИД АЛИМДЖАН  
ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ  
*том 2*  
*Баллады, поэмы, пьесы*  
*Гослитиздат УзССР - 1958 - Ташкент*

Рассом А. К. Ошейко  
Технич. редактор Я. Б. Пинхасов  
Бадий редактор С. А. Мальт.  
Корректор Н. Содиқов

\* \* \*

Босмахонага берилди 17/IX 1957 й. Босишга  
рухсат этилди 27/I 1958 й. Формати 84×108<sup>1/32</sup>—  
12,25 босма л. 20,09 шартли босма л. Нашр. л.  
18,24+7 вклейка. Тиражи 25000, Р 01029. Индекс:  
и/а. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти,  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Договор № 48—57

\* \* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздати-  
нинг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси,  
33, 1957. Заказ № 1432.  
Баҳоси лидерин муқовада 11 с. 30 т.  
Баҳоси қоғоз муқовада 10 с. 80 т. ●